

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ  
ЎРГАНИШ**

ТОШКЕНТ – 2005 й

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан маъқулланган

**Рустамбоев М.Х, Ахмедов Д.Қ, Хидиров С.М, Беков И.Р.** Ўзбекистон  
Республикаси Конституциясини ўрганиш .Дарслик.Т: .....  
2005 й.- 487 б

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонунларига таянган ҳолда ёзилган бўлиб, унда конституциявий институтлар ва нормаларнинг аҳамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ҳамда кафолатлари ҳақида, шунингдек, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва кўшимчалар киритилган нормалар моҳияти, давлат ва жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохатлар ўз ифодасини топган.

Дарслик барча олий ўқув юртларининг бакалавр йўналишида тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир-** юридик фанлари доктори, профессор О.Т. Хусанов

**Такризчилар:** юридик фанлари доктори, профессор А.Т.Тулаганов  
Юридик фанлари номзоди А.Б. Чулиев

**Тошкент 2005 й**

## Сўз боши

Ўзбек миллий давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда уни янада ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш ҳақидаги миллий давлатчилигимизнинг конституциявий ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантириб, такомиллаштириб бораётганлигимиздан фахрланиш, қониқиш ҳосил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бутун Ўзбекистон халқининг ўз равнақи учун олдига қўйилган муқаддас бурчидир. Бизга тарихдан маълумки, қадим замонлардан бери инсоният адолат ва ҳуқуқий кафолат учун курашиб келган. Ҳозирги давримизда ҳам бу муаммони ҳал этиш йўллари белгилаш ва ҳаётга татбиқ этиш долзарблигича қолмоқда. Мамлакатимизнинг асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмунини тарғиб ва ташвиқ қилиш жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш долзарб, устувор воқелиқдир.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг муваффақиятли амалга оширилишга боғлиқдир. Ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятни уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятни барпо этишда ҳамда фуқароларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Давлатимизнинг асосий Қонунида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг деярли барча принципиал қоидалари ўз аксини топган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизимнинг етуклигининг ифодасидир.

Ушбу китоб асосида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар замирида ноюрidik олий ўқув юртлири талабаларини Конституцияни ўрганиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги фармойишини ижросини таъминлашни амалий ифодаси бўлиб ҳисобланади. Фармойиш асосида 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатимизда узлуксиз ҳуқуқий таълимни боғчадан то олий ўқув юртлирининг энг юқори таълим босқичи магистратурагача Конституцияни ўрганиш ташкил этилди. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра давлат ҳокимияти тизими ислох қилинди. 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тегишли тартибда тузатиш ва қўшимчалар киритилди.

Ижро ҳокимиятинининг функционал вазифалари белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларида кўрсатиб ўтилган тартиблар асосида ташкил қилинди.

Мамлакатимиз ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатида суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда. Суд тизими ихтисослашуви амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Мазкур ўқув курси талабаларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун моҳиятини ўргатишга, ҳамда ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳи билан қарашга хизмат қилади.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ- ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ**

#### **1 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1.§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг тушунчаси ва предмети.**

**2.§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг методологик асослари.**

**3.§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг манбалари.**

**4.§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг вазифаси.**

#### **1.§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг тушунчаси ва предмети.**

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги энг дастлабки ва энг муҳим қадам Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ҳам демократия йўлида улкан бир қадам қўйиш учун катта тurtки бўлди. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга боғлиқ. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик

тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида эса махсус дарс сифатида ўрганишни<sup>1</sup> вазифа қилиб қўйди.

Шундан келиб чиқиб, фармойиш асосида 2001 йил 1 сентябрдан мамлакатимизда узлуксиз ҳуқуқий таълимнинг асоси ҳисобланмиш Конституцияни ўрганиш боғчадан бошлаб то олий таълимнинг юқори босқичи ҳисобланадиган магистратурагача ташкил этилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бутун Ўзбекистон халқининг юксак ва масъулиятли бурчидир .

Конституция - Асосий қонун сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади, чунки Конституцияда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ҳамда мухтасар баёнини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат идоралари тизимининг фаолият юритишини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ўз ифодасини топган

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг предмети бу конституциявий институтлар ҳақида тасаввурлар ва билимлар, конституциявий нормалар ва улар орқали тартибга солинадиган муносабатлар тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси ўзига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг кафолатлари ва бурчларини, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини, сайлов тизимини, ҳокимият тизими ва давлат органлари тизимини ташкил этиш ҳамда фаолиятининг асосий принципларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш асосларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси конституциявий институтлар ва нормаларни ҳақида билим ва тасаввурлар ва уларнинг ривожланишларини ўрганади.

**Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси ўзига ҳос предметга эга.**

**Унинг предмети асосан ижтимоий-сиёсий муносабатлар ташкил этади.**

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов "Конституция тўғрисида" Тошкент, 2001, 153 – бет.

Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиш курси шахс, жамият ва давлат ўртасида вужудга келадиган ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими (йиғиндиси)дир.

## **2.§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг методологик асослари.**

Ушбу ўқув курсининг ўрганишда билиш назариясининг қуйидаги услублари (методлари) кенг қўлланилади.

1. тарихий услуб- конституциявий-ҳуқуқий нормаларни нима учун ва қандай вужудга келганлиги, ривожланганлигини таҳлил қилиб уларни моҳияти ва вазифаларини очиқ беради
2. қиёсий услуб- бошқа ҳуқуқий тизимларнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ўрганиб ҳуқуқий нормаларининг самарали моделини яратишга имкон беради.
3. тизимли услуб- ҳуқуқни ягона тизим сифатида унинг нормалари , институтлари ва бошқа ҳуқуқий ҳодисалар ўртасидаги алоқаларини ўрганиш орқали ҳуқуқ соҳасини такомиллаштиради
4. социологик услуб- ҳуқуқий нормаларни ижтимоий муносабатлардаги ўрнига нисбатан жамоат муносабатини ўрганиш орқали ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга имкон яратди.
5. статистик услуб- нормаларни амалга ошириш натижалари ва кўрсаткичларини йиғиш ва уларни таҳлил қилиш орқали ҳуқуқий нормалар самарадорлигини кузатишга, ўрганишга имкон яратади.
6. шаклий юридик усул- соҳа, институтлар ва нормалар ички тузилиши нормани шаклий аниқлигини, уларни тизимлаштиришни таҳлил қилади.

## **3.§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг манбалари.**

Давлат ҳокимияти жамият эҳтиёжларидан ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий

нормаларни қабул қилди. Ҳар қандай конституциявий нормада давлат ҳокимиятининг муайян иродаси ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси манбаларидан бири бу – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва жамият тузилиши, давлат сиёсатининг йўналишлари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, миллий давлат маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат органларининг ташкил топиши ва фаолиятининг асосий принциплари юридик асослар мустаҳкамланган. Конституция юридик кучи бўйича давлатнинг ҳамма ҳуқуқий нормалардан юқори туради ва ўзининг баъзи нормалари билан ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари учун манба вазифасини бажаради.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ҳам манба ҳисоблади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган конституциявий ва жорий қонунлар ҳам манба бўлади. Конституциявий қонунларда конституциявий нормаларига аниқлик киритиш, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади. Конституциявий қонунларни қабул қилиш тартиби жорий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Конституциявий қонунларни қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 2/3 қисми овоз бериши талаб этилади, жорий қонунларни қабул қилишда эса депутатларнинг овоз бериши етарли бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари киради. Фармон фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Конституция ва қонунларга мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади. Давлат қурилиши ва жамият ҳаётини ислоҳ қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан муҳим фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилинмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳам ҳисобланади. Бундай қарорларда республика Президенти томонидан белгиланган вазифалар ҳуқуқий асосда батафсил ёритилиб берилади ва аниқ чора тадбирлар билан мустаҳкамланади.

6. Маҳаллий ҳокимиятнинг баъзи бир қарорлари ҳам манба бўлиши мумкин. Бундай қарорларга халқ депутатларининг Кенгашлари томонидан



тасдиқланган, Кенгашларнинг кўмита ва комиссиялари, депутатлар гуруҳлари тўғрисидаги низомлар, уларни иш тартиблари тасдиқловчи қарорлар мисол бўлади. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳужжатлари Конституция, қонун, фармон, ҳукумат қарорлари, марказий давлат бошқарув органлари актларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш учун чиқарилади. Улар ўз ҳудуди доирасида конституциявий ҳуқуқ предметиға кирувчи масалаларни тартибга солади.

Ушбу уқув курсининг манбалари Конституцияда белилаб қўйилган.

#### **4.8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганиш курсининг вазифаси.**

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ҳуқуқи” курсини ўқитишдан мақсад талабаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Асосий Қонун сифатида жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрнини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва бурчларини, Конституциявий қонунлар ва ҳуқуқ манбаларининг хусусияти тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курсини вазифалари қуйидагилардан иборат: талабаларға Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришни, давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини, фуқаролик жамиятини шакллантириш масалаларини, давлат ҳокимияти ташкил этиш тамойилларини, олий ва маҳаллий давлат органлари фаолиятини ва уларнинг тизимини, демократик институтлардан бири ҳисобланган сайлов тизимини ва унинг мазмунини, давлат ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларни яқиндан таништириш.

Маълумки, ўтган давр мабойнида, хусусан 2002-2005 йиллар орасида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида жуда кўп ислоҳотлар амалға оширилди ҳамда бир қанча янги қонунлар қабул қилинди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, ушбу ўқув қўланмада қуйидаги янги ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда ўзгаришлар ўз аксини топди:

- Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат ҳокимияти тизимида икки палатали парламент тизими қарор топди ҳамда Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтди;

- Президентнинг ваколат муддати узайтирилди;

- ижро ҳокимияти таркиби янгидан ташкил этилиб, унинг вазибалари аниқ йўналтирилди;

- давлат ҳокимиятининг шаклланишида муҳим институт ҳисобланган сайлов тизимида айрим ўзгаришлар рўй берди;

- суд-ҳуқуқ тизими тубдан либераллаштирилди.

Ушбу ўқув қўлланма талабаларнинг конституциявий-ҳуқуқий онги юксалиши ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида баҳоли қудрат хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, Конституциянинг асосий моҳияти, ...шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдида мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўллари ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.<sup>2</sup>

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг предмети нимани ўргатади?

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг манбалари ҳақида нималарни биласиз?

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг урганиш услубларини санаб беринг?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсининг вазибаларини нималардан иборат?

### **Фойдаланадиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.

---

<sup>2</sup> И.А.Каримов. “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Т., “Ўзбекистон”. 1997. 258-бет.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т., «Ўзбекистон», 1993.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т., «Ўзбекистон», 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши
7. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). —Т., «Шарқ», 2001.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Молия нашриёти. 2002 й. 632.б.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ**  
**ТУЗУМИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**2 БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ.**

- 1§. Конституция тушунчаси, моҳияти ва белгилари.**
- 2§. Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида.**
- 3§. Конституцияларнинг функциялари.**
- 4§. Конституция шакллари.**
- 5§. Конституцияни қабул қилишнинг асосий хусусиятлари**
- 6§. Конституция турлари**
- 7 §.Конституцияни ўзгартириш тартиби**

**1-§. Конституция тушунчаси, моҳияти ва белгилари.**

Конституция латинча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “ўрнатаман” деган маънони беради. Латинчадан олинганининг сабаби қадимги Рим империяси даврида давлат бошлиғи – императорлар томонидан худди шу ном билан аталадиган ва қонунга тенг бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳозирги замон маъносини берадиган "Конституция" тушунчаси XVIII аср охирида пайдо бўлган ва дунёда биринчи Конституция сифатида 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституцияси тан олинади. Конституцияга ҳозирга қадар жуда кўплаб назарийчилар томонидан таърифлар берилган.

Конституция – бу принципал аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этган ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш меъёрини белгиловчи давлатнинг асосий қонуни бўлиб, унда давлатнинг қурилиши, ҳуқуқий тизими ҳамда энг асосийси давлат билан аҳоли ўртасидаги муносабатлар акс этган юридик ҳужжатдир.

Конституцияга тушунча беришда кўпчилик конституционалистлар унинг моҳиятидан келиб чиқади. Конституция моҳиятига турлича ёндашувлар мавжуд:

Биринчидан, Конституциялар шундай жамиятда қабул қилинадики, бунда бу жамиятлар ижтимоий тузумида инқилобий ўзгаришлар рўй бериб, давлат ҳокимиятига эгалик қиладиган бир ижтимоий гуруҳ вакиллари ўрнини бошқа ижтимоий гуруҳ эгаллаб олганда Конституция сиёсий мувозанатни, кучлар нисбатини сақлаб туради (Масалан, кирол ҳокимияти чекланиб, парламентнинг мавқеи ошганда).

Иккинчидан, кўпинча Конституцияларда, улар қабул қилинган пайтдаги давлат ҳокимиятига таъсири катта бўлган сиёсий кучларнинг манфаатлари кўпроқ акс этган бўлади (Масалан, Франциянинг 1946 йилги Конституциясида фашизм устидан қозонилган ғалаба, сиёсий майдонда миллатчилик кайфиятига қарши кучлар, ҳаракатларнинг таъсирини ошгани ўз ифодасини топган).

Учинчидан, Конституциялар реал ҳаётда давлат ҳокимиятига халқ эгалик қиладиган жамиятлардагина қабул қилинади. Бундай жамиятлар кўпинча демократик жамият сифатида эътироф этилади.

Тўртинчидан, Конституция давлатнинг ўз ҳокимиятини амалга оширишда маълум бир чегарасини белгилайдиган, давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатдан келиб чиқадиган шартлашилган ҳужжатдир. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафили бўлса, фуқаролар ўз навбатида давлат олдидаги бурчларини бажаришлари шарт.

**Аксарият хорижий мамлакатларда ушбу бош манба “Конституция” деб аталса, айрим давлатларда Конституциялар ўзига хос номларга эга. Масалан, Германияда “Асосий қонун”, Колумбияда “Сиёсий конституция”, Монакода “Конституцион ордананс” деб номланади.**

Замонавий Конституцияларнинг моҳияти умуминсоний, ҳуқуқий қадриятларни ва умумдемократик асосларни мустаҳкамлашда ифодаланади. Улар ҳар бир инсон тенг ҳуқуқли фуқаро бўлиб фаолият юрита оладиган

давлатда яшашини тарғиб қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган конституция ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат қуриш конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи иродасининг ифодасидир ва бу ирода умумдемократик принципларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир<sup>3</sup>

Дунё конституционализи ўзининг ривожланиши мобайнида тарихдаги кўплаб ижтимоий –сиёсий воқеликлар таъсири остида бўлиб келди. Шунинг учун турли даврларда кўплаб мамлакатлар томонидан қабул қилинган Конституциялар, уларда мустаҳкамланган нормалар ва тартибга солинган ижтимоий муносабатлар кўламига қараб, шунингдек Конституциялар қабул қилинган давр талабларидан келиб чиқиб, уларни мазмунан ҳар хил ривожланиш босқичларига бўлиш мумкин. Албатта бунда Конституциялар йиллар сайин мазмунан бойиб, мукамаллашиб борган. Ҳозирда аксарият адабиётларда Конституцияларнинг ривожланиш босқичлари тўртга бўлиб ўрганилади.

Биринчи босқич XVIII аср охиридан XX аср бошларигача давом этиб, бу конституцияларга АҚШ Конституциясидан ташқари, Польша ва Франциянинг 1791 йилда, Норвегиянинг 1814 йилда, Белгиянинг 1831 йилда, Люксембургнинг 1868 йилда, Швейцариянинг 1974 йилда қабул қилинган Конституциялари мисол бўлади. Бу босқичда қабул қилинган Конституциялар фақат давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат органлари фаолиятини ва ўзаро муносабатларини тартибга солиш билан чекланиб қолди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кам эътибор берилиб, фақат айрим табиий ҳуқуқлари эътироф этилди. Бу албатта бир томондан ўша давр учун катта ютуқ ҳам эди.

---

<sup>3</sup> У.Таджиханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи., “Шарқ” Тошкент 2001й. ИИВ. Академияси. 85-86 бетлар.

Иккинчи босқич Конституцияларига иккита жаҳон уруши оралиғида қабул қилинган собиқ Иттифоқ Конституциялари, шарқ мамлакатларидан Туркия, Эрон, Миср каби давлатларда анъанвий мусулмон ҳуқуқига асосланган Конституциялар қабул қилинди. Бу даврга келиб фуқароларнинг социал ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий даражада мустаҳкамланди. Шунингдек, Конституцияларда бу даврга келиб анча мураккаблашган давлат бошқаруви, ижро ҳокимиятининг кучайиб кетиши каби унсурлар ҳам ўз аксини топди.

Учинчи босқич иккинчи жаҳон урушидан ўтган асрнинг 80 йилларига қадар давом этиб, бу давр чинакам конституционализм даври бўлди. Чунки айнан шу йилларда дунё харитасида жуда кўплаб давлатлар пайдо бўлиб, бир неча ўнлаб Конституцияларни қабул қилинишига олиб келди. Шунингдек, жаҳон тараққиёти янги босқичга қадам қўйганлиги боис айрим давлатларда конституциялар қайта қабул қилинди (масалан, Германия, Япония, Италия ва Францияда). Бу босқич Конституцияларининг ўзига хос хусусиятлари: илк бора сиёсий партиялар фаолияти Конституцияларда кенг қамровли тарзда мустаҳкамланди, иқтисодиётнинг конституциявий асослари ва бошқа кўплаб янги-янги ҳуқуқий институтлар вужудга келди. Инсон ҳуқуқларига биринчи ўринга кўтарилди.

Тўртинчи босқич ҳозирги замон Конституциялари бўлиб, унда асосан барча нарса инсон учун деган ғояга таянади ҳамда инсон омили ҳамма нарсадан устунлиги эътироф этилади. Шунингдек, глобаллашиб бораётган экологик муоммолар ҳам конституциявий даражада ўз ечимини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам айнан шу давр Конституциялари туркумига киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг конституциявий ривожланиш тарихига эга ва бу даврларни шартли равишда учга бўлиб ўрганишимиз мумкин.

1. Ўзбекистон тарихида илк Конституция 1918 йилда қабул қилинган Туркистон АССР нинг Конституцияси ҳисобланади. Ушбу

Конституция биринчи давр Конституцияларига мисол бўлиб, улар қаторига БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) ҳамда ХХСР (Хоразм Халқ Совет Республикаси)нинг Конституциялари ҳам киради.

2. 1924 йилда ўтказилган миллий чегараланишдан сўнг вужудга келган Ўзбекистон ССР Конституциялари (1927, 1937, 1978).

3. Бош қомусимиз бўлмиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияси.

**Биласизми, Франция тарихида ҳозирга қадар 17 мартаба Конституция қабул қилинган бўлиб, охириги эса 1958 йилги Конституция ҳисобланади.**

Конституция энг муҳим ҳужжат сифатида қуйидаги юридик белгиларга эга:

- Конституция-давлатнинг асосий қонунидир. Ҳар бир демократик давлатда Конституция муқаддас саналиб унга сўзсиз амал қилиш лозим. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, Конституциянинг асосий қонун сифатида мавқеини сақлаб қолиш билан баробар.

- Конституция олий юридик кучга эга. Ҳар қандай давлатни олиб қарамайлик у ўзининг миллий қонунчилик тизимига эга бўлади. Қонунчилик тизими эса бирор бир ҳуқуқий асосга таяниши муқаррар ва бу асос ролини Конституция бажаради. Ҳар бир қонун ва қонун ости норматив ҳужжатлар албатта Конституцияга асосланиши шарт.

Конституция томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни муҳимлиги ва тартибга солиб турувчи нормаларини бирламчи равишда тан олинishi бошқа норматив ҳужжатларни конституцияларга мослигини текшириш учун алоҳида ҳуқуқий ҳимоя механизмини ҳам талаб қилади.

- Конституция ўзининг алоҳида объектига эга бўлади. Жамиятда шундай муносабатлар мавжудки уларни фақат Конституция даражасида тартибга солиш керак. Масалан, давлат ҳокимиятини амалга ошириш принциплари,



давлатнинг бошқарув ва тузилиш шаклини белгилаш, олий давлат органларининг мақомини мустаҳкамлаш каби масалалар.

- Конституция - алоҳида тартибда қабул қилинади ва ўзгартирилади. Конституцияларни қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш оддий қонунларни қабул қилиш ва ўзгартиришдан фарқ қилиб, парламент томонидан малакали кўпчилик овоз асосида ёки референдум орқали ҳал қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

- Конституция-муҳим сиёсий ҳужжатдир. Чунки, давлат сиёсий тизимининг асосини ташкил этади. Ушбу тизим мамлакатнинг олиб бораётган сиёсий майдондаги фаолияти орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя этиш учун хизмат қилади. Шунингдек унда бошқа сиёсий йўналишлар ҳам акс этиши мумкин.

- Конституция барча ҳуқуқ тармоқларининг асосини ташкил этади. Конституция миллий қонунчиликда мавжуд барча ҳуқуқ тармоқлари учун фундаментал аҳамият касб этади.

## **2-§. Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида.**

Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла қафолатлашдир. Бунинг учун аввало, Ўзбекистонда ҳуқуқий асос яратилди, яъни республика Конституцияси ва қабул қилган қонунларда умум эътироф қилинган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва уларнинг қафолатлари белгилаб қўйилди.

Давлатимизнинг асосий Қонуни – Конституциямиз вақт синовидан муваффақиятли ўтди ва кундалик ҳаётимизнинг ривожланиши ва унинг истиқболлини белгилашда хизмат қилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўз мамлакатимиз буюк келажагининг асосий ҳуқуқий кафолати эканлигини тўла исботлади. Конституция жамиятнинг ривожланишида ва давлат қурилишида янги босқичга ўтишга далолат берувчи ижтимоий- сиёсий ўзгаришларга асос солди. Конституция қабул қилингандан буён ўтган давр ичида мамлакатимизда халқимиз ҳаётида асрлар мобайнида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларга эришди. Юртимиз шўролар давридан мерос бўлиб қолган чуқур иқтисодий таназзулдан қутулди, ўтказилаётган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ислохатлар туфайли бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт қарор топди, демократия тамойилларига асосланган миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқ тизимимиз шаклланди, ижтимоий –маданий соҳа барқарор ривожланиб бормоқда, кишиларимизнинг маънавий қиёфаси янгиланмоқда, уларнинг онгига истиқлол ғояси тобора чуқурроқ сингиб бормоқда, мустақил ёш давлатимиз халқаро жамиятда ўз ўрнини топди. Унинг халқаро миқёсда нуфузи ошиб бормоқда, жаҳон сиёсатини белгилашда роли кучаймоқда.<sup>4</sup>

### **3-§. Конституцияларнинг функциялари.**

Бутун дунё миқёсида олсак ҳар қандай Конституция ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатиб, асосан учта функцияни амалга оширади.

1. Юридик функцияси – Конституция ўз моҳият мазмунига кўра юридик ҳужжат саналиб, ҳуқуқнинг асосий манбаидир. Конституцияларнинг юридик функцияси қуйидагиларда кўринади:

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси” мавзусидаги илмий анжуман материаллари, ТДЮИ. Тошкент. 2003, 7- бет.

- мамлакат ҳуқуқ тизимининг қандай кўринишга эга эканлигини ўзида ифодалайди;
- Конституциявий нормалар ижтимоий ҳаётнинг (иқтисодий, сиёсий ва социал) энг муҳим томонларинигина ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади;
- давлатда қабул қилинадиган барча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар учун бош манбаа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бирорта норматив ҳуқуқий ҳужжат юридик кучига кўра конституциядан устун бўлолмайди;
- Конституциялар ўзининг алоҳида муҳофаза чораларига эга бўлгани учун унга зид бўлган ҳар қандай ҳужжат тегишли тартибда ўз кучини йўқотиши шарт.

2. Сиёсий функцияси – Конституция айти вақтда ўта муҳим сиёсий ҳужжат сифатида:

- давлат ҳокимиятининг ташкил этилишининг асосларини ўрнатади;
- давлат томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишларини белгилаб беради;
- Конституцияда давлатнинг сиёсий мақсадлари ва функциялари ўз ифодасини топади.

3. Мафкуравий функцияси – Конституциялар жамиятнинг энг асосий маънавий ғоявий қадриятларини ўзида мустаҳкамлаб, аҳолини бир ёқадан бош чиқаришга кўмак беради. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкурвий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун ҳоҳ тарихдан, ҳоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.<sup>5</sup> Конституцияларда мафкуравий ғояларни акс этиши жамият тараққиётининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Ҳар қандай Конституция у ёки, бу кўринишда бирор бир мафкурага таянади. Бу нарса Конституциялар қабул қилинган

<sup>5</sup> И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 1999 йил, 32 бет.

пайтдаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига ҳам боғлиқ. Масалан, бирор бир давлат мустамлакачиликдан мустақил давлат сифатида ташкил топган бўлса, унинг Конституциясида албатта миллийлик, истиқлол ғоялари акс этади.

#### **4§. Конституция шакллари**

Конституция шакли деганда, конституциянинг моҳиятини шакллантириш, ифодалаш ҳамда намоён этиш воситаси тушунилади. Бу таъриф, бир томондан, конституциянинг ички шаклини, яъни мазмунининг ички ташкилий тузилишини (структурасини) акс эттиради; иккинчи томондан, конституциянинг ташқи ифодаланишини англатади<sup>6</sup>.

Конституцияларнинг ички тузилиши (структураси) хусусида сўз юритиларкан, албатта кодификацияланган, олий юридик кучга эга бўлган барча нормаларни қамраб олган яхлит ва ягона ёзилган конституция назарда тутилади. Унинг ички тузилиши асосан андозавий кўринишга эга: аввал Муқаддима, Асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади. Муқаддимада одатда конституция мақсадлари баён қилинади, унинг юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари тавсифлаб берилади, баъзан эса ҳуқуқлар ва эркинликлар ёхуд давлат сиёсатининг раҳбарий ибтидолари эълон қилинади.

Конституциянинг ушбу қисми сиёсий ва ғоявий нуқтаи назардан жуда муҳимдир. Муқаддимадаги қоидалар ҳуқуқий нормалар бўлиб ҳисобланмасда, бошқа қоидаларни шарҳлаш ва қўллашда норматив аҳамиятига эгадир, яъни Муқаддималар конституция нормалар шарҳланиши лозим бўлган йўналишларни кўрсатиб беради.

Конституциянинг Асосий қисмида инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий тузум асослари, давлат органларининг тизими ва статуси (даражаси) давлат тимсоллари, конституцияга ўзгаришлар киритиш тартиби туғрисидаги нормалар берилади.

---

<sup>6</sup> Таджиханов У ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юрглари учун дарслик/ У. Таджиханов, Х. Одилқориев, А. Саидов. Масъул муҳаррир акад. Ш.З.Ўразаев. -Т: Шарқ, 2001.-105б

Давлат органлари статуси тўғрисидаги нормалар одатда ҳокимиятнинг тақсимланиши пиринципига мос равишда берилади; кўпинча аввал парламент тўғрисидаги, ундан кейин суд ҳокимияти тўғрисидаги ва ниҳоят маҳаллий ҳокимиятнинг ташкил этилиши тўғрисидаги нормалар берилади. Баъзан эса бутунлай бошқача тартиб ҳам кўзга ташланади. Масалан, Испания Конституциясида аввал бошида давлат бошлиғи тўғрисидаги, сўнгра эса конституциявий адлия органлари тўғрисидаги нормалар берилган. Баъзан нормаларнинг берилиш тартиби давлатдаги баъзи органларнинг бошқаларига нисбатан устувороқ нуфўзга эга эканлигини ҳам кўрсатади. Масалан, Франция конституциясининг Асосий қисмида аввало Республика Президенти тўғрисидаги, иккинчи ўринда ҳукумат тўғрисидаги нормалар берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Маҳаллий давлат ҳокимияти, Суд ҳокимияти тўғрисида нормалар бериб ўтилган.

Хулосавий қоидаларда турли нормалар бўлиши мумкин. Одатда хулосада конституциянинг кучга кириш тартиби, ҳокимиятнинг янгидан ташкил этилаётган органларнинг ташкил этилиш муддатлари, органик ва бошқа қонунлар чиқарилиш муддатлари кўрсатилади.

Вақтинчалик қоидаларда бирданига амалга киритиш имкони бўлмаган конституциявий нормаларининг амалга киритилиши муддатлари, эски конституциявий нормаларнинг янгилари билан алмаштириш тартиблари ва муддатлари кўрсатилади.

Конституциянинг қўшимча қоидалари асосий қисмга қараганда бошқачароқ берилади ва улар кўпинча шарҳлаш характерида бўлади. Баъзи бир истиснолар ҳам одатда қўшимча қоидалар қисмидан жой олади.

Конституциянинг ички шакли куйидаги элементларнинг мажмуидан иборат:

- 1) конституцияни ишлаб чиқиш тартиби;

- 2) конституцияни расмийлаштириш, қабул қилиш тартиби;
- 3) конституцияни тасдиқлаш тартиби;
- 4) конституциянинг ички тузилиши.

Конституцияга ҳаётга татбиқ этилиши, унинг ҳаракатланиши, амалга ошириши учун юқоридагилар ҳали етарли эмас. Бунинг учун конституциянинг ташқи жиҳатини ташкил этувчи элементлар, яъни ташқи шакли ҳам зоҳир бўлиши лозим. Ташқи шакл конституциянинг амалга оширилиш шаклини ҳам назарда тутди.

Конституциянинг ташқи шакли қуйидаги элементлардан (қисмлардан) таркиб топади:

- 1) конституциянинг номланиши;
- 2) конституцияни кучга кнритиш тартиби (шакли);
- 3) конституцияни амалга ошириш тартиби;
- 4) конституцияни ўзгартириш (қайта кўриб чиқиш) тартиби;
- 5) конституцияни муҳофаза этиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси тузилиши унинг мазмунига тўла мувофиқ бўлиб, шахс, жамият ва давлат оддида турган вазифаларни самарали ҳал этишга кўмак беради. Мамлакатимиз Конституцияси муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 -модддан иборат.

Муқаддима қисқа бўлиб, кўтаринки руҳда ёзилган. Унда: конституцияни халқ, яъни давлат ҳокимиятининг ҳақиқий соҳиби қабул қилади ва унда ўз иродасини ифода этади. Агар биринчи бўлим конституциявий тузумнинг асосий принциплари йиғиндидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар мавжуд.

Республика Конституциясининг Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисидаги бўлими кенг берилиши конституциянинг моҳиятидан келиб чиқади. “шахс-жамият-давлат” муносабатларни тартибга солиниши конституциянинг туб моҳиятини ташкил этади. Бунда шахс омили биринчи ўринда қўйилган.

Учинчи бўлимда эса Жамият ва шахс муносабатлари тартибга

солиниб, фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган нормалар мавжуд.

Тўртинчи бўлим маъмурий ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боб бор.

Бешинчи бўлимда Давлат ҳокимиятини ташкил этилиши деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президентнинг ҳуқуқий мақоми, ижро ҳокимиятини, маҳаллий давлат органлари, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий мақомлари кўрсатиб ўтилган. Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини ўз ичига олади.

#### **5-§. Конституцияни қабул қилишнинг асосий хусусиятлари**

Конституциянинг қабул қилишнинг қуйидаги усулларини кўрсатиш мумкин:

1. Таъсис (конституциявий) мажлис томонидан. Бразилия (1988), Португалия (1976), Болгария (1991), Руминия (1991) Конституциялари шу усул билан қабул қилинган.

2. Амалдаги парламент томонидан- Ўзбекистон (1992) Хитой (1992), Танзания (1977) Конституциялари мисолида.

3. Референдум йўли билан-Россия (1993), Франция (1958), Қозоғистон (1995), Куба (1976), Чили (1980) каби давлат конституциялари референдум йўли билан қабул қилинган.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда Конституциялар ҳада этиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Ҳада этишнинг 3 йўли мавжуд:

1. Мутлақ монархия шароитида Конституцияни ўз халқига подшо, кирол, султон, монарх ҳада қилади. Буни Непал (1962), Саудия Арабистони (1992) Конституциялари мисолида кўришимиз мумкин.

2. Митрополия мустамлакачи давлат ўз мустамлакасига Конституция ҳада қилади ва унинг мустақил давлатлигини тан олади. Буюк Британия 1979 йил Зимбабвега Конституция ҳада қилган.

3. Ҳарбий ёки революцион Кенгаш Конституцияни ҳада қилади. Масалан, Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон Конституциялари шу тарзда қабул қилинган.

Конституцияни қабул қилиш тартиби оддий, жорий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Янги конституциялар одатда янги давлат вужудга келганда, мамлакат сиёсий тузуми ўзгарганда, давлатчилик ривожига жиддий туб ўзгаришлар бўй берганда қабул қилинади. Конституцияни тузиш ва қабул қилишнинг бир қанча усуллари бор. Албатта, конституциянинг лойиҳасини тайёрлашдан то қабул қилишгача бўлган барча ишларни парламент мажлисларида узлуксиз амалга ошириш мушкул. Шу сабабли конституция лойиҳасини тайёрлаш учун махсус конституциявий комиссия ташкил этилади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши янги конституция лойиҳасини тайёрлаш учун конституциявий комиссия ташкил этган эди.

Умуман олганда, конституцияни тайёрлаш, уни қабул қилиш бошқа оддий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Чунки конституция — бу давлатнинг Асосий қонуни, ҳуқуқ тармоқларининг манбаи ҳисобланади, шунинг учун у бошқа қонун ва норматив ҳуқуқий актлардан ўзининг юридик кучи бўйича устун туради.

Конституцияни қабул қилиш жараёни оддий қонунларни қабул қилиш тартибидан қуйидагилар билан фарқ қилади.

1. Оддий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида ва бошқа қўмиталарида ишлаб чиқилади ва муҳокама қилиниб, навбатдаги ялпи мажлисда қабул қилинади. Конституция лойиҳаси эса Олий Мажлис палаталари томонидан махсус тарзда тузилган муваққат конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилади.



2. Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун тажрибали сиёсий арбоблар, жамият турмушининг турли жабҳаларида танилган мутахассислар ва ҳуқуқшунос олимлар жалб этилади. Мазкур шахслар олий вакиллик органи депутати бўлмасалар ҳам, конституциявий комиссияга жалб қилинадилар.

3. Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёни оддий қонунлар лойиҳасини тайёрлашга нисбатан анча давомли бўлиб, мукамал ишлашни талаб этади.

4. Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, албатта умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Қабул қилинган конституцияни тасдиқлаш маросими ҳам турли давлатларда ҳар хил. Бундай тартиб асосан, федератив шаклда ташкил қилинган давлатларда амал қилади. Қабул қилинган конституция барча федерация субъектлари томонидан тасдиқланиши, яъни уларнинг парламентлари томонидан ратификация қилиниши шарт бўлади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган конституцияни ратификация қилиш шарт эмас.

Қабул қилинган конституцияни кучга киритиш тартиби ҳам турли мамлакатларда ҳар хил белгиланади. Кўпчашк мамлакатларда конституцияни кучга киритиш алоҳида ҳал қилинади. Баъзи давлатларда бу уни матбуотда эълон қилиш билан амалга оширилади. и

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси у қабул қилинган куни, яъни 1992 йилнинг 8 декабрида алоҳида қонун билан кучга киритидди.

Конституциянинг алоҳида хусусиятларидан бири унинг таъсис этувчилик, яъни янги органлар тузиш, янги қонунлар ижод қилиш хусусиятидир. Конституция қабул қилинганидан кейин, давлатнинг бутун янги органлари тизими ҳамда конституцияда кўрсатилган қонунлар вужудга келади.

## 6-§. Конституция турлари

Сўнгги икки юз йилдан ортиқ конституциявий тараққиёт мобайнида турли мамлакатларда ниҳоятда кўп конституциялар қабул қилинди. Уларнинг ички композицияси (тузилиши), тартибга соладиган масалалари, ташқи белгиларида ўхшашликлар мавжуд бўлсада, барча конституцияларни мазмуни, моҳияти, ижтимоий вазифаларига кўра таснифлаш маълум турларга ажратиш мумкин.

Конституцияларни уларнинг умумий хусусиятлари асосида таснифлаш, турли тоифаларга ажратиш кўп сонли конституциялар ичида мўлжал олишни осонлаштиради, улар орасидаги қонуниятли алоқаларни аниқлашга, ҳуқуқий тизимдаги аҳамияти ва ўрнини белгилашга имкон беради. Энг муҳими, дунёдаги конституцияларнинг ижтимоий йўналишини, мазмуни ва моҳиятини англашга кўмаклашади.

Таснифлаш дунёвий конституциявий қонунчиликнинг умумий манзарасини кўз олдимизга келтириш имконини яратади. Тўғри, таснифлашнинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериб юбормаслик лозим. Конституцияларни таснифлаш аслида шартли бўлиб, у ҳар бир конституциянинг қабул қилиниш шарт-шароитини, унда ифодаланадиган сиёсий кучлар нисбатини, мамлакатнинг тарихий ва миллий анъаналарини тўла тўқис қамраб ололмайди.

Бироқ таснифлаш ёрдамида конституцияларнинг умумий, моҳиятига оид белги ва хусусиятларини, табиатини англаш мумкин. Кенг маънода олганда, таснифлаш бизнинг конституциялар ҳақидаги билимларимизни аниқроқ шакллантиради ва тизимлаштиради.

Турли мамлакатлардаги конституцияларни турли мезонларга (критерияларга) асосланиб, ҳар хил гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.

Биринчидан, Конституцияларни уларнинг моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- Юридик Конституция (формал)-давлатнинг Асосий Қонуни.

- Ижтимоий (социал) Конституция (амалий)-амалдаги реал ижтимоий муносабатлар.
- Тирик Конституция-АҚШ Олий Суди бу Конституцияни ўзгараётган ижтимоий мезонларига мослаб келмоқда.
- Фиктив (сохта) Конституция-СССРнинг 1936 йил Конституцияси.
- Моддий Конституция-конституциявий тузум ва инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи қонундир.
- Формал Конституция- Асосий Қонун бўлиб, алоҳида тартибда қабул қилинади ва олий юридик кучга эга.

Иккинчидан, Конституцияларни шаклига кўра қуйидаги турлага бўлиш мумкин:

- Ёзма конституциялар.
- Оғзаки (ёзилмаган) конституциялар-Буюк Британия, Янги Зеландия, Бутан каби давлатлар Конституциялари.
- Яхлит конституциялар-Конституция матни яхлит бўлиб, бир вақтда қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон, Россия, Бразилия Конституциялари яхлит Конституцияларга мисол бўла олади.
- Яхлит бўлмаган (нояхлит) конституциялар-бундай Конституциялар турли вақтда қабул қилинган қонунлардан иборат бўлади. Масалан, Швеция, Финландия, Исроил конституциялари.
- Юмшоқ конституциялар-бундай Конституциялар оддий қонунлар каби ўзгартирилади. Масалан, Буюк Британия Конституциясига 350га яқин қонунлар қиради ва оддий тартибда ўзгартирилади.
- Қаттиқ конституциялар- алоҳида мураккаб тартибда ўзгартирилади. Масалан, АҚШ, Россия, Ўзбекистон конституциялари.
- Доимий конституциялар. Аксарият конституциялар доимийдир.
- Вақтинчалик (муваққат) конституциялар-Ироқда 1970 йил Бирлашган Араб Амирлигида 1971 йилдан бери ҳаракатда бўлган конституциялар.

Учинчидан, Конституцияларни уларни ижтимоий мазмунига қараб ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда дунёда 300 дан ортиқ Конституция бор (федератив давлатлар субъектларининг Конституциялари билан бирга). Бу Конституциялар турли тарихий даврда қабул қилинган бўлиб, ҳар хил ижтимоий мазмунга эга.

1. Фарб мамлакатлари Конституциялари.
2. Ривожланаётган мамлакатлар Конституциялари.
3. Ўтиш даври мамлакатлари Конституциялари.
4. Теократик давлатлар Конституциялари.

Конституцияларни қуйидаги турларга ҳам бўлиш мумкин:

1. Демократик Конституциялар.
2. Авторитар Конституциялар.
3. Тоталитар Конституциялар.

Адабиётларда ёзма ва ёзилмаган конституциялар фарқланади. Аксарият кўпчилик мамлакатларда белгиланган тартибда қабул қилинадиган ёзма конституциялар амал қилади. Ҳозирги даврда конституцияларнинг ёзма шаклда қабул қилиниши ўринли деган фикр қарор топди. Шу билан бирга, ёзма конституцияга эга бўлмаган мамлакатлар бор (жумладан, Буюк Британия, Янги Зеландия). Баъзи мамлакатларда конституция деганда бир неча ҳуқуқий актлар, ҳатто одатлар (конституциявий битимлар) тушунилади.

Конституциялар қабул қилиниш тартибига кўра, турли кўринишларга эга бўлади. Хусусан, юқоридан тақдим этилган, яъни подшо (монарх) томонидан халққа инъом этилган конституцияларга Лихтенштейн, Непал, Иордания давлатларининг конституциялари киради. Ўз вақтида Буюк Британия Африкадаги ўз колонияларига шундай конституциялар инъом этган.

Амал қилиш вақтига кўра, муддати чекланган ва чекланмаган, яъни муваққат ва доимий амал қилувчи конституциялар бўлади. Муваққат конституциялар маълум муддатга ёки муайян вазият вужудга келгунга қадар қабул қилинади. Масалан, Таиланднинг 1959 йилдаги Конституцияси то

Таъсис мажлиси доимий конституция лойиҳасини ишлаб чиққунга қадар амалда бўлди. Кўпчилик конституциялар доимий амал қилувчи қонунлар ҳисобланади. Бироқ бу ҳол уларнинг абадийлигини кафолатламайди. Мамлакатда сиёсий вазиятнинг ўзгариши аксарият ҳолларда янги конституция қабул қилинишига олиб келади. Лотин Америкаси мамлакатларида ҳарбий тўнтаришлар оқибатида конституциялар жуда тез-тез ўзгариб туради. Масалан, 60 йилларнинг ўрталаригача Боливияда — 20 та, Колумбияда — 11 та, Доминикан Республикасида — 15 та, Гаитида — 23 та, Венесуэлада — 22 та конституция қабул қилинди.

Бир қатор конституциялар матнида уларнинг абадийлиги, ўзгармаслиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилганини учратиш мумкин. Масалан, Мексиканинг 1917 йилги Конституциясида «ўзгармас» (136-модда) деб ёзилган. Грециянинг 1975 йилдаги Конституциясида унга риоя этиш грекларнинг ватанпарварлиги билан таъминланиши белгиланган. Улар Конституциянинг бекор қилинишига барча воситалар билан қаршилик кўрсатишга ҳақли эканликлари ёзилган (120-модда. 4-қисм).

Конституцияларни мазмуни ва табиатига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Сиёсий режимни расмийлаштиришга қараб конституциялар демократик ва авторитар бўлиши мумкин. Авторитар конституциялар ичида яна тоталитар конституциялар бўлиши эътироф этилади.

Демократик конституциялар фуқароларнинг муайян ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, сиёсий партияларнинг эркин шаклланиши ва фаолият кўрсатишига йўл қўяди, ҳокимият идоралари таъсис этилишининг сайлов тартибини ўрнатади ва ҳоказо.

Авторитар конституциялар сиёсий партиялар фаолиятини чеклайди ёки тақиқлайди, баъзан яқка партиянинг ҳукмронлигини ўрнатади. Номига эълон қилинган конституциялар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклаш йўлини тутади. Авторитар (тоталитар) конституциялар ҳаддан зиёд мафқуралашганлиги билан ажралиб туради.

Бошқарув шаклини мустаҳкамлаш ҳамда давлат бошлиғи лавозимини

эгаллаш тартибига кўра, монархия ва республика конституциялари бўлиши мумкин; сиёсий ҳудудий тузилишни белгилашига қараб — федератив ва унитар конституциялар фарқланади. Федератив давлатларда федерал конституция ва федерация субъектининг конституцияси мавжуд бўлади.

Ўзгартирилиш тартиби (усули)га кўра, «юмшоқ» ва «қаттиқ» конституциялар бўлади.

«Юмшоқ» конституциялар оддий қонунлар учун белгиланган тартиб асосида ўзгартирилади ёки тўлдирилади. «Қаттиқ» конституциялар алоҳида ўрнатилган тартибга мувофиқ (қўшимчалар тақдим этилгандан сўнг маълум вақт ўтгач ёки малакали овоз бериш — депутатларнинг 2/3 қисми овози билан, федерация субъектларининг ҳаммаси ратификация қилган тақдирда ва ҳоказо) ўзгариши мумкин. Масалан, АҚШ Конституциясига икки юз йилдан ортиқ амал қилиши мобайнида атиги 27 та тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳам «қаттиқ» конституциялар қаторига киритиш лозим.

## **7-§. Конституцияни ўзгартириш тартиби.**

Конституцияни ўзгартиш киритишнинг оддийлиги ёки мураккаблигига қараб, барқарор ва ўзгарувчан конституцияларга бўлинади. Агарда конституцияни ўзгартиш осонроқ бўлса, у ўзгарувчан конституция деб юритилади. Агарда, аксинча, конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби мураккаб бўлса, у барқарор конституция деб юритилади. Лекин шуни эсда тутиш керакки, энг ўзгарувчан конституция ҳам бошқа қонунларга нисбатан қаттиқ, ихчам ва барқарор бўлиши шарт.

Конституциянинг тузилишини, бутун матнини ўзгартиришга олиб келадиган объектив сабаблардан бири мамлакатда юз берадиган жиддий ислоҳотлар ва давлат ривожланишига доир дастурнинг ўзгаришидир. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида доимо конституциянинг ихчам ва барқарор бўлишига катта эътибор бериб келинган. Хусусан, 1787 йилда

кабул қилинган ва жаҳондаги биринчи конституция ҳисобланган АҚШ Конституцияси, мана 200 йилдан кўп вақт ўтибдики, ҳамон барқарор тарзда амал қилиб келмоқда. Унга шу вақт ичида 27 та ўзгартириш ва қўшимча киритилган, холос.

Умуман, конституцияни ўзгартириш, янгилаш оддий қонунларни ўзгартириш ёки янгилашдан фарқ қилади. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясига тузатиш ва янгилик киритиладиган бўлса, бу ҳақдаги таклиф фақат Президент, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, ҳукумат, Россия Федерацияси субъектларининг қонун чиқарувчи (ваколатли) органлари ва Федерация Кенгаши ёки Давлат Думаси депутатларидан камида бешдан бир қисми томонидан киритилиши мумкин. Испания Конституцияси бўйича Бош Кортеснинг иккала палатасида ҳам депутатларнинг бешдан уч қисмидан кўпроғи овоз берса, конституцияга ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг барқарорлигини таъминлаб берувчи принциплар унинг бевосита ўзида мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин ҳаёт шароити, мамлакатнинг ривожланиши Конституцияга ўзгартириш киритишни тақозо этиши мумкин.

Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга Конституциянинг айрим қисмлари умуман ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Францияда республика бошқарув шакли, Германияда давлатнинг федератив тузилиши, Бразилияда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзгартирилиши мумкин эмас.

Айрим давлатларда Конституциянинг айрим боблари ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Россия Конституциясининг 1, 2 ва 9- боблари ўзгартирилиши мумкин эмас.

Кўпчилик давлатларда Конституция моддаларини ўзгартириш учун мутлақ кўп овоз олиш керак (одатда 2/3). Федератив давлатларда федерация субъектларининг кўпчилиги (Россияда 2/3 қисми, АҚШда 3/4 қисми)

розилигини (ратификация қилиши) талаб этилади. Ҳиндистон, Канада, Покистонда эса федерация субъектларининг розилиги талаб қилинмайди.

Айрим ҳолларда (Скандинавия мамлакатларида) Конституцияга ўзгартиришлар киритиш учун албатта референдум чақирилиши керак. Баъзи давлатларда (Италия) ўзгартиришлар киритиш учун парламент 2 палатасининг мутлақ кўп овозини олиш керак.

Унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар оддий кўпчилик овоз билан киритилиши мумкин (Ҳиндистон). Венгрияда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби референдум йўли билан амалга оширилиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда эса Конституцияга ўзгартириш киритишни қонун ташаббусига эга бўлган барча субъектларнинг ўзларигина таклиф эта олмайдилар. Масалан, Грецияда Президент ва парламентнинг 150 депутати розилиги билан, Австрияда бошқа субъектлар билан бирга халқ ташаббуси, яъни 100 минг имзо билан, Италияда 50 минг имзо билан ўзгартиришлар таклиф қилиниши мумкин.

Одатда Конституцияни уруш ёки фавқулодда ҳолат даврида қайта кўриш мумкин эмас. Мексикада Конституция умуман ўзгартирилмайдиган ҳужжат сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 127, 128-моддаларида  
унга ўзгартиришлар киритиш тартиби  
мустақкамлаб қўйилган. Ўзбекистон  
Республикасининг Конституциясига  
ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг  
Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати  
аъзолари умумий сонининг камида учдан  
икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан  
қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон

**Конституцияни бекор қилиши ва унинг янги матн билан ўзгартирилиши жуда кам учрайдиган ҳоллардан бўлиб ҳисобланади. Масалан, Шри-Ланка, Жанубий Африка Республикаси, Россияда Конституцияни қайта кўриш учун конституциявий мажлис зарур**



Республикасининг референдуми билан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари**

5. «Конституция» сўзининг луғавий маъносини нима ?
6. Конституциянинг юридик белгиларини санаб беринг?
7. Конституциянинг шакли деганда нимани тушунасиз?
8. Конституциянинг ижтимоий мазмунига кўра неча турга бўлинади?
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши айтинг?
10. Конституция қандай усулларда қабул қилинади?
11. Конституциянинг бевосита амал қилиш неча хил қуринишлари мавжуд?
12. Конституциянинг ички шакли элементларини санаб беринг?
13. Конституциянинг қабул қилиш жараёни оддиё қонунлар Билан нимаси билан фарқланади?
14. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзгартириш тартиби қандай белгиланган?

### **Фойдаланадиган адабиётлар:**

9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.
10. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т., «Ўзбекистон», 1993.
11. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.,

«Ўзбекистон», 1996.

12. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т., «Ўзбекистон», 1996.

13. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т., «Ўзбекистон», 1996.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши

15. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). —Т., «Шарқ», 2001.

16. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Молия нашриёти. 2002 й. 632б

17. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.- Т: ИИВ Академияси, 1997.-400б

18. Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. – Т.: Билим, 1992.

19. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985.

20. И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие.- М., "Юриспруденция", 2000.

21. Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. –Минск: Новое знание, 2001.

22. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М.

23. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. – М.: Издательская группа

НОРМА–ИНФРА · М, 1998.

24. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Практикум. – М.: Юристъ.

## **III БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИР ЭТГАН ОМИЛЛАРИ.**

**1-§ Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилишнинг тарихий зарурати**

**2-§ Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғоялари ва унинг демократик хусусиятлари.**

**3-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши.**

**4-§. И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратувчиси ва ташаббускори.**

### **1-§ Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилишнинг тарихий зарурати.**

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияни яратиш ҳақидаги илк ғоя Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган "Мустақиллик декларацияси" мамлакатимиз янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида 64 кишидан иборат конституциявий комиссия тузилди. Комиссия таркибига депутатлар давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, корхоналар хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунослар, олимлар, ва мутахассислар кирди.

Конституциявий комиссия томонидан конституциянинг концепцияси устида иш бошлаб юборилди. Натижада урта муқобил концепция яратилди: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепция. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос сифатида қабул қилинди.

Конституция лойиҳасининг дастлабки варианты 1991 йил 3-чорагида тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлим, 158 моддадан иборат бўлди. Бу орада 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Бунинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устуворлиги, ҳокимият бўлиниши, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги каби принциплар мустаҳкамланди. Ушбу демократик принциплар Конституция мазмунидан жой олди. Шу куни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида "Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти"и ҳам эълон қилинди.

Шунга қарамасдан дастлабки лойиҳа ҳали мукамаллик даражасидан анча йироқ эди.

1992 йил баҳорда Конституция лойиҳасининг 149 моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. Мамлакат Президенти иштирокида Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисида ахборот тингланди. Шу тариқа ишчи гуруҳ томонидан Конституция лойиҳасининг учинчи варианты тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пухта ишловлардан сўнг Конституциявий комиссия қарори билан 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси қарийб уч ой давом этди. Унда мамлакатда яшовчи турли миллат вакиллари иштирок этди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, аудиторияларда қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди. Конституциявий комиссия дастлаб белгилаган икки ярим ойлик муддат мобайнида муҳокама қилинган лойиҳа фуқаролар таклиф ва мулоҳазалари асосида қайта тузилиб, 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди.

Айни вақтда умумхалқ муҳокамаси давомида лойиҳани яхшилашга доир кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция комиссиясининг ўзигагина 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси атрофлича пухта ўрганилди ҳамда лойиҳа устидаги ишларни давом эттириш чоғида улардан фойдаланилди. Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир унга қатор ўзгартишлар киритдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди. Шулардан бири жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, янги тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлди... Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишини тақозо этган иккинчи омил бўлди."<sup>7</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилишнинг тарихий заруратига қўйидагилар қиради:

- собиқ Иттифокда пайдо бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий танглик;
- Ўзбекистон Республикасини ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳамда дунё харитасида янги суверен Ўзбекистон Республикасини ташкил топиши;
- "Мустақиллик декларацияси"ни ва "Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилиниши Конституцияни қабул қилишга ҳуқуқий асос бўлди;

---

<sup>7</sup> Ш.З.Ўразаев. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.: "Адолат", 1994 й. 7-бет.

- Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият қуришни мақсад қилиб қўйди;

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси Асосий Қонун сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.<sup>2</sup>

## **2-§ Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғоялари ва унинг демократик хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат миллий қонунчилик асоси, балки ўзбек халқининг ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар халқлари каби инсон ақли-заковати, шаънига муносиб ҳуқуқий давлат, фуқаровий демократик жамият қурилишининг конституциявий-ҳуқуқий гаровидир.

Бу конституциявий-ҳуқуқий асос мустақиллигимизнинг биринчи ўн йиллиги бошидаёқ, давлат суверенитетини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, такомиллаштиришга имкон берибгина қолмай, балки барқарор тараққиётимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция муқаддимасидаёқ ҳуқуқий давлат, фуқаровий демократик жамият қуришнинг қуйидагича белгиланган: «Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб;

- ҳозирги ва келажак олдадаги юксак масъулиятни англаган ҳолда;
- ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,
- демократия ва ижтимоий давлат адолатга салоқатини намоён қилиб;
- ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини устунлигини тан олган ҳолда;
- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб;

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – келажак буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992., 44 бет

- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб;
- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаши мақсадида;
- ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилади».

Юқорида санаб ўтилган, таъкидланган устувор меъёрлар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, эркин фуқаровий демократик жамият қуриш, ўзбек халқининг энг улуғвор, эзгу мақсади эканлигини кўрсатиб турибди.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1995 йилдаёқ, «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топ шириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»<sup>3</sup> деган эдилар.

Ўзбекистон Конституцияси ўтиш даврида ҳам, бугун ҳам халқимиз, миллатимизнинг миллий давлатчилигимизни анъаналарига таянган ҳолда ривожлантириш, давлатчилигимизнинг конституциявий – ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга бўлган катта ишончи, мустақиллигимизни завоқ топмаслигига бўлган чексиз ишончи-эътиқоди ифодасидир. Бу билан биз нафақат фахрланамиз, мамнун бўламиз, балки уч минг йиллик ўзбек миллий давлатчилиги, ўзбек халқи ўз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш йўлида ҳамон собит қадам ташлаётганлигига замин бўлиб, давлатчилигимизнинг келажаги бундан-да буюкроқ бўлишига комил ишонч ҳосил қиламиз, эътиқодимиз янада мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституциясининг муқаддаслиги шундаки, у мустабид тузум, унинг мафкуравий ақидаларидан халқимиз миллатимизни қандай холос қилиш, замонавий ҳаёт кечириш, яшаш, фикрлашга қандай ўтиш, бунинг учун эса нафақат Ўзбекистонда минтақамизда, балки бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш, барқарор тараққиётимизни давом эттириш,

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995. 14-б.



худудий, этник, маданий яхлитлигимиз, бир бутунлигимиз ва дахлсизлигимизни таъминлаш яъни том маънода миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ўзимиз танлаган йўл – тарақиётнинг “Ўзбек модели” йўлидан изчил, оғишмай ва собиқ қадамлик билан тараққий этишимиз йўлларини кўрсатиб берди, барқарор тараққиётимиз учун буюк Конституциявий-ҳуқуқий асос, таянч ва пировард мақсад, нишон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир моддасининг банди ана шу ҳолни тубдан бартараф этиш, ижтимоий адолатни қарор топишига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ижтимоий адолатни қарор топтириш учун эса қонун устуворлиги қоидаси Ўзбекистон Республикасининг замонавий, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамият қуришга ўтиш йўлининг беш тамойилидан бири сифатида эътироф этилди. Бу эса Конституция, қонунларга юксак иттифоқ, риоя, унга бўйсунуш ва уларни бажариш устувор талаб сифатида тараққиётимизнинг асосий ўзига хослигидир.

Конституциямизнинг яна бир ижобий жиҳати жамият ҳаётининг барча жаҳаларини эркинлаштириш, инсоннинг муносиб яшаши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган. Бунда айниқса содир этилган жиноятларга белгиланадиган жазони юмшатиш, енгиллаштириш (яъни либераллаштириш), жазонинг иқтисодий зарарни қопланишига қараб юмшатилиши, жиноят оқибатида жабрланувчи билан жиноятчи ўртасида агар қатъий миқдорда зарарга ёки давлат, жамият асосларига қарши бормаганда томонларнинг миллий анъаналаримиз руҳида ярашиш институти қайта тикланиши, ёки бўлмаса мулкни зўрлик йўли билан мусодара этиш, оила, бола-чақа, қариндош-уруғларни ҳам қўшиб жазолаш усулидан воз кечиш, шунингдек, жиноят учун муқобил жазо тайинлаш каби муҳим енгилликлар Конституциямиз тўғри ривожланиш йўлида эканлигини кўрсатади.

Жамият сиёсий ва ҳуқуқий тизимини тубдан ўзгартиришнинг муҳим сабабчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституция бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

1) Ўзбекистон Республикаси Конституция умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳужжатдир. Унинг мазмун ва моҳиятида аввало инсон омили ётади. Исбот тариқасида Конституция нормаларида дастлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган бўлиб, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи нормалар кейинги кетма кетликда берилган. Шунингдек Конституциямиз энг ривожланган мамлакатлар конституциявий тажрибаси асосида ишлаб чиқилган.

2) Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимни жорий этилганлигини ўзида акс эттирганидир. Ҳақиқий демократик режимдаги давлатларнинг асосий белгиси жамиятда кўппартиявийлик тизимининг мавжудлигидадир. Бу эса шахсларнинг ҳуқуқларини таъминланишига; озчиликни ташкил этувчи гуруҳ манфаатларини ҳам руёбга чиқаришга; давлат ҳокимиятини амалга оширишда турли хил ғоялар ва қарашлардан энг мақбулини белгиланишига ҳамда амалга оширилишига; жамиятда сиёсий барқарорликни таъминлашга замин яратади.

**Кўппартиявийлик тизимига эга бўлган давлатлардан мисол қилиб Франция, Германия, Италия мамлакатларини келтириш мумкин. Ҳиндистонда эса 300 та атрофида сиёсий партиялар мавжуд экан.**

3) Янги жамиятнинг иқтисодий асосларини бозор муносабатлари сари йўналтирилган турли мулкчилик шакллари ва уларнинг ҳуқуқий тенглиги ҳақидаги конституциявий қоида ўрнатилди ва илк бора хусусий мулк эътироф этилди. Чунки, хусусий мулк- ушбу мулк эгаси бўлган фуқаронинг, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини, рақобат курашида фаол ва самарали иштирок этишини таъминлайдиган, охир оқибат фуқароларнинг

фаровон ҳаёт кечиришларига сабаб бўладиган ижтимоий- иқтисодий моддий асосдир.

4) Ўзбекистон давлат қурилиши тизимидаги талайгина ўзгаришлар Конституцияда ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Президентлик лавозими, Министрлар Совети ўрнига Вазирлар Маҳкамаси биринчи бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилиб, ижро этувчи ҳокимиятнинг тизими бевосита республика Президентига бўйсундирилди. Янги структурага асосланган Парламент-Олий Мажлис ташкил топди. Парламент ислохотларидан сўнг икки палатали тизимга ўтилди.

5) Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигини Конституция даражасида мустаҳкамланди.

6) Ягона ҳукмрон мафқурасидан(марксизм-ленинизм) ва фақат синфийликка асосланишдан воз кечилиб, умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси бўлмаслиги мустаҳкамланди.

7) Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти бўлиниш тамойилига асосланиши мустаҳкамланди. Давлат ҳокимиятининг асосий йўналишлар бўйича изчил тақсимланиши, бўлиниши, уларнинг бир-биридан мустақил, қарам бўлмаган ҳокимият шакллари сифатида амал қилиш талабидир. Яъни, қонун чиқарувчи ҳокимият қонунларни чиқаришга масъулдир. Ижроия ҳокимияти эса мазкур қонунларнинг муқаррар бажарилиши учун масъулдир. Одил судлов эса жамиятда одил судлов, ижтимоий адолатнинг муқаррар ғалаба қилиш учун масъулдир. Ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тамомилла мустақил бўлишларини, шунингдек уларнинг Конституция ва қонун устуворлигини эътироф этиш асосида бир-бирларини ўзаро назорат қилиш йўли билан давлат ҳокимиятнинг асосий йўналишлари ўртасида қудратли кучлар мувозанати (баланси) вужудга келишига сабаб ҳам бўлади.

8) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яна бир ўзига хос хусусияти барча фуқароларга виждон эркинлигини кафолатлаб қўйди. Эндиликда ҳар бир фуқаро ҳоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч бир

динга эътиқод қилмаслиги мустаҳкамланди. Дин давлат сиёсатидан ажратилди.

9) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлигини ва унинг конституциявий ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

10) Энг устивор йўналишлардан бири- сўз ва матбуот эркинлигини шунингдек ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш эканлигини таъкидлар экан, Президентимиз И.А.Каримов шундай деб кўрсатган: «Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари, матбуот, радио, телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамият асосларини барпо этишнинг узвий таркибий қисмига айланиши зарур»,<sup>4</sup> яъни «Тўртинчи ҳокимият мақомига кўтарилиши талаб этилади».

### **3- § Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Конституциянинг мазмуни қуйидаги изчилликда ривожлантирилган: **шахс -жамият-давлат.**

**Биринчи бўлимда** мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсатимиз тамойиллари киради.

**Иккинчи бўлимда** Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тизими мустаҳкамланган.

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни знада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақирик 9-сессиясидаги маъруза- 2002. 29 авгус. Т.: Ўзбекистон. 2002. 19-б.

**Учинчи бўлимда** фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклашга қаратилган, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлайди.

**Тўртинчи бўлим** маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалардан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

**Бешинчи бўлим** давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари конституциявий мақоми муайян тартибда мустаҳкамланган. Давлатимизнинг марказий органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий Суди, Олий ҳамда Хўжалик Судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолият тартиби белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам ушбу бўлимда тартибга солинган.

**Олтинчи бўлим** Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бағишланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси VI-бўлим, 127-128-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган Олий Мажлис томонидан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш институти билан бир қаторда, умумхалқ овози - референдум ўтказиш процедурасига ҳам мурожаат қилинди ва бу жуда катта конституциявий-ҳуқуқий ўзгаришларга олиб келибгина қолмай, халқимизнинг фуқаровий жамият, ҳуқуқий давлат қуриш бунга қаратилган ислоҳотларга бўлган умид, ишончини мустаҳкамлади..

#### **4-§. И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратувчиси ва ташаббускори**

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти мамлакатни ўзининг ривожланиш

йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жihatдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ"<sup>5</sup>, – деган эди юртбошимиз.

Советлар ҳокимиятини ўрнатган большевиклар (масалан: Туркистон АССРнинг 1918 йилги Конституцияси, Ўзбекистон ССРнинг 1927; 1937; 1978 йилги Конституциялари) мустамлакачилик сиёсатини, янги-янги ҳужжатлар қабул қилиш усуллари билан амалга ошира бошлаганлар. Шунингдек, коммунистик партия олиб борган сиёсат туфайли миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қатағон қилинишига, қонунсиз, судсиз йўқ қилиб юборилишига шарт-шароитлар яратилган. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон халқининг мустақиллик учун олиб борган саъи ҳаракатини 1989 йилдан бошлаб И.А.Каримов Ўзбекистон халқининг асрий истиқлол орзуларини рўёбга чиқарди.

Конституциямизнинг яратилишида, муҳокама қилинишида ва қабул қилинишида Конституциявий комиссиянинг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим. У киши нафақат Конституция ишлаб чиқиш ташаббускори, нафақат лойиҳа тайёрлаш ишларига раҳбар, балки Асосий Қомуснинг туб моҳияти, фалсафаси, асосий ғояларининг муаллифидир. И.А.Каримов Конституциянинг ҳар бир моддасини ақли ва юраги билан ҳис этди, уни пишитди ва такомиллаштирди.<sup>6</sup>

Ундаги қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамлади. Конституция лойиҳаси ўзининг тузилиши билан Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди. Шунингдек унинг зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 124-б.

<sup>6</sup> Ўразаев Ш. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қандай яратилди //Инсон ва демократия. – 1993. – 2сон, 8-бет.

давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий жихатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди.

**Айрим мамлакатларда Конституциялар давлат бошлиғи томонидан ҳаётиё этилган. Масалан Иорданияда бу ҳолат кузатилган.**

Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан республикаимизнинг ўзига хос жихатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Осиё, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди. У инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди<sup>7</sup>.

Ўзбекистоннинг етакчи ҳуқуқшунос олимларидан бири, ўша пайтда Конституциявий комиссиянинг аъзоси бўлган академик Ш. З. Ўразаев шундай хотирлайди: «Президентимиз шунда ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг

<sup>7</sup> Қаранг: Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. – Т.: Билим, 1992.

раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотиغا эътибор берар, унга ўз кўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди. Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди.»<sup>8</sup>

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси халқчил қомусдир. Сабаби–унинг лойиҳаси устида, И.А.Каримов таъкидлаганидек, тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.<sup>9</sup> Асосий Қомусимизда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одабийлик, умуминсоний кадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топган. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлиши, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва кўшничилиги принциплари ҳам Конституциямизда муҳим ўрин тутди.<sup>10</sup>

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунича эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий

---

<sup>8</sup> Қаранг: Уразаев Ш. З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 1992. 26 декабря.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992., 36-37 бетлар.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.. ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 70- бет



Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди.<sup>11</sup>

Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди. У шундай деб ёзган эди: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодаладиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўллари очиқ беради"<sup>12</sup>.

"Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик кадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган"<sup>13</sup>.

Президент Конституциянинг кафили сифатида унга риоя қилинишининг эталони ҳисобланади ва шу нуқтаи назардан ўзи раҳбарлик қилаётган

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.. ТДЮИ. Тошкент "Молия" 2002й. 73- бет

<sup>12</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996.–85-бет.

<sup>13</sup> Қаранг: Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 89–90-б.

органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига баҳо беради. У Конституциянинг кафили сифатида фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, унинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришларини ва мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча шароитларни яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўради.<sup>14</sup>

Конституциядан келиб чиққан ҳолда, И.А.Каримов ўзининг фундаментал асарларида Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Конституцияни қафолатлар экан, давлат раҳбари бевосита ҳамда давлат органлари орқали ҳаракат қилади. Конституциянинг кафили сифатида Президент умуман Конституцияни ҳимоя қилиш механизми таъсирининг самарадорлиги учун шахсан жавобгарлик намуналарини кўрсатмоқда. У давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бутун мамлакат ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва қатъий конституциявий тартибни қафолатлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарар экан, халқ ишончини муносиб оқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони Конституцияни қафолатлаш ва бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, И. А. Каримовнинг Конституция ҳақидаги фикрлари, таъкидлари ва хулосалари рўй бераётган конституциявий жараёнларни, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини, унинг ҳозирги ҳолатини ва истиқболларини, бой имкониятларини ўрганиш, чуқур таҳлил ва синтез қилиш натижаларига асосланган<sup>16</sup>.

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.. ТДЮИ. Тошкент "Молия" 2002й. 78- бет

<sup>15</sup> Халқ сўзи. 2001. 6 январь.

<sup>16</sup> Ислом Каримов Конституция тўғрисида. Тошкент, 2000-156г.

## Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ҳозирги замон конституциявий тараққиётининг асосий қонуниятлари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов асарларида Ўзбекистон Конституцияси ҳақида қандай фикрлар билдирилган?
5. Ўзбекистоннинг Конституциявий-тарихий босқичларида неча маротаба Конституциялар қабул қилинган?
6. Ўзбекистон тарихида илк маротаба қайси ҳужжат асосида унинг мустақиллик учун қўйган биринчи қадами ўз ифодасини топган?
7. Ўзбекистоннинг биринчи конституциявий қонуни қачон қабул қилинган ва унда нималар мустаҳкамлаб қўйилган?
8. Академик Ш. З. Ўразаев таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дунёга келишига қандай омиллар сабаб бўлган?
9. Конституциявий Комиссия раиси ким эди ва у нечта аъзодан иборат таркибда ташкил топди?
10. Ўзбекистоннинг янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун биринчи марта қачон матбуотда эълон қилинди ва у нечта моддадан иборат эди?
11. Ўзбекистоннинг янги Конституция лойиҳасига тушган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда қайта ишланиб, қачон муҳокамани давом эттириш учун матбуотда қайта эълон қилинди?
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби бошқа давлатлар Конституцияларидагидан нимаси билан фарқ қилади?
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари қай тартибда ўрганилади?
14. Ўзбекистон Конституциясининг юридик хусусиятлари ва юридик белгилари нималардан иборат?
15. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари қачон қабул қилинган ва унинг

мазмун моҳиятига қандай таъриф берилган?

16. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик қандай ривож топмоқда?

17. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилишини белгиланг.

### **Ф ОЙДАЛАНАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод. сиёсат, мафкура. Т. 1.-Т., «Ўзбекистон», 1993.

3. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.6.-Т., «Ўзбекистон», 1997.

4. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин в фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8.-Т.. «Ўзбекистон», 2000.

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995

6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари туғрисида»ги 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари. Хрестоматия. — Т., «Адолат», 2000 йил.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик декларацияси» 1990 йил 20 июнда қабул қилинган. Ўзбекистон Респу-бликаси қонунчилик асослари. — Т., «Адолат», 2000.

10. Ислоҳ Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. .

11. «Ўзбекистон Республикасининг Рсферендуми туғрисидаги

қонуни. 1991 йил 18 ноябрь. Ўзбекистон Респуб-ликаси қонунчилиги асослари. Хрестоматия. — Т., «Адолат», 2000.

12. Ш.З.Ўразаев. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.: "Адолат", 1994 й.

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.. ТДЮИ. Тошкент "Молия" 2002й.

14. Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. – Т.: Билим, 1992.

15. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985.

16. И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие.- М., "Юриспруденция", 2000.

17. Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. –Минск: Новое знание, 2001.

18. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М.

19. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1998.

20. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Практикум. – М.: Юристь.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ**  
**ТУЗУМИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**1. § Суверенитет тушунчаси ва унинг турлари**

**2. § Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари**

**3. § Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари: байроқ, мадҳия ва герб**

**4. § Халқ ҳокимиятчилиги - давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий тамойили сифатида**

**5. § Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг асосий шакллари: бевосита ва вакиллик демократияси**

**6. § Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги. Конституция нормаларининг тўғридан тўғри амал қилиши**

**7. § Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти**

**8. § Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари**

**1-§ Суверенитет тушунчаси ва унинг турлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустақамловчи муҳим қоидадан бошланади. Хусусан, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», деб белгиланган.

Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ва ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

**Давлат суверенитети** деганда, давлат ҳокимиятининг устиворлиги, унинг мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг

муҳим белгиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принципи ҳисобланади. «Давлат суверенитети» ибораси французча «юқори ҳокимият», «олий ҳокимият» деган маънони англатади. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади. «Суверенитет» деган ибора давлат-ҳуқуқий маънода биринчи марта XVI асрда француз олими Ж.Боден томонидан киритилган. Унинг фикрича, суверенитет «давлатнинг доимий ва мутлақ ҳокимиятидир».

**Халқ суверенитети** ҳақидаги илмий таълимот дастлаб феодализмга қарши кураш йўлида ишлаб чиқилган эди.

“ Халқ суверенитети” назарияси француз олими Жан Жак Руссо туфайли буржуа революцияси арафасида ўзининг классик қиёфасини топди. Унинг фикрича “ умумий ирода” томонидан бошқариладиган ҳокимият-суверенитет деб аталади<sup>8</sup>.

Ўзбекистон халқининг суверенитети мамлакатимизда ҳокимиятнинг тўлалигича халққа тегишлилигини билдиради. Халқ –ҳокимиятнинг ягона манбаи ва субъекти, унга ҳеч ким ўз иродасини ўтказа олмайди. Халқ суверенитетининг мазмуни шундан иборатки, унинг ҳокимияти бошқа субъектга берилмайди ва бўлинмайди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти халқники фақат унга хизмат қилади. Халқ суверенитети давлат ва миллий суверенитетларида намоён бўлади. Ўзбекистонда суверенитетнинг манбаи ва ягона эгаси бўлган халқ уни, энг аввало, давлат ҳокимияти орқали давлат суверенитети сифатида амалга оширади.

**Миллат суверенитети** –миллатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳолати тушунилади. Ҳар бир миллат ўзининг суверен сиёсий ва ҳуқуқий ҳолатига кўра, ўз сиёсий ҳолатини, ўз иродаси билан, бошқа халқларнинг

---

<sup>8</sup> Ж.Ж.Руссо. Об общественном договоре или принципы политических прав.-М., 1938.-235с

аралашувисиз мустақил тарзда белгилайди, иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини танлайди ва ўз миллий давлатини тузади<sup>9</sup>.

Миллат суверенитети миллатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг мустақил яшаш ҳуқуқини билдиради.

Миллат суверенитети миллатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг мустақил яшаш ҳуқуқини билдиради. Бу ҳуқуқни маълум даражада амалга оширилиши, яъни ўзининг миллий давлат шаклини танлаши, яқка ҳолда ёки бошқа миллатлар билан биргалашиб давлат тузиши миллий суверенитетнинг амал қилиши ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги, ўша давлатдаги барча ҳуқуқий муносабатларни белгилаганлигида, умумий ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилганлигида ҳамда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиланганлигида намоён бўлади. Давлатнинг бутун ҳудудида олий давлат органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунларнинг устиворлиги давлат ҳокимияти олийлигини билдирувчи асосий белгиси сифатида тан олинади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг олийлиги бу ҳокимиятнинг шундай ҳолатики, бунда бошқа бир ҳокимият ундан устун бўлмайди ва бўла олмайди. Бироқ, ҳокимиятнинг олийлиги унинг чексизлигини билдирмайди. Конституциявий давлатда у доимо қонун билан чеклаб қўйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради, бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошқа бирон-бир сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси, давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат

---

<sup>9</sup> Қаранг: А.И. Лепешкин. Советский федерализм.-М., 1977.-253-254с



функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англатади. Шу тизимга тегишли органлар эса, бир хил субъектларга, бир хил вазиятларда ўзаро истисно қилувчи хулқ-атвор қоидаларини ифодамай олмади. Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

## **2-§ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида гап борганда 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиш лозим.

«Мустақиллик Декларацияси»да ўзбек халқининг асрлар давомида кўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олиниши уқтирилди.

Декларацияда Ўзбекистоннинг суверен ва мустақиллиги ҳақида шундай меъёрлар белгиланган:

Биринчидан, Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси даҳлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

Учинчидан, Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

Тўртинчидан, СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети

томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

Олтинчидан, Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

Еттинчидан, Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

Саккизинчидан, Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгалайди ва давлат белгиларини (герби, байроғи, мадҳиясини) ўзи таъсис этади.

Тўққизинчидан, Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади

Ўнинчидан, Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

Ўн биринчидан, Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

Ўн иккинчидан, ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир<sup>1</sup>.

Ўзбек халқининг асрлар давомидаги орзуси – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришиш 1991 йил 31 августда ушалди. Шу куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. Бу тарихий ҳужжатда куйидаги хулосалар илгари сурилган эди:

«-Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

-халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

-Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун маъсулиятни англаб,

-шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги қатъий садоқатни баён этиб,

-миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

-Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ушбу меъёрлар 1990 йилги «Мустақиллик Декларациясидан олинганлиги сабабли унда Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси» СССР каби ўша даврга оид иборалар қўлланилмоқда.

Республикасининг бошқа давлатларга худудий даъволари бўлмай, у ўз худуди ва табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир».

Ўзбекистон парламентининг бу баёноти ўзининг қонун кучи билангина эмас, сиёсий мантиғи, маънавий қудрати, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши ва энг муҳими миллат тақдирини ҳал этадиган тарихий қадрият эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун» қабул қилиш ушбу қонун доирасида Ўзбекистон ССРни бундан кейин Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бевосита Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

Айни шу мақсадларни кўзлаб, республика Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этганлиги алоҳида таъкидлаш лозим. Унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди.

**Биласизми, ҳозирги вақтда дунёда 230га яқин мустақил суверен давлатлар мавжуд.**

Олий Кенгаш депутатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунни моддама-модда муҳокама қилиб, қабул қилдилар. Сўнгра Республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилиниб, Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб миллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ғоят катта аҳамиятта эга бўлганлиги учун бу муҳим ҳужжат ҳақида батафсил тўхташ лозим. Мазкур қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра ушбу ҳужжат республика учун вақтинча Конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. Ун етти моддадан иборат бу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб беради. Унда:

- Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлат деб эълон қилинди.

- Ўзбекистон Республикасининг халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги

- Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эгаллиги, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаш ҳуқуқи кўрсатилди

- Ўзбекистон Республикасида Конституция, унинг қонунлари устун эканлиги ва давлат идораларининг тизими, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилганлиги

- Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асослари изоҳлаб берилди

- Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқалардаги мустақиллиги белгиланди

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон Декларациясига мувофиқ ҳолда республика фуқаролиги жорий этилиши, фуқаролар миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқларга эгаллиги ва улар республика Конституцияси ва қонунлари ҳимоясида бўлишлари қонунлаштирилди.

- давлат рамзи бўлган герб, байроқ ва мадҳия ҳамда давлат тили ҳақида нормалар белгиланди.

- Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли тартибда чиқиб кетиши мумкинлиги ҳам эътироф этилди.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, ушбу Қонунга Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрь қарори билан Конституциявий қонун мақоми берилди.

Ўзбекистон Конституцияси унинг халқи эришган ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўз хоҳиш истакларини қонуний тартибда расмийлаштириб, мустаҳкамлади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун эълон қилинган кундан бошлаб то янги Конституция қабул қилингунга қадар 15 ой вақт ўтди, ана шу давр ичида давлат бошқарувини қайта ташкил этишда ғоят катта амалий ишлар тажрибаси тўпланди. Унда яшовчи халқларнинг янгича яшашга ва ўз давлат тузумини барпо қилишга бўлган интилишлари ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришнинг энг муҳим кафолати эканлиги унда мустаҳкамлаб қўйилди. Шу давр мобайнида демократик ижтимоий ва давлат тузумининг асослари, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва идора органларининг тизими таркиб топди, умуминсоний демократия принциплари ўрнатилди.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий принциплари маромига етказилди. Бу принциплар халқ оммасининг ҳам мамлакат ичида, ҳам бутун жаҳонда мустақиллик учун олиб борган курашлари натижасини ўзида мужассамлаштирди. Шу тариқа, мустақил Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти принципларини ва бошқа ижтимоий муносабатларни белгилаб берадиган Конституция қабул қилиш зарурияти пайдо бўлди.

### **3-§ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари: байроқ, мадҳия ва герб.**

Ҳар қандай мустақил давлатнинг белгилари жумласига унинг тимсолий рамзлари ҳам киради.

Рамзлар- шартли белгилар бўлиб, улар қадим замонлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган. Рамзлар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

**Давлат рамзлари** – бу мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади.

**Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.** Ҳар бир мустақил давлат ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлади. Конституциямизнинг 5-моддасида давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, “Давлатимиз рамзлари - байроқ, герб ва мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради” ва улар ҳақида махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда, Давлат герби тўғрисида қонун 1992 йил 2 июлда, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддас бўлиб, уларни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилади.

Давлат рамзлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало уларнинг моҳияти, нима учун зарурлиги ва тарихий келиб чиқиши ҳақида ҳам билиб олиш керак. Шундагина уларнинг давлат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тушунарли бўлади.

**Давлаг байроғи** – бу тавсири қонун томонидан (кўпинча Конституция билан) ўрнатилган, бирор давлатни бошқа давлатлардан фарқловчи расмий белгиси, нишонидир У давлат мустақиллиги, суверенитети рамзи ҳисобланади Давлат байроқлари, уларнинг ранги, тузилиши ва эмблемалари ўзбошимчалик билан, ихтиерий суратда белгиланмайди Улар маълум рамзий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Давлат байроғи давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, миссиялар, божхоналар ва шу каби қарорларнинг биносида кўтарилади. Элчихоналар, миссиялар, консулликлар миллий байрамлари куни ўз мамлакатларининг байроқларини осиб кўядилар. Давлат байроқлари, шунингдек халқаро конференциялар очилишида, расмий маросим-учрашувлар вақтида, халқаро спорт совринлари берилаётган вақтда ва хоказо ҳолатларда ҳам кўтарилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонун билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи муқаддас ҳисобланиб, у давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгисидир. Қонунда кўрсатилганидек байроғимиз халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўرғазмаларида, спорт мусобаҳаларида кўтарилиб, юртимизни улуғлайди. Республикамиз байроғи доимий суратда – Ўзбекистон



Республикаси Президенти девони биносида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари биносида, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати – Вазирлар Маҳкамасининг биносида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати биносида, маҳаллий Кенгашлар ва Республикамиз доимий ваколатхоналари биноларида кўтарилади.

**Герб** термини «эрбо» сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади.

Австралия гербида фақат австралияда яшовчи ноёб хайвон кенгурунинг тасвири тушурилган.

Герб – бу тамға, эмблема, мерос бўлиб қолган, бир давлатни бошқалардан ажратиб турадиган белгиси, тамғаси, нишони – тимсолидир.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган герб давлатимизнинг сиёсий, миллий хўжалик, жуғрофий, этник ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳамда бой тарихий анъаналарини мужассамлаштирган. Шунингдек гербимизда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузилиши, тамойиллари ўзига хос тарзда ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо куши ва дарёлар – кумуш рангда; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви – олтин рангда, ғўза шоҳлари ва барглари, тоғлар ва водий-яшил рангда; чаноқлардаги пахта – оқ; рангда; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган холда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар-олтин рангда тасвирланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилинганда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

**Мадҳия** – грекча “гамн” сўзидан олинган бўлиб, у дастурий характердаги шеърни тантанали қўшиқ қилиб тараннум этилиши маъносида қўлланилади. Мадҳияларнинг бир неча турлари мавжуд. Масалан, давлат,

инқилоб, ҳарбий, диний ва ҳоказо мадҳиялар бор. Буларнинг ичида энг асосийси давлат мадҳияси ҳисобланади.

Давлат мадҳиялари ҳозирга замон барча мустақил давлатларида мавжуд бўлиб, у давлат байроқ ва давлат герби билан бир қаторда давлатнинг расмий тантанавор рамзи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўз давлат мадҳияси узоқ ижодий изланишлар натижасида атоқли шоир Абдулла Орипов томонидан ёзилиб, саянат арбоби Мутал Бурхонов томонидан куй басталанди ва 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинди. Мадаҳиямизда ўзбек халқининг шодиёна фикр-ўйлари ва ҳис-туйғулари бекаму кўст ўз ифодасини топган. 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадаҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб тинглайдилар.

Шундай қилиб, юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек «Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирди. Мана шу рамзларни эъзозлаш – ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган мустаҳкамлаш демақдир».

Демак, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадиий ифода сифатида маълум бир кўринишларда акс этадики, бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқимизнинг ўтмиши, истиқболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради. Шундан биз санаб ўтган миллий давлат рамзлари оламшумул воқеа, улар мустақил Ўзбекистон давлатининг ёрқин тимсоллари бўлиб, бу тимсоллар бугун, эрта ва буюк келажакимиз учун

муносиб хизмат қилажак. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “шу рамзларни эъозлаш– ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демақдир”.

Ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўзи ҳурмат-эҳтиром қиладиган тилга эга. Тилга бўлган муносабат ана шу тилдан фойдаланувчи одамларнинг кўп ёки оз сонли эканлигига боғлиқ эмасдир. Тилда ана шу тилнинг ижодкори бўлган халқнинг, элатнинг тарихи ва маданияти акс этади.

Тил миллатнинг ажралмас белгиси ва давлат мустақиллиги рамзларидан биридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қуйидаги нормалар мустаҳкамланаган:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу моддаси ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бўлиб, унда аввало Ўзбекистондаги давлат тили ўзбек тили эканлиги баён этилган. Конституциямиз ушбу моддасининг ўзига хос яратилиш тарихи бор. Маълумки, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонунини қабул қилди, 1995 йил 21 декабрда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири амалга киритилди. Собиқ СССР даврида – «қизил империя» шароитида, «марказ»нинг тайзиқи ва таъсири кучли бўлган бир пайтда она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши катта жасорат эди. Бу ўша вақтлардаёқ миллий истиқлол сари қўйилган дадил қадамлардан бўлиб, бу борада халқимизнинг энг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқди. Бу ўзбек тилининг 120 йиллик сиёсий босқиндан озод бўлиб, ўзининг эркин ва табиий тараққиёт йўлига тушиб олишининг дебочаси эди.

Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади.

**Швецарияда бир йўла  
учта тил расман давлат  
тили ҳисобланади.**

Фукарларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат тилининг муҳим белгиларидан бири, унинг барча расмий иш юритишда тўлалигича қўлланилишидир. Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Ўзбекистонда ишловчи барча мансабдор шахслар, раҳбар ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт. Аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланувчи шахслар ҳам ўз хизмат вазифаларини бажариш учун давлат тилини билишлари лозим. Республикада қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа ҳужжатлар бевосита давлат тилида тайёрланиб, қабул қилинмоқда ва эълон этилмоқда. Ҳозирги вақтда барча турдаги йиғилишлар, мажлислар ва кенгашларнинг ўзбек тилида ўтаётганлиги Қонуннинг тобора ҳаётимизга сингиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

Кирилл ёзувидан лотин ёзувига ўтилаётгани ҳам она тилимиз равнақи йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Бу қачонлардир унутилган тарихимиз уммониغا тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очади.

Хуллас, Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги Қонуни ва Конституциянинг 4-моддаси ўзбек тилининг янада ривожланиши, кенг ўрганилиши, тарғиб қилиниши учун ёрдам беради. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида яшаётганлиги бугунги миллий истиқлолимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Шундай қилиб, Конституциямизнинг ушбу моддасида белгиланган меъёр бир томондан, ўзбек тили ва ўзбек халқи ҳаётида тилнинг тараққиёти ва халқларнинг маънавий камолотида, миллий истиқлолга эришишида беқиёс

омил бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан эса, бошқа миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлиги сақлаб қолинишида, уларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилиниши ва янада ривожланишида муҳим кафолатдир.

#### **4-§ Халқ ҳокимиятчилиги- давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий тамойили сифатида**

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ., халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

«Ўзбекистон,-дейди Президентимиз Ислон Каримов-келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу-инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»<sup>1</sup>.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий тартибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: “ Ўзбекистон”, 1996.-44-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат демократик тараққиётининг стратегик йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини халқаро андозалар миқёсида белгилаб беради, халқаро ҳуқуқ устунлигини, ҳокимиятлар тақсимланишини, давлатнинг асосий муассасалари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг сайланишини, кўппартиявийликни, мафкуравий плюрализмни ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардаёқ, у қандай тараққиёт йўлидан боради, қандай жамият, қандай давлат қуради, унинг қиёфаси қандай бўлади, деган саволлар кўндаланг турарди. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаш лозим эди. Ана шу йўлни белгилашда Ўзбекистон Президенти И.Каримов улкан ҳисса қўшди. И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарларида, шунингдек республика парламентида ва бошқа йиғилишларда қилган маърузалари ва нутқларида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёти йўли, демократик жамият қуришнинг, миллий ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий методологик, ғоявий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли биринчидан, халқаро тажрибага асосланган ҳолда, иккинчидан, халқимизнинг миллий хусусиятлари, қадриятлари, урф-одатларига, учинчидан, республиканинг ўз имкониятлари ва шарт-шароитларига мос равишда ишлаб чиқилди. Бу йўлга қуйидаги асосий йўналишлар асос қилиб олинди:

-демократик, одил, фуқаролик жамият қуриш;

-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш;

-миллий давлатчилик тарихи тажрибасига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этиш;

-қонун ва қонунларга риоя қилиш устунлигини таъминлаш;

-ислоҳотларда давлатнинг ташаббускор ва етакчилик роли;

-ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, хусусий мулк даҳлсизлигини таъминлаш, ташаббускорлик, ишбилармонлик, тадбиркорликка кўмаклашиш;

-бир мафкуранинг яккаҳоқимлигидан воз кечиш, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш, хурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш;

-коммунистик партия якка ҳукмронлигига чек қўйиш, кўппартиявийликни амалда шакллантириш;

-озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

-ҳамма учун умумий таълим олиш, меҳнат қилиш, дам олиш шарт-шароитларини яратиш;

-ижодий меҳнатни кадрлаш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун имкониятлар яратиш ва бошқалар.

Халқ давлат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 – моддасига биноан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи саналади. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ушбу моддадан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти халқ манфаатлари йўлида хизмат қилар экан, унинг учун ўз фаолиятини олиб борар экан, ўз навбатида халқ ҳам давлат учун ўзининг олдида қўйилган юксак ва ишончли вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

Конституциянинг 7-моддасига биноан, давлат ҳокимияти фақат Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган ва улар асосида тузилган идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳозирги вақтда бизда давлат ҳокимиятининг тизими-унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият

Олий Мажлис томонидан, ижроя ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти эса Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи барча идоралар ўз фаолиятини фақат қонун томонидан берилган ваколат доирасидагина юритадилар. Уларнинг ўзбошимчалик билан Конституция ва қонунлардан ташқари ваколатларга эга бўлиши, ўзларига берилган ваколатдан четга чиқиши мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг ваколатларини бошқа органлар ёки ташкилотлар, алоҳида шахслар амалга ошириши мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтилган барча давлат идораларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати Конституция ва тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар, шу жумладан фуқаролар ҳам Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз итоат этишлари лозим. Бу эса ҳуқуқий давлатимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

Конституцияда «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон фуқаролари» деган тушунчаларга таъриф берилган. Бунга кўра, Ўзбекистонда туғилган ва унинг ҳудудида истиқомат қиладиган ҳар бир инсон миллатидан, ирқидан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади ва республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциянинг 8-моддасида белгиланган яна бир муҳим демократик руҳдаги қоида Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойилининг мустаҳкамланишидан иборат. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос тушади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 2-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир инсон, бирор-бир айримачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб



чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, мазкур декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак.

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт». (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда).

Мазкур қоида Ўзбекистонни давлат сифатида дунёдаги энг демократик мамлакатлар даражасига кўтарди. Чунки инсонни улуғлаш, унинг ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда унинг ҳақ ва ҳуқуқларини кўриқлаш демократик давлатларгагина хосдир. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш қоидаси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қоидаларига тўла-тўқис мос келади. Шу билан бир қаторда, барча фуқаролар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишлари ва тинч-тотув яшашларининг заминидан инсон ҳуқуқлари туриши ва бу биринчи навбатда, конституциявий ҳуқуқ билан ҳимоя қилиниши зарур..

Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайди, унинг халқ ҳокимиятчилигига асосланганлигини билдиради. Бу принцип Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган: Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими-ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини мустаҳкамлаган ушбу модда, меъёр Ўзбекистоннинг конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг илгарги 1927, 1937 ва 1978 йиллардаги Конституцияларида бундай принцип мавжуд эмас эди. Чунки ушбу

Конституциялар марксча-ленинча коммунистлар ҳукмронлиги назариясига асосланиб, унда «ҳокимиятнинг бўлиниши» принциплари рад этилар эди.

«Ҳокимиятнинг бўлиниши» ғояси қадимий бўлиб, қадимги юнон файласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, бу ғоя мустақил таълимотга айланган. Машҳур француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, файласуф ва ёзувчи Монтескье (1689-1755 йиллар) ўзининг «Қонунларнинг руҳи ҳақида» китобида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини илгари сурган. Монтескье фикрича, сиёсий ҳиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган нарса уч ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тўла бўлиниши ва бир-бирини чеклашидир. Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя-бу ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими» ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазибаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирларини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият, айти пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунларни имзолашда «veto» (яъни, имзолани вақтинча рад этиш) ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Умуман «ҳокимиятнинг бўлиниши» назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил

равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу уччала ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради ва назорат қилиб боради.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Мамлакатда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида тан олинмайди ва ҳатто ўрнатилиши ҳам мумкин эмас. Республикамизда ижтимоий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим йўли бу демократияга асосланган турли сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланар экан турли мафкуралар ва фикрлар давлат ва жамият ҳавфсизлигига тажовуз этмаслиги, ўз навбатида жамиятни иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришга ҳисса қўшмоғи лозимдир. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий ҳаётини турли фикрлар, ғоялар, сиёсий институтлар орқали ривожлантириш, шакллантириш мумкин экан, республикамизда ҳам ўз навбатида ижтимоий ҳаёт шу йўсинда шаклланиб боради. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунки кунига ва келажакка қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат. Ҳар қандай давлатнинг демократик, ҳуқуқийлиги ёки зулмкор, зўровонлигини баҳолашда кўпинча унда шахсий даҳлсизлик қафолатланганлигига, мустақил суд мавжудлигига, суд ҳокимиятининг мамлакатдаги ўрни ва обрўсига эътибор қилинади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг конкрет тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартиб (муайян қолип, андоза)га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил, бошқа

хокимиятга итоат этмайди, сўзсиз ижро этилишга мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қилади.

Ҳоқимиятнинг учала шахобчаси, фақат улар ва албатта уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳоқимиятини ташкил этадилар. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳоқимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ҳоқимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳоқимиятнинг ҳар бир шахобчаси қолган икки ҳоқимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак.

Ҳоқимият бўлиниши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо.

Мазкур принцип ҳоқимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳатдир.

Ривожланган демократик давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси давлат ҳоқимиятининг тизими ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятига бўлиниши принципига асосланади. Қонун чиқарувчи ҳоқимият икки палатали (юқори – Сенат, қуйи – Қонунчилик палатаси) Олий Мажлис томонидан, ижро ҳоқимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳоқимияти эса фаолият йўналишига қараб, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий Хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Давлат ҳоқимиятини амалга оширувчи барча идоралар ўз фаолиятини фақат қонун томонидан берилган ваколат доирасидагина юритадилар. Ҳар бир ҳоқимият ўз фаолиятини ўзига тегишли бўлган ваколатларни амалга ошириш орқали ўз ҳоқимиятига мустақил саналади. Ушбу органлар ўз ваколатларини бошқа бир ташкилотга ёки бўлмаса бирон-бир шахсга беришга ҳақли эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон жаҳон мамлакатларининг конституциявий тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, улар ушбу принцип расман ўрнатилган ёки ўрнатилмаганлигидан қатъи назар, барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. Чунончи, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида ҳам бу принцип расман 11-моддада ўрнатилган. Унга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқариш ҳокимияти Олий Мажлис, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимини ташкил этади.

Зеро, республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти-давлатнинг учта асосий таянчидир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида., «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб мустаҳкамланиши давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади.

Маълумки, ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроқи, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир. Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда кўпинча инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошқора баён қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафкура ҳукмрон бўлади. Масалан, собиқ тоталитар тузумнинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкуранинг яққаҳокимлиги ўрнатилган эди.

**Мафкура** - бу маълум тизимга солинган ғоялар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунги кунига ва келажагига қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини мустақил ва эркин белгилаб олди. Эндиликда мустақил давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини яратиш асосий вазифа бўлиб қолган. Бунда бизга эски, зўравонлик билан ўрнатилган коммунистик мафкура мутлақо тўғри келмай, миллатимизни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган мафку-рага муҳтожлик яққол сезилиб қолди. Бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамизни яратиш долзарб масалага айланди. Шу йўлда қўйилган дадил кадам-бу тарихимизда биринчи марта Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланган меъёр бўлди. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгиланди. Демак, бу билан битта мафкуранинг, битта дунёқарашнинг яққаҳоқимлигидан қатъиян воз кечилди.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида ўрнатилган меъёр олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг қадимий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини тарғиб қилиши лозим. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуг мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим, деб кўрсатади

Президентимиз Ислом Каримов. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги тараққий этган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий кадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир», деган эди. Бу фикрдан англанадики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолатида кўради. Шунинг учун ҳам у жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратишни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу бир томондан мустақиллик шароитида эндигина шаклланаётган давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан давлат раҳбарининг сиёсий-маданий салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Шу билан бирга эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида энг олий кадрият сифатида давлат ва ижтимоий тизим эмас, балки инсон олинди. Конституциянинг 13-моддаси бунга ёрқин мисолдир. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга

кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина Конституция билангина кўриқланиб, кафолатланиб қолмасдан, балки улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг нормалари ва принциплари билан ҳам кўриқланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда «барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида» Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилади. «Бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ҳамisha ана шу декларацияни назарда тутиб, маърифат ва илм йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилишлари ҳамда миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар йўли билан ҳам, ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва мазкур давлатларнинг юридикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари керак».

Мазкур декларация қабул қилинишини дунёнинг қирқ саккиз давлати кўллаб-қувватлади, саккизта давлат бетараф бўлган бўлса-да, бирон-бир давлат унга қарши бўлган эмас.

Бош Ассамблея раиси декларация қабул қилингандан сўнг билдирган муурожаатида декларациянинг қабул қилиниши «буюк эволюцион жараёнларга кўйилган дастлабки қадам ва оламшумул ютуққа эришилганлиги»ни маълум қилди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов: «инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устивор бўлиши керак»,-деган эди. Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи



бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат куришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи «инсон» эканлиги ёрқин мужассамлаштирилган. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Масалан, Конституциянинг 13-моддаси фикримизга далил бўлиши мумкин. Ушбу моддада «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди: «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар»(1-модда); «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир»(3-модда); «Ҳеч ким кулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, кулчилик ва кул савдосининг барча турлари таъқиқланади»(4-модда) ва ҳоказо. Конституциямизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистонда барча фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органининг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилган. Давлат ўз вазифасини тегишли органлари орқали амалга оширар экан, ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиши лозим бўлади. Ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс

манфаатларининг ҳамма нарсдан устунлигидир. Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эга эканлигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини аниқлатади.

Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг илк қадамларида қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий нормаларини, асосан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратиб келди ва бу йўлда иш олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунчилик асосида мустаҳкамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий кафолатлар тизими билан таъминлангандан кейингина амалга ошириши мумкинлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳар бир шахс шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким уни ўзбошимчалик билан ушбу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас, чунки инсон эркинлиги қонун томонидан кўриқланадиган олий ижтимоий аҳамиятга молик қадриятдир. Шу туфайли шахснинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. «Инсоннинг энг устивор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири-деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов, - бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш-давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади».

Ўзбекистоннинг демократик давлат сифатида тавсифловчи яна бир коида Конституциянинг 14- моддасида белгиланган. Унда таъкидланишича, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».

Ўзбекистон Конституциясининг ушбу моддаси давлатимиз фаолиятининг энг асосий принципларини белгилаб беради. Бу жуда муҳимдир. Чунки давлат ўз фаолияти билан инсон ва жамият тақдирини белгилаши мумкин. Айниқса, ҳозирги вақтда жамият давлатсиз яшай олмаслиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

Давлатимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини белгилашда унинг вазифаларига, функцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Давлатнинг қандай вазифаларни, функцияларни амалга оширишига, бошқача қилиб айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб борса, ундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Шу боис Конституциянинг 14-моддасида ўрнатилган меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлиги яққол кўрсатиб турибди, десак асло янглишмаймиз. Чунки мазкур модда алоҳида равишда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади.

Зеро, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнан шахс манфаатларига мос тушади.

Конституциямиз ушбу моддасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасида айни вақтларда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислоҳатлар билан белгиланади. Бундай ислоҳатлардан кўзда тутилган энг асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлиги эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. «Мақсадимиз аниқ,-деб

таъкидлайди Президентимиз Ислоом Каримов,-бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очик, демократик давлат қуриш». Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор асарлари ва китобларида Ўзбекистоннинг ана шу мақсадини амалга оширишга қаратилган вазифаларини ва фаолият дастурини аниқ кўрсатиб берган. Бунда айниқса унинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида» асари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Конституциянинг 14-моддасида назарда тутилган меъёрнинг яна бир муҳим томони шундаки, унга кўра давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Бу ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир.

Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини ўрнатади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эгаллигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини англатади. Шу билан бирга, бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари оғишмай таъминланиши, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир ўзбошимчалигига йўл қўймаслиги, фуқаро-арнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда тутаяди. Бир сўз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади.

Қонунийликнинг асосий вазифаси-мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш учун мулкнинг турли шакллариغا йўл очиш ва уларни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамлашдир.

Қонунийлик ҳуқуқий тартибот билан узвий боғлиқ бўлиб, у орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот жамоат тартибининг бир қисми бўлиб, фақат ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида пайдо бўлиб, кишилиқ ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибот орқали пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлардан кенгроқ бўлиб, уларга ахлоқ, урф-одатлар ва бошқа турмуш қоидаларининг амалга оширилиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар киради. Кишилар ўртасидаги ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибот, яъни ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилиб, қонунийлик мустаҳкамланади.

#### **5-§ Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг асосий шакллари: бевосита ва вакиллик демократияси**

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига биноан, «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

Ушбу меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқ ҳокимиятчилиги тамойилига асосланганлигини яна бир қарра яққол кўрсатади. Халқ ҳокимиятчилиги-бу бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халққа тегишли дегани. Конституцияга биноан, халқ ҳокимиятни бевосита ҳамда ўзи сайлаб қўядиган органлари орқали амалга оширади. Халқ сайловлар йўли билан ҳокимиятнинг вакиллик органларини тузади, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар орқали жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал қилади.

Республикамызда референдум ўтказиш тартиби 2001 йил 9 ноябрда кучга киритилган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Унга кўра,

Ўзбекистон Республикаси референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларини қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

1995 йил 26 мартда ўтказилган референдумда республикада фуқароларининг фаол иштирокида бир овоздан юртбошимиз Ислам Каримовнинг Президентлик ваколатлари 2000 йилгача узайтирилди. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда эса икки палатали парламент ва Президент ваколати муддатини узайтириш масаласи қўйилиб, референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари иштирок этди. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 92 % дан ортиғи бу масalani ёқлаб овоз берди.

Булар шунинг билан, Конституциянинг 9-моддасида белгиланган меъёр қуруқ қоғоздагина бўлмай, балки доимо ҳаракатдадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги ва унинг амалга оширилиши шакллари хусусида ҳам муҳим меъёрлар белгилайди. Жумладан, унинг 10-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас».

Ўзбекистон Олий Мажлиси бевосита халқ томонидан ташкил этилиб, унинг вакиллик органи ҳисобланади. Унга Қонунчилик палатаси депутатлари халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Ўзбекистон халқи ўз ичидан муносиб номзодлар танлаб, уларни Олий Мажлисга вакил сифатида сайлайди. Уларга ваколат бериб қўяди ва худди шу тариқа ҳокимиятга эгалик қилади. Бироқ фақат шунгина эмас. Халқнинг ҳокимиятга эгалик қилиши бошқа воситалар орқали ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг ташкил этилиши, вазифалари, тузилиши ва фаолияти ҳақида Конституциянинг XVIII боби, 78-88-моддаларида батафсил кўрсатиб берилган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қарорлари асосида 4-5 апрел кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум йукунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Унда мамлакатимиз парламенти-Олий Мажлиснинг икки палатали қилиб шакллантириш принциплари ва қоидалари белгиланди.

### **6-§ Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши.**

Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. "Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, - дейди Президентимиз И.А.Каримов, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади"<sup>10</sup>.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади". Ўзбекистон Конституциясида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши куйидагича белгиланган: "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Конституция ва қонун устунлиги давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, барча жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият олиб боришини тақозо этади. Бундан ташқари,

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўша жойда, 125-бет.

бу конституциявий тамойил, барча норматив ҳуқуқий актлар Конституцияда мустақкамланган қоидаларга тўлиқ мос келишини ҳам қатъий талаб этади. Бу конституциявий қоидага тўла риоя этиш мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Шу муносабат билан, қонун устуворлиги ҳақида гап кетганда, аввало бир ҳолат ҳақида таъкидлаб ўтиш жоиз. Илмий адабиётда қонун устуворлиги билан ҳуқуқ ҳукмронлиги тушунчаларини баъзан аралаштириб юбориш ҳоллари мавжуд. Аслида булар моҳиятан яқин ҳуқуқий ҳодисалар бўлсада, ҳар ҳолда бир-биридан муайян даражада фарқланишади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу шунда кўринадики, ҳар қандай давлат, ўзи ҳуқуқий нормалар яратар экан, энг аввало ўзи айнан шу ҳуқуқий нормаларга риоя этиши керак, яъни амалдаги ҳуқуқ нормалари фуқаролар учун қанчалик мажбурий характерга эга бўлса, давлат учун ҳам шунчалик мажбурий характерга эгадир.

Давлат ҳокимияти қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва доираларда ҳаракат қилмоғи, давлат органлари эса, ҳеч бир истисносиз ҳаракатдаги ҳуқуқ нормаларига бўйсунмоғи лозим. Бунинг маъноси шуки, давлат органлари фақат қонун берган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, Конституцияга мувофиқ унинг компетенциясига (ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи) қирадиган қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу - давлатнинг, унинг мансабдор шахсларининг, давлат органларининг, фуқароларнинг ва уларнинг турли тузилмаларининг фаолияти ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ асосида кечишидир.

Қонун устуворлиги бу - муайян бир давлатда амал қилиб турган ҳуқуқий нормалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида қонуннинг олий юридик кучга эга эканлиги, барча қонун ости актлари қонунга мос келиши лозимлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи боби ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим бўлган ушбу принципни ўзида



мустаҳкамлаган: ”Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. (15 -модда.)

Олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида бевосита тўғридан - тўғри амал қиладиган Конституциянинг устунлиги шуни англатадики, Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинадиган барча қонунлар ва бошқа норматив актлар Конституцияга зид келмаслиги, унга мос келиши лозим. Давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, ўзини-бошқариш органлари, барча бошқа ташкилот ва тузилмалар Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига риоя этишлари керак. Шу тариқа давлат фаолияти ҳуқуқ ва қонунлар билан “боғлаб” қўйилади, маълум даражада чеклаб қўйилади.

Қонунларга риоя этиш учун улар расмий тарзда эълон этилган бўлиши шарт. Қонунларнинг эълон қилиниши- уларга риоя этишнинг шартидир, чунки эълон қилинмаган қонун қўлланилмайди.<sup>1</sup>

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлиги (“rule of law”) - ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойилларидан, тавсифларидан бири ҳисобланади. Бироқ, биз юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, қонун устуворлиги билан ҳуқуқ устуворлиги бир нарса эмас. Чунки ҳар қандай қонун доимо ҳуқуқий характерга эга бўлмаслиги мумкин, яъни ўзида инсонга ҳуқуқ берадиган, унинг эркинлиги, реал тенглиги, ижтимоий хавфсизлигини таъминлайдиган қонидани ифодаламаслиги мумкин, шу боис доимо ҳуқуқ ва қонун тушунчаси бир-бирига мос келмаслиги мумкин.

Шу боис ҳам олимлар ҳуқуқ устуворлиги билан қонун устуворлигини алоҳида талқин этишлари ҳам бежиз эмас, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳатто ҳуқуқ устуворлиги ғоясининг “ёши” қонун устуворлиги ғоясиникидан улуғроқ, яъни ундан олдинроқ шаклланган. Қонун

---

<sup>1</sup> Қаранг: Н.Сабуров. Қонунга итоаткор шахс. Т.: ТДЮИ нашриёти . 2003. 7-10 бетлар

устуворлиги ғоясининг мазмунини Конституциянинг устуворлиги, қонунни қабул қилишнинг ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг алоҳида тартиботи, муолижаси мавжудлиги, қонунга барча бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг мос келиши мажбурийлиги, қонунни амалга ошириш ва уни муҳофаза этишнинг махсус механизми мавжудлиги, яхлит қонунчилик тизимининг зиддиятсиз бўлишини таъминлайдиган конституциявий назоратнинг мавжудлиги ташкил этади.

Ҳуқуқ устунлиги ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

1. давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалаларига ҳуқуқ ва қонун нуқтаи-назаридан қараш ва ҳал эитш,

2. умуминсоний ахлоқий-ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқнинг формал-регулятив қадриятларини легитимли оммавий ҳокимий куч билан билан уйғунлаштириш,

3. давлат ва жамоат органларининг ҳар қандай қарорларини ғоявий-ҳуқуқий асослаш,

5. давлатда ҳуқуқнинг ифодаланиши ва ҳаракатини таъминлашнинг ишончли воситалари механизми мавжудлиги.<sup>11</sup>

Ҳуқуқ устунлиги ҳақида гапирганда, албатта, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги тамойилигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки бу ҳуқуқий давлат куриш амалиёти учун жуда муҳим ҳуқуқий масала. Зеро ҳуқуқий давлатда исталган норматив -ҳуқуқий акт нафақат шакли, номланиши, қабул қилиниш тартиби бўйичагина эмас, балки мазмуни ва моҳиятига қараб ҳам ҳуқуқий қонун бўлиши керак.

Бунинг маъноси шуки, мазкур қонун, албатта ўзида инсоннинг табиий ҳуқуқларини жамлаган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги халқаро андозаларга мос келадиган, қонунда белгиланган асос ва тартибда шаклланган давлат органи томонидан қабул қилинган бўлиши керак.

---

<sup>11</sup> Қаранг: З.Исломов. Общество. Государство. Право.Т.:Адолат. 2001. 354-361 б;

Чунки, хатто ўзида буюк ғояларни ифодалаган қонун ҳам доимо ҳуқуқий қонун бўлавермаслиги мумкин. Маълумки, қонунлар мазмунан иилғор ёки қолоқ, мантиқий ёки зиддиятли, адолатли ёки адолатсиз бўлиши мумкин. Қонун устуворлиги, шу боис, ҳуқуқий давлатнинг ташки, формал тарафи, аслида эса, ҳуқуқий давлатнинг ички, мазмуний жиҳати бу - бевосита қонунларнинг сифати ва ички моҳиятида намоён бўладиган жиҳатидир, қисқаси ҳақиқий демократик давлатда қонун ҳуқуқга мазмун ва моҳиятига мос келиши керак.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" (15-модда).

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларни бири-биридан фарқини ажратиш олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврларга мўлжалланган асосий қоидалар мустаҳкамланган ва бу қоидалар бевосита амал қилиб, бошқа қонун чиқариш ҳужжатларида очиб берилади ва конкретлаштирилади. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлсада, лекин Асосий Қонун доирасига сиғмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим.

Конституциянинг Асосий Қонун сифатидаги аҳамияти, обрў-эътибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Бир сўз билан айтганда, Конституцияни қонунлар қонуни дейиш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида Конституциянинг энг юқори кучга эгаллиги, ҳамма қонунлардан устун туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда

фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг устунлиги ўрнатилади.

Юқоридаги принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини аниқлатади. Қонунчилик-бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий режим ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принциpidир. Қонунчилик принциpi қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳаммининг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам аниқлатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқий-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларида ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамият аъзоларининг юриш-туришлари, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-биридан ажралмас бўлиши лозим.

Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробардир.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб кўрсатилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус

қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Юқоридагиларнинг биронтаси ҳам Конституция ва қонунлардан ташқари иш кўришга ҳақли эмас. Зеро, Конституция ва қонунлардан четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегишлича жавобгарликлар ўрнатилган, санкциялар белгиланган.

Демократия ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонунларга оғишмай амал қилиш талаби билан бир қаторда Конституциянинг бирорта қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги ҳам ўрнатилган бўлади.

Демак, Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётга тадбиқ қилинаётганда халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин қилиниши зарур. Зеро, Конституциянинг ўзи халқ ва давлат иродасининг ифодасидир. Шунинг учун Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиши керак.

Ўзбекистон Конституциясининг бирорта қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда).

Шунингдек, Конституцияга кўра бирорта ҳам қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Чунки Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиб, у олий юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжатидир, Конституция ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ҳоказолар учун қонунчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Давлат органларининг барча қонунлари ва

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция асосида чиқарилиб, унинг қоидаларига ҳилоф бўлмаслиги лозим.

Асосий Қонунимизга биноан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинадиган бўлди. Шу мақсадда Конституциявий суд жорий қилинди. Бу орган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мос келишини текшириб туради. Конституциявий суднинг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари ҳақида Конституциянинг 108-109-моддаларида маълумотлар берилган.

Шундай қилиб, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида таъкидлаганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг вазифаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.<sup>12</sup>

## **7-§ Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти.**

Ҳар бир давлат ўз функциясини амалга оширишда ташқи функцияси етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ташқи сиёсатида алоҳида бир бобни бағишлаш билан мамлакат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига тарафдор эканлигини бутун жаҳонга маълум қилди. «Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч — қудратимизга, маънавиятимизга, кўп авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянганмиз, — деб

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

таъкидлаганди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Бу — ташқи муносабатларда очик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларига риоя этиш демакдир».<sup>13</sup>

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида ўзининг қонуний аксини топган. Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро ишлардаги умумий йўналиши ўз ичига олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини ўз ичига олувчи мақсад ва воситаларини қамраб олади.

Асосий Қонунимизнинг 17-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин." "Ўзбекистон Республикаси - халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти" деган конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги дунёдаги ўрнини билдирибгина қолмай, мамлакатимизни ҳақиқатдан ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми эканлигини исботлайди.

Бу эса қуйидагиларни англатади:

**биринчидан,** Ўзбекистон суверен давлат сифатида замонавий халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари билан боғлиқ, бошқа мажбуриятлар давлатимизнинг розилигисиз зиммамизга юклатилиши мумкин эмас;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т.; 1993.-25 б

**иккинчидан,** Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти чегараланмайди ва халқаро ҳуқуқнинг ҳеч қайси бир субъекти бунга аралашиб ҳуқуқига эга эмас, ўзининг ҳудудидан ташқарида у ўз ҳокимиятини фақат бошқа манфаатдор давлат розилиги бўлгандагина амалга ошириши мумкин;

**учинчидан,** Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб, иккитомонлама ва кўптомонлама халқаро шартномаларни тузиб, бевосита давлатлараро муносабатларда қатнашади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасининг мустақил ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлди:

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Тошкентда 35та давлат элчихонаси очилди, 19та давлат элчилари эса Ўзбекистон Республикасида ўриндошлик асосида фаолият юргизади. Республикада 88 та хорижий ваколатхоналар акредитациядан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматларга тегишли бўлмаган ташкилотлар фаолият олиб боради. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди.

2. Конституция асосида Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида билдирувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Ташқи алоқалар соҳасида қуйидаги муҳим қонунлар қабул қилинди:

3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи давлат органлари шакллантирилди. Ташқи ишлар вазирлигининг функциялари ва фаолиятининг йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият банки ташкил этилди, ташқи савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг махсус тизими шакллантирилди, хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 260 дан ортиқ ваколатхоналари очилди.



4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари ва принципларига Республиканинг ташқи сиёсатни тартибга солувчи қонунчилигига, ҳарбий соҳадаги қонунчиликка, БМТнинг ҳамда ЕҲҲТ нинг принциплари ва мақсадларига, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига асосланади. Ўзбекистон дунёдага энг нуфузли ташкилотларга аъзо бўлди ва муҳим халқаро шартномаларга қўшилди.

Дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг ўта муҳим воситаси ҳисобланади. Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифалари, яъни ташқи сиёсатни амалга оширишда фойдаланиладиган шакллар, воситалар ва усуллар, амалий тадбирлар мажмуасини намоён этади ҳамда белгилаб беради. Дипломатия билан бир қаторда давлатнинг ташқи сиёсати воситалари сифатида унинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ёрдам берувчи халқаро шароитларни яратиш, тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишдир.

Ўзбекистон ўзининг мустақил ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги устувор ҳолатлардан келиб чиқади:

**биринчидан**, ўзининг миллий-давлатчилик манфаатларининг устуворлиги шароитида ўзаро манфаатларни тўлиқ ҳисобга олиш;

**иккинчидан**, инсонлар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон халқаро алоқаларда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан бартараф этишни ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон ядро қуролидан озод ҳудуд бўлиб қолади, агрессив табиатдаги ҳарбий блоklar ва иттифоқларга аъзо бўлмайди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни тан олади ва муттасил уларга содиқликни исботлайди;

**учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ўзаро тинчлик, ўзаро фойда, ички ишларга аралашмаслик принципларига, мустақилликни ва суверенитетни чегараловчи ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайдиган принципларга қурилади;

**тўртинчидан,** Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқлик принципини турли хил мафкуравий қарашлардан холи равишда амалга ошириб, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатмоқда;

**бешинчидан,** Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устунлигини тан олади, халқаро-ҳуқуқий стандартларни ҳурмат қилади.

Конституциянинг давлатни ривожлантириш билан боғлиқ ички масалаларни ҳал этишга қаратилган қоидаларигагина эмас, балки Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъмин этадиган қоидаларига ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Очиқ демократик давлатни қуриш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда ҳуқуқий асосда амалга оширилмоқда. Бу асос иқтисодий ислох қилиш, унинг кенг қўламда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун кучли ҳуқуқий қафолатлар ва шарт — шароитларни таъминлаб беради».<sup>14</sup>

Асосий Қонун ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида демократия принципларини, инсон ҳуқуқларини, ҳокимиятнинг ташкил этилиши, ички ва ташқи сиёсат асосларини мустаҳкамлай бориб, давлат органларининг ҳуқуқни муҳофаза этиш борасидаги, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий — маданий соҳадаги фаолиятинигина эмас, балки ташқи сиёсатини ҳам инсон манфаатларига хизмат қилдиради. Ҳуқуқий давлатда ташқи сиёсатга тааллуқли энг масъулиятли қарорлар ҳокимиятнинг олий

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари.-Т.; 1997 й.-37 б

давлат органлари томонидан энг аввало Конституцияга мувофиқ равишда қабул қилинади. Ташқи сиёсат соҳасини тартибга солувчи қонунчилик нормалари бутун тизимини шакллантириш ташқи сиёсат конституциявий-ҳуқуқий институтидан бошланади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф нормалари тамойиллари миллий ҳуқуққа нисбатан этилган мақоми, шунингдек давлатнинг кўп томонлама ва икки томонлама дипломатия соҳасидаги фаолияти тегишли конституциявий қоидаларга боғлиқдир. Бу конституциявий-ҳуқуқий институт айрим нормаларни, шунингдек ҳокимият олий органларининг тегишли ваколатларини тўғридан-тўғри белгилай бориб, давлат ташқи сиёсий фаолиятининг реал масалаларига бошқаларга нисбатан яқинроқ туради. Бу ҳол ташқи алоқалар механизми фаолият олиб боришининг шароитлари ва тартибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё ҳамжамияти томонидан яратилган ҳуқуқий нормалар асосида ўзининг конституциясини яратган Республикамиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини асосий принциплар сифатида асосий қонунда эътироф этди. Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятни ҳамда иқтисодий алоқаларни амалга оширувчи институтларни шакллантирди. Улар асосида халқаро ташкилотлар, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари, давлат тузилмалари ва бошқа давлат органлари билан биринчи навбатда умуминсоний қадриятларга ҳамда миллий манфаатларимизни ҳисобга олиб муносабатга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси суверенитетини, ҳавфсизлигини, сиёсий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлашда, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Биз миллий манфаатларимиз мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Айни пайтда халқаро ҳаётнинг муайян принципиал масалалари бўйича қарашларимизда тафовут бўлган давлатлар

билан ҳам очик мулоқот олиб боришга ҳозир эканлигимизни билдираимиз”<sup>1</sup>-деб мухтарам Президентимиз томонидан таъкидланган эди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро алоқаларда бой тажриба тўплаган ҳолда, ўз мустақил ташқи сиёсатини юритиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг ўзига хос йўналишларини ишлаб чиқди, давлатлараро муносабатлардаги тамойиллар ва устувор йўналишларини белгилади ва уларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни жадал суратлар билан амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳамжамиятда ўз обрў-эътиборига эга бўлиб бир қанча ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон қуйидаги асосий принципларга амал қилиб келмоқда:

Биринчидан, томонлар манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўз миллий манфаатларининг устунлигини таъминлаш;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ;

Учинчидан, мафкуравий қараш-арга қарам бўлмаган ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларни тан олиш, тинчлик ва хавфсизликни асраш;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички ҳуқуқ нормаларидан устунлигини эътироф этиш;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномалар асосида ривожлантириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон Конституциясида илк мартаба ташқи сиёсатни тартибга солувчи норманинг киритилиши катта сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз жамиятмизни демократизациялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон. 2005. 58 б.

Бу ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг аъзоларидан бири сифатида қандай мақсадда ҳаракат қилишини белгилаб беради. Маълумки, собиқ шўролар даврида ҳам ашё базаси бўлиб келган Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юритиш имкониятидан маҳрум эди. Худди шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг давлат ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яқка-ҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига «эга эмас эди» деб ҳисоблайди<sup>15</sup>.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилганиши Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини мустақил амалга оширига замин яратди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши ўзбек халқининг дахлсиз ҳуқуқи - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишини белгилаб берди. Бу табиий ҳолдир, чунки давлатимизнинг ўз миллий мустақилигини қўлга киритиши унинг ташқи сиёсий фаолиятини мустақил амалга оширишида муҳим белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъектчилиги, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинishi, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган ташкилотларига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ҳамда уларнинг фаолиятида қатнашишида яққол намоён бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий

---

<sup>15</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқпол ва тараққиёт йўли». Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993, 49-бет.

манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди»<sup>1</sup> деган эди.

Шуни қайд этиш зарурки, республикада ташқи сиёсатининг вужудга келиши ва ривожланиши муаммоларига чуқур эътибор берилмоқда, жумладан Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ташқи сиёсатнинг асосий тамойилларини қуйидагича таърифлаган:

-ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

-тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга аъзо бўлмаслик;

-бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

-ошқора ташқи сиёсат олиб бориш; халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиш;

-халқаро ташқи алоқаларни тўла ишонч тамойили асосида ўрнатиш " .

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир" деган жумлалар билан бошланган ушбу норманинг туб маъноси моҳиятан, ўзбек халқининг бутун тарихий ютуғини ўзида ифодалаган десак муболаға бўлмайди. Халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг дунё хамжамияти томонидан эътироф этилиши шундай ҳуқуқни қўлга киритишга ҳаракат қилган, маълум тарихий даврларда минглаб азоб-уқубатларни ҳамда мустамлакачилик сиёсатини бошидан кечирган халқимиз учун улкан ютуқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган ташқи сиёсат борасидаги барча тамойиллар халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидаларига тўла мувофиқдир.

---

<sup>1 1</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993, 38-бет.

## **8-§ Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари.**

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташқи сиёсатга бағишланган моддасида мамлакат ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги тамойилига асосланиши белгилаб қўйилган Чунки халқаро ҳуқуқ-тартиботни фақатгина давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглигини тўлиқ ҳурмат қилиш асосидагина амалга ошириш мумкин. Ҳар бир давлат бошқа иштирокчилар суверенитетини ҳурмат қилишга мажбур. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳеч бир давлат ўзга давлатларнинг ҳудудларидаги қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятнинг фаолиятига ҳамда ўша давлатнинг мустақил ташқи сиёсий фаолият юритишига аралашмасликлари ва ўз ташқи сиёсатларини мустақил равишда юрита олишлари лозим. Ушбу қоида БМТ Низомининг биринчи бўлим 2-моддасида ўз ифодасини топган. Унда шундай таъриф берилади: "Ташкилот унга аъзо бўлган барча давлатларнинг суверен тенглиги тамойилига асосланади." Шундай қоидалар БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар низомларида, аксарият минтақалараро халқаро ташкилотларнинг низомларида кўп томонлама ва икки томонлама давлатлараро ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан тузилган ҳамкорлик келишувларида ҳамда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий актларида яъни Хельсинки Кенгашининг яқунловчи ҳужжатлари, Париж ва Мадрид хартияларида ўз ифодасини топган.

Суверен тенглик тамойилининг асосий ижтимоий моҳияти давлатларни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа характердаги фарқларидан қатъий назар халқаро муносабатларда юридик жиҳатдан тенг иштирокини таъминлашдан иборат. Чунки давлатлар халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли қатнашчиларидир ва улар бир хил ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

1970 йилги Декларацияга асосан суверен тенглик принципи тушунчаси қуйидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

- а) давлатлар юридик жиҳатдан тенгдирлар;

б) ҳар бир давлат тўла суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланади;

в) ҳар бир давлат бошқа давлатларни ҳуқуқ субъекти сифатмда ҳурмат қилишга мажбур;

г) ҳар бир давлатнинг яхлитлиги, ҳудудий ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;

д) ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлаш ва уларда мавжуд муносабатларни тартибга со-лиш ҳуқуқига эга;

е) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариш ҳамда бошқа давлатлар билан тинчлик ва осойишталикда яшашга мажбурдир.

ЕХҲҚнинг 1975 йилги Якуний актидан ўрин олган тамойиллар Декларациясига биноан давлатларнинг суверен тенглиги принципи қуйидагиларни англатади:

- Давлатлар ўз муносабатларида тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишлардаги фарқларни ҳурмат қилишлари лозим;
- Йўналишлар ва қарашларнинг ҳар қиллиги, ички қонунлар ҳамда маъмурий қоидалар суверенитетга риоя қилиш йўлида ғов бўлмаслиги керак;
- Ҳар бир давлат бошқа давлатлар билан муносабатини ўз хошича ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга;
- Давлатлар халқаро ташкилотларга кириш, икки ёки кўп томонлама шартномаларга аъзо бўлиш ҳамда бетарафлик ҳуқуқларига эга.

Шундай қилиб, ҳар бир давлат суверен тенглик тамойилининг асосий қоидалари нафақат давлат суверенитетини тақозо этибгина қолмай, балки уни ҳурмат қилишни ҳам талаб этади. Давлатлар ўзаро муносабатларда бир бирларининг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига, улардаги турли ёндашув ва қарашларни шаклланишига,



ички қонун ва қоидаларини яратишларига, халқаро ҳуқук таъсирида бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларини ўз нуқтаи назари билан амалга оширишларига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги уларнинг фактик жиҳатдан халқаро муносабатларда тенглигини билдирмайди. Чунки БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари алоҳида ҳуқуқий ҳолатга эга эканлиги бунга мисол бўла олади. Муайян бир давлат, давлатлараро иттифоқлар ёки халқаро ташкилотлар томонидан яратилган нормалар бошқа давлатларга тазйиқ билан ўтказилиши мумкин эмас.

Халқаро ҳуқук субъектларини ҳар қандай халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимига киритиш, фақатгина унинг эркинлигига асосан амалга оширилади.

Шундай қилиб, суверен давлатлар бор экан, суверен тенглик тамойили халқаро ҳуқуқ тизимидаги асосий қоидалардан бири бўлиб қолади.

Халқаро ҳуқуқнинг куч **ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик тамойили** ҳам мамлакат конституциясда ўз ифодасини топган.

Халқаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш тамойили томонларни бошқа давлатларга қарши бевосита ёк билвосита куч ишлатишни ифодаловчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туришини англатади. Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик тўғрисидаги масала илк бор Иккинчи жаҳон уруши йилларида юзага келди ва халқларнинг урушдан кейин халқаро муносабатларни адолатли асосда қуришга бўлган интилишлари ва умидларни акс эттирди. Бу объектив қонуният биринчи марта халқаро ҳуқуқ принципига айланди ва БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилди.

БМТ Низомининг IV бўлим 2-моддасига асосан халқаро ҳуқуқ субъектлари куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципи асосида фаолият кўрсатишини ўз зиммасига оладилар. БМТ Низомидаги

меъёрга асосан қабул қилинган 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация ва Хельсинки Кенгашининг яқунловчи ҳужжатлари куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик принципини мазмунан бойитади.

Куч ишлатмаслик мажбурияти барча давлатларга тааллуқлидир, чунки халқаро хавфсизлик ва тинчликнинг сақланиши, нафақат БМТ га аъзо бўлган давлатларга, балки барча аъзо бўлмаган давлатларга ҳам ушбу тамойилга амал қилишни шарт қилиб қўяди. Бироқ БМТ Низомининг на 2-моддасида ва на бошқа бандларида давлатлар томонидан шу тамойилга асосан қандай фаолият кўрсатмаслиги ёки уларга қандай хатти-ҳаракатнинг тақиқланганлиги аниқ тавсифлаб берилмаган.

БМТ Низомига мувофиқ, нафақат қуролли кучларнинг, балки ҳар қандай кучнинг ҳақ-ҳуқуқларга қарши қўлланилиши, яъни қурол ишлатмасдан қилинадиган зулм-зўравонликлар ҳам тақиқланади. "Куч" атамасига алоҳида урғу бериб, куч ишлатишнинг тинчликка ўта катта хавф-таҳдид солишини эътироф этмоқ лозим. Низомнинг 2-модда, 4-бандида, авваломбор, қуролли куч ишлатишнинг ман этилганлиги ҳақида сўз боради.

ЕХХТнинг яқунловчи ҳужжатида аъзо давлатларнинг "бошқа аъзо-давлатни мажбурлаш мақсадида куч ишлатишнинг барча кўринишларидан тийилиши", ҳар қандай иқтисодий мажбурлаш таъсиридан ўзини тийиб туриши" кераклиги тўғридақ-тўғри кўрсатиб қўйилган. Буларнинг барчаси шубҳасиз, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нормалари томонидан ҳар қандай кўринишдаги ғайриқонуний куч ишлатишни қатъиян ман этилаётанлигидан далолат беради. БМТ Низомининг 42-47 ва 51-моддаларида қуролли кучнинг қонуний равишда қўллаш ҳолатлари ҳақида, 41-ва 50-моддаларида эса қуролсиз кучларнинг қонун доирасида қўлланилиши ҳақида айтиб ўтилган. Бу моддаларда қуйидаги усуллар санаб ўтилади: "иқтисодий муносабатлар, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ва бошқа алоқа воситаларини тўла ёки қисман узиб қўйиш, дипломатик алоқаларни тўхтатиб қўйиш".

Низомда қуролли кучларни давлатлар томонидан икки ҳолатдагина, яъни ўзини-ўзи муҳофаа қилиш (51-модда) ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорига асосан, дунё хавфсизлигига таҳдид, тинчлик, сулҳ бузилган ёки агрессия ҳолатларида (39 ва 42-м.м) қонуний равишда қўллаш мумкинлиги таъкидланади.

Маълум давлатнинг ўзини-ўзи муҳофаа қилиши, шу давлатга қурол билан бостириб кирилганидагина ҳуқуқий асосга эга бўлади. Бир давлат бошқасига қарши иқтисодий ёки сиёсий чора кўрганида, биринчи давлатга қарши қуролли куч ишлатиш 51-моддага биноан тўғридан-тўғри тақиқланган.

Бундай вазиятларда ёки ҳатто қурол билан давлат ҳудудига бостириб кириш ҳолати намоён бўлганида, ҳимояланувчи давлат унга нисбатан тенг ўлчов тамойилига амал қилган ҳолда жавоб тадбирини қўллаш мумкин.

БМТ Низоми аниқ мажбурий чораларнинг тўла рўйхатини ўзида ифодаламаган. Хавфсизлик Кенгаши Низомда махсус санаб ўтилмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам кўриши мумкин.

Куч ишлатмаслик тамойили, энг аввало агрессив урушларнинг тақиқланишини кўзда тутаяди. Чунки маълум бир давлат томонидан қуролли куч ишлатилиши, аввало агрессив уруш деб тан олинади ва халқаро жинойт сифатида давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка тортилишига, шунингдек бунга айбдор шахсларнинг халқаро жинойт жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Агрессия ҳаракатлари Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналларининг низомларида халқаро жинойтлар деб юридик жиҳатдан таснифланган. Урушдан кейинги йилларда, ушбу тамойилнинг мазмунига давлатларнинг агрессив урушларни ташвиқ қилмасликларм мажбурияти ҳам киритилган.

Агрессия тушунчасидан ташқари халқаро ҳуқуқда "қуролли ҳужум" тушунчаси ҳам эътироф этилган. Ҳар иккала ўхшаш ҳолатда ҳам уларнинг оқибатлари турлича талқин қилинади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг

таърифича, бевосита қуролли ҳужум билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар агрессия деб номланган.

Ушбу тамойилнинг мазмунига, 70-йиллардан бошлаб давлатларнинг куч билан таҳдид солиш ёки бошқа давлат чегараларини бузиш мақсадида куч ишлатиш ёки бўлмаса ҳудудий ихтилофлар ва давлат чегаралари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатилишидан ўзини тийиши лозимлиги алоҳида киритилган.

Куч ишлатмаслик тамойилининг мазмунига кўра халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши орқали бошқа давлат ҳудудларини босиб олиш, куч ишлатиш билан боғлиқ репрессалия ҳаракатлари ман этилади, шу жумладан учинчи бир давлатга қарши агрессияни амал оширмақчи бўлган иккинчи давлат ихтиёрига фойдаланиш учун ўз ҳудудларини бериш, бошқа бир давлатдаги фуқаролар уруши ёки террористик ҳаракатларда иштирок этиш ёки ёрдам кўрсатиш, гижгижлаш уюштириш, бир давлат ҳудудига бостириб кириш учун қуролли тўдалар, мунтазам кучлар, ёлланма жангари гуруҳларни ташкил этиш ёки бундай ҳаракатларни рағбатлантириш кабилар тақиқланади.

**Давлат чегаралари дахлсизлиги тамойили** давлат хавфсизлигининг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамойил дастлаб собиқ СССРнинг ГФР билан 1970 йил 12 августда тузган шартномасида, сўнгра ПХР, ГДР ва ЧССРнинг ГФР билан тузган шартномаларида ҳуқуқий расмийлаштирилди. Шу вақтдан бошлаб чегараларнинг дахлсизлиги барча давлатлар учун юридик мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқ нормасига айланди.

Чегараларнинг дахлсизлиги тамойили 1975 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг яқунловчи ҳужжатида ифодаланди: "Иштирокчи давлатлар бир-бирларининг ва Европадаги барча давлатларнинг чегараларини бузилмас ҳамда дахлсиз дея қарайдилар ва шу боис ҳозир ҳам, келажакда ҳам, бу чегараларга нисбатан, ҳар қандай хавф солишга қаратилган ҳаракатдан ўзларини тийиб турадилар."

Давлат чегарасига хавф солиш – бу чегара чизикларини ўзгартиришга унинг юридик (ҳуқуқий) қонунийлиги ёки чегара чизигининг ҳолатини ўзгартиришга йўналтирилган бир томонлама ҳатти-ҳаракат, таҳдид ёки талабдир.

Шу боис бундай тамойилнинг эътироф этилиши ҳар қандай ҳудудий кўз олайтиришлардан воз кечиш демакдир, яъни ҳужжат матнида айтилганидек, давлатлар "аъзо давлатлардан исталган бирининг бутун ҳудуди ёки ундан бир қисмини эгаллаб олиш ёки бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ёки ҳаракатдан ўзларини тийиб турадилар."

ЕХҲТ иштирокчи-давлатлари томонидан Европа давлатларининг мавжуд чегараларини эътироф этилиши халқаро-ҳуқуқий ҳолат бўлиб, унинг оқибатида муайян ҳуқуқий натижалар юзага келади. Мавжуд чегараларнинг халқаро ҳуқуқ асосида тан олинishi ҳудудий чегарага нисбатан давлатлараро битимга тенглаштирилади.

1. Чегаралар яхлитлиги тамойилини уч қоида асосида: биринчидан, халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ юридик жиҳатдан белгиланган мавжуд чегараларнинг тан олинishi; иккинчидан, айни вақтда ёки келажакда ҳар қандай ҳудудий кўз олайтиришлардан воз кечиш; учинчидан, ҳар қандай босқинчилик ҳаракатлари ва таҳдидлардан, "жумладан куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид солишдан воз кечиш деб изоҳлаш мумкин.

Чегараларнинг бузилмаслиги (яхлитлиги) тамойили халқаро ҳуқуқнинг анъанавий тамойили бўлган давлат чегаралари дахлсизлиги тамойилига жуда ўхшаш бўлиб, давлат чегаралари дахлсизлиги тамойилининг мазмун ва моҳияти давлатларнинг маълум жойдаги мавжуд чегара чизигига риоя қилиш мажбуриятларини ўз ичига олади, бу маълум жойдаги чегара чизигини бемалол ўзгартирилиши ва тегишли руҳсатсиз ёки қоидадан ташқари равишда уни кесиб ўтишга йўл қўймасликнинг олдини олди. Бу тамойил ҳар бир суверен давлатга ўз чегарасини инсонлар ёхуд транспорт воситалари билан кесиб ўтилишини назорат қилиш ҳуқуқини беради.

Давлат чегараларининг яхлит (бузилмас)лиги принципи ва чегара дахлсизлиги принципи жўғрофий жихатдан фарқ қилади. 1975 йилдаги Яқунловчи Актга мувофиқ, чегараларнинг бузилмаслиги тамойили ушбу кайднома иштирокчилари ҳисобланган давлатлар, яъни Европа давлатлари, АҚШ ва Канадага нисбатан амал қилмади. Чегара дахлсизлигим тамойили эса анча кенг доирада амал қилмади, умумий халқаро ҳуқуқ тамойили ҳисобланади ва бу хусусда махсус келишув- шартномалар бор-йўқлигидан катъий назар ушбу тамойил барча қитъаларда амал қилади.

**Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойили** БМТ Низоми қабул қилиниши билан ўз тасдиғини топган, лекин мавзур тамойилнинг ривожланиш жараёни давом этмоқда ва бу тамойилнинг номланиши охиригача ўз ечимини топгани йўқ. Шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда ҳудудий яхлитлик, ҳудудий дахлсизлик, ҳудудий бутунлик ибораларини учратишимиз мумкин.

БМТнинг Низоми куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид солишни давлатнинг ҳудудий бутунлигига (дахлсизлик) ва ҳар қандай давлатнинг сиёсий мустақиллигига қарши қўлланишини тақиқлаб қўйган. Низомнинг 2-модда, 4-бандида бу тамойил алоҳида эслатмб ўтилмаган бўлса-да, унинг кўпгина элементлари ўз аксини топган. мазмуни ўз аксини топган. Хусусан ҳар бир давлат:

**Биринчидан**, бошқа давлатнинг миллий бутунлиги ва ҳудудий дахлсизлигини қисман ёки тўла бузилишига қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиб туриши керак

**Иккинчидан**, давлатнинг ҳудуди Низом қоидаларини бузиш орқали куч ишлатиш натижаси ҳарбий босиб олиш объекти бўлмаслиги лозим;

**Учинчидан**, давлат ҳудуди куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш натижасида бошқа давлат томонидан эгаллаб олиниш объекти бўлиши мумкин эмас.

1975 йилдаги ЕХХТ нинг Яқунловчм ҳужжатида ҳудудий яхлитлик тамойилига шундай таъриф берилди. : "Аъзо-давлатлар ҳар бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади ва бунга мувофиқ, БМТ нинг Низоми мақсадларига мос келмайдиган ҳар қандай ҳаракатга, ҳар қандай аъзо давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллигига қарши қаратилган ҳаракатларга қаршидир." ,

Яқунловчи ҳужжатга мувофиқ, давлатлар бир-бирларининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олиб, "БМТ Низоми мақсад ва тамойилларига мос келмайдиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатга қарши чиқишлари лозим". Бу ерда гап ҳудудий яхлитлик ёқм дахлсизликка қарши ҳар қандай ҳатти-ҳаракат ҳақида бормоқда. Масалан, ҳудудий суверен давлатнинг руҳсатисиз хорижий ҳудуддан ҳар қандай транспорт воситасининг транзит олиб ўтилиши нафақат чегара дахлсизлиги, балки давлат ҳудудининг дахлсизлигига ҳам ҳилофдир. Барча табиий заҳиралар давлат ҳудудининг таркибий қисмлари ҳисобланади, агар ҳудуд бутунлай дахлсиз бўлса, унинг қисмлари ҳам дахлсиз бўлиши лозим. Давлат ўзга мамлакат ҳудудидан фойдаланиши чоғида ушбу давлатнинг табиий шарт-шароитларига зарар етказмаслиги лозим. :

**Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили** БМТ Низомининг 2 - модда 3 -бандига мувофиқ "БМТнинг барча аъзолари ўз халқаро низоларини халқаро тинчлик, ҳавфсизлик ҳамда адолатга ҳавф солмайдиган ҳолда тинч воситалар билан ҳал қиладилар".

Ушбу принцип қатор халқаро шартнома ва битимларда белгилаб қўйилган. Уларда уруш усулига мурожаат қилиш ҳуқуқи чегараланиб, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ривожлантирилган ва давлатлар зиммасига бундай воситаларни қўллаш мажбурияти юкланган.

БМТ Низомининг 33-моддасига мувофиқ низо иштирокчи тарафлар "баҳсларни музокара, текширув, воситачилик, ярашиш, суд муҳокамаси,

арбитраж, минтақавий органларга мурожаат этиш йўли билан ёки ўз хоҳишларига кўра бошқа тинчлик воситалари билан ҳал этишга ҳаракат қилишлари лозим".

Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилининг таҳлили (ЕХХТнинг Якуний акти, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 йилги Декларация) шуни кўрсатадики, БМТ Низомини ривожлантирадиган ва тўлдирадиган, бир қатор қоидаларни сақлаб қолишга эришилди. Жумладан:

- давлатларнинг "қисқа муддат ичида халқаро ҳуқуққа асосланган адолатли қарорга келиш учун барча чораларни кўриш" мажбуриятини,

- низо ҳал қилинмаётган ҳолларда "низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг ўзаро келишилган йўллари ни излашни давом эттириш" мажбуриятини,

- "ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга таҳдид туғиладиган ва шу билан низони тинч йўл билан ҳал қилишни янада оғирлаштирадиган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиш" ни.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги замон концепцияларига мувофиқ давлатлараро низо тинч йўл билан ҳал этишлари лозим.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпчилик давлатлар тинчлик воситалари тизимида энг қулай бўлган дипломатик музокаралар йўлини афзал тутди, чунки кўп масалалар дипломатик йўл билан ҳал этилиб келинмоқда.

Бевосита музокаралар халқаро низонинг тезда ҳал этилиши талабларига жавоб беради, томонларнинг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлайди, ҳам сиёсий, ҳам юридик ихтилофларни ҳал этиш учун қўлланилиши мумкин, келишувга эришишга кўмаклашади, муаммо юзага келиши билан унга дарҳол барҳам берилиши имкониятини яратади, муаммонинг дунёнинг тинчлиги ва халқаро хавфсизликка таҳдид солиш даражасига етмасидан ёки ёйилиб кетмасидан ҳал этилишига йўл очади.

Халқаро муносабатлар тараққиёти, сўнгги йилларда давлатларнинг музокара доирасидан чиқиб, низони ечишнинг бошқа қулай воситаларини



яратиш, бу борада учинчи бир томонга ёки халқаро органларга муурожаат қилиш йўллари хам кенг очиб бермоқда. Кўпинча бундай ҳолатларда БМТ Халқаро судининг роли билан боғлиқ масалалар кўтарилади.

Сўнги йилларда шу нарса таъкидланмоқда-ки, бир томондан, халқаро низоларни тинчлик воситасида ҳал этишнинг салмоғи ошиб бормоқда, иккинчи томондан эса, давлатлар ушбу тамойилнинг мазмунини жамиятнинг амалий эҳтиёжларига мослаштиришга тинимсиз ҳаракат қилиб келмоқда.

**Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили** халқаро муносабатларда умумий тамойил сифатида миллатларнинг ўз давлатчилиги учун курашишлари жараёнида, яъни буржуа-демократик инқилоблар даврида шаклланди. Илгариги даврларда ушбу тамойил бир оз чекланган равишда кўлланилар эди, чунки халқаро ҳуқуқ кўп ҳолатларда давлатнинг ички ишларига турли хил аралашувлар, ҳаттоки қуролли аралашувларга хам йўл кўя олар эди. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили ҳозирги нуқтаи назардан умумий шаклда БМТ Нмзомнинг 2-модда, 7-бандда қайд этилган бўлмб, обрўли халқаро ҳужжатларда янада ойдинлаштирилган; бу 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳақидаги Декларация, ЕХХТ нинг Яқунловчи ҳужжатида БМТ нинг давлатларнинг ички ишларига аралаштиришга йўл қўймаслик ҳақидаги Декларацияси кабилар; БМТ Низомининг 2-модда, 7-бандига мувофиқ БМТ ҳеч бир давлатнинг туб ички ваколати (компетенция)га кирувчи ишларга аралаштириш ҳуқуқига эга эмас. Бундай тақиқлаш нафақат БМТ нинг ўзига, балки халқаро муносабатларнинг барча иштирокчиларига хам тааллуқлидир.

Халқаро ҳуқуқ давлатнинг ички сиёсий аҳволига тегишли масалаларни тартибга солмайди, шу боис хам давлат ёки халқаро ташкилотларнинг муайян бир давлатнинг ички ваколатига оид ишларни ҳал этишга уриниши унинг ички ишига аралашуви деб баҳоланмоғи лозим.

Аммо БМТ Низомнинг VII бобида бир истисно белгиланганки, унга мувофиқ дунё тинчлигига таҳдид, агрессия ҳолатларда мажбурий

чоралар кўрилиши мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, "Ҳар қандай давлатнинг туб ваколатига кирувчи ишлар" соф худудий муаммога кирмайди. Бу демак, маълум бир воқеа-ходиса, агар бирор давлат худуди ичида содир бўлаётган бўлса-да, унинг ички ваколатига тегишли эмас деб қаралиши мумкин. Масалан БМТ хавфсизлик Кенгаши бирор-бир давлат худудида юз бераётган ҳодиса халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф солаётган деб ҳисобласа, у ҳолда воқеа ўша давлатнинг ички ишлари ҳисобланиб қолмайди ва БМТнинг ҳаракатлари ўша давлат ички ишларига аралашув дея баҳоланмайди.

Аралашмаслик концепцияси давлатнинг ўз ички ваколатларига ҳар қандай масалаларни бемалол кирита олиш мумкинлигини билдирмайди. Давлатларнинг халқаро мажбуриятлари, жумладан БМТ Низомидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ушбу масалани ҳал этилишига тўғри ёндошув мезони бўлиб ҳисобланади. Шарҳланаётган моддага асосан мамлакатимиз ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Улар жумласига инсон ҳуқуқларига ҳурмат тамойилини киритиш мумкин.

### **Ўзини -ўзи назорат қилиш саволлари**

1. Суверенитет» атамаси илк бор қайси давлатда ва нечанчи асрда вужудга келган ҳамда қайси сўздан олинган?
2. Ўзбекистоннинг давлат суверенитети тушунчаси ва моҳияти қайси конун ҳужжатларида мустаҳкамланган?
3. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари қачон қабул қилинган ва унинг мазмун моҳиятига қандай таъриф берилган?
4. Демократия сўзи қаердан келиб чиққан ва у нимани англатади?
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» номли асарида демократия тушунчаси ҳақида қандай

таъриф берилган?

6. Тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия тушунчаси-ни биласизми?
7. Вакиллик демократияси нима?
8. Тўғридан-тўғри ва вакиллик демократияси шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддала-рида ўз аксини топган?
9. Тўғридан-тўғри ва вакиллик демократияси шакллари, Ўзбекистоннинг қайси қонунлари асосида амалга оширилиши белгиланган?
10. Референдум сўзининг луғавий маъноси қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
11. Ўзбекистон Республикасида иecha маротаба референдум ўтказилган ва нечанчи йилларда?
12. Ўзбекистонни демократик давлат сифатида тавсифлов-чи белгиларини аниқланг?
13. «Ҳокимиятнинг бўлиниш» назарияси нечанчи асрдан бошлаб мустақил сиёсий-ҳуқуқий таълимотга айланган?
14. Жаҳон тажрибасида «Демократия ва инсон ҳуқуқлари» қандай асосларда ҳимоя қилинади?
15. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик қандай ривож топмоқда?
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг 2-чақириқ, 2-сессиясида сўзлаган нутқида, Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий плюреализмни яна риво-жлантириш учун Парламент фаолияти қандай ташкил этилиши билан боғлиқ эканлиги асослаб берган?
17. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қачон қабул қилинган ва қандай аҳамиятга эга бўлди?
18. Ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддала-рида ўз аксини топган?
19. Ўзбекистон Республикаси Конституциясиининг асосий принциплари деганда нимани тушунасиз ва уни белгилаб беринг?
20. Ўзбекистонда Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи қандай

амалга оширилади?

21. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари қайси қонун ҳужжатларида белгиланган?

22. Ўзбекистонда мудофаа ва хавфсизликнинг таъминла-нишини конституциявий-ҳуқуқий асосларини аниқланг?

23. Ўзбекистон қуролли кучлари қачон ташкил этилган?

24. Миллий истиқлол мафқурасига қандай таъриф берилган?

25. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмалар тизими ҳақида нималарни биласиз?

26. Ўзбекистон Конституциясининг биринчи моддасида «Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади» деб ёзиб қўйилган, бунинг мазмун ва моҳиятини аниқланг.

### **ФЙДАЛАНАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

21. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.

22. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод. сиёсат, мафкура. Т. 1.-Т., «Ўзбекистон», 1993.

23. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4.-Т., «Ўзбекистон». 1996.

24. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.6.-Т., «Ўзбекистон», 1997.

25. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин в фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8.-Т.. «Ўзбекистон», 2000.

26. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.

7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: « Ўзбекистон”, - 96б.

8. Конституции зарубежных государств. . М.: Издательство БЕК, 1997. .586 с.;
9. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4.х томах. Т.1. Отв. ред. Б.А.Страшун. . М.: Издательство БЕК, 1993. . 246с.;
10. Конституционное право Республики Узбекистан.. Т. I. / Составитель и автор вступительного слова А.Х.Саидов. . Т.: Шарк, 1995. . 384 с.;
11. Конституционно-правовой механизм осуществления внешней политики государств. . М.: Междунар. отношения, 1986. . 304 с.;
12. Қосимов А.М. Дипломатия асослари. — Т.: Фан, 1996. — 96 б.;
13. Махкамбаев П.А. Правовой режим государственной границм Республики Узбекистан и проблемь: его совершенствования: Дисс на соис уч. ст. к.ю.н. .Т.: АНРУз, 1997;
- 2.28. Международное право: Учебник. Отв. ред. Ю.М.Колосов. . М.: Междунар. отношения, 1996. . 608 с.;
14. Идея национальной независимости: основнью понятия и принципм. . Т.: Ўзбекистон, 2001. . 80 с.;
15. Рахманов А.Р. Международно-правовме аспектм обеспечения всеобъемлюгцей национальной безопасности Республики Узбекистан. .Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. . Т, 2001. . 54 с.;
16. Саидова Л.А. Дипломатическое право в Узбекистане: проблемм теории и практики. . Автореф. диссертации на соиск. уч. степ. д.ю.н. . Т.: УМЭД, 2001..50 с.;
17. Таджиханов Б.У. Республика Узбекистан . суверенное государство. . Т.: Академия МВД, 1997. . 128 с.;
- 18.. Турсунов А.С. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида.//Хдёт ва қонун. — 1996. — № 10—11. — 2 — 8 — б.;
- 19.. Турсунов А.С. Ўзбекистон қонунчилиги: жаҳон андозалари ва миллий принциплар // «Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

- асосида)» илмий —амалий конференцияси материаллари. — Т.: Ўз ФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1999. — 9—16 — б.;
20. Турсунов А.С. Давлат ва суверен тенглик // Ҳаёт ва қонун. — 2002. . №1. . 7.9.6.;
21. Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. — Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т, 2000.44 с.;
22. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар//Масъул муҳаррирлар: Э.В.Воҳидов, М.М.Миролимов. — Т.:Ўзбекистон, 2001.—
23. Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик декларацияси» 1990 йил 20 июнда қабул қилинган. Ўзбекистон Респуб-ликаси қонунчилиги асослари. — Т., «Адолат», 2000.
24. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 18 ноябрь. Ўзбекистон Республи-каси қонунчилиги асослари. Хрестоматия - Т., «Адолат», 2000.
- 25."Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонуни. 1992 йил 2 июль. Ўзбекистон Республи-каси қонунчилиги асослари. Хрестоматия. — Т., «Адолат», 2000.
- 26.«Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асоосларм. Хрестоматия, — Т., «Адолат». 2000.
- 27.Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонуни. 1995 йил 21 декабрь, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. Хрестоматия. — Т., «Адолат», 2000.
- 28.«Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисидаги қонуни. 2001 йил август. Ўзбекистон Респуб-ликаси қонунчилиги асослари. Хрестоматия. — Т., «Адолат»,

29. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив —ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. . 2001. . №1.2. 7.модда;
30. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни. .Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 2000. — №5 — 6. 148 — модда;
31. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 2001 йил. №1—2. 15 —модда;
- 3.9. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 йил.№5. 127 —модда;
32. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси — 1998. . № 5.6. . 91 .модда;
33. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси — 1998. . № 5.6. . 93.модда;
34. Ўзбекистон Республшсасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатая даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. —1992 йил. №9. 350— модда;
35. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш

туғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1996 йил. №9. 124 —модда;

36. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. №5 — б. 95 — модда, 1999 йил, №1, 20 —модда;

37. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари туғрисида»ги Қонуни. .Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. . 1997. . №2. . 35.модда;

38. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1992. — №9. — 349 — модда;

39. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. №9. 236 —модда;

40. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни. . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1995. — №12. — 262 —модда;

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги Баёноти// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. —1991 йил. №11. 245 —модда

42. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини



эълон қилиш тўғрисида»ги Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Ахборотномаси. —1991 йил.

№11. 245.модда;

**УЧИНЧИ БЎЛИМ**  
**ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУҚУҚЛАРИ,**  
**ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

**V БОБ. ИНСОН ВА ФУҚАРО ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ВА**  
**БУРЧЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

- 1-§ Инсон ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларн тушунчаси ва уларнинг туркумлиниши.**
- 2-§ Фуқаролик тушунчаси. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.**
- 3-§ Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий асослари.**
- 4-§ Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари.**
- 5-§ Иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий асослари**
- 6-§ Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Фуқароларнинг бурчлари**

- 1-§ Инсон ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларн тушунчаси ва уларнинг туркумлиниши.**

Инсоният тарихида янги давр - инсон ҳуқуқлари даври бошланди. Инсон ҳуқуқлари, энг аввало умуминсоний кадриятларга. Умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада бошқа халқаро эришилган тажрибаларга ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланган.

“Инсон ҳуқуқларига асосланган демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг уз хошиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши. Озчиликнинг кўпчиликка буйсуниши ва озчиликнинг манфаатларини ҳам руёбга чиқариш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий идораларига сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, тайинлаш йули билан шаклланадиган

давлат идораларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”<sup>1</sup>

Инсон ҳуқуқлари доир халқаро ҳужжатларга БМТнинг 1948 йилги “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”, 1966 йилги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактлар киради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзида сингдирган. Тарихда синалган умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган, энг ривожланган тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасига таянган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоният тарихида инсон омилининг янги босқичини бошлади ва 1995-2005 йилларни куррамизда “инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги “деб эълон қилди,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида зикр этилган инсон асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ифодасини Ўзбекистон Конституциясининг қуйидаги моддаларида яққол кўриш мумкин:

1. Тенг фуқаролик ҳуқуқи (21 модда);
2. Яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш (24 модда);
3. Ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги (25 модда);
4. Ҳеч кимнинг қийноққа солинмаслик ва айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслик ҳолати (26 модда);
5. Фуқаролар турар жойи, телефон ёзишмалари даҳлсизлиги (27 модда);
6. Сўз, фикр ва эътиқод эркинлиги ва уни тарқатиш ҳуқуқи (29 модда);
7. Дин ва виждон эркинлиги (31 модда);
8. Фуқаролар учун жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (32 модда);
9. Мулкдорлик ҳуқуқи ва эркин касб танлаш (38-39 моддалари);

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”.Т. “Ўзбекистон”. 1996 йил 3 том ,8 бет.

10. Қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ташкил этиш (56 модда)

11. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи (117 модда), ва шунингдек бошқа кўп моддаларда халқаро миқёсда эътироф этилган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз муносиб ўрнида ҳар томонлама акс эттирилиб, конституция ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.<sup>2</sup>

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қонун чиқарувчи ҳокимият Конституцияда асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни мустаҳкамлайди, қонун ва қонун ости ҳужжатларида эса, улар асосида вужудга келадиган ҳосила ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни белгилаш билан бирга улар мазмунини кенг ёритиш имконини беради.

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг юридик хусусиятлари қаторига, Конституцияда мустаҳкамланган ҳар қандай қоида сингари, улар олий юридик кучга ва ўзгартиришнинг махсус тартибига эга эканлигини, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқиладиган бошқа соҳалар қонунчилиги учун асосий йўналишларни белгилашини таъкидлаш жоиз.<sup>3</sup>

Конституциявий ҳуқуқ, эркинликларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш шакллари турли давлатларда турлича бўлиб, бу ҳар бир давлатнинг иқтисодий, сиёсий ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳуқуқ ва эркинликлар мазмун жиҳатдан ўрганиш ҳамда ҳуқуқий томондан тартибга солиш, уларни маълум гуруҳларга ажратишни талаб қилади. Бу эса юриспруденцияда ҳуқуқ институтлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларни ечишни осонлаштиради. Таснифлаш ҳар доим шартли равишда кечади, чунки кўп ҳолларда бирор ҳуқуқ ёки эркинлик ёхуд бурч бир пайтда икки ёки ундан кўп таснифий гуруҳларга тегишли бўлиб қолиши мумкин.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи...(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 189-190- бетлар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи...(муаллифлар жамоаси)ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 234- бет

Ҳуқуқ ва эркинликларни моҳиятига кўра, XVI-XVII асрларда вужудга келган таълимотларга асосан *табиий* ҳуқуқ ва эркинликлар ва *позитив* ҳуқуқ ва эркинликларга ажратилади.

**Табиий** ҳуқуқ ва эркинликлар инсоннинг узвий, ажралмас ҳуқуқ ва эркинлиги бўлиб, туғилгандан бошлаб, вафот этгунигача қадар мавжуд бўлади. Табиий ҳуқуқ ва эркинликларга ҳар қандай инсон (фуқаролиги йўқ шахслар ҳамда чет эл фуқаролари) ҳеч қандай монеликсиз эга бўлади. Табиий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига: яшаш ҳуқуқи, шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ва ҳоказолар киради.

**Позитив** ҳуқуқ ва эркинликлар фақат бирор бир давлатга тегишли фуқароларда мавжуд бўлиб, улар уша давлат билан ўзаро ҳуқуқий алоқада бўлади. Масалан, фуқаро ўз давлати олдида конституциявий бурчларни бажаришга мажбурлиги.

Субъектга тегишлилигига кўра:

-*индивидуал* (масалан, билим олиш ҳуқуқи);

-*жамоа(коллектив)* турларига ажратиш мумкин. Масалан, иш ташлаш ҳуқуқи – жамоа ҳуқуқидир. Индивидуал тартибда иш ташлаш – иш ташлаш ҳисобланмасдан, балки у ишга келмаслик деб баҳоланиши мумкин.

Шунингдек, ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни, *асосий ва қўшимча* турларга ажратиш мумкин. Масалан, давлатни бошқаришда иштирок этиш асосий ҳуқуқ ҳисобланса, сайлов ҳуқуқи ундаги ҳосила ҳуқуқ бўлиб, унинг мазмунини ифодалаш шакли ҳисобланади.

Ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг мазмуни ва моҳияти бўйича таснифлаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, умумжаҳон миқёсида тан олинган кўриниши қуйидагича:

- **шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари:** яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳамда турар-жой дахлсизлиги каби ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

- **сиёсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари:** давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, овоз бериш, йиғилиш ҳуқуқи, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

- **иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари:** меҳнат ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тўлаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу кабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳуқуқ, эркинликлар худди шундай гуруҳларга ажратилади.

## **2-§ Фуқаролик тушунчаси. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик**

**Фуқаролик** – бу жисмоний шахснинг маълум бир давлатга мансублигини англатиб, ушбу фуқаронинг тегишли давлат билан доимий равишда ҳуқуқий алоқадорликда бўлиб туришини билдиради. Бунда фуқаро шу давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширади, давлат эса фуқарони ҳар ерда ва ҳар вақт ҳимоя қилади. Мазкур ҳуқуқий алоқадорлик фуқаронинг туғилганида юзага келиб, унинг бутун умри давомида сақланиб қолади.

1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунда ёзилишича, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Биринчи бўлиб *"Фуқаро"* атамаси Француз революциясининг 1799 йилдаги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси"да кўрсатилган эди. Дунё мамлакатларида ҳозир бир фуқаролик ва кўп фуқаролик (бипатрид) мавжуд бўлиб, масалан, Россия, Бразилия каби давлатларда кўп фуқароликка асосланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 21-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади ва у барча

учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига аталган маърузасида шундай деган эди: "Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини Республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади".<sup>4</sup>

Жаҳон амалиётида фуқароликни қабул қилишнинг асосий кўринишлари:

- туғилиш орқали (филиация);
- фуқаролиги бўлмаган ёки чет давлат фуқароси бўлган шахсни фуқароликка қабул қилинишидир (натурализация);
- халқаро шартномалар ва қонунларда белгиланган тартибда фуқароликни тиклаш (реинтеграция);
- давлатларни бўлиниб кетиши оқибатида фуқароликни танлаш (оптация);
- ҳудудий ўзгаришлар вақтида автоматик тарзда фуқароликнинг ўзгариши (трансферт)

Фуқароликни олишни энг асосий кўриниши туғилиш орқали фуқароликка қабул қилиниш бўлиб, бу ўз навбатида иккига бўлинади:

"Қон ҳуқуқи" (*jus sanguinis*) асосида чақалоқнинг фуқаролиги ота-онасининг фуқаролиги билан белгиланиб, туғилган жойига боғланмайди.

---

<sup>4</sup> И.А.Каримов. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. Т., "Шарқ", 1993, 9-бет.

"Тупроқ ҳуқуқи" (jus soli) асосига кўра, фуқаролик чақалоқнинг туғилган жойидан келиб чиқиб, унинг ота-онаси фуқаролиги билан боғлиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам туғилиш орқали фуқароликни олишни "қон ҳуқуқи"га асосланади, яъни "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасига биноан туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Ушбу қонунга кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва



бошқа эътиқодларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса онасидан бири, буваси ёки буваси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Шахснинг ўз илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан **чиқишга** рухсат этилади. Қуйидаги ҳолларда эса бу инкор этилади:

- шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкӣ мажбуриятларини бажармаган бўлса;

- шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса;

- шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини **йўқотилиш** асослари бўлиб:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик хисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта хужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик билан шуғулланувчи давлат органларига куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасига кўра **“Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”**.

### **3-§ Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий асослари.**

**Яшаш ҳуқуқи.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Шунингдек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида **"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун томонидан ҳимоя қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас"** дейилган.

Инсон – биоижтимоий мавжудот бўлиб, табиат маҳсули сифатида биологик тирик организм ҳамда жамият маҳсули сифатида шахс бўлиб шаклланади. Яшаш ҳуқуқи айнан инсонларнинг биологик мавжудлигини

сақлашга бўлган ҳуқуқидир.

Шу боис ҳуқуқ томонидан кўриқланадиган ижтимоий қадриятлар каторида инсон, унинг шахси билан боғлиқ хусусиятлари ижтимоий маънода тенги йўқ, биологик маънода такрорланмас, табиат ва жамият ижодининг маҳсули сифатида марказий ўринни эгаллайди. Инсоннинг ҳар қандай тирик мавжудотлар каби физиологик ва психологик тузилиши, айниқса, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, ижтимоий муносабатларнинг яратувчиси ва иштирокчиси, субъекти эканлиги боис ҳам унинг ҳаёти олий даражада муқаддас ҳисобланади ҳамда у муҳофаза қилинади.<sup>5</sup>

Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи ўз навбатида табиий ҳуқуқлар каторидан жой олиб, уни таъминлаш учун давлат томонидан:

- ҳар бир инсоннинг ҳаёти хавфсизлигини кафолатловчи қонунчилик тизимини шакллантириш;
- инсоннинг биологик мавжудлигини сақлаб қолиш учун етарлича истеъмол маҳсулотлари (озик-овқат) билан таъминлаш чораларини кўриш;
- экологик тоза атроф табиий муҳитни яратиш;
- соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш каби муҳим тадбирларни амалга оширилиши керак.

Яшаш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида давлат томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлашга жиддий эътибор берилмоқда. Унинг учун соғлиқни сақлашнинг ягона тизими яратилган бўлиб, бу тизим соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни ҳам ўз ичига олган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликка катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Уларнинг асосий вазифаси болалар ўлимининг олдини олиш, экологияни яхшилаш, жисмоний ва соғлом авлодни устириш, оналик

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи..(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 244- бет

ва болаликни ҳимоя қилиш учун зарур шарт –шароитларни яратишни кўзлайди.

Инсонларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш ва муҳофаза қилиш жиноят ҳуқуқи қонунчилигида ривожлантирилиб, унда инсон ҳаётини муҳофаза қилишга доир ўнлаб жиний ҳуқуқий чоралар тизими мустаҳкамланган. Ундин ташқари жиноят ҳуқуқи қонунчилигида авф этиш институти ҳам мавжуд.

**Шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасига кўра Ўзбекистонда **“Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниш ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”**.

Фуқароларни эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ сифатида инсонларни туғилиши билан қўлга киритилиб, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши, бошқаларнинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-ҳаракат қилиши лозим. Ҳеч ким инсонга қонунда назарда тутилмаган йуллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Шахснинг эркинлиги жамиятдаги ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмаслиги ва қонун асосида бўлиши керак. Фуқароларни эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва бошқа муҳофаза чоралари назарда тутилган қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Масалан, Жиноят-процессуал Кодексининг 18-моддаси 2-қисмида: ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, деб белгиланган.

**Шахснинг айбсизлик презумпцияси.** Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа

дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Айбсизлик презумпцияси (айби исбот қилинганга шахсни айбсиз деб фараз қилиш) Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида мустақамланган бўлиб, унинг мазуни қуйидагиларда кўринади:

- 1) Шахнинг айби исбот қилинмагунга радар у айбсиз деб топилади;
- 2) Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбини исбот қилиш фақат ваколатга эга тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади, яъни шахс ўз айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас;
- 3) Агар барача гумонлар исботланмаса, бунда бу гумонлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал этилади;
- 4) Шахс фақат суднинг ҳукми, қорорига биноангина айбдор деб топилади ва қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги қарори билан 1984 йил 10 декабрдаги "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция"га қўшилди.

Бу Конвенцияда алоҳида таъкидланадики, юқорида баён этилган таъриф қонуний чоралар қўллаш натижасида пайдо бўладиган оғриқ ва азобларга тааллуқли эмаслиги алоҳида таъкидланади. Қийноқларга солиш, шафқатсиз ёки инсоннинг кадр-қимматини таҳқирлайдиган ҳар қандай ҳаракатга жинойт қонунчилигида жинойт сифатида қаралади.

**Шахсий ҳаёт дахлсизлиги.** Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 27-моддасида **“Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”** дейилган.

Бу нормада, яъни:

- шахсининг шаъни ва кадр-қиммати;
- номулкий ҳуқуқларни қўриқлаш ва ҳурмат қилиш;
- шахсий ҳаёт;
- турар - жой дахлсизлигини таъминлашга қаратилган.

Шаън ва кадр-қиммат фақат инсонга хос сифат бўлиб, у инсонга туғилганидан қўлга киритадиган ажралмас ва бошқаларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқи ҳисобланади, яъни маънавий дунёсини тавсифлайдиган номоддий бойликлардан бири ҳисобланади.

**Шахс шаъни** – деганда шахс юриш туришига нисбатан ўзга шахсларни берган маънавий-ахлоқий баҳоси тушунилади.

**Кадр-қиммат** – шахсининг жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятларига, дунёқарашига қараб ўз-ўзини ички боҳолашидир.

Шу боис у ижтимоий фикр билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, шахсининг кадр-қиммати, шахсни ички ўзини-ўзи баҳолаш мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси ўзаро бири-бирига боғланган мезонлардандир. Шунинг учун ҳам инсоннинг шаън ва кадр-қиммати катта ижтимоий аҳамиятга эга қонун томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунларда фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан таҳқирлаш маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида баҳоланиб, бундай ҳаракатлар туҳмат ёки ҳақорат деб эътироф этилади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ёки Жиноят Кодекси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Конституцияга мувофиқ ҳеч ким Ўзбекистон Республикасида шахсларни турар жойини қонунда кўрсатилмаган ҳолларда шахсининг рухсатсиз турар жойга киришга, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас. Фақат прокурорнинг рухсати билан жиноятга алоқадорлиги мавжуд деб гумон қилинаётган турар жойда юқоридаги ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 28-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир" деб мустаҳкамланган.

**Фуқароларнинг кўчиб юриш ҳуқуқи**- шахс ушбу ҳуқуққа мувофиқ ўз хоҳишига кўра, Ўзбекистон ҳудуди доирасида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкин. Қонунда белгиланган чеклаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти тўғрисидаги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан Республика ҳудудидан чиқиш ва унга кириш тартиби белгиланган.

Ўзбекистонда Конституциянинг 29-моддасига кўра: "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".

Ҳар кимнинг ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи ўз ичига изланиш эркинлиги, ҳар қандай ахборотни олиш, тарқатиш, ёзма ёки нашр шаклида ёхуд бадиий шаклда ифодалаш эркинлигини амалга ошириш имконини беради.

Фикрлаш ва эътиқод эркинлиги сўз эркинлиги орқали амалга оширилади, бу ўз фикрини очиқ сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш деб тушунилади. Кўп ҳолатларда сўз эркинлиги оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади ва улар ҳар бир фуқаронинг сўз

эркинлигини, оммавий ахборот воситаларида чиқиш ҳуқуқини, ўз фикр ва эътирозларини очик сўзлашни кафолатлайдиган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида фаолият кўрсатадилар.

Ахборотларни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва рухсат этилмаган танишувдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ахборот тизимларининг маълумотлар базалари ва банкларини ташкил қилиш, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ҳар турдаги маълумотларни йиғиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқ конституциявий тизимга қарши йўналтирилган, инсониятнинг тинчлиги ва ҳимоясига зид равишда, жамият манфаатларига қарама-қарши мақсадда ёки бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркига зид ҳолатларда қонун томонидан чекланади.

Фикрлаш ва сўзлаш эркинлиги қонун томонидан давлат ёки бошқа ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш нуқтаи назари билан чекланиши мумкин. Бундай чекланишлар қуйидагилар билан изоҳланади: давлат сирларини овоза қилиш давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига, мудофаа қудратига ва давлат ҳамда жамиятнинг бошқа манфаатларига путур етказиши мумкин.

1993 йилнинг 7 майида қабул қилинган "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида давлат томонидан кўриқланадиган ва махсус рўйхат билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли мутлақо махфий-ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Республиканинг давлат сирлари деб кўрсатилган бўлиб, улар ҳақида маълумотлар тўплаш ва тарқатиш чекланади. Давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини ўз ичига олган маълумотлар давлат сирлари



сафига киради.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси).

Ўзбекистоннинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлигини қайд қилган. Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган, фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатига дахлдор ҳуқуқий қоидалар билан уларни таништириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари барча ишларни судларда кўриб чиқаётганда фуқароларни ўзларига тегишли ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқлари, барча судларда ишларни кўриб чиқишнинг очиқ тарзда ўтказилиши суд процесси қатнашчиларининг барчасига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг ҳужжатлари орқали ҳимоя қилишга имкон яратади.<sup>7</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган.

**Виждон эркинлиги-** ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ва динга нисбатан бетараф бўлиши, шунингдек, динга қарши бўлишлиги билан ифодаланади. Бу худонинг борлигини ёки йўқлигини эътироф этиш билан боғлиқ.

1998 йил 30 апрелда (янги таҳрирдаги) "Виждон эркинлиги ва диний

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи..(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 263-264- бетлар

<sup>7</sup> Р.Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент, “Адолат” 1998 й. 158-бет.

ташкiлотлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистонда шахс эркинлигини ҳақиқий маънода таъминловчи қонун акти бўлиб, виждон эркинлигини амалга ошириш борасида янги тартиб қоидаларни белгилаб берди. Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкiлотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

Ватанимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида "Виждон эркинлиги ва диний ташкiлотлар тўғрисида" ги қонунда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи, динга муносабати, фуқароларнинг тенглиги, диний ташкiлотларнинг фаолияти демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш тамойиллари нуқтаи назаридан аниқ чизгилар берилган.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкiлотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий ҳавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Қонуннинг 5-моддасида диний ташкилотларга қуйидагича таъриф берилган: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

#### **4-§ Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари.**

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар дейилганда инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли ҳуқуқлар тушунилади. Сиёсий ҳуқуқлар шахснинг сиёсий жараён ва давлат ҳокимиятининг амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларнинг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак”.<sup>8</sup>

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ўз табиатига кўра инсон туғилганиданок эга бўладиган ва узвий ҳисобланган асосий шахсий ҳуқуқлардан фаркли уларок, давлат фуқаролигига эга бўлиши билан боғлиқдир. Бу фарқлар

---

<sup>8</sup> И.А.Каримов: “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. Т., “Ўзбекистон”, 1993. 43-бет.

Конституцияларда шахсий ҳуқуқлар “ҳар ким”, сиёсий ҳуқуқлар “фуқаролар” деб аниқ йўналтирилганлигида ўз ифодасини топган.

Сиёсий ҳуқуқларнинг фуқаролик билан боғликлиги, уни демократик давлатларда ҳар бир фуқароларни табиий ҳуқуқлари ҳисобланмасдан ва улар давлат томонидан берилган хосила, иккинчи даражали ҳуқуқлар деб тушуниш тўғри эмас. Айнан уларнинг ушбу характерига кўра ҳам бу ҳуқуқларни давлат томонидан берилган ва ўрнатилган ҳуқуқлар сифатида қаралиши мумкин эмас. Давлат уларни инсонларнинг шахсий ҳуқуқлари сингари тан олади, уларга риоя этади ва муҳофаза қилади.

Сайлов ҳуқуқи **пассив** ва **фаол** турларига бўлинади.

Сайлаш ҳуқуқи **фаол ҳуқуқ** ҳисобланади. Сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тулган фуқаролар эга бўладилар ва улар ушбу ҳуқуқ орқали ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ у ёки бу лавозимга номзодни илгари суриши мумкин. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

**Пассив сайлов ҳуқуқи** давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи ҳисобланади. Пассив сайлов ҳуқуқи давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органининг характерига боғлиқ равишда турли ёшларда қўлга киритилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 25 ёшга, маҳаллий вакиллик органларига 21 ёшга тўлган шахсларгина сайланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар

Ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади” дейилади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ва ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланиш ва сайлаш, шунингдек референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Демократиянинг асосий шаклларида бири бу- давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши- референдум ҳисобланади.

1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унга кўра:

Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида кўрсатилишича: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат ҳавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эга”.

Фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар йўли билан амалга ошириш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси тан олади ва кафолатлайди.

**Митинг** бу- сиёсий масалаларни муҳокамаси учун йиғилган жамоа йиғилишидир.

**Йиғилиш** бу- ёпиқ иморатда ёки бирор хонада ўтказиладиган, маълум бир масалаларни муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун йиғилган шахсларнинг мажлисидир. Мажлис шаклидаги йиғилишлар мажлис ташкилотчилари томонидан иштирокчилар сонини чегаралаш учун танланиши мумкин, лекин бу йиғилишларнинг асосий моҳиятини белгиламайди.

**Намойиш**- бу ижтимоий сиёсий норозиликнинг очиқ кўриниши бўлиб, намойишчиларнинг у ёки бу масалалари бўйича оммавий тарздаги очиқ муносабатлардир. Намойиш асосан митинг билан бошланади ва тамом бўлади.<sup>9</sup>

Давлат фуқароларнинг бу ҳуқуқини амалга ошириш мақсадини кузда тутиб, уларга биноларни, майдонларни ва кучаларни бериш, ахборотларни кенг тарқатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлайди.

Хоқимият органлари митинг, йиғилиш ва намойишларнинг йуналишларини белгиланади, ҳамда уларнинг бошланиш ва тугаш вақтини назорат қилишади.

Йиғилишлар, митинг ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартиблари уларнинг ташкилотчиси томонидан бузилса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги маъмурий ва жиноят қонунчилигида белгиланган жавобгарликка тортиладилар..

Давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларига бевосита алоқадор бўлган муҳим ҳуқуқлардан бири, бу фуқароларнинг уз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи..(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 271-272- бетлар.

уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир (Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34-моддаси).

Бу ҳуқуқ фуқароларга юқорида айтиб ўтилган мақсадларда ижтимоий уюшган фаолият олиб боришнинг турли шаклларига бирлашиш, у ёки бу вазифаларни бажариш учун кучларини умумлаштириш имконини беради.

Ижтимоий уюшмалар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ўзларини намоён қилишларини ривожлантиришга, уларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга кумак беради.

Фуқароларнинг уюшмалар аъзолигига қабул қилиш ёки кириш унинг низомида ёзилган шартларга мувофиқ қўнгилли равишда амалга оширилади.

Ҳеч ким бирон бир уюшмага киришга ёки унда бўлишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Фуқаро партия аъзоси бўлиши ёки партиясиз бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларини фаолиятини тартибга солиб турувчи қатор қонунлар қабул қилинди: 1999 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, 1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялари тўғрисида”ги, 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, **“Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга**

**Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт**”лиги мустаҳкамланган.

Ваколатли органларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш - бу фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг амалий шаклларида бири бўлиб, бу ҳуқуқ - фуқароларнинг сиёсий фаоллигини, намоён қилиш ижтимоий ишларга қизиқишини, шунингдек ўзларини ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу билан бирга фуқароларнинг мурожаатлари жамият ҳаётидаги жорий масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборот манбаи, давлат аппаратини аҳоли билан мулоқотини мустаҳкамлаш усули ва йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ушбу муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2002 йил 11 майда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Унда фуқароларнинг мурожаатлари ҳуқуқини белгилайдиган асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддати ва тартиби белгиланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра уч шаклда бўлади.

- 1) Таклиф;
- 2) Ариза;
- 3) Шикоят.

**Таклиф**-фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир.

**Ариза** - фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаатлардир.

**Шикоят** - давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд



қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлардир.

Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади.

Аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоаат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишлар ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.

Ариза ёки шикоят ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқни тўлиқ таъминланиши биринчи навбатда бошқариш маданияти даражаси, ваколатли давлат органлари хизматчиларининг масъулияти ва онги билан боғлиқ.

## **5-§ Иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий асослари**

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ичида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар муҳим роль эгаллайди.

Булар инсон ҳаётининг энг муҳим жабҳаларида, жумладан, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш ва илмий ва

техникавий ижод эркинлиги, маданият, ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида, яъни **“Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкга қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”** деб белгиланган.

Мулк ҳуқуқи ҳар кимнинг ўзига тегишли мол-мулк ўз хоҳишига кўра, ўз манфаатини кўзлаб эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни англатади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги ҳамда ер ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддасида кўрсатилганидек, улар давлат муҳофазасидадир.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат монополияси ҳукмрон бўлган барча моддий ва номоддий неъматлар халқ мулки деб ҳисобланган, аслида эса унинг эгаси давлат эди. Уша даврда хом ашё тарқатиш, ишлаб чиқариш жабҳалари ҳаммаси давлат томонидан режалаштирилган. Шу режалар асосида моддий бойликлар иқтисодий ва маданий ривожланишни ҳар бир корхона учун давлат режалаштириб берган. Ўша даврда шахслар хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши умуман ман этилган эди. Чунки, бу социалистик ишлаб чиқариш принципларига тўғри келмас эди. Конституцияда фуқароларнинг шахсий мулкларининг объекти деб уларнинг меҳнат жамғармалари, турар жойлари, уй-рузғор буюмлари, ёрдамчи хўжалик асбоб-ускуналари ва шахсий буюмлари тан олинар эди.

Мулк ҳуқуқига оид конституциявий нормаларни ривожланиши учун ва унинг ҳуқуқий механизмини яратишга диор бир қанча қонунлар қабул қилинди “Мулкчилик” тўғрисидаги, “Фуқаролик кодекси”, “Ижара тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржа лари тўғрисида”ги “Тадбиркорлик фаолияти

эркинлигининг кафолати тўғрисида”ги “ Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида айни вақтда мулкнинг хусусий ва оммавий (давлат) шакллари мавжуд ва булар бир хилда кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида барча мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя этилади. Мулкнинг барча шакллари дахлсиз ва қонун билан қўриқланади. Ўзбекистон Республикасида жамғарма, омонатлар барча тижорат банклари томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон республикасида банк омонатчилари бўлиб, Ўзбекистон Республика фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Банк омонатининг сир тутилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланганидек, инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқлари сирасига киради. Банк томонидан омонат сирлари сақлашга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасини “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг мулклари давлат эҳтиёжлари учун, фақатгина қонунда белгиланган асосларда ва тартибда барча харажатларини коплаш шarti билан олиниши мумкин. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳар бир инсон мерос қолдириш ҳуқуқига эга эканлиги Ўзбекистон Конституцияси томонидан кафолатланади.

Мерос икки йўл билан қонун ва васият йўли билан қолдирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 1120-моддасида “ҳар бир шахс ўз мулкни тўлалигича ёки мулкнинг маълум бир қисмини бир кишига ёки давлатга ёҳуд ўзини-ўзи бошқариш органларига мерос қолдириши, ўзининг васиятномасини ҳар қандай вақтда ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин” дейилган. Давлат васиятноманинг сир тутилиши кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37- моддасида **“Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат**

**шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.**

**Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”** деб мустаҳкамланган.

Меҳнат ҳуқуқи биринчи бўлиб, собиқ Иттифок Конституциясида 1936 йил ва Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилдаги Конституциясида мустаҳкамланган эди. Унинг таркибига кура ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ва ҳақ олиши кафолатланган. 1992 йил Ўзбекистон Конституциясида бунга қўшимча қилиб ҳар кимнинг эркин касб танлаши ва мажбурий меҳнат тақиқланиши мустаҳкамланган.

**Украина Конституциясида корхона, ташкилот ва муассаса меҳнат жамоасини ишлаш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланган.**

Республикамизда қонун бўйича тўла эркин иқтисодий фаолият ҳар бир инсон учун таъминланади, муҳит танлаш, ўз меҳнатини сарфлаш эркинлиги, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин иш жойини танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш каби шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги”ги, “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси билан тартибга солинади.<sup>10</sup>

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-оддасига кўра, яъни “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.**

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (муаллифлар жамоаси). ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 282- бет.

**Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган, тирикчилик учун зарар энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”.**

Булар сирасига пенсия, нафақа ва ижтимоий ночор фуқароларни пул ва шунга ўхшаш шакллардаги моддий таъминотлар билан таъминлаш киради.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири, давлатнинг олиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий ислохатларини амалга оширишга кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга асосланади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги” қонуни қабул қилинда.

Ҳозирда республикамизнинг бир қатор органлари ва институтлари фуқароларнинг ижтимоий таъминоти масалалари билан шуғулланшиб, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш механизми яратилган. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи билан малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи бир-бири билан узвий боғлиқдир.

**Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи-** деганда шахсларга махсус тиббий билимларга эга малакали шифокорлар ёрдамида тиббиёт муассасаларида ёки тиббий хизмат кўрсатиш мумкин бўлган жойларда махсус керакли тиббий ёрдам олиш билан ифодаланади.

**Ўзбекистонда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.** (Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 40-моддаси).

“Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди” деб мустаҳкамланган “Фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги қонунининг 13-моддасида.

Фуқаролар соғлиқини сақлаш ҳуқуқи қуйидагиларда номоён бўлади:

- 1) фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;
- 2) фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- 3) давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини сақлашнинг давлат томонидан белгиланган асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлиқини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида бу соҳада, шунингдек, “ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун, “Аҳолининг сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонун, “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонун ва улар асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Шахснинг баркамол бўлишида билим олиш ҳуқуқи катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат**

**томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.»**  
дейилгандир.

Таълим- бу давлат томонидан қатъий ўрнатилган таълим меъёрларини ўрганиш бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида, аниқ мақсадга қаратилган таълим тарбия жараёнидир.<sup>11</sup>

Таълим инсон турмуш тарзининг ажралмас элементи дир. Унга нафақат моддий жиҳатдан таъминланиш воситаси, балки саломатлик ҳамда жамият ҳаётида мунтазам иштирок этиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим ҳар қандай ривожланган жамиятнинг асоси ҳисобланади. Маданият таълимсиз мавжуд бўлмайди. Бу жамиятда адолатсизлик ва тенгсизликни бартараф этишнинг воситаларидан биридир.

Ўзбекистон республикаси қонунчилигида хусусан, 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунда **билим олиш ҳуқуқи** жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиши мустаҳкамланган.

Қонунга кўра таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

---

<sup>11</sup> А.А.Безуглов, С.А.Солдатов. Конституционное право России. М. 2001. Том I. 541 ст.

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

“Абу Наср Форобийнинг уқтиришича, иложи бўлса олдин тарбия, сўнгра таълим берилиши лозим. Уйда, оиласида яхши тарбия кўрган бола ихлос ва ишонч билан таълим олишга, илм-фанни ўрганишга интилади.

Агар ёшларда маънавий камолот зарур бўлса, уларда иштиёқ суст бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб, Форобий аввал ёшларни тарбиялаб, меҳнат қилишга ва касб-хунарни ўргатиб, кейин таълим бериш лозим.”<sup>12</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумий таълимни давлат томонидан бепуллиги кафолатлаб қўйилган. Бу эса бир томондан аҳолининг таълим олшга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондиришда бош ҳуқуқий асос ва анча инсонпарвар, демократик хусусият касб этади.

Жаҳонда санокли давлатларда мавжуд бўлган кадрлар тайёрлаш соҳасида махсус дастур, яъни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг замон талабларига жавоб берадиган тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қуйган ва кадрлар тайёрлашда таълимнинг узлуксизлигига катта эътибор берилди. Мамлакатимизда саводхонлик даражаси анча юқори бўлиб, бу кўрсаткич 97,7 % ни ташкил этади. Айни вақтда жаҳонда саводсизликка қарши кураш ҳали давом этаётганини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда бу соҳада қудратли моддий-техник база мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Албатта, жамиятда ялпи саводлилиқ кўламини ошириш бу умум таълим муассасалари(мактаблар) гарданига тушади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда

---

<sup>12</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1998. 130-134 бетлар.



жами 9 мингдан ортиқ умум таълим муассасалари, яъни мактаблар фаолият кўрсатмоқда.

Конституциянинг 42-моддасида берилишича, **“Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.”** Конституциямиз маданий бойликларимиздан ҳар бир кишининг фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Маданият деганда инсон томонидан яратилган барча бойликлар, ютуқлар йиғиндиси тушунилади ва у ижтимоий ҳаётда универсал хусусиятга эга.

Маданиятнинг таркибий қисмларини фан, таълим ва санъат ташкил қилади. Адабий, мусиқий, бадиий асарлар ва халқ эпоси, илмий назария ва ҳунарлар маданият феноменига киради. Ҳар бир маданият элементи халқ ҳаётининг у ёки бу кўринишини ўзида акс эттиради. Ҳар биримизнинг санъат, кино, адабиёт, мусиқа дунёсидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқимиз асосий қонунимизда мустаҳкамланади. Барча учун театр, музей, кутубхона ва архитектура ёдгорликлари эшиклари ҳеч бир тўсиқсиз очикдир. Ҳар бир шахс истаган фан ва техника соҳаси билан шуғулланиши мумкин. Буни давлатимиз ҳуқуқий, ташкилий, моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатлайди.<sup>13</sup>

## **6-§ Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари.**

### **Фуқароларнинг бурчлари**

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт- шароитлар мажмуи кафолат тушунчасини беради. Кафолатнинг асосий вазифаси, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 292- бет

таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43- моддасида “**Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди**” дейилган.

Кафолатларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

**1. Юридик (ҳуқуқий)**

**2. Ижтимоий-сиёсий**

**3. Иқтисодий(моддий)**

Фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда **юридик** кафолатлар алоҳида ўрин тутаяди, чунки бошқа барча кафолатлар юридик жихатдан тартибга солинишни тақоза этади. Яъни, юридик кафолатлар фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни қонунлар асосида ҳуқуқий жихатдан кафолатланишидир. Юридик кафолатларни реал амалга ошириши фақат демократик режим шароитида кузатилади.

Юридик кафолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлган ҳаракатларни таъқиқлаш ва чегаралашнинг юридик меъёрларини мустаҳкамлаш,

- Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширишларида давлат идоралари ва мансабдор шахслар маъсуллигини.

- Тажовуз этишни, мустаҳкамлашни таъминловчи махсус меъёрлар (шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи) мавжудлиги.

- Ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарнинг белгиланганлиги (мулкӣ, интизомӣ, маъмурий, жиноӣ).

- Фуқароларга қаратилган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, тегишли давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни мустаҳкамлашга жамоат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти.

Юридик кафолатларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Конституциявий ҳуқуқий кафолатлар
2. Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш
3. Омбудсман фаолияти
4. Ҳукумат фаолияти

**Конституциявий ҳуқуқий кафолатларга** - мамлакатнинг Конституциясининг ўзида бевосита мустаҳкамланган кафолатлар киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг X бобининг 43-46-моддаларида мустаҳкамланган нормалар.

**Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш** – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судлар орқали ҳимоя қилинишидир. Унинг мазмунини:

- ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш.

**Омбудсман фаолияти** - Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси соҳасидага қонун ҳужжатларига риоя этилиши Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳам амалга оширилади. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка риоя этилишининг самарадорлиги

устидан парламент назоратини ўрнатади. Вакил кўрилатган масалалар бўйича хулосалар қабул қилади. Хулосалар фақат тавсиявий характерга эга.

**Ҳукумат фаолияти** – ҳукумат томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

**Сиёсий кафолат**- бу давлатда амал қилиб турган сиёсий тизим. Ушбу тизим, мамлакатнинг олиб бораётган сиёсий майдондаги фаолияти орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя этиш учун хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сиёсий кафолатлаш қуйидагиларга боғлиқ:

- давлатнинг мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг мақсадига
- сиёсий плюрализмга
- сиёсий мафкурага
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатига
- оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига

**Иқтисодий кафолатларга** вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради. Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва ҳимоясини тан олган ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан мулкдорларни сафини кенгайтирадиган ҳуқуқий жамиятни барпо этмоқда. Қилинаётган ушбу ҳаракатлар халқни иқтисодий кафолатлашга ёрдам беради.

Иқтисодий кафолатларга:

- адолатли истеъмол саватини давлат томонидан расмий равишда мустаҳкамлаш,
- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш.

**Украина Конституциясида ҳар бир фуқарога давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини сақлаб қолишни кафолатлайди.**

- давлат томонидан аҳолини кам таъминланган қатламини, вояга етмаганлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш
- барча мулк шакллари тенглигини ҳамда фуқароларни мулк ҳуқуқларини таъминлаш киради.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш Конституция асосида қабул қилинган махсус қонунлар орқали ҳам тартибга солинади. Ушбу қонунларга: “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида **“Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”** деб мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий ҳуқуқий норма бевосита Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунда тўла ривожлантирилган.

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунига кўра фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш суд органларининг вазифаси этиб кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуннинг 4-моддасига кўра прокуратура органлари ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш мустақамлаб қўйилган.

**Шикоят** деганда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатини тушунамиз.

**Судга шикоят қилиш ҳуқуқи** – фуқаролар томонидан уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида тиклашни талаб этган ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунига биноан давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

- а) фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
- б) фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
- в) фуқаро зиммасига қонунга ҳилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Берилган шикоятни тегишли давлат органи, мансабдор шахс бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини каноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида **“Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”** деб мустаҳкамланган. Бу Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларни давлат ҳимоясида эканлигини конституция даражасида мустаҳкамланиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ижтимоий давлат барпо этиш каби стратегик мақсадларни амалга оширишнинг салмоқли асоси бўлиб ҳисобланди. Шунингдек, бу соҳада қабул қилинган қатор норматив ҳужжатлар давлатмизни ижтимоий соҳада олиб бораётган одилонга сиёсатининг маҳсули сифатида баҳолашимиз мумкин. Ушбу норматив ҳужжатлар қаторига мисол тариқасида “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги Президент Фармони ( бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгиланганлиги мустаҳкамланган) кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий соҳада олиб борилаётган сиёсати ёши улуғ, кекса фуқароларимизни ҳам назардан четда қолдиргани йўқ. Уларга ғамхўрлик кўрсатишни ошириш ҳамда ижтимоий муҳофаза

қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ва 2002 йил Ўзбекистон Республикасида “Қарияларни кадрлаш йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 24 январда “Қарияларни кадрлаш йили” давлат дастури қабул қилинди.

Конституциямизни 46-моддасида **Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқларга** эга эканлиги мустаҳкамланган. “Аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш учун давлат кенг миқёсда қўшимча тадбирларни амалга оширмақда. Давлат аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш билан бирга, аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат қилишда, соғлиғини мустаҳкамлашда яхши шароитлар ва имтиёзлар яратиб бериши ҳам зарурдир. Чунки, тенг имконият ва қўшимча шароит, имтиёзлар ўрнатиш билангина аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланиши мумкин. Бундан ташқари, оиладаги ишларнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушади, бунинг натижасида аёллар ўзларининг тўла ҳуқуқлилиги имкониятидан фойдалана олмайдилар. Шунинг учун давлат аёллар билан эркакларнинг тенглигини эълон қилар экан, буни таъминлаш учун аёлларни қўшимча равишда моддий ва маънавий раҳбатлантириш чораларини кўрмақда.”<sup>14</sup>

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларга бериладиган эътибор миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрирда) қонунда хотин-қизларга сиёсий партиялар томонидан депутатликка қўйиладиган номзодларнинг 30% хотин-қизлардан бўлишлиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг

---

<sup>14</sup> Р. Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. “Адолат”, 1998 йил, 181 б.



мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда “Ўзбекистон хотин –қизлар кумитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазибалари ва йўналишлари замон талабларига жавоб берадиган тарзда белгиланди.

**Фуқароларнинг конституциявий бурчлари** – бу Конституция даражасида мустаҳкамланган ва тегишли давлат ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаро учун жамият, давлат ва шахслар манфаати йўлида маълум бир ҳатти-ҳаракатларни бажариш ёки улардан тийилиш мажбуриятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ VI-сессиясида қилган маърузасида: "Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлайди. Биз одамлардаги эски тузум психологиясини ўзгартиришимиз ва янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Инсон англасинки, эркинлик – бу бурч масъулиятидир" деб таъкидланди.. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-52 – моддаларида мустаҳкамланган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

- Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

- Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

- Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

- Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросинининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши шарт. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан манфаатлари йўлида фойдаланаётганда, унинг хатти-ҳаракатлари бошқаларга, яъни шахс, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказмаслиги лозим.

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари**

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тараққиёти босқичлари қайси даврдан бошлаб ўрганиб келинмоқда?

3. Ҳозирги демократик давлатлар Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қандай муҳим қоидалар мустаҳкамланган?

4. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси мазмунини сўзлаб беринг.

5. Тенг ҳуқуқчилик тушунчаси нимани англатади?

6. Фуқаролик тушунчаси деганда нима назарда тутилади?

7. Кимлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўладилар?

8. Фуқароликнинг юзага келиши (келиб чиқиши) қандай йўл билан ва қай асосларда амалга оширалади?

9. Натурализация, реинтеграция маънолари нималарни англатади?

10. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш асослари қонунда қандай белгиланган?

11. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалалари билан қайси давлат органлари шуғулланади?

12. Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар қандай кафолатланади?

13. Ўзбекистон фуқароларининг бурч ва мажбуриятларини белгиланг.

14. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг конституциявий таснифланиши қайси мақсадларда ва асосларда белгиланиши мумкин?

15. Ўзбекистон Республикаси Конституциясиинг бир қатор моддаларида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. Бу қайси қонунлар асосида кафолатланиши таъминланади?

16. Ўзбекистонда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Бу сўзнинг маъносини очиб беринг.

17. Шахснинг айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддасида мустаҳкамланган ва қайси қонунлар асосида амалга оширилиши белгиланган?

18. Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий шаъни ва қадр-қиммати тавсифини ифодалаб беринг.

19. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддалари қайси қонунлар асосида кўриқланиши мустаҳкамланган?

20. Ўзбекистон фуқароларининг кўчиб юриш ҳуқуқи қайси конституциявий ҳуқуқ турига киради?

21. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва кириш ҳуқуқлари қайси ҳужжатда белгиланган?

22. Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқиши тўғрисидаги қоидаларда алоҳида тоифадаги фуқароларга чет элга чиқишга асосланган чеклашлар ўрнатилган. Ички ишлар органлари қайси тоифадаги шахсларнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини рад этиш мумкин?

23. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги мустаҳкамланган. Бу ҳуқуқларнинг амал қилиш тартиби қайси қонунларда ўз аксини топган?

24. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий-ҳуқуқий виждон эркинлигини тартибга солувчи меъёрларни таърифлаб беринг.

25. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этишлари мумкин. Бу эса фуқароларнинг қайси бир мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳуқуқини белгилаб беради?

26. Ўзбекистон фуқароларининг мулк ҳуқуқлари қайси конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шаклига киради?

27. Ўзбекистон фуқароларининг мерос ҳуқуқи қандай ҳуқуқий йўл билан амалга оширилади?

28. Ўзбекистонда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин иш жойини танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш каби конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қайси қонун ва кодекси билан тартибга солинади?

29. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий дам олиш ҳуқуқлари қайси қонун билан белгиланади?

30. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, қандай ҳолларда амалга оширилиши таъминланади?

31. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий билим олиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қайси қонуни асосида амалда мустаҳкамланган?

### **Фойдаланадиган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон». 2003.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1.-Т., «Ўзбекистон». 1993.

3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т., «Ўзбекистон». 1996.
5. Каримов И. А. Озод ва ообод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8.-Т., «Ўзбекистон», 2000.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, 6-сессияси материаллари. «Халқ сўзи». 30-31 август. 2001 йил.
8. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Т., «Адолат», 1992.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил, 2 июль. Ўзбекистон янги қонунлари. 6-сон, Т.. «Адолат», 1993.
- 10.«Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрель қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 16-сон, Т., «Адолат», 1997.
- 11.Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил, 26 декабрь. Ўзбекистон янги қонунлари, 15-сон, Т., «Адолат», 1997.
- 12.Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил, 1 май. Ўзбекистон янги қонунлари, 19-сон. Т., «Адолат».
- 13.Ўзбекистон Республикасида «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатги-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил, 31 август.-Ўзбекистон янги қонунлари-11 сон. Т., «Адолат», 1996.
- 14.Ўзбекистон Республикасида «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил, 5 май. -Ўзбекистон янги қонунлари-10сон. Т., «Адолат», 1995.
- 15.Ўзбекистон Республикаси «Референдум тўғрисида»ги қонуни. (янги

тахрирда) 2001 йил. 30 август. — «Халқ сўзи». 2001 йил 31 август сони.

16. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1998.

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й.

18. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг

Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). —Т., «Шарқ», 2001.

19. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М., Издательство БЕК, 1985.

20. И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие. - М., "Юриспруденция", 2000.

21. Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. —Минск: Новое знание, 2001.

22. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. — М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М.

23. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. — М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1998.

24. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Практикум. — М.: Юристь.

# **ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ ЖАМИЯТ ВА ШАХС**

## **VI БОБ .ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

- 1-§. Жамиятнинг иқтисодий асослари**
- 2-§. Мулк ва унинг шакллари**
- 3-§ Жамоат бирлашмалари тушунчаси ва тизими**
- 4-§. Жамиятда оиланинг ўрни ва унинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги**
- 5-§ Сиёсий институтлар тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти**
- 6-§ Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми.**

### **1-§. Жамиятнинг иқтисодий асослари.**

Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда, жамиятдаги мавжуд иқтисодий ҳаёт, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчилик шакллари, ижтимоий йўналишга қаратилган ишлаб чиқариш мақсади, жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг адолат принципи асосида тақсимланиш, хўжаликни бошқаришда бозор иқтисодиёти принципларига асосланганлик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ, жамият тараққиёти учун муҳим саналган иқтисодий ижтимоий соҳаларда муҳим ўзгаришлар ва янгиликларни назарий асослантириб ҳаётга тадбиқ эта бошлади."Жамиятнинг иқтисодий негизлари" – деб, номланган XII-бобда, республикамиз ҳаётининг иқтисодий асослари яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, ҳозирги пайтда бозор

муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита конституциямизда ўз аксини топган. Жумладан Конституциянинг 36-моддасида шундай дейилади, "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади". Демак, ҳар бир инсон дунёга келмасдан туриб ҳам ҳаётининг даврида ҳам қонуний асосда ўз мулкига ихиёрий асосда эгалик қиладилар. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бола она қорнидаги даврида ҳам қонунда кўрсатилган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади. Бу ҳолат тегишли қонунчилигимизда мустаҳкамланиб қўйилган.

Мулкка бўлган ҳуқуқ нафақат Конституциямизда, балки Фуқаролик Кодексида<sup>1</sup>, "Мулкчилик тўғрисида"<sup>2</sup>ги, "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бу муносабат конституциямизнинг 53-моддасида ўз аксини топган. Биламизки, мустақилликдан олдинги даврда барча мулк давлатга тегишли бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бозор муносабатларига ўтиш даврида мулкнинг хилма-хил шакллари жорий қилина бошланди. Жумладан, давлат ўзига тегишли

<sup>1</sup> Қўрағоннинг Ўзбекистон Республикасида Ўқув-тарбия вазирлиги. -О Қўрағон, 1996, -558 а.

<sup>2</sup> Қўрағоннинг Ўзбекистон Республикасида "Қўрағоннинг Ўзбекистон Республикасида Ўқув-тарбия вазирлиги"га "Ўқув-тарбия". (Ўзбекистон Республикасида, 1990 йил, 31-33-сон, 371-сон; 1993, 7-сон, 48-сон.)



бўлган мулкларни аста-секин хусусийлаштириб, инсонларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларни шакллантира бошлади.

Жамиятнинг иқтисодий негизини асосан мулкый муносабатлар ташкил этади. Кишилар томонидан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда тақдим этилган бойликлар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги маъқеи ва ўрни бевосита ўлчаниб боради.

"Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши - деб таъкидлайди И.Каримов, бутун жамиятни ва хусусан, иқтисодий ҳаётни демократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади"<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишга олиб келади. Инсонларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини кенгайтишига бевосита асос бўлади. Айниқса, мулкни хусусийлаштириш масаласи давлат олдида турган муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 19 ноябрда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" қонун қабул қилди. Бу қонун асосида давлат тасарруфида бўлган корхона ва ташкилотлар энди аста-секин давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкдорларга топширила бошланди. Бу қонун бўйича ер, ер ости бойликлари, ички сув, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий заҳиралар, маданият бойликлари ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди. Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулкларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таклифига мувофиқ, Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланади. Демак, ҳар қандай мулк ҳар доим ҳам хусусийлаштирилмас экан.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон» 1998, 558-559-бетлар.

Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилинди. Булар жумласига; мулкчилик тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлат уй-жой фондидан хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда<sup>4</sup>.

Ҳозирги ривожланиш даврида хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби, бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни (мисол учун, хўжалик субъекти фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган катта миқдорда жарима олиш, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб рақамидан фойдаланишни тақиқлаш ва ҳақозаларни) фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш вақти етди.

Ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тўхталиб, иқтисодий

---

<sup>4</sup> Қаранг. “Ўзбекистон овози”. 2005 йил 29-январ.4-бет.

соҳадаги вазифалар ҳақида тўхталиб қуйидагиларни эътироф этди: “Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма – босқич шакллантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга-айёрликни батамом тугатиш”ни муҳим масалалардан эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

## **2-§. Мулк ва унинг шакллари**

Мулк –ишлаб чиқаришнинг зарур шarti ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси ҳисобланади. Инсонлар буюмларни, неъматларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз мулкидан ихтиёрий равишда ва исталган вақтда фойдаланади. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида таърифланиши ҳам мумкин. Жамиятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, зеро, ҳеч қайси бир мамлакатни мулкчилик муносабатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонунига кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунга асосан мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши дейилганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўзининг, шунингдек бошқаларнинг ёки ижтимоий манфаатларини кўзлаб бировнинг тазйиқисиз, зўрлашсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда. Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунига кўра, мулкдор ўзига тегишли бўлган мулкка эгалик қилади, фойдаланади ҳамда тасарруф этади.

**Мулкни эгаллаш ҳуқуқи** –Мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширадиган имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришга айтилади. Бировнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкни қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

**Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи**-Мулкнинг фойдали хусусиятларини олишга, мулкдан иқтисодий мақсадларда фойдаланишга тушунамиз. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, мулкни эгалик қилиш ҳуқуқи билан узвий равишда боғлиқдир. Негаки мулкка эгалик қилмай туриб, ундан фойдаланиб бўлмайди. Яъни халқ таъбири билан айтганда, йўқ нарсадан бор қилиб бўлмайди. Ўзганининг мулкидан келишувсиз, қонунда кўрсатилмаган тартибда фойдаланилса, ноқонуний фойдаланиш деб топилади.

**Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи** – Мулкнинг тақдирини белгилашга, мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш, ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқга айтилади. Агар шахс қонуний равишда тасарруф этган бўлса, бошқа шахслар билан мулк юзасидан битимлар, шартномалар шунингдек, мулкни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиши мумкин.

---

<sup>5</sup> И.А. Каримов «Ислохатлар стратегияси –мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.» “Ўзбекистон” 2003 й .6-бет.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида кўрсатилишича: Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Мулкдорлар ўзларига тегишли бўлган мол-мулкдан қонунга зид ҳолда фойдаланишга, бировларнинг мулкий ҳуқуқларини камситишларига йўл қўйилмайди. Оддий мисол қилиб, агар шахс бирон-бир кўп қаватли уй қурмоқчи бўлса, албатта қўшнисининг розилигини олиб, кейингина уй қуришлиги мумкин. Агар ўзбошимчалик билан бу ҳаракатни амалга оширса, тегишли тартибда ҳаракати асоссиз деб топилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида шундай дейилади: Мулкдор мулкдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Фуқаролик Кодексининг 192- моддасига кўра, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга топшириши шарт.

Фуқаролик Кодексининг 193- моддасига асосан, агар олти ой мобайнида топилманинг эгаси аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади.

Мулк шакли деганда- Моддий неъматларни муайн субъектларга тегишли бўлишини мустаҳкамловчи ва тегишли мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилловчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 167-моддасига Ўзбекистон Республикаси қуйидаги мулк шакллари мавжуд:

**1. Хусусий мулк.**

**2. Оммавий мулк.**

---

<sup>6</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Адолат 1996 йил. 146-бет

Шу билан бирга хусусий мулк ҳам бир неча турларга бўлинади: а) якка шахсга тегишли мулк.б)одавлат юридик шахслар мулки. Оммавий мулк эса: а) Ўзбекистон Республикаси мулки. б) маъмурий тузилмалар мулки.(муниципал мулк).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Демак давлат барча мулк шакллари ҳимоялайди, уларга кенг имкониятлар яратиб беради. Агар мулкдор қонундан четга чиққан ҳолда фаолият олиб борса, ўзига тегишли бўлган мулкдан маҳрум бўлиши мумкин. Фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турларига нисбатан қуйидаги афзалликларига эга:

1. Мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади.
2. Мулкдор мулкка нисбатан энг яқин бўлади.
3. Бундай мулк ташмачилик, ўғрилиқ, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 209-моддасига асосан хусусий мулкнинг субъектларига қуйидагилар киради:

-уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзғор буюмлари;

- акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;

- ишлаб чиқариш; хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа хўжалиқ фаолияти соҳасидаги корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари;

- ихтиролар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятининг бошқа натижалари;

- истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай бошқа мол-мулк қонунларга мувофиқ хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасида оммавий мулкнинг, хусусий мулк сингари бир қанча турлари мавжуд. Буларга:

а) Ўзбекистон Республикаси мулки.

б) маъмурий –ҳудудий тузилмалар мулки ( муниципал мулк)

Ўзбекистон Республикаси мулкига қуйидагилар киради: давлатга тегишли бўлган мол-мулк, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий –ҳудудий тузилмалар мулкига эса қуйидагилар киради: маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик корхоналар ва бошқа мулкрий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш массасалари.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг мулк турлари қуйидагича турланади:

а) маҳалла мулки. б) ижара корхонасининг мулки.в) хўжалик ширкати мулки.г) диний ташкилотларининг мулки.е) жамоат бирлашмаларининг мулки.

*Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларига эгаллик қилиш ҳуқуқи берилади. Давлат бу мулкнинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳатлар шу кафолатлар мавжуд эканлигидан келиб чиқиб олиб борилмоқда.*

### **3-§. Жамоат бирлашмалари тушунчаси ва тизими.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига асосан касаба уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамоат бирлашмаларига ўз уставларида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларни бажариш имконини кафолатлайди. Бу кафолат фуқароларнинг ихтиёрий уюшишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асоси яратилган- Конституциянинг XIII боби ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиш (32-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш (34-модда) ҳуқуқи кафолатланган

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунда жамоат бирлашмаси тушунчаси, мақсади, шакллари, фаолият доираси ва ҳуқуқлари, мақоми ва рўйхатга олиниши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилади. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш касбкор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларни муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикаларо ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни



мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади”.

Жамоат бирлашмаси деганда унинг моҳиятига эътибор бериш керак бўлади. Жамоат бирлашмаси бирон-бир шахсни ёки оилани ёхуд айрим гуруҳларнинг шахсий фойда олиш истагини ифодаламайди. Жамоат бирлашмалари одатда гоё, ирода билан ҳаракатга келади, уларнинг ягона мақсади-жамиятни такомиллаштириш. Улар ўз олдига назорат қилиш ёки фойда олиш вазифасини кўймайди, балки улар жамиятни мукамаллаштириш йўналиши ва истагида фаолият юритади. Демак, жамоат бирлашмалари фуқароларга ўзларига ўзлари ёрдам беришлари, ўз ҳаётларини жамиятни такомиллаштириш орқали яхшилашлари имконини беради.

Жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик тамойиллари асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Жамоат бирлашмалари ўзларининг устав фаолиятига ҳамда ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра учта турга бўлинади:

1. Халқаро миқёсдаги жамоат бирлашмаси
2. Республика миқёсдаги жамоат бирлашмаси
3. Маҳаллий миқёсдаги жамоат бирлашмасига

**Халқаро жамоат бирлашмалари дейилганда** - ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган жамоат бирлашмалари тушунилади.

Чет элда тузилган ва фаолият кўрсатаётган халқаро жамоат бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхона ёки филиали ҳам халқаро жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

**Республика жамоат бирлашмаларига** ўз уставига белгиланган мақсад ва вазифаларини бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари тушунилади.

**Маҳаллий жамоат бирлашмаларига** -уставларида белгиланган мақсад ва вазифаларни бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса шаҳар ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари тушунилади.

Туман (шаҳар) ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмалари туман (шаҳар) жамоат бирлашмалари тушунилади.

Зарурият бўлган ҳолларда вилоятлараро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

Халқаро, республика ҳамда вилоятлараро мақомдаги жамоат бирлашмаларининг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Маҳаллий миқёсда фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари эса тегишли равишда Тошкент шаҳар ёки вилоятлар адлия бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Жамоат бирлашмаларининг уставлари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, ўз фаолиятларини амалга ошириш ваколатига эга бўладилар ҳамда юридик шахс деб эътироф этиладилар.

Жамоат бирлашмалари Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;
- давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунга асосан жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чақириб, унда устав қабул қилинади ва раҳбар орган идоралари тузилади.

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва ўзга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат ўз

уставидаги вазифаларни бажариш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва ўзга тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар фақат уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Конституциянинг 62-моддасида белгиланган нормадан келиб чиқиб, Жамоат бирлашмалари фаолиятини тугатиш унинг юқори органи қарори билан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Жамоат бирлашмаси томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура ёки адлия органлари томонидан уларнинг раҳбар органларига тақдимнома киритилади. Агар бу ҳаракатлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, прокуратура ёки адлия органларининг тақдимномаси асосида тегишли суд қарори билан тугатилади.

Жамоат бирлашмасининг фаолияти у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Касаба уюшмалари ҳам жамоат бирлашмалари таркибига кириб, уларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ушбу қонун талабига кўра, ”Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради”

Конституциянинг 59-моддасига кўра касаба уюшмалари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир, деб белгиланган.

Фуқароларнинг меҳнат ва доим олиш ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва турмуш даражаларини яхшилаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва унинг таркибидаги турли тармоқ касаба уюшмалари аҳамияти алоҳидадир.

Касаба уюшмаларининг амалдаги қонунларни бажариш фаолиятини назорат этиш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Ўз уставларида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни бажарилиши эса адлия органлари томонидан назорат қилинади.

Сиёсий партиялар Конституциянинг 60-моддасига асосан турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, деб белгиланган.

Конституцион нормага асосан жамиятда туб маънодаги кўппартиявийликни шакллантириш учун 1996 йил 26 декабрда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг 1-моддасига асосан, “сиёсий партия - қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият мўайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир”.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу қонунда, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тўхтатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсади, вазифалари тўлиқ кўрсатиб берилган.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган

камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партиялар фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис

йиғилишида ўз партиясининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партиясининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасида бугунга кунда кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган бешта сиёсий партия фаолият кўрсатиб келмоқда:

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (ХДП);

“Адолат” социал-демократик партияси;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;

Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси:

Ўзбекистонда ташкил топган ушбу сиёсий партиялар ижтимоий тараққиёт, воқеалар ривожланиши жараёнида вужудга келган ижтимоий-сиёсий ташкилотдирлар.

Ўзбекистонда диннинг жамиятда тутган ўрни унинг конституцион мақоми билан белгиланган. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, барча фуқаролар миллатидан, ирқидан, диний эътиқодидан қатъи назар виждон эркинлиги кафолатланган.

#### **4-§ Жамиятда оиланинг ўрни ва унинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига мувофиқ, “Оила- жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга “ деб , кўрсатиб ўтилган. Албатта жамиятнинг пайдо бўлишида оиланинг роли бекиёсдир. Оиланинг шаклланиши ва ривожланиши , жамиятнинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Давлат доимий равишда оила манфаатларини барча жабҳаларда ҳимоя қилиб, уларга кенг имкониятлар яратиб беради.

1991 йил мустақилликка эришганимиздан сўнг, давлат оилавий муносабатлари соҳасида туб ислохотларни амалга оширила бошлади. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан ташкил қилинган “Маҳалла хайрия жамғармаси” кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган шахсларга моддий жиҳатдан ката ёрдам кўрсатди ва уларга кенг шарт-шароитлар яратди. 1993 йил 4-мартда Президентимиз фармони билан “Соғлом авлод учун” ордени ташкил этилди. Бу орден оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг саломатлини сақлаш ҳамда ёшларни ватан туйғусида тарбиялаш ишларида ўзининг хизматлари билан танилган шахсларга берилди.

1994 йил 22-августда Президентимизнинг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Бу фармонга кўра моддий жиҳатдан қийналиб қолган оилаларга яқиндан ёрдам бериш, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб беришни назарда тутди.

Оила муносабатларни 1998 йил 30-апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ” Оила кодекси” тартибга солди. Бу қабул қилинган Оила кодекси ўзида халқаро нормаларни, жаҳон оилавий тажрибаларини, шу билан бирга ўзбекона урф-одат ҳамда

кадриятларни ўзида мужассамлаштирди. Оила кодексида оила қонунчилигимиз учун янги бўлган муносабатлар, никоҳ шартномаси, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, қон-қариндошлик ва бошқа муносабатлар киритилди.

1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилиниши, давлатимиз томонидан оила манфаатларини ҳимоялаш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан оилавий муносабатларни ҳимоялаш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурга кўра оилаларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирлари белгиланди.

Балоғат ёшига етган эркеклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланадилар<sup>8</sup>. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай шахс қонунда белгиланган ёшга етгач хоҳлаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиши мумкин. Ҳеч ким ҳар қандай камситилишлар билан бировнинг никоҳ тузишига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

Оилавий муносабатларда эр ва хотин бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Аёл фақатгина уй-рўзғор ишлари билан шуғулланмасдан, балки давлатнинг бошқарув соҳасида ҳам иштирок этишларини билдиради. Ҳозирги ривожланиш жараёнида аёлларимизнинг кўплаб бошқарув соҳаларида раҳбарлик лавозимида фаолият олиб бораётганлигини гувоҳи бўлиши мумкин. Аёл ва эркек никоҳни қайд қилар экан, албатта унинг қонуний бўлишлигини хоҳлайди. Шу сабабли никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади (ФХДЁ). Диний расм-русмларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Оила қонунчилиги диний ҳолатларни чеклаб

---

<sup>8</sup> Қаранг. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10-декабр. 16-модда.



қўймайди, фақатгина бундай ҳолат оила қонунчилигига зид бўлмаслиги керак.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг Ф Ҳ Д Ё органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширади. Баъзи ҳолатларда никоҳ бир ой ўтгунга қадар ҳам тузилиши мумкин. Бундай ҳолатларга:

- Никоҳланувчилар узоқ вақт бирга турган бўлсалар;
- Никоҳланувчилардан бири ўқиш ёки меҳнат сафари билан хорижий мамлакатларга кетаётган бўлса;
- Бўлажак эр-хотиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлган бўлса;
- тарафлардан бири ҳарбий хизматга чақирилган бўлса.

Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, никоҳ ариза берувчилар томонидан ариза берилган куни ҳам қайд этилиши мумкин.

Масалан ; (аёл киши ҳомиладор бўлиб қолса, ўртада фарзанд туғилганда .)

Агар шахс оғир касал бўлиб қолганда, никоҳни касалхоналарда ҳам қайд этишга рухсат берилади. Никоҳни қайд этиш вақтида албатта тарафларнинг ўзлари ҳамда иккита вакил иштирок этади, яъни келиннинг дугонаси ҳамда куёвнинг ўртоғи. Никоҳ қайд этилганидан кейин уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига муҳр қўйилади.

Никоҳ тузиш учун қонунда белгиланган ёш аниқ қилиб белгиланиб қўйилган. Эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланиб қўйилган. Баъзи ҳолатларда никоҳланувчилар яшаётган туман ва шаҳар ҳокимининг розилиги асосида никоҳ ёшини бир йилга қисқартириб бериши мумкин.

Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.<sup>9</sup>

---

<sup>9</sup> Қаранг. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10-декабр. 16-модда.2-қисм.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-моддасига кўра, Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотиннинг ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Демак, никоҳ тузилар экан албатта тарафларнинг розилиги биринчи ўринга қўйилади. Агар никоҳ тузишга мажбур қилиш аниқланса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 136-моддасига мувофиқ, жавобгарлик масалаларини келтириб чиқаради.

Баъзан никоҳ тузишга имкон бермайдиган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бундай ҳолатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- лоақал биттаси қонуний бошқа никоҳда турган бўлса;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида
- Руҳият бузилиши натижасида суд томонидан муомалага лаёатсиз деб топилган шхслар ўртасида.

Оилавий муносабатларда эр ва хотин ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда , ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар. Қуйидаги ҳолатлар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишига асос бўлади:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса;
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан олишдан бош тортса;
- болаларига нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса;
- муттасил равишда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;
- ўз болаларининг соғлиғи ёки ҳаётига қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ҳар хил асослар бўйича никоҳ ўз вақтидан олдин тугатилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда никоҳ тугатилиши мумкин:

- Эр-хотиндан бирининг вафоти;
- Суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида;
- Эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ;
- Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда.

Никоҳдан ажратиш асосан суд тартибида ҳамда ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади. Эр-хотин ўртасида низоли вазиятлар мавжуд бўлмаса, никоҳ ФХДЁ органлари томонидан ажратилиши мумкин. Агар эр-хотин ўртасида фарзандлар масаласида, мулкӣ масалаларда низоли вазиятлар юз берса, никоҳ фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ажратилади.

Республикада никоҳдан ажратишдан олдин уларнинг никоҳини сақлаб қолиш мақсадида, уларга олти ойлик муддат берилади. Бу муддат давомида эр ва хотин ўз никоҳларини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишади. Бунинг учун маҳалла, хотин-қизлар уюшмалари, тегишли идоралар яқиндан ёрдам берадилар. Демак, оилани бирданига ажратиб юбориш эмас, аксинча оилани сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиш керак.

Мамлакатимизда оиланинг ҳуқуқӣ ҳимояланганлигини, Президентимиз фармонларида, Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорларда ва бошқа ҳуқуқӣ ҳужжатларда кўришимиз мумкин. Шунингдек, ўзини –ўзи бошқариш органлари, суд органлари, прокуратура органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари ва шунга ўхшаш органлар бевосита оиланинг ҳуқуқӣ жиҳатдан кафолатланганлигин белгилаб беради.

## **5-§. Сиёсий институтлар тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдида адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқӣ демократик давлат қуриш ва халқни фаровон ҳаёт сари олиб бориш каби буюк мақсадларни қўйди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошланган бу кенг миқёсдаги ислохотларни жамиятнинг энг ички қатламларигача олиб кириш албатта мамлакат аҳолисининг ижтимоий онгини ва савиясини, ҳаётга бўлган қарашларини тубдан ўзгартиришни талаб этарди. Шубҳасиз, бу машаққатли жараёнда оммавий ахборот воситалари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Айнан шу сабабли ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситаларига давлат раҳбарияти томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Шу сабабдан, бу муаммо Ўзбекистон Республикасининг бир қатор бошқа қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь) "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги (1996 йил, август), "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги (1996 йил, сентябрь), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги (1997 йил, апрель), "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, (1997 йил, апрель ), "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги (2002 йил, декабр) қонунлар ҳамда Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг " Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1996 йил май) Фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги, телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига кенг кўламда ёрдам бериш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик муҳитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида оммавий ахборот воситаларининг турлари кўрсатилган. Улар газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли,

эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, хужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

Демократик давлатларда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, уларнинг фаолият кўрсатиши шароит-ларини таъминлаш билан бирга, бу эркинликларнинг суистеъмол қилинишига йўл қўйилмайди. Биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар юқорида айтиб ўтганимиздек, берилаётган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардирлар. Иккинчидан, Ўзбекистон Респуб-ликасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар содир қилишни тарғиб қилишга рухсат берилмайди. Учинчидан, фуқаро-ларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашуш ҳам тақиқланади. Ушбу чеклашлар яна бир маротаба ҳуқуқий давлатда сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари эркинлиги исталган фикр ёки қараш ифода этилишига йўл қўйилмаслигидан, лекин бу чеклашлар кичик ва аниқ бўлишидан далолат беради. Демократик ҳуқуқий давлатнинг мавжуд бўлиши, қўлга киритилаётган муваффақиятларни аста-секинлик билан бўлса ҳам асраб-ардоқлаш учун сўз эркинлиги ҳуқуқининг кичик бир қисмини чеклаш талаб қилинади. Бу ҳол юқорида кўриб чиққанemizдек, ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд.

Маълумки, ахборотни биринчи навбатда журналистлар қидирадилар, оладилар ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатадилар. Шу сабабдан, журналистлар фаолиятини ҳам кўриб чиқиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонун

журналистнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

Журналист - Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир. Қонуннинг 5-моддасида айтилишича:

"журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

-ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

-ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

-давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдаланиш;

-журналист текшируви ўтказиш;

-ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

-журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

-маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

-судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

-эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

-башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

-ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

-ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

-тақдим этган хабарнинг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

-жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади."

б-моддада журналистнинг мажбуриятлари қуйидагича баён қилинган:

"Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

-қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

-ўзи тайёрлаётган материал-ларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

-айбсизлик презумпцияси прин-ципига амал қилиши;

-шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши мумкин эмас.

Журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт."

Журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида у Конституцияда белгилаб қўйилган шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун, агар улар ҳаққоний бўлса, журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши тақиқланади.

Журналист ахборот тўплаш ва журналист текшируви ўтказиш ҳуқуқига эга. Ўз текширувларининг натижаларини у оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиши, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Журналистнинг касбига доир фаолияти Қонуннинг 10-моддасида шундай кафолатланган:

"Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун билан кўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишда унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Журналистнинг журналистик фаолиятига аралашиб, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш тақиқланади."

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

-цензура қилганлик;



-журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

-журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

-журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

-журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва кадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Журналистнинг жавобгарлиги Қонунда шундай таърифланган:

"Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди."

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга, журналистлар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 1997 йилда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилганди. Журналистлар ҳуқуқларига доир қонунлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларни келтириш мумкин.

Уларда қонун ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ жинойй ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар учун аниқ жавобгарликлар белгиланган, зеро "Инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенциясининг 10-моддасида айтилганидек "сўз ва матбуот эркинлиги демократик жамиятда миллий хавфсизлик, ижтимоий осойишталик манфаатлари йўлида, тартибсизликларнинг олдини олиш, ахлоқни ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг обрў-эътибори ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёхуд одил судловни таъминлаш мақсадларида мажбурият ва жавобгарлик юклаш имкониятини келтириб чиқаради." Чоп этилган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги принципи бузилган тақдирда, уни бузган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

***Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.*** Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олиними, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Цензура, оддий қилиб айтганда, бу муайян ахборот берилишига (нашр қилинишига) тўсқинлик қилиш, унга нисбатан таъқиб ва чеклов ўрнатишдир. Сўз эркинлиги фикр билдириш эркинлигини ҳар қандай чеклаш демократияга хилофдир. Ва аксинча, цензуранинг олиб ташланганлиги журналистлар, оммавий ахборот воситалари орқали истаган хабар, маълумот ва материални эълон қилаверади деган гап эмас, албатта. Масалан, «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонун<sup>16</sup> билан тақиқланган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993 йил 5-сон, 232-модда.

тасдиқланган давлат сирлари ҳисобланган объектлар рўйхатидан ташқари масалалар хусусида эркин тарзда хабарлар эълон қилиши мумкин. Қонунга биноан, давлат томонидан қўриқладиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади (1-модда).

Оммавий ахборот воситаларидан мавжуд конституциявий тузумни, республика ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, давлат сирини ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қонунда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, журналист ёки оммавий ахборот воситаси прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатсиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиши, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга крмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.

Мазкур тақиқ фуқароларнинг айбсизлик презумцияси принципи бузилмаслиги учун белгилангандир. Зеро, жиноят содир этганликда айбланаётган (гумон қилинаётган) ҳеч бир шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Шу боис, суд қарори ёки ҳукми чиқмагунча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари иш бўйича олдиндан хулоса чиқаришлари, шахснинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо беришлари жоиз эмас. Акс ҳолда, шахснинг шаъни ва обрўси асоссиз завола топиб қолиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муҳаррир ёки журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлиги учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизматлари орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб

олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари «**тўртинчи ҳокимият**», деб таърифланади. Бу «ҳокимият»ни рўёбга чиқаришда журналист, унинг касб маҳорати, умумий савияси ва маданияти катта роль ўйнайди. Журналистлик фаолиятининг давлат даражасида муҳофазаланиши, журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солиниши «тўртинчи ҳокимият» учун мустаҳкам заминдир.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари цензура қилганлик, журналистнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, унинг сўров ва ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик, журналистга тазйиқ ўтказганлик ва фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Журналистнинг материаллари ва техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйиш мумкин эмас. Журналист шаъни ва кадр-қимматини ҳақорат қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқи махсус қонунлар билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни бевосита ушбу ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ушбу қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа

материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади<sup>17</sup>.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлардан иборат ахборотни бериши мумкин эмас. Давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида нутқида бешта устувор вазифаларидан бири этиб, “Ўзбекистонда демократик жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти- бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ чораларни амалга оширишдир” этиб белгиланди. Оммавий ахборот воситаларини жамиятдаги ўрни янада ошириш, уларни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифалардандир.

## **6-§. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми.**

Ўзбекистон тарихида илк бора, 1991 йил июн ойида (01.05.1998 й. янги таҳрирда қабул қилинди) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонунни қабул қилишдан

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни. 7-модда. 15 декабр 2000 йилдаги 175-II-сон қонуни таҳриридаги модда.

мақсад ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат эди.

Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, яҳудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, баҳоичилар, кришнаитлар, буддистлар, христиан-пресвиторианлари сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд.

Улардан ҳар бирининг ўзига хос ва мос тартиб-қоидалари ҳаёт тарзи, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шундай хилма-хилликдан ва ҳақиқий демократик тамойиллардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга”**, деган қоида киритилган (31-модда).

Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабат масаласига эса куйидаги моддада аниқлик киритилган: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” (61-модда).

Конституцион нормалар давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳати яққол ажралиб туради.

Биринчиси, дин - жамиятда инсонпарварлик руҳиятини шаклланишида, юксак маданият ва маънавият қуроли, беқиёс ахлоқий тарбияси, инсонларни камтаринлик, камсуқумликка, ҳалоллик, покликка ундаши каби кадриятларни барча миллий кадриятлар каторида тенг ҳуқуқли кадрият сифатида тан олинганлиги бўлса.

Иккинчидан, диндан ғаразлик йўлида фойдаланиш, диний омиллардан фойдаланиб сиёсатга, давлат ишига аралашини, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатларни қатъий ман этилишидир.

Мусулмонлар ҳаётида қутлуғ кунлар ҳисобланган Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини ҳам доимий суратда байрам қилиш ва уларни дам олиш

кунлари деб эълон қилиниши ҳам ёш мустақил давлатимизнинг тарихида алоҳида бир саҳифани очди.

Мустақиллик туфайли давлат мусулмонларга илтифот ва мурувват кўрсата бошлади. Ўзбекистон мусулмонлари бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозирга қадар 30 мингга яқин Ўзбекистон мусулмонлари ана шу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтиш шарафига муяссар бўлдилар.

Давлат томонидан амалга оширилаётган бу ишлар, мусулмонларга кўрсатилаётган мурувватнинг мақсади диний кадриятларни қайтадан тиклаш ва уни янада ривожлантириш, халқимизни баркамол қилиш ва комил инсонларни тарбиялашга қаратилгандир.

Диннинг улуғ кадриятларидан бири шундаки, у миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувлар қаттиқ қораланади, турли диндаги ва миллатдаги одамларнинг ўзаро биродар, аҳил бўлиб тинч-тотув ҳаёт кечиришга, барча диндорлар миллий тотувликда яшашга даъват этилади.

Бугунги кунда республикада турли миллатдаги дин вакилларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Собиқ Иттифоқ даврида республикада бор-йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган 1871 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикада 15 турдаги 186 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси асосида, Марказий бошқарув органи ҳисобланган Ўзбекистон Мусулмонлар идорасига қарашли Тошкент ислом институти, “Кўкалдош”, “Мир-Араб” мадрасаси, “Ҳадичаи Кубро” аёллар диний ўқув юрти каби, 11 та диний ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда.

Булардан ташқари, Рус Православ Черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Тошкент рус православ семинарияси ҳамда Ўзбекистон Тўлик Евангел-Христианлар Марказининг Самарқанд протестант диний семинарияси ишлаб турибди <sup>18</sup>.

Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда.

Зеро, жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислохотлар га муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда жамоат ва нодавлат ташкилотлари олдига катта вазифалар турибди. Зотан, янги жамият барпо этиш жараёнида халқнинг бевосита фаол иштирокини таъминлаш айнан нодавлат нотижорат ташкилотлари зиммасига тушади. Бунинг учун улар янги давр талабларига мос иш услуби ва шаклларини илдам қатъият билан ўзлаштиришлари, кўпроқ ташаббус, ташкилотчилик кўрсатиб фаолият юритишлари тақозо этилади.

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари .**

- 1.Ўзбекистон фуқароларининг мулк ҳуқуқлари қайси конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шаклига киради?
2. Мулкка эгалик қилиш деганда нимани тушунасиш?.
3. Мулкдан фойдаланиш тартиби қандай амалга оширилади?.
4. Мулкни тасарруф қилиш нима?.
5. Мулк турларини ифодаланг?
6. Хусусий мулк деганда нимани тушунасиш?.
- 7.Ўзбекистон фуқароларининг мерос ҳуқуқи қандай ҳуқуқий йўл билан амалга оширилади?

---

<sup>18</sup> П. Саматов. Ж. Абдусатторов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: жамоат бирлашмалари. Т.: 2002. 46-б.



8. Жамоат бирлашмалари деганда нимани тушунасиш?
9. Давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ўрни қандай? .
10. Жамиятда оиланинг тутган ўрни қандай?.
11. Оилавий муносабатларда аёл ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги деганда нимани тушунасиш?
12. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятининг ҳуқуқий асоси деганда нимани тушунасиш?.
13. Диний ташкилотларнинг фаолияти тартиби қандай?.

### **Фойдаланадиган адабиётлар.**

- 14 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон». 2003.
- 15.Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1.-Т., «Ўзбекистон». 1993.
- 16.Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., «Ўзбекистон», 1996.
17. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т., «Ўзбекистон». 1996.
- 18.Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.6.-Т., «Ўзбекистон»,1997.
- 19.Каримов И. А. Озод ва ообод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8.-Т., «Ўзбекистон», 2000.
20. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
21. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар.Т.: Ўзбекистон 1991.
- 22...Саидов А,Ҳ. Мустақиллик қомуси.Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 23.Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т-: 1995.

24. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Т., «Адолат», 1992.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил, 26 декабрь. Ўзбекистон янги қонунлари, 15-сон, Т., «Адолат», 1997.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил, 1 май. Ўзбекистон янги қонунлари, 19-сон. Т., «Адолат».
27. Ўзбекистон Республикасида «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатги-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил, 31 август.-Ўзбекистон янги қонунлари-11 сон. Т., «Адолат», 1996.
28. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. 1996 йил, 26 декабрь. — Ўзбекистон янги қонунлари-15 сон. Т., «Адолат», 1997.
29. Ўзбекистон Республикасида «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил, 5 май. -Ўзбекистон янги қонунлари-10сон. Т., «Адолат», 1995.
30. Ўзбекистон Республикаси «Референдум тўғрисида»ги қонуни. (янги таҳрирда) 2001 йил. 30 август. — «Халқ сўзи». 2001 йил 31 август сони.
31. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 13-сон: -Т.: Адолат, 1996.
32. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.: Адолат, 1999.
33. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.-Т.: Адолат. 1998.
34. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат ношижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни 1999 йил 14 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон.-Т.: Адолат, 1999.
35. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.18-сон.-Т.: Адолат, 1998.

36. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил, 2 июль. Ўзбекистон янги қонунлари. 6-сон, Т.. «Адолат», 1993.
37. «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрель қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари, 16-сон, Т., «Адолат», 1997.
38. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил, 26 декабрь. Ўзбекистон янги қонунлари, 15-сон, Т., «Адолат», 1997.
39. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил, 1 май. Ўзбекистон янги қонунлари, 19-сон. Т., «Адолат».
40. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил, 15 февраль. — Ўзбекистон янги қонунлари-4 сон. Т.. «Адолат», 1993.
41. Ўзбекистон Республикасида «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатги-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил, 31 август.-Ўзбекистон янги қонунлари-11 сон. Т., «Адолат», 1996.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ХУДУДИЙ**  
**ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ**

**VII БОБ. МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ**  
**ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ.**

**1-§ Давлат тузилиши тушунчаси ва шакллари.**

**2-§ Маъмурий-худудий тузилиши принциплари.**

**3-§ Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий ва давлат тузилиши масалаларини ҳал этиш тартиби.**

**4-§ Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий ҳолати**

**1-§ Давлат тузилиши тушунчаси ва шакллари**

Муайян бир давлатнинг маъмурий худудий тузилишини ўрганишда маъмурий худудий тузилиш тушунчаси билан бирга давлат тузилиши шакли тушунчасига ҳам эътибор қаратиш лозим. Чунки, бу тушунчалар мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлиб, ҳар доим бири иккинчисини тақозо этиб туради. Давлат тузилиши давлат шаклининг муҳим бир тури ҳисобланади. Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов давлат қурилиши ва унинг тузилиши асосларига бағишланган бир қатор асарларида, хусусан "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" деган китобида бизда давлат тузилиши ер кенгликларини вилоят, туман ва шаҳарларга бўлиниши сунъий равишда, ўз-ўзидан келиб чиққан "техник" жараён бўлмай, балки республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги асосий стратегик мақсадни амалга оширувчи таянч қисmlарига ажратилиши эканлигига алоҳида урғу берган.<sup>19</sup>

Давлат тузилиши шаклига қўйидаги турли хил омиллар таъсир этади:

1) давлат ва жамият олдида турган иқтисодий вазифалар

3) давлатдаги сиёсий кучларнинг ўзаро нисбати

---

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.:Ўзбекистон, 1999, 117-бет

4) давлат ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг кўп миллатлиги ва ўзаро муносабати

5) давлат ҳудудининг катта ёки кичиклиги таъсир этади.

6) узоқ йиллар давомида шаклланган тарихий анъаналар

7) жамиятдаги мавжуд ижтимоий онг

Шундай қилиб, **давлат тузилиши шакли** деганда, давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий уюшуви, давлат ва уни ташкил этган ҳудудларнинг, айрим қисмларнинг, марказий ва маҳаллий идоралар орасидаги муносабатларнинг табиати тушунилади.<sup>20</sup>

**Давлат тузилиши** - давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниш тамойиллари ва тузилишини ҳамда маъмурий ҳудудий бирликларнинг юридик мақомини, давлатнинг марказий органлари билан мазкур органларнинг жойлардаги маҳаллий органлар билан ўзаро муносабатлари қандай хусусиятлардан иборат эканлигини қамраб олувчи тушунчадир.

**Миллий-давлат тузилиши** - давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатлари характери ва ҳажмидан иборат эканлиги тушунилади.<sup>21</sup>

**Маъмурий – ҳудудий тузилиш** – давлат тузилиши тушунчасининг таркибий қисми бўлиб, давлат ўз вазифа ва функцияларини бажариши учун, муайян чекланган ҳудудини маълум бир ҳудудий (маъмурий-ҳудудий) бўлақларга бўлинишини тушуниш лозим. Ушбу ҳудудий бўлақларда давлат аппарати маҳаллий органларининг структураси тузилади. Шунинг учун давлатнинг ҳудудий тузилишини, маъмурий-ҳудудий тузилиш деб атаймиз.

Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкилаштириш ўз *мақсади* ва *вазифаларига* кўра нафақат *маъмурий-ҳудудий*, балки:

---

<sup>20</sup> У.Гаджтханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. 436-437 бетлар. Тошкент 2001й. ИИВ. Академияси.

<sup>21</sup> У.Гаджтханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. 435- бет. Тошкент 2001й. ИИВ. Академияси.

*иқтисодий-ҳудудий* (масалан, эркин савдо қилувчи зоналар);  
*ҳарбий-ҳудудий* (масалан, Ўзбекистонда ташкил этилган Тошкент, Марказий, Шимолий, Жанубий, Фарбий, Шарқий ҳарбий округлар);

*сиёсий-ҳудудий* (масалан, барқарорликни сақлаш ва этник масалаларни ҳал қилиш учун ажратиладиган минтақалар);

*экологик-ҳудудий* (масалан, Орол ва Орол бўйи экологик инқироз ҳолатидаги алоҳида муҳофозага муҳтож бўлган ер кенглигининг куруқлик қисми ва сув акваторияси) шаклларда намоён бўлиши мумкин.<sup>22</sup>

Федератив давлатларда маъмурий – ҳудудий бирликлар ўзининг муайян ҳокимият органлари тизимига, Конституция ва қонунчилигига, шунингдек, ҳудудий рамзларига эга бўлади.

**Маъмурий – ҳудудий бирлик** – давлат маъмурий –ҳудудий тузилиши тизимининг мустақил таркибий қисми бўлиб, бир неча поғанада ташкил этилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳам кўп поғонали маъмурий ҳудудий тузилишга эга (вилоят, туман, қишлоқ ёки овул).

Кичкина, митга давлатларнинг баъзиларида умуман маъмурий ҳудудий бўлиниш амалга оширилмаган, масалан, Океанияда жойлашган Нуара ва Туала, Монака, Сан-Марино.

Тегишли маъмурий ҳудудни алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида эътироф этиш учун фақат давлат ҳокимияти маҳаллий органларни ташкил этиш билан чегараланмасдан, балки маҳаллий ҳудуднинг иқтисодий-маданий ривожланганлиги даражаси, аҳолининг ҳудудий уюшиши билан ҳам боғлиқдир.

Давлат ички тузилишига, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларига, давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги

муносабатларга, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг юридик мавқеига кўра, давлат тузилиши одатда уч шаклга бўлинади:

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й. 377- бет

- унитар;
- федератив;
- конфедератив;

**Унитар** (французча «unitaire» - “ягона”) давлат таркибида ҳеч қандай давлат тузилмалари мавжуд бўлмаган яхлит давлатдир. Ҳозир жаҳонда энг кўп тарқалган давлат тузилиш шаклларида биридир. Улар қаторига Италия, Япония, Украина ва бошқалар қиради. Унитар давлатлар ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган маъмурий-ҳудудий қисмларга (вилоятлар, регионлар, губерния, графликларга) бўлинади. Ўзбекистон Республикаси ҳам унитар давлат ҳисобланади.

**Жаҳонда ҳудуди бўйича йирик бешталикка қиравчи Хитой давлати ҳам давлат тузилиши шаклига кўра унитар давлатлар қаторига қиради.**

Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлинишга ( Масалан: Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар) эга бўлади. Бироқ мазкур ҳудудий қисмлар давлат тузилмаси аломатларига эга эмас. Унитар давлатлар кўйидаги ҳуқуқий белгиларга эга:

- унитар давлатларда ягона давлат ҳокимияти олий органлар тизими мавжудлиги

- ягона Конституция ва қонунчилик тизимига эгаллиги.

- ягона фуқароликка

- унитар давлатлар ягона бўлинмас ва дахлсиз ҳудудга эга бўлиши

Барча унитар давлатларга хос бўлган марказлаштириш турли шакл ва даражаларда намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда умуман маҳаллий идорлар мавжуд бўлмай, маъмурий-ҳудудий ўлкалар марказий ҳокимият тайинлайдиган вакиллар томонидан бошқарилади. Бошқа давлатларда эса маҳаллий идоралар тузилиб (жумладан, вакиллик органлари

тузилади) улар марказий ҳокимият олдида (бевосита ёки билвосита) ҳисобот берадилар.

Марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унитар давлатлар **марказлашган, нисбий марказлашган** ва **марказлашмаган** турларга бўлинади.

Марказлашган унитар давлатларда маъмурий-ҳудудий бирликларни бошқариш давлат ҳокимияти марказий органлари томонидан бевосита амалга оширилади. Бунда марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар тегишли маъмурий ҳудудни бошқаради. Бунга хориждан мисол тариқасида Индонезия давлатини келтириш мумкин.

Нисбий марказлашган унитар давлатларда маъмурий-ҳудудий бирликларни бошқариш бир вақтни ўзида марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар ҳамда маҳаллий вакиллик органлари томонидан амалга оширилади. Бунга Франция маҳаллий бошқарувидаги марказдан тайинланадиган префектлар ва муниципал Кенгашларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳам айнан шу турдаги унитар давлатлар қаторига киритамиз. Бунга исбот тариқасида Президентимиз И.А.Каримов 1999-2000 йилларда бўлиб ўтган вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашувларида маъмурий-ҳудудий тузилишни тўғри ташкил этиш, жойлардаги вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ваколатларини ошириш Конституциямизда белгиланган императив шартларни амалий тадбиқ қилишга олиб келишини бир неча бор уқтириб ўтганларини келтириб ўтиш мумкин<sup>23</sup>.

Марказлашмаган унитар давлатларда эса маъмурий ҳудудий бирликлар анча мустақил бўлиб, марказга умуман бўйсунмайди ҳамда

---

<sup>23</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз – Т.: Ўзбекистон, 2000.



бошқарув тўла-тўқис маҳаллий вакиллик органлари ваколат доирасига киритилади.(Буюк Британия графликларидаги маҳаллий бошқарувни сайлаб кўйиладиган органлар амалга оширади.)

Унитар давлатлар яна таркибидаги маъмурий ҳудудий бирликларининг ҳуқуқий мақоми ва хусусиятларига кўра:

- **Одий унитар давлат.** Бундай давлатларнинг маъмурий ҳудудий тузилиши содда бўлиб, маъмурий ҳудудий бирликлар бевосита марказга бўйсунди ва ҳуқуқий мақоми, номланиши ҳамда ижтимоий таркиби жихатдан аксарият ҳолларда бир хил бўлиши кузаталади. Уларнинг таркибида ҳудудий автономиялар мавжуд бўлмайди.

- **Мураккаб унитар давлат.** Кўпчилик унитар давлатларда бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий бирликларга, ўлкаларга имтиёзли ҳуқуқий мақом берилади. Бундай унитар давлат маъмурий автономияга эга бўлади. Қайд этилган давлат тузилиши шакли ҳудудий ўлкаларнинг махсус манфатларига эътибор бериш зарур бўлган ҳолларда қўл келади. Бундай ҳолат алоҳида миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, этник ва миллий камситилишини олдини олиш, озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг маданиятини сақлаб қолиш ва ҳоказоларда кузатилади. Мазкур автономияларда ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи мамлакат аҳолисининг бошқа қисмига қараганда бир мунча кенгроқ бўлади. Лекин уларнинг мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина сақлаб қолинади.

**Биласизми: дунёда шундай давлатлар борки, бу давлатлар маъмурий ҳудудий бирликларининг барчаси автономиялардан иборат. Бундай давлатлар қаторига Африка қитъасида жойлашган Жанубий Африка Республикаси қиради.**

Амалиётда айрим ҳолларда бундай автономиялар мустақиллик учун кураш олиб боришишлари кузатилиб, аксарият ҳолларда аянчли оқибатлар, жумладан фуқаролик урушларини келтириб чиқариши мумкин.

**Автономия бу** - давлатнинг муайян қисмининг ички ўзини-ўзи бошқариши бўлиб, бу қисм давлатнинг бошқа қисмларидан баъзи махсус жиҳатлари, масалан тарихий, маданий, диний, маиший, тил, жўғрофий, баъзан миллий жиҳатлари билан фарқланади. Демак автономия, бу ўша ҳудудда зич яшайдиган аҳолининг тарихий, маданий, диний, тил, жўғрофий, миллий ва бошқа. хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган алоҳида сиёсий-худудий бирликдир,

Автономиянинг турлари жуда ва шунга мувофиқ улар:

- сиёсий автономия,
- маъмурий-худудий ёки этнохудудий автономия,
- маданий-миллий автономия:

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз давлат тузилиши шаклига кўра мураккаб, нисбий марказлашган унитар давлатдир. Содда унитар давлатлар худудида бошқа мустақил давлатлар бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси мураккаб тузилишга эга эканлигининг сабаби, унинг таркибида алоҳида давлат тузилмаси, яъни Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлигидир.

Унитар давлатлар ичидаги маъмурий-худудий бўлинмалар фақат маҳаллий миқёсдаги масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, ягона марказий давлат ҳокимиятининг кучи давлатнинг бутун худудида ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси унитар давлат бўлиб, давлат ҳокимияти Конституцияда ҳокимиятнинг тақсимланиш назариясига биноан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси худудий жиҳатдан бўлинмас ягона давлатни ташкил этади. Унинг таркибига Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар киради.<sup>24</sup>

**Федератив** давлат (лотинча « feodus»- “иттифок” ) унитар давлатга караганда мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг субъектлари бир мунча сиёсий мустақилликка эга бўлади.

Федерация бу - давлатлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибига иттифок ҳуқуқлари билан расмий чекланган, юридик мустақилликка эга бўлган давлат тузилмалари киради. Федератив давлат унитар давлатдан фарқ қилади, бу фарқ Федерация таркибига кирган таркибий қисмларнинг маъмурий ҳудудий бўлинма эмас, балки давлат тузилмаларидан иборат эканли гидадир.

Кишилиқ жамиятининг ривожланиши, илмий-техник тараққиёт, янги иқтисодий муаммолар ва бошқа омилларнинг пайдо бўлиши натижасида яқинлашув (интеграция) жараёнлари бошланади. Булар эса мураккаб давлатлар ва улар турлари бўлмиш федерациялар, конфедерациялар, ҳамдўстликлар кабиларнинг барпо этилишига олиб келади.<sup>25</sup>

Кўпинча “федератив давлат” термини ўрнига “иттифок давлат” термини ҳам ишлатилади (масалан, собиқ Югославия Иттифоқи). Федератив давлатлар таркибига кирган давлат тузилмалари турлича номланади Германияда ерликлар, АҚШ, Ҳиндистонда штатлар, Канада ва Покистонда провинциялар, Бирлашган Араб Амирликларида амирликлар, Швейцарияда кантонлар деб аталади. Илмий адабиётда ва амалиётда уларни умумлаштириб Федерация аъзолари ёки субъектлари деб аташ кенг тарқалган.

Федерацияларни ташкил топилиш асосларига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- шартнома асосланган,
- шартномага асосланмаган

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши. 1-том. Тошкент 1996й. 13-бет. Ҳуқуқ ва бошқарув соҳасидаги халқаро атамалар тўплами. Русча-ўзбекча.

<sup>25</sup> У.Таджиханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. 438-бет. Тошкент 2001й. ИИВ. Академияси

**Шартнома асосида** ташкил топган Федерация бу қоидага кўра, бўлажак Федерациянинг аъзолари бўлиши мумкин, бўлган мустақил давлатлар ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил топган иттифоқ давлатидир. Бундай Федерацияларга мисол қилиб, АҚШ, Австралия ва Малайзияларни келтириш мумкин.

**Шартномага асосланмаган** федерацияларда эса, давлат ҳокимияти маъмурий бирликларга кенгрок ҳуқуқларни бериши асосида, улар федерация субъектларига айланади. Бундай ўзгариш аввал унитар шаклда бўлган давлатнинг ихтиёрига биноан амалга оширилади. Бундай федерацияларга мисол қилиб Ҳиндистон, Нигерияларни келтириш мумкин. Бундай федерациянинг субъектлари шартномали Федерациялардан фарқ қилган ҳолда, суверенитетга эга бўлмайдилар, улар фақат ички суверенитетга эга бўладилар.

Давлат тузилиши шакли сифатида Федерация кўйидаги специфик белгиларга эга:

- федерация давлат тузилмаларидан иборат бўлади;
- унитар давлатлардан фарқли уларок федерация ҳудуди яхлит ҳудуд сифатида эътироф этилмайди;
- федерация субъектлари суверен мустақил давлат эмас, шунинг учун сессия (ажралиб чиқиш ҳуқуқи) берилмайди;
- федерация субъектларида умумфедерал Конституция ва қонунлар билан бир қаторда ўзларининг Конституция ва қонунларига ҳам эга бўлиши мумкин;
- федератив давлатларда федерация фуқаролиги билан бир вақтда федерация субъектларининг ҳам фуқаролиги мавжуд бўлади.
- аксарият ҳолларда федератив давлатлар икки палатали парламент тизимига эга бўлади (бикамерализм).

Лекин бундай федератив давлатлар ягона федерал қуроли кучлар, молия, солиқ ва пул тизимларига эга бўлади. Федерал идоралар ягона ташқи сиёсатни амалга оширадилар.

Федерация шароитида энг муҳим масала Федерация билан унинг субъектлари ўртасида компетенцияларнинг тақсимланиши, бўлиниши ҳисобланади ва уларни учга ажратиш мумкин:

1. федерациянинг мутлоқ ваколатлари
2. федерация ва унинг субъектлари биргаликда ҳал этадиган масалалар бўйича ваколатлар
3. федерация субъектининг мутлоқ ваколатлари

Биринчи масала, яъни федерациянинг мутлоқ ваколатини ташкил этувчи масалаларга муҳофаза, ташқи ишлар, пул муомаласи, солиқлар, федерал органларни ташкил этиш, федерация билан унинг субъектлари, субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш каби масалалар киради.

Биргаликдаги компетенцияга кирувчи масалаларни Федерация ҳам, субъектлар ҳам ҳал қилиши мумкин, барибир устуворлик Федерация томонда бўлади.

Федерация субъектининг мутлоқ ваколатларига кирувчи масалалар қаторига маҳаллий органларни ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш, йўллар кўриш, атроф - муҳитни муҳофазалаш, маҳаллий актлар қабул қилиш, маданият, таълим, тиббиёт масалаларини киритиш мумкин.

**Конфедерация.** Хорижий маамлакатларнинг ҳудудий давлат тузилиши шакллари ичида халқаро шартномалар асосида ташкил топган тузилмалар ҳам мавжуд. Бундай давлат-ҳудудий тузилмаларни конфедерация деб аташади.

Конфедерация бу - маълум бир вазифани бажариш учун бирлашган мустақил давлатлар иттифоқидир. Конфедерация Федерациядан фарқ қилган ҳолда, у иттифоқ давлати эмас, балки давлатлар иттифоқи ҳисобланади. Конфедерация иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, божхона ва бошқа мақсадларда тузилиши мумкин.

Конфедерация ўз олдига кўйган мақсадига эришиш учун ва аъзо давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун олий органлар

тузиши мумкин, бироқ бу органлар аъзо давлатларнинг ҳукуматлари билан мулоқотда бўлади, бевосита аҳолига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Конфедерация федерацияга нисбатан унча мустаҳкам эмас, чунки у одатда бирон-бир масалалани ҳал этиш эҳтиёжи орқали ташкил этилади. Тарихда ҳам конфедерациялар унча кўп бўлмаган, бўлганлари ҳам кейинчалик ё федерацияга айланишган, ёки алоҳида-алоҳида унитар давлатларга бўлиниб кетишган.

Ундан ташқари жаҳон амалиётида **давлатларнинг ҳамкорлик шакллари** ҳам мавжуддир. Уларга қўйидагилар киради: ҳамдўстлик, ҳамжамият, иттифоқлар, униялар, протекторат.

## **2-§ Маъмурий-ҳудудий тузилиши принциплари.**

Ҳар қандай давлат ўз маъмурий ҳудудий тузилишини ҳал этишда турли хил омиллар, шарт- шароитларни инобатга олмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ташкил этилаётган ҳар қандай маъмурий ҳудудий бирлик маълум бир принцинал аҳамиятга эга бўлган қонуниятлар, устувор кўрсаткичлар асосида шакллантирилиши керак. Ушбу маъмурий - ҳудудий тузилиш принципларига:

- Иқтисодий принцип;
- Сиёсий принцип;
- Миллий - маданий принцип;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бир хилда таъминлаш.
- давлат апаратини оммага яқинлаштириш.

**Иқтисодий принцип.** Ташкил этилаётган маъмурий-ҳудудий бирликнинг иқтисодий потенциалини инобатга олиш лозим. Бунда тегишли ҳудуд саноати, қишлоқ хўжалигини ривожланганлик даражаси, шунингдек, маҳаллий ҳудуд транспортининг салоҳияти инобатга олинади.

**Сиёсий принцип.** Маъмурий ҳудудий бирликлар давлатнинг сиёсий стратегик мақсадларидан келиб чиқиб тузилиши шарт. Ҳар бир маъмурий-

худудий бирлик давлат ҳокимиятини вазифа ва функцияларини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади ва ягона сиёсий ҳокимиятни ўрнатиш ҳамда сақлаб туриш учун кумаклашади.

**Миллий - маданий принцип.** Маъмурий-худудий бўлинишда тегишли худуд аҳолисининг миллий ва этник таркиби, маданияти, ижтимоий хусусиятлари инобатга олинади. Давлат сарҳадларини маъмурий-худудий бирликларга ажратиб, чегараларини белгилашда бир миллатга мансуб аҳолини ҳар хил маъмурий – худудий бирликда қолиб кетмаслиги таъминланиб, уларни ўз маданияти, урф-одатлари ва тилини сақлаб қолиш учун шароит яратилади. Бундай тадбирлар Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий кадриятларимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, маданий, диний, тарихий томонларга эътибор беришни таъминлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси, 2-бандида қуйидаги нормалар мустаҳкамланган: **“Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”**.

**Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бир хилда таъминлаш.** Маъмурий –худудий тузилишни амалга оширишда, фуқаролар учун тенг демократик шароитларни таъминлаб бериш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш, принциплари ва омиллари ҳам ҳисобга олинади. Мазкур принцип ҳар бир маъмурий-худудий бирликда маданий - оқартув, тиббий, савдо, маиший хизмат мавжуд бўлишини тақозо этади.<sup>26</sup>

**Давлат аппаратини оммага яқинлаштириш.** Ушбу принципнинг мазмуни аҳоли қатламини давлат бошқарувиغا кенг жалб этиш, давлат билан фуқаролар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, давлат бошқарувини осонлаштиради.

---

<sup>26</sup> Р.Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент, “Адолат” 1998 й. 241-бет.

### 3-§ Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий ва давлат тузилиши масалаларини ҳал этиш тартиби.

Ҳар бир мустақил ва суверин давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз маъмурий-худудий ва давлат тузилишига оид масалаларини мустақил ҳал этади. Ўзбекистон Республикаси уч поғонали маъмурий-худудий бўлинишга асосланади.

**Франция Республикасида беш поғонали маъмурий-худудий бўлиниш мавжуд: регион, департамент, округ, кантон, коммуналар. Лекин, Округ ва Кантонларда маҳаллий ҳокимият органлар ташкил этилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI бобида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилишини тартибга солувчи нормалар мустаҳкаланган. Конституциянинг 68-моддасида **“Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат”** эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонуни вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалари туркумига ўтказиш, маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жўғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди. Бунинг конституциявий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасида **“Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади”** дейилган.



**Вилоят** –Маъмурий-худудий бирлик сифатида Ўрта асрлардан маълум. Шарқнинг айрим мамлакатлари (Афғонистон, Туркия ва бошқалар), шунингдек Ўрта Осиё хонликлари тарихда вилоятларга бўлинган. 1924 йил шўролар ўтказган миллий давлат чегараланиши арафасида Туркистон АССР 6 та вилоятга: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий (Туркменистон), Еттисув, Амударё вилоятлари, Хоразм халқ Совет Республикаси (ХХСР) 3 та вилоятга, Бухоро халқ Совет Республикаси (БХСР) эса 15та вилоятга бўлинганди. 1925 йил 13 январдан *уезд* деб юритила бошланди. Кейинчалик русча *область* номи билан қайта ташкил этилди. Ўзбек тили давлат тилига айланиши билан тарихий маъмурий-худудий бирлик номи сифатида *вилоят* сўзи қайта тикланди.<sup>27</sup>

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тизимидаги энг юқори бўғиндир ва энг йирик бўлинма сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Маъмурий- худудий бирликларнинг қолган бўғинлари –туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, вилоятнинг таркибий қисмлари, ички бўғинлари бўлиб, шу тариқа у муҳим ташкилий функцияни бажаради. Чунки у орқали Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик ҳокимият органи ва бошқарув идоралари билан алоқа боғлашнинг бутун тизими амалга оширади. Бундай ҳолат вилоят қўйи ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятига нафақат раҳбарлик қилишни, балки уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштирилишини аниқлатади.

Вилоят йирик маъмурий-худудий бўлинма сифатида барқарор бўлмоғи лозим. Унинг тузилиши, мустаҳкамланиши, йириклашуви ёки бўлиниши иқтисодий жиҳатидан асослантирилиши лозим, бу мазкур маъмурий-худудий бирликда халқ хўжалигининг барча тармоқларининг комплекс ривожланишига олиб келмоғи лозим ва бу вилоят барча таркибий бўғинларининг мавжуд иқтисодий ва маданий алоқаларига таянмоғи шарт.<sup>28</sup>

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2 - жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент. 2001 йил, 456-457 бетлар.

<sup>28</sup> У.Гаджтханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. 443- бет . Тошкент 2001й. ИИВ. Академияси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини вилоятларга бўлиниши тарихий анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда тарихий маъмурий- ҳудудий бўлиниш ҳолатини қайта тикладик. Мавжуд вилоятларга бўлиниш, мамлакатимиз дахлсизлигини сақлашда муҳим роль ўйнайди. Сўнгги йилларда вилоятлар сони барқарор сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикаси таркибида 12 та вилоят мавжуддир. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, Тошкент шаҳри республикага бўйсунувчи шаҳар бўлганлиги учун унга вилоят мақоми берилган.

“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонунига кўра вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Вилоятлар чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар (шунингдек, Тошкент шаҳри) ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Вилоятларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

**Туман** - Ўрта асрларда Шарқдаги, жумладан Марказий Осиё мамлакатларидаги маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида эътироф этилиб, ҳозирда ҳам кўпчилик давлатларда мавжуд (МДХ мамлакатлари). Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибига кирган даврда уларни “район” деб аташ расм бўлган. Мустақилликка эришилгандан сўнг ушбу маъмурий-ҳудудий бирликларни тарихий ном билан яъни, “*туман*” деб аталиши

хукукий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 68-моддасига мувофиқ туман маъмурий-ҳудудий бўлиниш поғаналаридан бўлиб, ўртанча буғин ҳисобланади. Туман давлат юқори органларининг кўрсатмалари, қарорларини ҳаётга татбиқ этувчи ва бажарувчи асосий маъмурий ҳудудий бирлик. Туманлар ҳудудий жойлашиши нуқтаи назарига кўра икки хил: **қишлоқ тумани** ва **шаҳар туманларига** бўлинади. Қишлоқ туманлари маълум бир вилоят таркибига кирувчи маъмурий-ҳудудий бирлик ҳисобланса, шаҳар туманлари эса йирик шаҳарлар таркибида ташкил этилади ( Масалан Тошкент шаҳридаги *Юнусобод тумани*). Туманларни ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади. Туманларга тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланадиган ҳамда туман ҳалқ депутатлари Кенгашида тасдиқланадиган туман ҳокими раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш юқоридаги қонунга кўра тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 69-модда).

Туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Туманлар маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Туманларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**Шаҳар** – деганда кўпчилик аҳолининг маданийлашган ҳолда ўзаро зич яшайдиган ҳудуди тушунилади.

Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар уч тоифага ажратилади.

- республикага бўйсунувчи
- вилоятга бўйсунувчи
- туманларга бўйсунувчи шаҳарларга бўлинади.

Республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ иқтисодий, маданий, маъмурий марказ бўлган шаҳарлар киради. Бундай шаҳарлар туркумига ҳозирча ягона Тошкент шаҳри киради.

Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин (масалан, Бухоро ва Қўқон шаҳарлари).

Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси мақоми вилоят мақомига тенглаштирилгани учун унинг бўйсунувидаги шаҳарлар, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилади. Уларни ташкил этиш ва қайта тузиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар сони 51 тани ташкил этади. Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар қоида тариқасида туманлар мақомига тенглаштирилади.

Туман иттифоқидаги шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий муассасаларни, савдо умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилади. Бунда мазкур шаҳарчалар, аҳоли пунктлари маъмурий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари эътиборга олинади.

“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонунига кўра шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**Шаҳарчалар** туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Ўзбекистонда ҳозирги кунда 106 та шаҳарчалар мавжуд.

Аҳоли пунктларини шаҳарчалар туркумига киритиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчаларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади

**Қишлоқлар** – Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг қуйи бўғинларидан биридир. Ушбу маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг қуйи бўғинини қишлоқ деб номлаш тарихий қадриятларимизни амалда ифодалашнинг ёрқин мисолидир. Шаҳар ҳудудларига кирмайдиган,

маълум аҳоли сонига эга бўлган қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойлари қишлоқлар бўлиб ҳисобланади.

**Овуллар** - эса қишлоқларга қараганда кичикроқ ҳажмдаги яшаш ва турар жойлардан иборат бўлган аҳоли пунктларидир. Овулларда кўп ҳолларда чорвадор оилалар истиқомат қилиб, улар асосан кўчиб юривчи бир неча чўпонлар оилаларидан ташкил топади. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 1427-та қишлоқ ва овуллар мавжуд.<sup>29</sup>

Қишлоқлар, овулларни тузиш ва тугатиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўрғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўрғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўрғи Кенгес томонидан амалга оширилади

“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонунига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш вақтида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган номларни беришга, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига эса Қорақалпоғистон Республикаси ёки ушбу вилоятда мавжуд бўлган номларни беришга йўл қўйилмайди. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарчалар, аҳоли

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. ИИВ.Академияси. Тошкент Ўзбекистон 2001й. 354бет.

пунктларига одамларнинг номини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга қоида тариқасида йўл қўйилмайди.

#### **4-§ Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий ҳолати.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақалпоғистон Республикаси мақоми алоҳида бобда мустаҳкамланган (XVII боб). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасида **“Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади”** дейилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида **“Қорақалпоғистон - Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен демократик республикадир”** деб мустаҳкамланган.

1992 йил 9 январда Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топди ҳамда 1993 йил 9 апрелда ўзининг Конституциясини қабул қилди. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун халқ байрами сифатида эълон қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига кириши ҳамда улар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларнинг ҳуқуқий асоси;

- Қорақалпоғистон Республикаси ўз давлат рамзларига эга эканлигини белгилайди;

- суверен ҳамда мустақил давлат эканлигининг кафили;

- давлат ва маъмурий ҳудудий тузилиш масалаларини мустақил ҳал қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасида, Қорақалпоғистон Республикасининг ўз Конституциясига эга бўлишлиги, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлмаслиги кўрсатилган. Шунини таъкидлаш жоизки собиқ Иттифок даврида Автоном Республикаларнинг Конституциялари улар қайси Республикалар таркибига киритилган бўлса ўша давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан



тасдиқланиши шарт эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб бу адолатсизликка чек қўйди. Қорақалпоғистон суверен Республикаси билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг бир-бутун яхлитлиги мустаҳкамланган.<sup>30</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасининг 15-бандида **"Ўзбекистон Республикасининг Олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияга мувофиқлиги ҳақида Ўзбекистон Конституциявий судига таклиф киритиш"** ҳуқуқи белгиланган. 81-моддасида эса **"Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ваколатлари жумласига, Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишни ташкил қилади"** дейилган.

Ушбу конституциявий нормалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари амалда бўлади. Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон фуқаролари учун мажбурий бўлган қонунлар унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир.<sup>31</sup>

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишини унинг ўзи кўриб чиқади, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув тизимини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасида **"Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади"**. Қорақалпоғистон Республикаси туманлардан, шаҳарлардан, шаҳарчалардан, овуллардан иборат. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатига мос ҳолда ўз сиёсатини юргизади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир.

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент "Молия" 2002й. 370- бет

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи..(муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент "Молия" 2002й. 370- бет

Қорақалпоғистонда давлат тили - қорақалпоқ ва ўзбек тиллардир. Қорақалпоғистон Республикаси худудида истеъкомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилиниши таъминланади ҳамда давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида жавобгар эканлиги қайд этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз рамзларига эгадир.

- Қорақалпоғистон Республикаси давлат байроғи 1992 йил 14 декабрда қабул қилинган.

- Қорақалпоғистон Республикаси давлат герби -1993 йил 9 апрелда қабул қилинган.

- Қорақалпоғистон Республикаси давлат мадҳияси 1993 йил 14 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 74-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси учун ғоят муҳим сиёсий мазмун касб этади демократик қоида белгиланган. Унда **"Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга"**лиги мустаҳкамланган. Бу конституциявий норма Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида: **"Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга, яъни референдумга қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади"** деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддасида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасининг 2-бандида улар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади: **"Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида ва улар ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар орқали"** тартибга солинади. Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган масалалардан бири- Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасидаги турли соҳаларда айниқса иқтисодий масалаларда ўзаро муносабатларни кенг тармоқли ривожлантиришга эришишдир.

Ўзбек халқи билан қорақалпоқ халқи азалдан дўст, биродар, қон-қариндош ва муруватлидир. Уларнинг маънавият бирлиги ва хўжалик

юритиш усул ва шакллариининг яқдиллиги, ҳар икки халқ ўртасида қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлади ва бу ҳолат ўзининг конституциявий ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 21-моддасининг 3-бандига кўра Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади, 68-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг маъмурий, ҳудудий бирликлари қаторига киритилиши, бу икки халқнинг муносабатлари дўстона ришталарга асосланганлигини англатади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устиворлигини тан олади. Бу биринчи навбатда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунларини тамойил ва моддалари мос келиши кераклигини англатади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келиши Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўртасидаги давлат-ҳуқуқий муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам амал қилиши мажбурийдир. Қорақалпоғистон халқини, миллатидан қатъий назар, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий ҳокимият органи Жўқорғи Кенгеси иш олиб боради. Унинг давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатда сайланадиган 75 нафар депутатдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийлик, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқларни, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

фуқаролик коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларининг ваколат муддати – беш йил, вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциявий назорат органига эга бўлиб, уни Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси амалга оширади. Конституциявий назорат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан таркиби сайланади. Конституциявий назорат қўмитасига сайланган судьяларнинг ваколат муддати 5 йилдир. Конституциявий назорат қўмитасига сайланган шахслар ўз вазифаларини бажаришда дахилсиздирлар ва фақат Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар. Уни ташкил этиш ва иш тартибини белгилаш Қорақалпоғистон Республикасининг “Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Суди, Хўжалик

суди, шу муддатга тайинланадиган туман, шаҳар судларидан иборат. Улар Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ўз фаолиятини олиб борадилар. Ушбу қонунда жумладан, "Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди фаолият кўрсатади" деб белгиланган. Улар фаолиятининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари жумласига кириб унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси ва аъзолари, шунингдек, туман, шаҳар судларининг судьялари, лавозимларига номзодларни тавсия қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди жиноий, фуқаровий ва маъмурий суд ишларини юритиш борасида, суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Туман, шаҳар судларининг судлов фаолияти устидан назоратни олиб боради.

#### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари:**

15. Давлат шакллари деганда нимани тушунасиз?
16. Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкилаштиришни қандай кўринишлари мавжуд?
17. Маъмурий-ҳудудий тузилиш деганда нимани тушунасиз?
18. Маъмурий-ҳудудий тузилиш қандай принципларга асосланади?
19. Давлат тузилишига қандай омиллар таъсир этади?
20. Унитар давлат кўринишларини кўрсатинг?
21. Автономия нима?
22. Конфедератив давлат белгиларини айтиб беринг?
23. Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиш шаклига кўра қандай давлат?
24. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув шаклига кўра қандай давлат?
25. Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси мақомини сўзлаб беринг?

26. Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия) қачон қабул қилинган?

### Фойдаланадиган адабиётлар

25. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

27. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз – Т.: Ўзбекистон, 2000.

28. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., «Ўзбекистон», 1996.

29. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т., «Ўзбекистон», 1996.

30. Р.Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент, “Адолат” 1998 й.

31. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент. 2001 йил,

32. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши. 1-том. Тошкент 1996й.

33. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. ИИВ. Академияси. Тошкент Ўзбекистон 2001й.

34. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (муаллифлар жамоаси) ТДЮИ. Тошкент “Молия” 2002й.

35. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). —Т., «Шарқ», 2001.

36. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах.

Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985.

37. И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие.- М., "Юриспруденция", 2000.

38. Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. –Минск: Новое знание, 2001.

39. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М.

40. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1998.

41. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Практикум. – М.: Юристъ.

18.Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»га Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 14-сон–Т.: Адолат, 1997.

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

**VIII БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**  
**ОЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ ВА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ**

**1-§. Олий Мажлиснинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ижтимоий вазифаси**

**2-§. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш тартиби**

**3-§. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатлари**

**4-§. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ташкилий -ҳуқуқий масалалари**

**5- §. Қонун чиқариш жараёни босқичлари**

**1-§. Олий Мажлиснинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ижтимоий вазифаси**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биринчи кўшма мажлисидаёқ юртбошимиз И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз сифатида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш” номли маърузасида давлатнинг кейинги стратегик йўналишларини депутатлар ва Сенаторлар эътиборига тақдим этди. Маърузада қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалари сифатида белгиланди<sup>32</sup>.

---

<sup>32</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь, № 20 (3565).



Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент узок йиллар давомидаги тарихга эга ва унинг илдизлари XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб такалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, "гапирмоқ" маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди ва унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади.

Эндиликда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер куррасидаги 200 га яқин давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи-парламентлар бор.

Ҳозирги замон парламентлари ўзларининг тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланиш тартиби мавқеи билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар ҳатто номланиши, депутатларининг сони билан ҳам фарқ қиладилар, масалан: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Халқ Республикасидаги Умумхитой Халқ вакиллари мажлисида 2979 аъзо, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, Мисрда 454 депутатли Халқ Ассамблеяси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессет, Исландияда 63 аъзодан иборат Альтнингни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳон парламентларининг кўпчилиги бир палатали тузилишга эга. Ер куррасидаги 65 та давлатда эса, икки палатали олий вакиллик органлари мавжуд. Одатда, икки палатали парламентнинг палаталаридан бири кўпинча "қуйи палата" деб юритилиб, у халқнинг ягона иродасини ифодалайди. (АҚШда - Вакиллар палатаси, Францияда - Миллат Мажлиси), бошқаси эса "юқори палата" деб аталиб, у давлатнинг таркибий қисм (худуд)ларининг манфаатларини ифодалайди. Парламентларнинг бундай тузилиши муқим демократик анъаналар ҳамда федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларга

хосдир. Масалан, шу каби парламентлар АКШ, ГФР, Бразилия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда фаолият юргизмоқдалар.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлмиш парламентлар, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларидан ташкил топадилар. Кўриниб турибдики, дунёдаги парламентлар ранг-баранг, аммо улар ўз мамлакатларида муҳим ижтимоий вазифа-қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган-Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари–Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутди. Конституциямизда кучли қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь)  
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга биноан "Қонунчилик палатаси" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади»<sup>33</sup>.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши туфайли қонун чиқарувчи ҳокимият катта ваколатларга эга. Халқ ҳокимиятни айни сайлов асосида ўз вакилларига топширади ва ваколатли органларни давлат ҳокимиятини амалга оширишга вакил қилади. Бу ваколатли органлар давлат ҳокимияти механизмида бирламчи эканлиги, уларнинг устуворлиги ҳамда устунлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

## **2-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш тартиби**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш тартиби 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун билан тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонуни. -Халқ сўзи, 2002, 27 декабр.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи сайлов округлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас деб кўрсатилган.

**“Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида Депутатликка номзодларга қўйиладиги талаблар қўйилган:**

содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳозирда амалда бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиши мумкин. Ёш цензининг бундай белгиланиши шу билан изоҳланадики, депутат озми-кўпми маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, ўзини давлат ва жамоат фаолиятида кўрсата олиши лозим. Бу масала бир қанча хорижий мамлакатларнинг Конституциялари ва қонунчилигида ҳам деярлик шундай ҳал этилган. АҚШ Конституциясида 25 ёшга тўлмаган шахс Конгресснинг Вакиллар палатасининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Япония парламентининг вакиллар палатасига 25 ёшга тўлмаган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдалана олишлари мумкин. Шунини ҳам айтиш жоизки, жаҳон тажрибасида пассив сайлов ҳуқуқининг бундан ҳам юқори цензлари маълум.

2004 йилнинг 26 декабрида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти – Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда бешта сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳлар ўзларининг депутатликка қўйган номзодлари учун кураш олиб борадилар.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари тақдим этган номзодларни Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш

яқунлари билан боғлиқ маълумотларни (жадвалларда) бериб ўтишни жоиз деб билдик<sup>34</sup>:

**1-жадвал. Депутатликка номзодларнинг партиёга мансублиги**

№	Сиёсий партиёлар ва сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари	Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сони	Умумий деп. номзодлар сонига фойзлардаги нисбати
1.	Ўзбекистон Халқ Демократик партиёси	118	22,8
2.	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиёси	74	14,3
3.	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиёси	61	11,8
4.	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиёси	89	17,2
5.	Ўзбекистон Либерал-Демократик партиёси	119	23
6.	Сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари	56	10,8
	Жами	517	100

Юқоридан кўриниб турибдики, сиёсий партиёлардан кўрсатилган номзодлар барча депутатликка номзодларнинг 89,2 % ини ташкил қилади.

2004 йил 26 декабр ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиёлардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлардан мустақил номзодлар 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, жорий йил 9 январда эса 5400000 дан ортиқ, киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80% иштирок этди.

Қонунчилик палатасига номзод қўйилган хотин —қизлар жами 159 киши кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди,

<sup>34</sup> Ушбу маълумотлар Марказий Сайлов Комиссиясининг [www.elections.uz](http://www.elections.uz) расмий сайтидан олинган.

сиёсий етуклик, ақл заковат рақибларидан қолишмади. Натижада қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 % ни хотин —қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловларидагидан икки ярим баравар кўпдир.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6%ни ташкил этди.

Сайланган депутатлар орасида 18,3% —юрислар, 21,7% — иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Бу ўзгаришлар энг аввало Қонунчилик палатасининг доимий, профессионал асосида иш олиб боришидир. Бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонига чиқади», - деб кўрсатади И.А.Каримов.

Бу палатага сайланган депутат сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, профессионал нуқтаи-назардан мана шу қонун чиқарувчилик, қонун яратувчилик ва қонун ижод қилиш ишиги мукамал етарли тайёргарликка эга бўлган шахслар бўлиши лозим.

Юқори-Сенаторлар палатаси эса территориал субъектлар - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар биридан 6-тадан, ҳамда Президентнинг ўзи томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юрт обрў-эътиборини қозонган, кўзга кўринган кишилардан таркиб топади.

Президент И.А.Каримовнинг Сессияда сўзлаган нутқида кўрсатилганидек, «юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор, ....уларни сайланган кенгашлар билан узвий алоқа боғлиб турувчи», кўпроқ миннатдорлар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган депутатлардан иборат бўлади. «Сенат қўйи палата билан

биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим», балки унга сайланган ҳар бир Сенатор Қонунчилик палатаси ишлаб чиққан ва тақдим этган қонунларни маъқуллаши ёки рад қилиш орқали, ҳам ўз минтақаси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда бутун мамлакатимиз - Ўзбекистон тараққиёти манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қонунларни яратишда иштирок этади.

Ўзбекистон Парламентидаги Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасидаги оқилона мувозанат ана шундай конституциявий-ҳуқуқий назарий, ҳамда ҳуқуқ амалиёти асосига таянади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш, эркинлаштирилган «Очиқ демократик жамият» қуришнинг биринчи конституциявий ҳуқуқий асоси ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

### **3-§. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатлари**

Халқаро тажрибадан парламент қонунчилик, молия, ташқи сиёсат, ижро, маъмурий (баъзи ижро органлари мансабдор шахсларини тайинлаш, ижро органлари устидан назорат ва ҳ.к.), суд (баъзи судьяларни сайлаш ва ҳ.к.), конституцияни қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш ваколатларига эгаллигини аён бўлади.<sup>35</sup>

Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунида Қонунчилик палатасинининг ваколатлари икки турга ажратилади. Булар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ҳамда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларидир.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессиясида (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши билан икки

---

<sup>35</sup> Қаранг: Дюверже М. Политическое право. М., 1957. С. 207.



палатали парламент шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари қуйидагича белгиланди:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

- 14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;
- 17) Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- 18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;
- 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;
- 21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 9-моддасига биноан, Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ва Сенат билан биргаликдаги ваколатларини амалга ошириш тартиби, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларининг алоҳида нормаларида мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига кўра тартибга солинади

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин", деб белгиланган. Худди шу тартибда Асосий қонуннинг 78-моддасидаги кейинги бандларининг амалдаги ифодаси Олий Мажлис палаталарининг Регламенти тўғрисидаги қонунларида мустаҳкамланган.

Қонунчилик палатаси мажлисида масъул кўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси қарори қабул қилинади.

Спикер ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини Қонунчилик палатасининг мутлақ ўзи сайлаши унинг мустақил ҳокимияти органи сифатидаги фаолиятининг кафолатларидан биридир. Ўзбекистонда Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлашнинг ўзига хос тартиби ишлаб чиқилди. Марказий сайлов комиссияси раисининг бошчилигидаги сайланган депутатлардан шакллантириладиган оқсоқоллар кенгаши палата Спикери ва унинг ўринбосарларини сайловини объектив ўтказилишини таъминлайди.

«Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда юқори палатанинг асосий вазифаси Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатида таърифланиши орқали ифодаланган.

Барқарорлик ва назорат омили сифатида консерватив элемент муайян нормаларда ўз ифодасини топди. Биринчидан, Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши ҳақидаги нормада акс этди. Иккинчидан, қонунни қабул қилиш тартибида акс этган бўлиб, унга кўра, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан шу қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Шунингдек консерватив элементнинг демократиклиги юзага келган

келишмовчиликларни келишув комиссияларини тузиш орқали баргараф этиш тартибида акс этган.

Сенатнинг мутлақ ваколатлар жумласига, биринчидан, Сенатнинг ички ишини ташкил этиш (масалан, Раисни, унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; палата фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб қодалари), Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни киритиш мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатга берилган янги парламент ваколоти ҳисобланади.

Палаталарнинг биргаликдаги тасарруфига киритилган ваколатлар, аслини олганда, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ягона олий давлат вакиллик органи сифатидаги асосий вазифасини акс эттиради. Булар иккала палатанинг тегишли тартиб-таомиллар асосида ўзаро мувофиқлаштирилиб келишилган қарори талаб қилинадиган

масалалардир. Мазкур тартиб-таомиллар (палаталарни шакллантиришнинг турли усуллари билан бир қаторда) икки палатали тизимга нисбатан уюштирувчи элементлар ҳисобланади ва бу тизим уларсиз ўзининг бажарадиган мазмунини йўқотади. Мазкур тартиб-таомиллар ёрдамида биргаликдаги тасарруфдаги қўидаги масалалар ҳал этилиб, уларни тўрт гуруҳга бўлиш керак бўлади:

- 1) қонунчиликка оид;
- 2) вакилликка оид;
- 3) назоратга оид;
- 4) маъмурий-ҳудудий тузилишга оид.

Бундай бўлиш шартлидир ва у тегишли ваколатларни анча қулай - тартибли тасаввур этиш учун хизмат қилади. Биринчи гуруҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ташкил этади.

Иккинчи гуруҳни вакиллик вазифалари билан боғлиқ ва ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий аҳамиятга молик ваколатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш ҳамдир.

Ваколатларнинг учинчи гуруҳи парламентнинг вакиллик вазифалари жумласига киритилиши ва Президентнинг сиёсий қарорлари қабул қилинишида иштирокчи сифатида таърифланиши мумкин. Мазкур ваколатлар жумласига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни киритиш керак бўлади.

Ниҳоят, ваколатларнинг тўртинчи гуруҳи, булар: Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартиришдир.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар асосан аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилиши керак. Мазкур қоида Сенатнинг Қонунчилик палатаси қарорларини тасдиқлаш йўли тийиб туриш, мувозанатни сақлаш, шу тариқа, бутун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг самарадорлигини оширишга даъват этилган орган сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Мувофиқ равишда юқори палатанинг фаолияти пировард натижада ҳокимият бўлиниши тизимида қонунчилик ҳокимиятининг ролини кучайтиришга ва аҳолининг сиёсий фаоллигини

оширишга кўмаклашмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак».<sup>36</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Конституция ва конституциявий қонунларда палаталар ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолиятининг энг муҳим принциплари ва нормалари тўла-тўқис мустаҳкамлаб қуйилган.

---

<sup>36</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т. 11. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 224-бет.



#### **4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий масалалари**

Дарҳақиқат, қонун чиқарувчи орган давлат механизмида асосий ўрин тутиши исбот талаб қилмайдиган ҳол. Бунинг сабаби шундаки, у ижро этувчи ҳокимият амалга ошириши лозим бўлган ва суд ҳокимиятининг фаолияти учун қонунчилик асоси бўлиб хизмат қиладиган умуммажбурий талабларни ўрнатади. Шунингдек, Олий Мажлис назорат-таҳлил, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолият олиб боради<sup>37</sup>.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш Қонунчилик палатаси ишини тўғри ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқдир. Қонунчилик палатаси ваколатларининг самарали бажарилиши уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этилишини тақозо этади.

Қонунчилик палатаси ишини ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири – бу депутатлар ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланишидир. Бундай тақсимотнинг асосий мақсади ҳар бир депутатларнинг вазифаларини аниқ-тиниқ бўлишига эришишдир.

Одатга кўра, бошқа давлатларда ҳам вазифалар қуйи палата таркибидаги раҳбар шахслар ва девон ходимлари борлигини назарда тутган ҳолда тақсимланади. Палатанинг юқоридаги таркиби чет давлатлар тажрибасига хос бўлиб, унинг ишини унумли ташкил этишда раиснинг роли айниқса муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради,  
уларда раислик қилади;

---

<sup>37</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Халилов Э.Х. Парламент Ўзбекистана на современном этапе развития страны. // Право. №1. - 1998. – 8-11-бетлар.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва ҳ.к.

Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли. Қонунчилик палатаси

Спикери ваколатларининг кенглиги унинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларини тўғри тақсимлашни тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради деган қоида мустаҳкамланган. Умуман, қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатларининг вазифаларни бажариш Қонунчилик палатаси девони ходимлари томонидан қатор тадбирларни амалга оширишини тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишда унинг девонининг ўрни каттадир. Чунки Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади. Қонунчилик палатасининг девони палата раҳбарияти ҳузуридаги котибиятни, қўмиталар билан ишлаш, юридик, назорат-ахборот халқаро алоқалар, матбуот ва таржималар, умумий бўлим ва бухгалтерияни ўз ичига олади<sup>38</sup>. Девонинг бундай тузилиши ва уларнинг бажарадиган вазифалари палатанинг ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Лекин ривожланган давлатлар парламентлари девонлари фаолиятининг таҳлили мазкур низомга айрим ўзгартишлар киритиш лозимлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий шакли – бу унинг мажлисларидир. Уни ўтказишнинг ўзи Қонунчилик палатасининг фаолияти масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, тўғри ўтказиш эса эркин муҳокама, ошкоралик, ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш принципларини амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

---

<sup>38</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 7 апрелдаги 73-сонли Фармойиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутат ва Сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг

келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Шунинг учун депутатларни мажлисларда мунтазам ва самарали иштирокини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, Қонунчилик палатаси коллегиял орган бўлиб, унинг ваколатларига доир масалалар албатта депутатларнинг биргаликдаги муҳокамаси унинг фаолияти асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси мажлисларидаги масалалар бўйича овоз бериш шакл ва услубларини белгилаш катта аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном, овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қоида тариқасида, Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади. Бу гуруҳ овозларни тўғри ташкил этиш учун жавоб беради. Агарда депутатларда электрон тизимни тўғри ишлаши ҳақида шубҳа пайдо бўлса, улар бюллетенлардан фойдаланган ҳолда овоз беришни танлашлари мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг

ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Миллий қонунчилигимизда бу вазифаларни амалга ошириш учун қўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади<sup>39</sup>.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

“Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуни 7-моддасининг учинчи қисмига кўра Қонунчилик палатасида регламент; Бюджет, банк ва молия масалалари; Иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; Меҳнат ва ижтимоий масалалар; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилиб, уларнинг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги мустаҳкамланган.

Мазкур қоидага асосан Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш, ва савдо масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари тузилган<sup>40</sup>.

---

<sup>39</sup> Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. Москва: “Бек”, стр.50-55, 60-61.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-І-сонли қарори.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузилган. Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гуруҳи аъзоси бўлиши керак, деб хулоса қилиш керак эмас. Бинобарин, сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳам ҳақли.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига биноан Қонунчилик палатасида бугунги кунга қадар бешта сиёсий партия фракциялари тузилди. Булар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 40 кишидан иборат<sup>41</sup>, Ўзбекистон Халқ

---

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 9-И-сонли қарори.

демократик партияси – 27 кишидан иборат<sup>42</sup>, Фидокорлар миллий-демократик партияси – 18 кишидан иборат<sup>43</sup>, Миллий тикланиш партияси – 11 кишидан иборат<sup>44</sup>, "Адолат" социал демократик партияси – 10 кишидан иборат<sup>45</sup> фракцияларидир.

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳларининг ваколатлари доираси сиёсий партиялар фарқиялари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Сенат фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида” Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунда Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Сенат фаолиятини ташкил этиш принциплари ва ташкилий шакли, Раисни ва унинг ўринбосарларини сайлаш ва муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тартиби, Сенат Кенгаши, унинг қўмиталари ва комиссияларини тузиш тўғрисидаги қоидалар акс эттирилган. Қонунда Сенат мажлисида масалаларни, қонунларни ва палата қарорларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш, мансабдор

---

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 10-сонли қарори.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Фидокорлар миллий-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 11-сонли қарори.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Миллий тикланиш» партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 12-сонли қарори.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 13-сонли қарори.



шахсларни ўз ваколатларига мувофиқ тайинлаш (сайлаш); Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳамда Конституция билан палатанинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Шунингдек, қонунда Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларни, халқаро алоқаларни амалга ошириш тартиби ва харажатлар сметасининг тасдиқланиши тартибга солинган.

Сенатга доир ҳуқуқий манбалар тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни<sup>46</sup> алоҳида ўрин тутди. Биринчи бўлимда Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайлов тартибга солинади. Тегишлича иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби белгиланади .

Мазкур бўлимда Сенатни шакллантиришнинг умумий конституциявий таърифи берилган. Қуйидаги, яъни: сайлов ўтказиш муддатлари; Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ; сайловни ташкил этишнинг умумий тартиби каби нормалар белгиланган. Сайлов яқунлари хусусида яқунларни чиқариш, улар устидан шикоят бериш ва Сенатни шакллантириш яқунларини эълон қилиш тартиби белгиланган. Такрорий сайлов ўтказиш зарурияти юзага келадиган шарт-шароитлар ва уни ўтказиш тартиби аниқланган. Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайловини ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган. Шунингдек белгилаб қўйилганки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади .

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1994. - №1. - 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1998. - №3. - 38-модда; 1999. - №9. 206-модда; 2000. - №5-6, - 153-модда.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум яқунлари ва давлат жамияти ташкил этишнинг асосий принциплари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги Конституциявий Қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар Сенатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи манбалардир.

Сенатнинг тузилмавий-функционал тизими асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан тузатиш ва қўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддаси Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари мисолида палата раҳбариятини шакллантириш тартибини, Раиснинг ваколатларини белгилаб беради. 87-модда эса Сенатнинг муҳокамага киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлашини (шакллантиришни) тартибга солади. Сенат зарур ҳолларда муайян вазифаларни бажариш учун сенаторлар орасидан комиссиялар ҳам тузиши мумкин.

Сенатнинг Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг

Конституциявий Қонуни билан белгиланган базавий тузилмаси ўз таркибида Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари, Кенгаш. кўмита ва комиссияларни камраб олади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига биноан Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очадиган ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унга раислик қиладиган биринчи мажлисида муваққат котибият ва санок комиссияси сайланади. Кейин электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат қилиш гуруҳи сайланади ва Сенат Раиси ҳамда унинг ўринбосарларини сайлаш маросимига киришилади.

Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан кўрсатилади .

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади. Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлиши лозим .

Сенат Раиси ўз лавозимидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан унинг ўринбосарлари эса яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан муддатидан олдин озод этилиши мумкин. Сенат Раиси ёки унинг ўринбосарларини лавозимидан муддатидан олдин озод этиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади Конституциянинг 86-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунининг 14-моддасига биноан Сенат Раисига Сенат ишини ташкил этишда асосий масъулият юклатилганлиги учун ҳам ушбу механизмда Сенат Раисининг роли муҳим бўлиши лозим. Раис сифатида у

Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади; Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади; Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; Сенат Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди: парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради; Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари киради.

Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

Кенгашнинг қатор аниқ функциялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам назарда тутилган. Улардан бири масалан, палата мажлисининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлашдан иборатдир .

Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Сенат мажлисида кўриб чиқилиш лозим бўлган масалалар ва уларнинг кўриб чиқилиши навбати ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган палата қўмиталари, маърузачи шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда Сенат Кенгаши томонидан шакллантирилади. Сенат Мажлисининг кун тартиби палатанинг қарори билан тасдиқланади.

Конституция, қонунлар ва қарорларнинг кўриб чиқилиши тартибига биноан масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилиб, Кенгаш Қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Шунингдек, Сенат мажлисларининг оралиғида унинг Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида қўлланиладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари ҳам кўриб чиқилади

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини тузиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тизимидаги палатанинг мақсад ва вазифалари билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилади. Ўз фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб қоидаларига боғлиқ масалалар юзасидан юқори палата мутлақ ваколатларга эга эканлиги, шунингдек, уларнинг регламент шаклида тасдиқланиш муносабати билан ушбу тузилма ниҳоятда ихчам таркиб топади. Шунинг учун унинг Сенат Раиси, Раис ўринбосарлари. Кенгаш, қўмиталар ва комиссиялардан иборат базавий тузилмаси Сенат иши давомида юзага келган эҳтиёжларга боғлиқ ҳолда қўшимча штатларга эга бўлиши мумкин.

Сенат қўмиталари ва комиссиялари конституциявий мақомга эга. Бунда қўмиталар амалда Сенатнинг доимий фаолият юритувчи таркибий бирлиги ҳисобланади.

Биринчиси - Сенатга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш. Иккинчиси - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиб бориш.

Қўмиталар раис, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзоларидан иборат таркибда сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида регламент бўйича, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича. ташкилий-

маъмурий масаллар бўйича, қонунчилик ва суд-ҳуқук масалалари бўйича. муҳофизат ва ҳавфсизлик масалалари бўйича, ташқи сиёсий масалалар бўйича қўмиталар албатта тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тузилиши шартлиги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қўмиталардан ташқари бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлигига йўл кўяди, аммо барибир уларнинг сонини, қоида тарикасида, саккизтадан кўпайтирмаслиги шарт.

Сенат қўмиталарини шакллантиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши шу билан кифояланади.

## **5- §. Қонун чиқариш жараёни босқичлари**

Қонун чиқариш функцияларини амалга ошириш парламент, парламент палаталарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи шуни назарда тутадикки, жамият барча ижтимоий табақаларининг манфаатларини, бутун миллат манфаатларини тўлиқ ифода этувчи парламентлар бошқа давлат органлари томонидан чиқариладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан каттароқ юридик кучга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари лозим. Айнан парламентлар томонидан қабул қилинувчи қонунлар бошқа барча давлат органлари учун зарур ҳуқуқий негизни вужудга келтиради, мазкур органларнинг ўзаро ҳамда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан муносабатларини белгилаб беради. Хуллас, қонунлар давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам қонун чиқариш жараёнини, унинг субъектлари мақомини, қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Расмий нуқтаи назардан қонун чиқариш жараёни ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар (тартиб-қоидалар)нинг мураккаб тизими бўлиб, уларнинг

натижаси ўлароқ қонун яратилади<sup>47</sup>. Мазкур тартиб-қоидалар мажмуи қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ташкил этади.

Қонун чиқариш жараёни босқичларининг аҳамияти шундаки, мазкур босқичларнинг ҳар бирининг мазмунини ташкил этувчи, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган барча тадбирларини амалга оширишгина юқорида зикр этилган жараённинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради. Қонун чиқариш жараёнининг босқичларига П.А. Рустамов томонидан берилган қуйидагича таъриф берилади: «Мазкур жараён босқичлари - қонун лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва қонунларни эълон қилиш бўйича юридик аҳамиятга эга бўлган ва тартиб-қоидаларга асосан расмийлаштирилган тадбирлар мажмуи»<sup>48</sup>.

Қонун лойиҳасини парламентга киритиш мазкур жараённинг дастлабки босқичидир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосларини белгилайдиган муҳим қоидалар, авваламбор, конституцияларда, махсус қонунларда мустаҳкамланади, қонун чиқариш жараёнининг босқичлари парламент ва унинг палаталари регламентларида муфассалроқ тартибга солинади.

*Қонунчилик ташаббуси* ҳуқуқини рўёбга чиқариш қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг анча кенг доираси белгиланган. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эга.

---

<sup>47</sup> Бу ҳақда қаранг: Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии. Научно-практическое пособие / Отв. ред. Р.Ф. Васильев. – М., 2000.

<sup>48</sup> Рустамов П.А. Научно-информационное обеспечение законотворческой деятельности в Республике Узбекистан. Кандидатская диссертация. – Ташкент, 2000, с. 52.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир қатор давлатлар (Россия, Ўзбекистон ва бошқалар)да қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш парламент тажрибаси қонунчилик ташаббуси босқичидан кейин *қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичини* ажратиш имконини беради. Мазкур босқич асосан киритилган қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар ва таклифларни палатанинг бош (масъул) кўмитаси томонидан умумлаштириш ҳамда қонун лойиҳаси ҳақида хулоса тайёрлашни назарда тутди. Мазкур босқич қонун лойиҳасининг кейинги тақдири учун муҳим аҳамиятга эга: салбий хулоса чиқарилган тақдирда қонун лойиҳаси палатада қўллаб-қувватланиши эҳтимоли жуда кам.

*Қонун лойиҳасини парламент (унинг палатаси)да кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш ҳамда уни такомилга етказиш* қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Мазкур босқич парламент, унинг палаталари мажлисларида қонун лойиҳаси устида ишлашни (одатда бу иш қонун лойиҳасини ўқиш деб аталади), шунингдек қонун лойиҳаси устида парламент кўмиталари ва комиссияларида иш олиб боришни ўз ичига олади.

Қонун лойиҳалари пленар мажлисларда, қоида тариқасида, бир нечта (икки, уч, тўрт) ўқишда кўриб чиқилади. Ҳар бир ўқишнинг ўз мақсади ва ўз вазифалари бўлади.

*Қабул қилинган қонун лойиҳасини парламентнинг иккинчи палатасида кўриб чиқиш* икки палатали парламентлардаги қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Зеро, бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охириги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у биринчи ўқишдан кейин ҳам, иккинчи, учинчи, тўртинчи ўқишдан кейин ҳам ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айна бир таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланади (аммо баъзан палаталардан бири қайта овозга қўйиш орқали бошқа палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқулламаган иккинчи палатанинг «вето»сини енгиши ҳам мумкин).



Палаталар қонун чиқариш фаолияти соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлган ва улар ўртасида қонунни қабул қилиш юзасидан келишмовчиликлар чиққан ҳолларда мурасага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади.

Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ: а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим; б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисоб-ланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Рес-публикаси Президентига палата томонидан юборилади; в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага топширилади. Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳкамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда республика Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан

комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳа-сининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палата-тасига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одат-даги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённо-масида мавжуд бўлган тақлифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақ-дим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни ино-батга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқул-ламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қай-тарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

*Қонунни имзолаш ва эълон қилиш* - қонун чиқариш жараёнининг охириги босқичи. Моҳият эътибори билан, мазкур босқич икки ёки уч босқични ўз

ичига олади. Мазкур босқични тавсифловчи юқорида зикр этилган тадбирлар парламентдан ташқарида амалга оширилади.

Парламент томонидан қабул қилинган *қонунни имзолаш* масаласига тўхталамиз. Одатда, бу давлат бошлиғининг ваколатларига киради. Чет эл давлатларининг конституцияларида, юридик адабиётларда «*промульгация*» атамасини учратиш мумкин. Промульгация деганда баъзан қонунни имзолаш ва эълон қилиш тушунилади. Аммо мазкур атаманинг янада аниқроқ маъноси шундан иборатки, промульгация давлат бошлиғининг, шу жумладан, қонунни расмий эълон қилиш тўғрисидаги фармойиши ифодаланган махсус ҳужжат чиқаришини назарда тутди. Давлат бошлиғи томонидан чиқарилган мазкур ҳужжат (фармон, буйруқ)нинг матни расмий нашрларда эълон қилинаётган қонун матнидан олдин келади<sup>49</sup>.

Бир қатор давлатларнинг конституциялари давлат бошлиғига қонунни имзоламасдан унга *вето* қўйиш, яъни қонунни парламентга қайтариш ҳуқуқини беради. Бунда конституциялар қонунни рад этиш учун асосларни кўрсатмаслиги, давлат бошлиғидан ўз қарорини асослашни талаб қилиши мумкин. Ҳозирги парламентаризм амалиётига ветоинг фақат бир тури – парламент томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган *нисбий вето* маълум. Мутлақ вето (у Буюк Британияда маълум бўлиб, охирги марта 1707 йилда қўлланилганига қарамай, ҳозиргача расман сақланиб келмоқда) қонунни узил-кесил рад этади ва парламент томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Баъзи бир мамлакатлар (Португалия, Мексика ва бошқалар)да қисман вето қўлланилади. Мазкур вето бутун қонунга эмас, балки унинг алоҳида моддаларига тегишли бўлади. Россияда Конституцияга мувофиқ президентга берилган вето ҳуқуқидан, амалиётга қараганда, президент бутун қонун билан ҳам, унинг алоҳида моддалари билан ҳам келишмаган ҳолларда фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (олдинги таҳрирда ҳам, янги таҳрирда ҳам) Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзига тақдим этилган қонунни имзоламаслик ва унга ўз эътирозларини илова

---

<sup>49</sup> Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 1-2. Общая часть, с. 550.

этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун парламентга қайтариш ҳуқуқини беради. Президент ветоси нисбий хусусиятга эга ва парламент томонидан бекор қилиниши мумкин. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун палатада қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: 1) қонунни Президентнинг мулоҳазаларини ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда палата депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Сенат (сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун Сенат томонидан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, қонунларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Мазкур қоидалар Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентларида ҳам ўз аксини топган.

### **Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқаруви орган номи нима деб аталади?
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қандай шакллантирилади?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ваколатларини санаб беринг?
4. Сенат сўзининг луғавий маъноси қандай?

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қандай шаклланади?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятини ташкил этиш тартиби қандай?
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси нечта қўмиталари мавжуд?
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш тартиби қандай?
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қандай ваколатларини биласиз?
10. Олий Мажлис палаталари қандай ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади?

## **Фойдаланиладиган адабиётлар.**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

- 1.1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. И.А.Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7 – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.5. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.6. И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи. 29 август 2001 йил.
- 1.7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократия тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.-420 б.

- 1.8 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.
- 1.9 Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди». / Президент И.А.Каримовнинг “Независимая газета” мухбирининг саволларига берган жавоблари / 2005 йил 14 январь / - Т.: “Ўзбекистон” . 2005. – 64 б.

## **II. Норматив –ҳуқуқий ҳужжатлар**

2.1 .Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва кўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон,2003.-40б..

2.2 Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида (Конституциявий қонуни. 2002 й 4 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси -2002Й. №4-5. 60-модда

2.3 Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1999

2.4 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1995

2.5 . " Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни)

2.6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни)

- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги тахрири) (Ўзбекистон Республикаси 28.12.1993 й. 990-ХП-сон Қонуни)
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий қафолатлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 480-П-сон Қонуни)
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. 474-П-сон Қонуни)
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. Қонуни)
- 2.11. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-П-сон қонуни)
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-П-сон Қонуни)
- 2.13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-П-сон Конституциявий Қонуни)

### **III. Илмий адабиётлар**

- 3.1. Алебастрова И.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. .
- 3.2. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов – М.: Издательская группа Норма – Инфра. М.: 1998.с.
- 3.3. Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожиқонов, А.Х.Саидов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.
- 3.4. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997 й..
- 3.5. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т. "Академия", 2001 й..

3.6 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Т. “ Молия”  
нашриёти, 2002 йил -632б

3.7 Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси: сохта  
парламентдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т. 2000 й



## **IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ**

**1.§ Ўзбекистон Республикасида Президентлик институтининг таъсис этилиши.**

**2.§ Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати.**

**3.§ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар ўтказиш тартиби ва асосий тамойиллари.**

**4.§ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари.**

**5-§ Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

### **1.§ Ўзбекистон Республикасида Президентлик институтининг таъсис этилиши.**

Президентлик бошқаруви давлат ҳокимиятининг тақсимланиш принципи асосида ташкил қилинган мамлакатларда бошқарувнинг энг мақбул шаклларида бири ҳисобланади.

Давлат бошқарувининг президентлик шаклида Президент умумхалқ сайловларида сайланади ва давлат бошлиғи ҳисобланади, айти вақтда у ижро ҳокимиятни ҳам бошқаради. Давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Президент бевосита ижро ҳокимиятига бошқариши мамлакатдаги барча кучларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мамлакатда барқарорлик ўрнатишга асосий кафолат бўлади. Президентлик лавозимининг таъсис этилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари қўйган дастлабки қадам эди.

Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимини жорий этишида қўйидаги сабаблар бўлди:

**Биринчидан**, давлат мустақиллигига интилиш, республикада бошқарув жараёнларини демократлаштириш айнан президентлик институти жорий этилишини тақозо этар эди. Чунки парламент узоқ баҳс ва мунозараларга берилиб кетиб, кун тартибиде турган долзарб қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам мамлакатни бир киши томонидан бошқариш эҳтиёжи пайдо бўлди.

**Иккинчидан**, Президентлик лавозимини жорий этиш сабабларидан яна бири, ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини ривожлантиришдан келиб чиқади. Президентлик лавозими давлат ҳокимияти органларининг тизимини ташкил этишда демократик принципларни амалга оширишга ёрдам беришга қаратилган эди. Қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

**Учинчидан**, Президент ўз зиммасига ҳукуматни шакллантириш ва унинг ишига раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни олиши учун объектив зарурат туғилди.

**Тўртинчидан**, вазиятни барқарорлаштириш, тинчликни таъминлаш ва мураккаб муаммоларни пайсалга солмасдан зудлик билан ҳал этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Ўша пайтларда мавжуд бўлган давлат структураси бу масалаларни ҳал этишга қодир эмас эди.<sup>50</sup>

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиладиган бўлса, президентлик институтига қўйидагача *тавсиф* берилиши кузатилади.

**Биринчидан**, Президент муайян давлатнинг бошлиғи ва халқ бирлигининг рамзи ҳисобланади.

**Иккинчидан**, Президент ўз мамлақати халқи номидан иш тутади ва унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилади. У партиявий, ижтимоий, маҳаллий ва бошқа манфаатлардан, айниқса, ҳар қандай ғоявий

---

<sup>50</sup> Таджиханов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи : юридик олий ўқув юрглари учун дарслик/ У. Таджиханов, Х. Одилқориев, А. Саидов. Масъул муҳаррир акад. Ш. З. Ўразаев. - Т.: Шарқ, 2001. 562б

келишмовчиликлардан юқори туради, жамиятни ўзаро мувофиқлаштиради, ижтимоий-сиёсий ҳаётни мустаҳкамлайди.

**Учинчидан,** Президент мамлакатнинг умумий ҳолати учун масъул бўлиб, сиёсий барқарорликни таъминлайди, ҳуқуқий тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда мамлакатаинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятини бажариш борасида қарорлар қабул қилади, тезкор чоратадбирлар кўради.

**Тўртинчидан,** Президент ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради ва унинг фаолиятини йўналтиради.

**Бешинчидан,** Президент мамлакат Қуролли кучларининг Олий бош қўмондони ҳисобланади, давлат мудофаси ва фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун раҳбарлик қилади.

**Олтинчидан,** Президент ижро ҳокимияти тизимида юқори лавозимга тайинлаш ваколатини амалга оширади, фуқаролик масалаларини ҳал қилади, фуқароларни давлат нишонлари билан мукофотлайди ва айбидан ўтади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишининг, шунингдек, мамлакатда конституция ва қонунларнинг қафолати ҳисобланади.

Биринчидан, Республикада мустақиликка интилиш давлат ҳокимити тизимини яна демократлаштириш, қонунларни қабул қилиш жараёнидаги муракабликлар, давлат ва жамият ҳаётини учун зудлик билан ижтимоий муносабат тартибга солувчи қарорлар

"Президент" тушунчаси конституциявий - ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат – ҳуқуқий амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли Президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага хосдир. Президент давлатни жипслаштириши, давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаши лозим.

Собиқ Иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб, давлат бошқарувнинг президентлик шаклини жорий қилди. Президентлик институти Ўзбекистонда 1990 йил 24-мартда "Ўзбекистон ССР Президенти

лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан таъсис этилди. Олий Совет 12-чақириқ биринчи сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб Ислоом Абдуғаниевич Каримов сайланди. 1991 йил 29 декабр ва 2000 йил 9 январда тўғридан-тўғри умумхалқ Президенти сайловлари ўтказилди. Сайловлар муқобиллик асосида ўтказилиб, И.А.Каримов Президент этиб сайланди.

Конституциянинг 89-моддасида **"Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. "**, дейилган.

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда халқ номидан иш юритади. Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас, балки давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро ҳокимиятнинг бошлиғи ҳам ҳисобланади. Ижро ҳокимиятига бевосита иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий соҳаларга бошчилик қилиш юклатилган.

## **2.§ Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-боби Ўзбекистон Республикаси Президенти деб номланади. Бу боб 9 та моддадан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий мақоми белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент ҳуқуқий ҳолати

конституциявий нормалар билан мустақкамлаган. Конституцияда ҳокимиятларни ўзаро мувозанатини таъминлашда Президентнинг ўрни бекиёс. Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ички ва ташқи сиёсатда Президентнинг ўрни анча ошди. Бошқарувнинг энг мақбул шакли сифатида эътиров этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2005 йил 7 февралда Янги ташкил этилган ижро ҳокимияти раҳбарлари билан бўлган учрашувда “ Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қўриб бўлмайди” маърузасида мустақиллик йилларида кучли ижрот ҳокимият зарурлиги. Ўзбекистон Президентлик бошқарувидаги давлат эканлиги таъкидланди ва унинг афзалликлари тўғрисида гапириб ўтди.

Бошқарувнинг президентлик шаклини яратилиши илк бор Франциянинг 1958 йилги Конституциясида амалга оширилди. Президентлик бошқарувида асосланган давлатларда президентлик институти унинг ваколатлари, сайланиш тартиби ва бошқа давлат органлар билан бўладиган муносабатларда фарқлаиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91 моддасида “ Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади”деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги « Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий қафолатлари тўғрисида”ги қонунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ самарали амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек конституциявий ваколат муддати тугаб ёки

соғлиғи ҳолатига кўра истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикасининг экс-Президентига зарур шароитлар ва кафолатлар яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимини бажаришга киришади. Қасамёд – тантанали ваъда, Конституция ва халққа хизмат қилиш юзасидан Президент ўз лавозимига киришганда берадиган қасамёддир. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёдининг матни Конституциянинг 92-моддасида берилган:

*"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан."*

Ўзбекистон Республикаси Президенти парламент депутатлари олдида тантанали равишда қасамёд қабул қилади. Қасамёд қабул қилишда Президентнинг кўл остида Конституция матни бўлади. Президент Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилади. Президент қасамёд қабул қилиши билан, давлат мадҳияси ижро этилади.

Ўзбекистонда умумхалқ сайловида сайланган Президент И.А.Каримов биринчи бўлиб қасамёд қабул қилди. Агар бир шахс иккинчи марта Президент бўлиб сайланса, қасамёд такроран қабул қилинади.

**Биласизми Швецарияда давлат бошлиғи атига бир йилга сайланади.**

Президентнинг қасамёди фақат расмий тантанали маросим сифатидагина қабул қилинмайди. Шунингдек, у юридик аҳамиятга ҳам эга.

Президент қасамёдининг юридик аҳамияти қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, Президент қасамёд қабул қилиши билан ўз лавозимига киришади ва ўзининг конституциявий ваколатларини бажара бошлайди. Шу вақтдан бошлаб, олдинги Президент ўз ваколатини тугатади;

**иккинчидан**, қасамёднинг матни одатда Конституцияда берилади, халққа эълон қилинади ва парламент олдида Президент томонидан тантанали қабул қилинади. Қасамёд матнида Конституцияга садоқат, халқ ва давлатга хизмат қилиш билан бирга, кўпинча диний тусдаги ифодалар бўлади ёки қасамёд Қуръонда ёхуд Инжилда қабул қилинади;

**учинчидан**, қасамёдни бузиш Президентни жавобгарликка олиб келади, бу унинг ўз лавозимидан четлатилиши учун асос бўлиши мумкин (бундай маросим кўп мамлакатларда импичмент номини олган);

**тўртинчидан**, Президент ўзига бевосита берилмаган ваколатларга асосланган ҳаракатларида унга қасамёд юклаган мажбуриятларини рўқач қилиш имконига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида Президент ўз лавозимида ишлаётган вақтда қуйидаги вазифаларни бирга олиб бормаслиги назарда тутилган:

**биринчидан**, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаш;

**иккинчидан**, вакиллик органининг депутати (парламент, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) бўлиш;

**учинчидан**, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга. Президентнинг дахлсизлиги мутлақ бўлиб, у бажарадиган мажбуриятлардан келиб чиқиб, Президентнинг қонунлар билан алоҳида муҳофаза этилишини англатади. Президент шахсининг дахлсизлиги унинг бутун ваколатлари давомида алоҳида кафолатларни таъминланиши билан боғлиқ.

Президент шахсининг дахлсизлиги унга қарши жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмаслигини билдиради. Президент мажбурий равишда, масалан, гувоҳ сифатида судга чақирилиши, маъмурий жавобгарликка

тортилиши мумкин эмас. Президент ҳибсга олиниши, тинтув этилиши ва шахсий кўздан кечирилиши мумкин эмас. Шу маънода Президентнинг шахси дахлсиздир.

### **3.8 Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар ўтказиш тартиби ва асосий тамойиллари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Президент сайлови тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 – моддасига асосан Президент лавозимиغا номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

*биринчидан*, 35 ёшдан кичик бўлмаган, фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Президент этиб сайланиши мумкин;

*иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаросигина сайланиши мумкин;

*учинчидан*, Президентликка номзодга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида 10 йил яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бу муддат - Президентликка номзод фақат билимлар ва амалий тажрибага эга бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистондаги ҳаётнинг ўзига хос шароитларини тушуниш учун ҳам зарур ва етарлидир;

**АҚШ Президентлигига сайланиш учун АҚШ ҳудудида камида 14 йил яшаган ва фуқаролигини фақат туғилиш (филиация) асосида олган АҚШ фуқароларинигина ҳуқуқи мавжуд.**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 3-сон, 38-модда.



*тўртинчидан*, Давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Президентликка сайланиши мумкин. Тиллардан фойдаланишни тартибга солиш – Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга эга. У ёки бу тилнинг давлат тили сифатидаги мақоми Конституция билан белгиланади. Масалан, Конституциянинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" – деб белгилаб қўйилган. Давлат ҳокимияти органлари, расмий иш юритиш, суд ишларини олиб бориш мажбурий равишда давлат тилида олиб борилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий нашрлар эълон қилинади.

Ўзбек тили – Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омилidir. Айнан шунинг учун Конституция ва Ўзбекистон суверенитетининг кафили бўлмиш Президент ўзбек тилини яхши билиши шарт;

*бешинчидан*, Ўзбекистонда бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Президент бўлиб сайланиши мумкин эмас..

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 90-моддасининг 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайланиш принциплари аниқ белгилаб қўйилган. Президентлик Республикаларида Президент мамлакатнинг барча сайловчилари томонидан умумхалқ сайловлари йўли билан сайланади.

Президент сайловларини ўтказиш тартиби 1991 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида"ги Қонун билан белгилаб қўйилган. Бу қонунга 2004 йил 3 декабрдаги Қонунини билан ўзгартириш киритилган..

Ўзбекистонда президентлик сайлов ҳуқуқининг конституциявий меъёри кўппартиявийлик бўлиб, у фуқароларнинг давлат ва жамиятдаги сиёсий ҳуқуқлари, қонунийликни, барқарорликни, демократиявийликни кафолатлашга қаратилгандир.

Конституциянинг 10-моддасида сиёсий партиялар халқ номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги алоҳида кўрсатилган. Умуман, конституциянинг 10 та моддасида кўппартиявийлик билан боғлиқ бўлган меъёрлар бор. 34-моддада фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиши ҳуқуқи алоҳида белгилаб қўйилган. Чунончи, 60-моддада «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар», деб конституциявий қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

«Кўппартиявийлик» тушунчаси том маънода Президентлик сайловларида бир неча сиёсий партияларнинг иштирок этишини билдиради. Шу тариқа, сайлов тизимининг кўп партиявийлиги фуқароларнинг танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

Кўппартиявийлик асосида президентлик сайловларини ўтказиш куйидагиларни билдиради:

**биринчидан,** ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов компаниясида иштирок этиши;

**иккинчидан,** конституция ва қонун талаблари доирасида ўз номзодларини президентликка кўрсатиш ҳуқуқи;

**учинчидан,** сиёсий партияларнинг барча даражалардаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароит яратиш;

**тўртинчидан,** Олий судга, президентлик сайловлари ҳақидаги Қонуннинг бузилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир.

Сайлов ҳуқуқининг конституциявий принциплари яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқидир.

Президент сайловлари ҳақидаги Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқининг умумийлиги яъни сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, овоз бериш ҳуқуқини расмийлаштириш ва овоз бериш фактини тасдиқлаш каби тадбирларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини назарда тутди.

Тенг сайлов ҳуқуқи шундан иборатки, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади ва барча фуқаролар сайловларда тенг шароитларда иштирок этадилар.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи шундан иборатки, сайловчилар Президентни сайлашда бевосита иштирок этадилар.

Яширин овоз бериш эса сайловчининг ўз иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўймасликни назарда тутди. Бу конституциявий принцип фуқароларнинг ўз иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатланиши бўлиб, демократик жамиятнинг асосий белгиларидан биридир.

Фуқароларнинг Президентни сайлаш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бевосита чеклашга йўл қўйилмайди. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган баъзи бир алоҳида ҳоллар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасининг сайловлар кунига қадар 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси Президентни сайлаш ҳуқуқига эгадир. Президентлик сайловларини ташкил этиш белгиланган баъзи бир алоҳида ҳоллар бундан мустаснодир. Президентлик сайловини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тузиладиган Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг II-чақириқ, саккизинчи сессиясида қабул қилинган: "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда мамлакатимиз Олий Мажлисини икки палатали қилиб белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги муҳим масала бўйича қабул қилинган Олий Мажлис қарори ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги тарихий жараёнлардан ҳисобланади. Ушбу Конституциявий Қонун асосида: "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига

вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколати тугайдиган йилда – декабр ойи учинчи ўн кунлигинининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади."

**Сайлов жараёнлари унинг биринчи босқичи бўлмиш сайлов муддатини тайинлаш билан бошланади.**

Ушбу босқични турли давлатларда турлича кўринишлари мавжуд бўлиб, аксарият давлатларда парламентга сайлов ўтказиладиган кун давлат бошлиғи томонидан, Президент сайлови куни парламент томонидан тайинланади.

Шундай ҳолатлар ҳам борки, Конституция сайлов ўтказишнинг аниқ муддатларни эмас балки, сайлов ўтказиш шартларини белгилаб беради. Масалан, Болгария, Польша, Чехия давлатларида тегишли орган ёки мансабдор шахснинг ваколат муддати тугаши муносабати билан сайлов ўтказиш муддати белгиланади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимият органларига сайлов ўтказиш муддати турлича белгиланган. Бунга шу шаклланган муносабатлар, мамлакат ҳалқининг менталитети, тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлиши мумкин.

Сайловларни ўтказиш муддати белгиланган ушбу модданинг иккинчи банди ҳам жуда муҳим қондани ўзида ифодалаб беради. Биламизки, давлат ҳокимияти органларининг ваколат муддати турлича бўлсада, маълум даврга келиб, ушбу органларга сайлов бир вақтга тўғри келиб қолади.

Ушбу ҳолатда Президент билан давлат ҳокимияти вакиллик органларининг бир вақтда сайланишини олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирни қўллаш маъқул деб топилди. Яъни, давлат ҳокимиятининг

вакиллик органлари бўлмиш Олий Мажлис, Қорақолпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳикимияти вакиллик органларининг ваколат муддатлари яна бир йилга узайтирилади. Демак давлат бошлиғи – Президентга сайлов бўладиган йил ва кун ушбу қонун талабига кўра, вакиллик органларига бўладиган сайлов даврига тўғри келмайди.

Сайлов ўтказиш муддати баъзи мамлакатларда эса ўз конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, Коста-Рика Республикаси Конституциясига кўра, Президент сайлови сайлов йилининг февраль ойидаги биринчи яшанба куни ўтказилади. АҚШ Конституциясига кўра, Президент сайлови сайлов йилининг ноябрь ойида ўтказилади. Бунда ноябрь ойи биринчи душанбасидан кейинги биринчи сешанба куни сайлов куни деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси давлатчилик тарихидан муносиб ўрин оладиган, миллий давлатчилигимизни ривожига ҳисса қўшаётган ислохатларимизнинг яна бир самараси ҳисобланган 2002 йил 27 январдаги референдум натижалари бевосита сайлов институтига муҳим ўзагартиришлар киритиш заруриятини белгилаб берди.

Президент сайловлари Ўзбекистонда бевосита демократиянинг асосий шаклларида биридик

Конституциявий асослардан келиб чиқиб, президентлик сайловининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини белгилаш мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

1. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг тартиб ва шаклланиши;
2. Округ сайлов комиссиялари ва сайлов участкаларини шакллантириш;
3. Сайловчи фуқароларнинг рўйхатини тузиш;
4. Номзодлар кўрсатишга сиёсий партияларга ҳуқуқий ижозат бериш;
5. Президентликка номзодлар рўйхатини шакллантириш;
6. Сайлов округлари бўйича овоз бериш тартиби;
7. Овозларни санаш ва овоз бериш яқунларини чиқариш тартиби;
8. Сайлов ҳуқуқи меъёрларининг бузилиши устидан судга мурожаат қилиш.

Президент сайлови бир-бирига зид бўлмаган умумдемократик принциплар ва аниқ талаблар асосида бўлиши керак. Президент сайлови умумдемократик принциплари Конституцияга асосланади, жаҳон мамлакатларининг тажрибаси ва ўз миллий тарихимизга таянади. Президент сайловининг умумдемократик принципларига қуйидагилар киради.

Биринчи принцип: Президент сайловининг Конституцияга тўла мувофиқ келиши.

Иккинчи принцип: Президент ҳокимиятининг қонунийлиги.

Учинчи принцип: Президент сайлови тартиботлари ва вазифаларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги

Тўртинчи принцип: Президент сайловининг демократиявийлиги, фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлиги.

Бешинчи принцип: Президент сайловининг фуқаролик жамиятига ҳос бўлган барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилганлиги.

Олтинчи принцип: Президент сайловининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши.

Еттинчи принцип: Президент сайловининг уюшганлиги, конституциявий, ҳуқуқий, суд назорати остида бўлишлиги ва қонуний бошқарилишига эришиш.

Саккизинчи принцип: Президент сайловининг тежамли ва самарали бўлиши.

Тўққизинчи принцип: овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятларсиз, унинг учун етарли бўлган натижаларини олишга кафолат яратилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда фуқаролар ихтиёрий равишда қатнашадилар. Сайловда қатнашмаганлик учун фуқарога нисбатан бирор бир маънавий ёки моддий чора кўриш мумкин эмас. Сайловларда қатнашишнинг ихтиёрийлиги – бу сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари ва эркин сайловларнинг демократик кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда фуқаролар яширин овоз берадилар. Бунда ҳар бир фуқаро битта овозга эга бўлади. Президент сайловида овоз беришлик фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Овоз бериш жараёнида фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишга йўл қўйилмайди.

Сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ва эркин ифода этиши ҳам сайлов ҳуқуқининг муҳим принципларидан бўлиб, шахс эркинлигининг яққол намоён бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилади. Сайлов комиссиялари Президент сайловини очиқлик ва ошкоралик принципи асосида ўтказадилар.

Президент сайловларини ўтказишда ошкоралик принципи қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларни жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхати билан таништирадилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

**Иккинчидан**, оммавий ахборот воситалари Президент сайловига тайёрганликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритиб борадилар.

**Учинчидан**, Президент сайловига тайёгарлик кўриш ва уни ўтказишга оид барча тадбирларда, айниқса сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозни санаб чиқишда президентлика номзод кўрсатган сиёсий партиялардан ҳокимият вакиллик органларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, ва ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ барча ҳаракатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Президентликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва бошқача йўл билан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Президентлик сайлови учун сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўз маблағларини ихтиёрий беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов компаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Президент сайлови харажатларининг давлат маблағларидан қопланиши, президентликка номзодлар учун тенг моддий шароитларни яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик принципи сайлов қонунларини сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан сўзсиз ва оғишмай риоя қилишга хизмат қилади. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган.

Президент сайловида фуқароларнинг:

**биринчидан,** актив ва пассив сайлов ҳуқуқини эркин амалга оширишга, сайловларни олиб боришга зўрлик, алдов, таҳқир этиш ва бошқа йўлда тўсқинлик қилган шахслар;

**иккинчидан,** сайлов ҳужжатларини сохталаштиришган, овозларни айнан нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган;

**учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг бошқа йўсинда тузилишга йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари;

**тўртинчидан,** Президентликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ тушурадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа тартибда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз



муносабатга йўл қўйган шахслар тегишли қонун ва кодексларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари ҳамма сайловчилар, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун рахбарий қоидалардир.

Дунёнинг барча демократик давлатларида давлат бошлиғи лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхати “ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови” тўғрисидаги Қонуннинг 24-2-моддасида белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Қуйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Президентликка номзод 15 нафаргача ишончли вакилликларга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзодга Президент этиб сайлаш учун тарғибот, ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатлари ҳимоя қиладилар.

Президентликка номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва Марказий сайлов комиссияси ишончли вакилларини рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

#### 4. § Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Президент конституциявий ваколатларининг кўлами унинг давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи эканлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Президентига унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги кўплаб ваколатларни беради. Президент фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўрнатилган ваколат доиралардагина фаолият кўрсатади. Президентнинг конституциявий ваколатлари давлат ва жамият ҳаёти фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб олади.

Кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасида давлат бошлиғининг конституциявий ваколатлари тарихий ривожланиш босқичларининг, шу давлатда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий келиб чиқиш хусусиятлари ва жуғрофий жойлашувининг таъсирида турли хил белгиланган бўлади. Асосан, давлат бошлиғининг конституциявий ваколат муддатлари диққатга сазовордир. Масалан: АҚШ, Россияда – 4 йил, Франция, Украина, Германия, Бразилияда – 5 йил, Мексика, Мисрда – 6 йил, Италия, Исроилда – 7 йил. Президент ваколат муддатларининг бундай тартибда белгиланганлиги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир миллат ва элатларнинг тарихий ривожланиш босқичлари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида ўтказилган 2002 йил 27 январдаги референдум, мустақилликдан кейинги даврнинг энг муҳим Ўзбекистон тарихида муносиб ўрин эгаллайдиган давлат бошқарувининг такомиллаштириш режаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган: Ўзбекистон Республикасининг, "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати мустақакмлланган: умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшириш овоз бериш йўли билан сайланадиган Ўзбекистон Республикаси

Президентнинг конституциявий ваколат муддати – етти йил", деб белгиланганлиги давлат бошлиғининг ўз халқи олдида қўйган вазифасини бажариш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Президентнинг асосий вазифаси – давлатнинг бирлигини мамлакат ичида ва ташқарисида намоён қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг қуйидаги йўналишларида унинг конституциявий ваколатлари яққол намоён бўлади.

**1. Авваламбор, Ўзбекистон Президенти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир.** Бу шунини билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг узлуксиз ишлаши учун шахсан жавобгар, бирор сабаб билан ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилиши бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўришга мажбур. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмни яратиш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат органлари ходимлари ва бутун аҳолининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш борасидаги тавсияларига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти 1996 йилнинг 31 октябридаги фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил қилди.

Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини, масалан пенсионерлар, ногиронлар ва давлат томонидан ҳимояга муҳтож фуқароларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунлар, фармонлар чиқариш орқали ўзининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили сифатидаги функциясини бажариб келмоқда.

**2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир.** Президент ўз ваколатларини амалга ошира бориб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва

фуқароларининг ўз конституциявий мажбуриятларни зарур даражада бажаришларини таъминлайди. У хатти-ҳаракатлари Конституция талабларига жавоб бермаётган органлар ва шахсларга бевосита мурожаат қилиш орқали ҳам, шу соҳадаги ваколатли органлар, хусусан судлар воситасида ҳам бунга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради. Суверенитетни муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти барча тармоқларининг фаолият кўрсатиши орқали таъминланади. Шунинг учун Президент махсус ваколатларга эга, хусусан, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берганда шахсан ўзи тезкор қарорлар қабул қилади. Масалан, у фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Республика Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.

***3. Президент давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатлар соҳасида муҳим ваколатларга эга.*** Бунда у муҳим вакиллик функциясини бажаради. Бу функцияни у яқка ўзи шахсан амалга оширади.

Президент мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади.

Президент халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг вакилидир. Бу ерда Президент Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатлари субъекти, суверен ва мустақил мамлакат сифатида намоён қилади. Бу шунинг англатадики, фақат Президентгина шартнома ва битимларга имзо чекиши, музокараларда Ўзбекистон номидан қатнашиши, Республиканинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва битимлари қонун қабул қилиш орқали Ўзбекистон Олий Мажлис палаталари томонидан ратификация қилиниши керак. Халқаро шартнома ва битимнинг ратификация қилинганлиги ратификация ёрлиғи билан тасдиқланади. Ратификация ёрлиғига Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чекади. Икки томонлама шартнома ва битимлар тузилганда унинг иштирокчилари ратификация ёрлиқларини алмашадилар. Кўп томонлама шартномаларда ратификация ёрлиғи депозитарий давлатга ёки халқаро шартнома матнини сақловчи халқаро ташкилотга бериб қўйилади.

Президентнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим ваколатлари жумласига қўйидагилар киради:

Аккредитациядан ўтган элчилар ва бошқа дипломатик вакилларга ишонч ва чақириб олиш ёрлиқларини топшириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги элчилари ва бошқа дипломатик вакиллари номзодларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисида тақдим киритади.

Ёрлиқлар топширилаётганда, одатда Ташқи ишлар вазири қатнашади. Дипломатик вакил ўзининг номини, давлатнинг номини, давлат бошлиғининг номини айтади, ёрлиқни Ўзбекистон Республикаси Президентига топширади. Кўпинча ёрлиқлар топшириш учун бир нечта янги элчилар йиғилишади. Ёрлиқлар топширилгач, Ўзбекистон Президенти янги элчи билан қисқача суҳбатлашади. Президентнинг ишонч ёрлиғини қабул қилиши шуни англатадики, тайинланган ва Ўзбекистон Республикасига келган хорижий давлат элчиси ёки дипломатик вакил ёхуд халқаро ташкилот вакили аккредитациядан ўтган, яъни расмий равишда мамлакатимизда ўз мажбуриятларини бажаришга киришган деб ҳисобланади.

Хорижий давлат элчиси ёки халқаро ташкилот ҳамда хорижий давлатнинг дипломатик вакили функциясини бажаришининг тўхтатилиши Президентга чақириб олиш ёрлиғини топшириш орқали расмийлаштирилади.

Чет эл давлатларида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатларининг бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олишнинг тартиби "Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқларини тайинлаш ва уларни чақириб олиш тўғрисида" ги 1992 йил 3 - июлдаги қонун билан белгиланади. Бу қонун " Дипломатик алоқалар тўғрисида" ги 1961 йилги Вена конвенцияси ҳамда бошқа умумэътироф этган халқаро - ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга тўла мос келади.

Дипломатик ваколатхона бошлиғи лавозимига номзодни Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор органларнинг келишувини олган ҳолда тавсия этади. Фавқулодда ва мухтор элчи ёки фавқулодда ва мухтор вакилнинг белгиланган мамлакатга жўнаб кетишидан олдин Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чеккан ва ташқи ишлар вазирининг имзоси қўйилган, белгиланган давлат бошлиғига бериш учун мўлжалланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг бошлиғини чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

**биринчидан**, дипломатик ваколатхона бошлиғи алмаштирилганда;

**иккинчидан**, дипломатик ваколатхона бошлиғи номақбул шахс (персон нон грата) деб эълон қилинганда;

**учинчидан**, давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар узилганда;

**тўртинчидан**, давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;

**бешинчидан**, давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини тугатганда.

**4. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим мааслалари юзасидан Олий Мажлис палаталарига ҳар йили маълумотнома тақдим этади.** Унинг маълумотномаси норматив ҳужжат

ҳисобланмайди. Бу ахборот сиёсий тусга эга бўлиб, мамлакатни ривожлантиришнинг дастурий принциплари ва стратегик вазифаларини ўз ичига олади.

Маълумотномада Ўзбекистон Президентининг мамлакат келажагини қандай тасаввур қилаётганлиги баён этилади. Жумладан, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги чиқишларини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1995 йил 23 февралдаги биринчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги "Ўзбекистон ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари", 1996 йил 29 августдаги миллий парламентнинг олтинчи сессиясидаги, "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифалари", 1999 йил 14 апрелда ўн тўртинчи сессиядаги, "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда"; 2000 йил 22 январда иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги, "Олий мақсадимиз - Ватан озодлиги ва ободлиги, халқ эркинлиги ва фаровонлиги" мавзусидаги чиқишлари ва 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир" маърузасида давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтилди. Президентнинг бу нутқларида давлатнинг стратегик сиёсий йўналишлари белгилаб берилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижроия ҳокимиятини тузиш билан боғлиқ ваколатлари анча кенг баён қилинган. Бундай ваколатларнинг кўпчилигига қуйидаги иккита сабаб бор:

**биринчидан**, Президент бўлиб сайланган шахснинг дастури умумхалқ сайловлари орқали қўллаб - қувватлангани учун у ижро ҳокимият органларини тузишда маълум ваколатларга эга бўлиши керак. Чунки унинг дастурини бажариш асосан, ижро ҳокимияти органлари зиммасига тушади, уларни тузишда Президентнинг ваколатлари жуда муҳим ўрин тутади;

**иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларидан бири бўлмиш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи давлат



ҳокимиятининг бирор органи фақат бир ҳокимият тармоғи томонидан тузилишини истисно қилади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг марказий органларини тузишга ҳам Президент, ҳам Олий Мажлис жалб қилинган. Бунга қуйидаги икки йўл билан эришилади: Президент муайян мансабдор шахсларни тайинлайди, Олий Мажлис палаталари эса маъқуллайди, ёхуд Олий Мажлис палаталари тайинлайди, номзодни эса Президент таклиф қилади.

Ижро ҳокимияти органларини ташкил қилишда Президентнинг ваколатлари жуда кенг. Президент Бош вазир номзодини Олий Мажлис палаталарига киритади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчилик бу масалаларни Олий Мажлис Сенатининг тасдиғига киритади. Шунингдек, Президент вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди. Президент ўз қарори билан Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр - қимматига доғ туширадиган хатти - ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчилик шу масалага доир фапмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тақдимиغا киритади.

**6. Суд ҳокимияти органларига келганда, шунинг айтиши мумкинки, Президент Олий Мажлис Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суд раиси ва судьялари номзодларини тақдим этади.** Шунингдек, Президент вилоят, туман, туманлараро шаҳар, ҳарбий ва хўжалик суди судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Президентнинг тақдимиغا биноан, Олий Мажлис Сенати Марказий Банк бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Фақат ижро ҳокимияти органларини тузишгина эмас, балки уларнинг фаолияти билан боғлиқ соҳада ҳам Президентга катта ваколатлар берилган. Конституцияга мувофиқ Президент ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади.

Агар республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатлари Конституция ва қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига зид бўлса ёки улар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилса, ушбу масала тегишли судда ҳал қилинмагунча Президент бу ҳужжатларни тўхтатиш ёки бекор қилишга ҳақли.

**Биласизми, Германия  
Федерал Конституциявий  
суди ҳатто Федерал  
Президентни етарли  
асослар мавжуд бўлганда  
ваколатидан четлатиш  
ҳуқуқига ҳам эга экан.**

***7. Президентнинг республика давлат ва бошқарув олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдаги ваколатлари ҳам бор.*** Бунинг учун у Конституцияда ўрнатилган, Олий Мажлисга таъсир ўтказиш (XVIII-боб), Вазирлар Маҳкамасига таъсир ўтказиш (XX-боб) дастакларидан фойдаланиши, баъзи ҳолларда судга мурожаат қилиши, масалани Конституциявий суд кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин

Президент Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат кўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, буни Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш учун Президент Конституцияда кўрсатилган бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш имконига эга. Лекин Президентнинг давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги обрўси ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки у тўғридан - тўғри умумий сайловларда халқ топширган сиёсий мандатга эга.

**8. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунларни имзолайди.** Президентнинг имзоси бўлмаса, қонун кучга крмайди. Бу давлат бошлиғининг анъанавий функцияси бўлиб, қонунга мажбурий куч беради ва қонун чиқарувчилик жараёнини якунлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Президентга ўн кун ичида юборилади. Президент эса ўттиз кун ичида қонунни имзолайди ҳамда матбуотда эълон қилинади.

Қонунни имзолаш унинг халққа эълон қилинганлигини, яъни уни оммага билдирганлигини англатади. Бундай расмий эълон қилиш - Олий Мажлис қабул қилган ва Президент имзолаган қонун матнини расмий мақом берилган матбуот органида нашр этишдир. Қонун бутун Ўзбекистон Республикаси худудида кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Конституциявий ҳуқуқда бу " Президент ветоси " номини олган бўлиб, бошқарувнинг президентлик шаклидаги давлатларга хосдир.

Вето - давлат бошлиғининг парламент қабул қилган, лекин ҳали кучга крмаган қонунга эътироз билдириш ҳуқуқидир - Ўзбекистон Конституциясида "Вето" атамаси ишлатилмаган. Ўзбекистон Конституциясида Президентнинг ўз асосланган эътирозини билдириб, қонунни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтариш ҳуқуқи ҳақида гапирилади.

Қайтариш учун асослар рўйхати Конституцияда кўрсатилмаган, лекин қонунни қайтарар экан, Президент бундай қарорнинг сабабини асослаб беради. Бунда Президент умуман қонунга ёки унинг бирор қондасига эътироз билдириши мумкин.

Агар Президент томонидан қайтарилган қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоларининг умумий сонининг учдан икки

қисмидан иборат кўпчилик овози маъқулланса қонун ўн тўрт кун ичида Президент имзолаши ва эълон қилиши керак бўлади.

**9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат масаласидаги ваколатлари Конституция 93-моддасининг 19-бандида аниқ ифодаланган.** Фақат Президентгина бутун республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳақли. У қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади. Лекин Президент бундай қарорни қабул қилишда эркин эмас, чунки фавқулодда ҳолат фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина жорий этилади.

**10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари анча кенг.** У республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг Олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Президентнинг Олий Бош қўмондон эканлиги Мудофаа вазирлигига ҳар қандай буйруқлар беришига имкон туғдиради. Мудофаа вазири амалда бевосита Президент раҳбарлигида ишлайди. Уруш ёки агрессия ҳолатида Президент ҳар қандай вақтда Қуролли кучларга бошчилик қилишни ўз қўлига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тажовуздан, бир - бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилишга ҳақли, у бу қарорини уч кун мобайнида мамлакат Олий Мажлисининг палаталарининг тасдиғига киритади.

11. Давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари жумласига фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритиш каби масалаларни ҳал қилиш киритилган.

Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, унга қандай асосларда эга бўлишидан қатъий назар барча учун тенгдир (Конституциянинг 21-моддаси). Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотишнинг асос ва тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик тўғрисида" ги қонуни билан белгиланади. Қонуннинг 30- моддасида Президентнинг фуқаролик масалалари бўйича ваколатлари белгиланган.

Президент бу масала бўйича қуйидаги қарорларни қабул қилади:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш;

**иккинчидан**, хорижда яшаётган тегишли илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш;

**учинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тиклаш тўғрисида;

**тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқариш тўғрисида;

**бешинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлик тўғрисида.

Юқорида айтилган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида фуқаролик масалалари бўйича комиссия тузилган. У ҳар бир ариза ёки илтимосноманинг Президент кўриб чиқишига тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилиш ва ундан чиқишининг батафсил тартиби (зарур ҳужжатлари, улар каерга юборилиши керак ва ҳ.к.). "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишнинг тартиби тўғрисидаги қоидалар" билан тартибга солинади. У 1992 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган. Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича Президент фармон чиқаради.

Сиёсий бошпана – ўз мамлакатада сиёсий важларга кўра таъқиб қилинаётган хорижий шахсга, фуқаролиги бўлмаган шахсга бошқа мамлакатда яшаш ҳуқуқини беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга сиёсий бошпана берилиши шуни англатадики, бу одам Ўзбекистонга келиши мумкин ва жиноятчи сифатида бошқа давлатга берилмайди. Одатда сиёсий бошпана сиёсий фаолияти, илмий ва маданий важлар учун, миллий ва диний важлар туфайли таъқиб қилинаётган шахсларга берилади. Сиёсий бошпана ҳуқуқи 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (14-модда) ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияда назарда тутилган, лекин резолюция фақат тавсия хусусиятига эга. Сиёсий бошпана олиш учун зарур бўлган шартларни белгилаш – бошпана бераётган давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Фақат Ўзбекистон Республикасининг Президентигина сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатлидир.

12. Давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар – давлатнинг иқтисод, фан, маданият, санъат, Ватанни ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги юксак хизматлари учун фуқароларни рағбатлантиришнинг олий шаклидир.

Конституцияга мувофиқ давлат мукофотлари (орденлар, медаллар, ёрликлар) билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан амалга оширилади. У олий ҳарбий унвонларни (масалан, армия генерали), олий малакавий унвонларни (масалан, дипломатик даража), олий махсус унвонларни (масалан, амалдаги давлат адлия маслаҳатчисининг тоифа даражасини) беради. Фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича комиссиянинг қарори Президент фармонлари билан тасдиқланади. Фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларигина эмас,

балки хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам давлат мукофотлари ва фахрли унвонлар билан мукофотланиши мумкин. Масалан, 1996 йил апрелда француз олими, профессор Л. Керен Амир Темур меросини ўрганишга қўшган катта хиссаси учун "Шухрат" медали билан мукофотланди.

Мукофотланган шахс қасддан жиноят содир этганда суднинг тақдимномасига биноан фақат Президент томонидан давлат мукофотларидан маҳрум қилиниши мумкин (Президентнинг махсус фармони чиқарилади).

**13. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлиснинг Сенатига тақдимнома киритади.** Амнистия – жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўла ёхуд қисман озод қилиш ёки илгари суд тайинлаган жазони ўтаган шахсларнинг судланганлигини олиб ташлашдир. Амнистия эълон қилиниши билан жазони ўтаётган шахслар уни ўташдан озод қилинадилар ёки жазо муддати қисқартирилади. Агар айбланувчи ишнинг амнистия бўйича тўхтатилишига эътироз билдирса, ушбу иш тергови ва суд юритувида давом этади. Суд айбланувчини айбдор деб топса, шу амнистия актида кўрсатилган асосларга кўра тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Афв этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилар экан, Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида майдонга чиқади. Чунки маҳкумнинг Ўзбекистон Президентига мурожаат қилиши – жиноий жазо чорасини қайдайдир даражасида бўлсада ўзгартиришнинг сўнгги имкониятидир.

Амнистиядан фарқли равишда афв – индивидуал акт, яъни муайян шахс ёки шахслар гуруҳига тааллуқли ҳужжатдир. Афв ҳукм қонуний кучга кирган жинояти учун судланган шахсни жазодан озод қилиш ёки жазони юмшатишдир. Афв этиш реабилитациядан фарқ қилади. Реабилитация (оқлаш) ҳам индивидуал акт, лекин у оқланган шахс ноқонуний ҳукм

килинганини билдиради. Афв эса хукмнинг тўғрилигини тасдиқлайди, лекин маҳкумнинг ҳолатини енгиллаштиради (жазо чорасини ўзгартириш, жазони ўташдан озод қилиш).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**14. Конституциянинг 95-моддаси кўп мамлакатларда мавжуд бўлган давлат бошлигининг парламентни тарқатиб юбориш институтига бағишланган.** Парламентни тарқатиб юбориш - унинг ваколатлари тугагунча, янги сайловлар белгилангунича парламент фаолиятининг тўхтатилишидир. Парламентни тарқатиб юбориш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини амалга оширадиган мувозанатлар ва зиддиятлар тизимининг муҳим элементиدير.

Парламентни тарқатиб юбориш, қоида тариқасида, Конституция амалга ошириш мумкин ёки қонунлар асосида кўрсатилган.

Президент Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини фақат Конституцияда аниқ белгиланган ҳоллардагина тарқатиши мумкин.

**Биринчидан,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

**Иккинчидан,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда;

**Учинчидан,** тарқатиб юборишга Конституциявий суднинг розилиги бўлганда.

Демократик тузумдаги парламентни тарқатиб юбориш институти учун икки томонлама бир хил юридик алоқа хосдир: парламент таркиби фаолиятининг тўхтатилиши ва янги сайловларнинг белгиланиши. Ўзбекистон Конституциясининг 95 - моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатилган тақдирда, уч ой мобайнида, унга янги сайловлар ўтказилиши кўрсатилган.



Шу билан бирга, Конституциянинг 95-моддасининг 3-қисмида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юборилишини чекловчи қоида белгилаб қўйилган. Масалан, бутун Ўзбекистон ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий қилинган бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатилиши мумкин эмас. Бундай, алоҳида фавқулодда вазиятда давлат амалдаги парламентсиз қолиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси палаталарини тарқатиб юбориш ҳуқуқи мутлақ эмас, чунки бу Конституцияда қатъий белгиланган вазиятлар билан чегараланган.

### **5-§ Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

Конституциянинг 94-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифалари ва конституциявий ваколатларининг амалга ошириш мақсадида кўпқиррали ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини юритади.

**Иорданияда давлат бошлиғи қонун кучига эга бўлган декретлар ҳам чиқаради.**

Президент бутун Ўзбекистон ҳудудида бевосита амал қиладиган, мажбурий кучга эга бўлган уч хил норматив-ҳуқуқий ҳужжат:

- 1) фармонлар;
- 2) қарорлар;
- 3) фармойишлар чиқаради.

**Фармон** – аниқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга тааллуқли бўлиб, узоқ муддатга амал қилади. Фармон – норматив-ҳуқуқий ҳужжат. У ҳуқуқни қўллаш хусусиятига ҳам эга бўлиши мумкин ва демакки, норматив

мазмунга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Норматив мазмундаги фармонлар нашр этилади, масалан у ёки бу шахсни бирор лавозимга тайинлаш тўғрисида.

**Фармойиш** – индивидуал ташкилий хусусиятдаги ҳужжатдир.

Президент чиқарадиган ҳужжатлар унинг ўзи томонидан мустақил чиқарилади. Президент чиқарадиган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар Конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Чунки улар Конституция ва қонунлар асосида, уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Президент чиқарган норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Конституциянинг 109-моддаси). Кўриб чиқиш натижалари бўйича Конституциявий суд бутун ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари конституциявий ёхуд ғайри конституциявий эканлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Шу тариқа Президент актларининг конституциявий бўлиши қафолати таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари қонун ости ҳужжатлари деб аталмайди. Лекин улар Конституция ва мамлакат қонунларига зид бўлмаслиги шарт (16-модда). Лекин "Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан" дейилган конституциявий баён қилиш, шунингдек, фақат қонун томонидан тартибга солинадиган масалалар рўйхатининг Конституцияда мавжуд эмаслиги – Президентнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини кенг талқин қилишга имкон беради. Бирор масалани қонун билан тартибга солиш мавжуд бўлмаган ҳолларда, Президент олдиндан ушбу масала юзасидан норматив фармон чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари "Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси" ва шунингдек республика газеталарида расман эълон қилинади.

## **Ўзини –ўзи назорат қилиш саволлари**

1. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозими қачон жорий қилинди?
2. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимининг жорий этилиши Ўзбекистон тараққиёт ривожланишида қандай аҳамиятга эга бўлди?
3. Ўзбекистон Республикасида Президентлик сайлови тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
4. Ўзбекистон Республикасида Президентлик сайлови тўғрисидаги қонун бўйича кимлар Президентликка номзод кўрсатиш мумкин?
5. Ўзбекистон Республикасида Президент қачондан бошлаб лавозимга киришган ҳисобланади?
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатларини санаб беринг?
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай норматив ҳужжатлар қабул қилади?
8. Ўзбекистон Республикасида Президентлик сайлови қайси қонун билан тартибга солинади?
9. Ўзбекистон Республикасида Президентлик кўрсатилган номзодга сайлов жараёнида қандай қафолат кўрсатиб ўтилган?
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги тартибини айтинг?

## **Фойдаланадиган адабиётлар**

### **1. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 бет.
5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-4 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 бет.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А.: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2000 йил 8 декабрь.
12. Ислом Каримов Конституция ҳақида.–Т.: Академия, 2001.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессияси материаллари. «Халқ сўзи» 30-31 август 2001 йил
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: « Ўзбекистон», - 96б.

## 2. Конституция, қонун ва норматив ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва кўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон,2003.-40б..

2.3. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 августдаги конституциявий қонуни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000 йил.

4. Мустақиллик декларацияси Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000

5. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси.

6. .Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил 5 май. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000

13. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000.

14. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил майдаги «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон.–Т.: Адолат, 1995.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.18-сон.–Т.: Адолат, 1998

19. Ўзбекистон Республикасининг « Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари» тўғрисидаги 2002 йил 4 апрел ("Халқ сўзи", 78(2906)-сон, 2002 йил 12 апрель)

20. . Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 480-II-сон Конуни)

28. Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. 474-II-сон Конуни)

29. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. Конуни)

30 . "Фукароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-II-сон конуни)

31.Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги конуни. 1998 йил 30 апрель

32. Ўзбекистон Республикасининг «Президент сайлови тўғрисида »ги 1991 йил 18 ноябр ( 2004 йил 3 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

### **3. Дарслик, ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар**

1. Абдумажидов Р. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги конунига шарҳлар—Т.: Адолат, 1999.

2. Аъзамхўжаев А.А. Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан,—Т.: Узбекистан, 1993

3. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.Т.: Шарқ, 1997,

4. Ахмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2004, 38 б

5. Ахмедов Д.Қ. Халқ ҳокимиятчилиги. Рисола. Тошкент, 2002, 103.б

6. Муҳамедов Ҳ.М. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари.—Т.: Адолат, 1999.

13. Одилқориев Ҳ.Т. Новая Конституция-великий символ суверенитета Узбекистана,— Т: Адолат, 1993.

- 14.Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи.Т.: 1993.
15. Саидов А.Ҳ. Мустақиллик қомуси.Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 16.Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т.-: 1995.
- 17.Саидов А.Ҳ. Сайлов ҳуқуқи.–Т.: 1994.
- 18.Саидов А.Ҳ. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни.– Т: 1992.
- 19.Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари.–Т.: 1999.
- 24.Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси Дарслик 2-жилдли –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 1998.
- 25.Тансиқбоева Г. М, Муҳаммеджонов О.З. Конституция ва биз.Т.: Адолат.1998.
- 26.Файзиев М.Ўзбекистон Конституциясининг моҳияти (ўқув кўлланма).Т.: Адолат, 1998.
- 27.Халилов Э.Ҳ. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 28.Хусанов О. Т, Азизов Х. Т.Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат).Т: Ўқитувчи, 1996.
- 32.Хусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунига шарҳлар.Т.: Адолат, 1995.
- 33.Хусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасида давлат органлари.Т.: Шарқ, 1996.
- 34.Ўзбекистон Республикаси - мустақил давлат. (муаллифлар жамоаси).– Т.: Адолат, 1995.

## **X БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУКУМАТИ**

**1. § Давлат ҳокимияти олий органлари тизимида Вазирлар Маҳкамасининг ўрни ва роли**

**2. § Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиш тартиби**

**3. § Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий функциялари**

**4. § Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

### **1. § Давлат ҳокимияти олий органлари тизимида Вазирлар Маҳкамасининг ўрни ва роли**

Ҳукумат бу – давлат бошқарувида марказий орган ҳисобланиб, Конституция ва қонунлар асосида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ҳукумат шу билан бирга, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминланишини назорат қилувчи, шунингдек давлат бошқарувининг бошқа идораларига умумий раҳбарлик қилади.

Турли мамлакатларда ҳукумат турли номлар билан аталиши мумкин. Масалан Министрлар Кенгаши (Ҳиндистон), Кабинет(Япония), Министрлар Кабинети, Давлат кенгаши (Швеция, Норвегия, Финляндия), Федарал кенгаш (Швейцария), Федарал Ҳукумат (Германия), Ҳукумат(Чехия, Колумбия) ва ҳоказо.

Бизда, яъни Ўзбекистон Республикасида ҳукумат «Вазирлар Маҳкамаси» деб номланган бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва



фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.<sup>51</sup>

Шуни қайд этиш керакки, ҳар қандай демократик давлатда парламент ва давлат бошлиғи томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий актларнинг ҳаётдаги ижроси бевосита ҳукумат фаолиятига боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатини ҳисобга олиш принципларига таянган ҳолда, ўз фаолиятини бевосита амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси қонун билан белгилаб қўйилган ўз таркибига эга. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар.

Давлат ҳокимияти органларининг ишини замон талабларига мувофиқ равишда тубдан яхшиламай туриб ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ томонидан қўллаб қувватланаётган кучли ва адолатли ҳокимият, демократик фуқаролик жамиятини, келажаги буюк давлатни барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Референдум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун, энг аввало умумхалқ овоз бериши натижаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларида акс эттириш лозим бўлди.

Референдум яқунлари фуқаролик жамияти институтлари

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 йил 5 сон. 202 модда. (янги таҳрирда 2003 йил 29 август)

тўғрисидаги, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимини, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва суд ҳокимиятининг конституциявий мақоқимини тартибга солувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунларини такомиллаштиришни тақозо этди.<sup>52</sup>

Юқоридагиларга асосланган ҳолда 2003 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.<sup>53</sup> Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан Конституцияни 89-моддасининг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» деган сўзлардан иборат бўлган иккинчи хатбошиси олиб ташланди.

Конституциянинг 98-моддаси ҳамда янги таҳрирдаги қонуннинг 15-моддасига кўра, Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди.

---

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 йилдаги 351-II сонли қарори билан тасдиқланган «2002 йил 27-январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг қонунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари».

<sup>53</sup> «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни «Халқ сўзи» газетаси 2003 йил 21 май сони.

## **2.§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиш тартиби ва таркиби.**

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади. Бош вазир номзодини кўриб чиқиш Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига киритилган бўлиб, қоида тариқасида, ушбу масала аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. Бош вазирни ўз лавозимидан озод қилиш масаласини эса Президентнинг шахсан ўзи ҳал қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда вазифасидан озод қилинади, яъни Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг номзоди Бош вазир томонидан кўсатилади.<sup>54</sup>

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органлари сифатида Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашиш, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқарувининг

---

<sup>54</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”. Халқ сўзи. 2005 йил. 5 февраль

бошқа органлари фолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унинг доимий комиссиялари тузилиши мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси ўзининг доимий комиссияларининг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Бундан ташқари давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг вақтинчалик комиссиялари ва ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий, вақтинчалик комиссияларининг ҳамда ишчи органларининг ҳужжатлари мажлис баёнлари билан расмийлаштирилади ҳамда тегишли ижрочиларга етказилади. Кўрсатиб ўтилган комиссиялар ва ишчи органларнинг мажлис баёнлари уларга бошчилик қилаётган раҳбарлар томонидан имзоланади.

Доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган материалларни тайёрлаш ҳамда комиссиялар қарорларининг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар олдида қўйилади. Зарурат бўлганда бу материалларни тайёрлашга вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари жалб қилинади.

Доимий ва вақтинчалик комиссияларнинг мажлислари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан тасдиқланадиган йилнинг ҳар чорагидаги режалари асосида ўтказилади. Доимий ва вақтинчалик

комиссияларнинг режадан ташқири мажлислари Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг розилиги билан ўтказилади.<sup>55</sup>

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида махсус аппарат (девон) ташкил этилади. Қонуннинг 21-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, тегишли қарорлар лойиҳаларини, ташкилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб борилишини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати ва унинг бўлинмалари тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20-майдаги 248-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарориди Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимга ўтишни таъминлаш ва шу асосда ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолияти самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси 2004 йил 12 сентябдаги 475-сонли Қарорига мувофиқ қуйидагича тузилган<sup>56</sup>

Вазирлар Маҳкамаси қонун асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил қила бошлагандан кейин эса Аппаратнинг (девон) асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони ўз иш фаолиятини мавжуд конституциявий асослар, қонунлар, Президент фармонлари ва

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.06.2002 йил «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 193-сонли қарори таҳриридаги банд.

<sup>56</sup> Қаранг : “ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 48-49 сон 494-модда.

фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрда “Хўжалик бошқарув органлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонда 16 та турли соҳадаги хўжалик бошқарув органлари такомиллаштирилди.

### **3.§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий функциялари**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати – Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари авваламбор Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, «...Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаши...»<sup>58</sup> белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга асосан Ҳукумат, яъни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидаги фаолият соҳаларини келтириш мумкин:

- иқтисодиёт соҳасидаги фаолият;
- маъмурий – сиёсий соҳадаги фаолият;
- ижтимоий – маданий соҳадаги фаолият.

Назарий жиҳатдан олганда Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини янада аниқроқ кўрсатиб ўтиш мумкин.

Масалан, рус олими М.В.Баглайнинг фикрича, Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

---

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари 2005 йил феврал №

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Адолат» Тошкент 2003 йил.

- сиёсий соҳадаги фаолият;
- маъмурий – бошқарув соҳасидаги фаолият;
- қонунчилик соҳасидаги фаолият;
- ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият;
- иқтисодиёт соҳасидаги фаолият;
- ижтимоий соҳадаги фаолият ва ҳоказолар.<sup>59</sup>

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини гапирадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари авваламбор, ўзининг фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни намоён қилар экан, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятидан фарқли равишда, ижро фаолиятини амалга оширади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қарорлар, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишини таъминлайди, шунингдек, ижроия ҳокимияти таркибига кирувчи давлат органлари устидан бошқарувни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари айнан шулардан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъмурий – сиёсий соҳада жуда кенг ваколатларга эга.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси:

- Республика бошқарув тузилмасини такомиллаштиради;
- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари; идоралари; давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;
- Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

---

<sup>59</sup> М.В.Баглай. Конституционное право зарубежных стран. «Норма» Москва 2001 год 278-287 стр.

- Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ҳамда хўжалик бошқарувининг бошқа органлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
- Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бюджетда бўлган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий аппарати ходимларининг сони ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди;
- Вазирликлар, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;
- Хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатлари аъзоларини шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари бошқарувлари аъзоларини тасдиқлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳавфсизлиги ва муҳофаза қудратини ошириш, давлат чегараларини қўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;
- Давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора – тадбирларини кўради;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро



шартнома ва битимлар тузади ҳамда уларни бажариш чора – тадбирларини кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий соҳадаги асосий

ваколатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- Иқтисодий жараёнларни бошқаради: мулкчиликнинг барча шакларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт – шароитлар яратиш;
- Хўжалик юритишнинг янги шакллари – концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;
- Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора – тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора – тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- Республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий – маданий соҳада ҳам кенг ваколатларга эга. Халқ таълимига раҳбарлик, илмий, маданият – маърифат масалалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, меҳантни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашни ташкил

этиш бўйича ваколатлар йиғиндиси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий – маданий соҳадаги ваколатлари сирасига киради.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

- Фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора – тадбирларини амалга оширади;
- Фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора – тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;
- Соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддасига биноан эса ушбу иккала ваколат қуйидагича белгиланган:

Вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини ҳамда уларнинг бошқарувларининг аъзоларини, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари идоралар ҳайъатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.<sup>60</sup>

---

<sup>60</sup> «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонуннинг 6-моддаси «Халқ сўзи» газетаси 2003 йил 29-август

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида давлат бошқаруви, хўжалик ва ижтимоий – маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шаклантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;
- Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;
- Давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзи қўламлари тўғрисидаги таклифлар;
- Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;
- Белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган махсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;
- Қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари;
- Давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисида таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг айрим ваколатлари бошқа қонунларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги

фаолиятига бағишланган бўлиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббусига доир ваколатлар белгиланган.<sup>61</sup>

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарори билан белгиланади.

Бош вазирнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Бош вазир:

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради. Бош

---

<sup>61</sup> «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1997 йил 30 август 11-модда. «Халқ сўзи» газетаси.

вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар, улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар ва уларга топшириқ берадилар, Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадиладар.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

- ўзларига топширилган фаолият соҳалари учун жавоб берадилар;
- Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар;
- Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин;
- Корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда бошқа пул тўланадиган лавозимни эгаллаш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қонунга асосан Бош вазирнинг ваколатлари доираси бир мунча ўзгарган. Биринчидан, Бош вазир ўзининг ўринбосарлари ўртасидаги вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тақсимлайди. Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини фақатгина Бош вазирнинг ўзи имзолайди.

Шунингдек Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган ҳолларда уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатидаги Раёсат мажлислари мунтазам, ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Мажлисларни Вазирлар Маҳкамасининг раиси ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири олиб боради.

Зарурият туғилганда шошилиш масалаларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг режадан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан ҳар ҳафтада Бош вазир ўринбосарлари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи ва Аппарат раҳбари иштирокида йиғилишлар ўтказилади. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш ва ҳукумат аппаратининг жорий фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг кўриб чиқиши учун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи ҳар қандай масалар киритилади (қонунга мувофиқ фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бундан мустаснодир).

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш Бош вазир ўринбосарларининг

котибиятлари, Ахборот – таҳлил бошқармаси, департаментлар, бошқа бўлинмалар Бош вазир ўринбосарларнинг ҳамда Аппарат раҳбари бошчилигида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда амалга оширилади. Зарур ҳоларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан тузиладиган комиссиялар амалга оширадилар.<sup>62</sup>

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига киритиладиган масалалар бўйича материаллар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи, Аппарат раҳбари томонидан кўриб чиқилади, улар тайёрланган масалаларнинг сифати учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир ёки Аппарат раҳбари билан келишилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, корхона ва корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ҳамда мажлисга таклиф этиладиган бошқа шахсларни хабардор қилиш, шунингдек уларнинг

---

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги 47-сонли қарорининг IV-бўлими

мажлисга келган-келмаганликларини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Бош прокурор, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекцияси раҳбари, «Ўздавтелерадио» компанияси, Марказий Банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувларининг Раислари, Ўзбекистон Ахборот Агентлигининг бош директори, иқтисодиёт вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги доимий вакили, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси доимий равишда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари эса заруриятга кўра таклиф этиладилар.

Бошқа мансабдор шахслар мажлисга фақат уларга дахлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.<sup>63</sup>

#### **4.§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунларга

---

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 28.02.2003 йилдаги 112-сонли қарори таҳриридаги банд.



мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади. Шошилиш ёки бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ёки мажлис қарорлари шаклида чиқарилади.<sup>64</sup>

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органлари сифатида унинг Раёсати ҳам қарорлар, фармойишлар ва баён қарорлари шаклида норматив – ҳуқуқий актлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари унинг мажлисларида коллегиял тартибда қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар вазирликлар, давлат қўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган (хизмат сафарида, меҳнан таътилида) ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳар бир масала бўйича, одатда, давлат тилида аниқ баён қилинган, асосланган қарор ёки фармойиш лойиҳаси, шунингдек ҳужжатнинг моҳияти баён этилган қисқача хат тақдим этилади. Амалга оширилиши қўшимча моддий ва бошқа ҳаражатларни талаб қиладиган қарорлар ва фармойишлар

---

<sup>64</sup> «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарор. 6-бўлим 1-хатбоши.

лойиҳаларини тақдим этишда молиявий – иқтисодий асослашлар илова қилинади.

Қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, уларда кўриб чиқиладиган масала пухта таҳлил қилинган ва ҳолис баҳоланган, ижрочилар олдига аниқ ифодаланган мақсад ва вазифалар қўйилган бўлиши, уларда амалга оширилса бўладиган муддатлар белгиланиши керак.

Қарор ёки фармойишларнинг тайёрланган лойиҳаси билан айти бира вақтда ҳукумат қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки уларни қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар ҳам кўриб чиқилади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига киритиладиган қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳаларида, зарурият бўлганда, илгари қабул қилинган қарорларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар назарда тутилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилиши учун норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини (қарор) ишлаб чиқарадиган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган сифатида Вазирлар Маҳкамасининг ўзи ҳам ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин. Шунингдек, «Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақли.

Лекин иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳасининг ва ривожланиш учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилиши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиш учун лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

- лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;
- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;
- бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари қонун лойиҳаларидан фарқли равишда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин эмас, улар фақатгина жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда республика бюджетини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари ёки таклифлар тегишли равишда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишиб олиниши зарур.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, шунингдек уларнинг манфаатдор ташкилотлар билан тегишли равишда келишиб олинганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

Тайёрланган қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари имзолаш учун Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари мудирлари томонидан Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбарига, Бош вазир ўринбосарларининг манфаатдор котибиятларига, департаментларга, Ахборот – таҳлил бошқармасига ва юридик бўлимга имзолаш учун тақдим этилади.

Қарор ва фармойишларнинг имзоланган лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбарига топширилади.

Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки ушбу ҳужжатни қабул қиладиган органнинг (Вазирлар Маҳкамасининг) юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик ҳолатларда, ҳужжат лойиҳаси бир қанча органлар аъзоларидан, мутахассислардан иборат таркибдаги махсус комиссиялар томонидан ишлаб чиқилади. Бундай тартибда ишланган лойиҳалар эса Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Кирилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг, яъни Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил, масалан иқтисодий, молиявий, илмий – техникавий, экологик ва ҳоказо, экспертизалардан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан бир қанча талаблар қўйилади.

Ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равои тилда баён этилган бўлиши шарт. Ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Ҳужжатда (қарор ёки фармойиш) уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш

манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора – тадбирлари кўрилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи қарор, фармойишларда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Қарор ёки фармойишда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин. Зарур ҳолларда қарор ёки фармойишда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг (Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив актлари) айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга илова қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Аммо, норматив ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига киритиладиган барча материаллар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи, аппарат раҳбари томонидан кўриб чиқилади ва улар тайёрланган масалаларнинг сифати учун жавоб берадилар.

Қарор лойиҳаси бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, юридик бўлим (юридик хизмат), Бош вазир ўринбосарларининг манфаатдор котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар, тегишли вазирликлар, идоралар томонидан имзоланган

ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот – таҳлил бошқармасида маъқулланган бўлиши керак.

Лойиҳалар билан бир вақда қуйидагилар тақдим этилади: муҳокама қилиш тартиби, мажлисга таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати, қарор лойиҳасининг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Қоида тариқасида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига ким раислик қилса, ўша мансабдор шахс мажлис баёнини имзолайди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга биноан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари фақатгина Бош вазир томонидан имзоланади (қонуннинг 20-моддаси 4-хатбошиси).

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентига Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига имзо қўйиш ваколати берилмаган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти раислик қилишга ҳақли. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилганда мажлис баёнлари фақатгина Президент томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳам унинг Раёсати ҳам коллегиял орган бўлганликлари сабабли мажлисларда қарорлар Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис тамом бўлгандан кейин қабул қилинган қарорнинг аниқ ифодаланган матни Бош вазир ўринбосари котибияти мудири, департамент бошлиғи, бўлим мудири томонидан имзоланган ҳолда мажлис баёнига киритиш учун Умумий бўлимга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари улар имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади, ҳамда Бош вазир ўринбосарларининг тегишли котибиятлари, департаментлар,

бўлимлар томонидан тузиладиган тарқатиш рўйхати бўйича дархол ижрочиларга тарқатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари норматив – ҳуқуқий ҳужжат сифатида қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

- ҳужжатнинг тури ва номи;
- ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;
- тегишли норматив – ҳуқуқий ҳужжатни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколатли бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ва фармойишларида уларни кучга киритиш муддатлари кўрсатилади. Бошқа ҳолларда имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади. Бундан ташқари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.<sup>65</sup>

Республикани кенг ва тезкорлик билан таништириш зарур бўлганда қарорлар ва фармойишлар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ёки Бош вазирнинг топшириғига биноан матбуотда, телевидение ва радио орқали эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив – ҳуқуқий актларини норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабр конунининг 25-моддаси



### **Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари:**

1. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Вазирлар Маҳкамаси таркиби қандай шакллантиради?
3. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳадаги ваколатларини кўрсатиб ўтинг?
4. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларини кўрсатинг?
5. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан қандай муносабатларга киришади?
6. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан муносабатлари нималардан иборат?
7. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини чақириш тартиби қандай?
8. Вазирлар Маҳкамасининг доимий комиссияларининг иш фаолиятини кўрсатинг?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

#### **1. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 бет.
5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-4 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 бет.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда.–Т.: Ўзбекистон, 1999.

10. Каримов И.А.: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: Ўзбекистон, 1997.

11. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2000 йил 8 декабрь.

12. Каримов. И.А Конституция ҳақида.–Т.: Академия, 2001.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: « Ўзбекистон», - 96 б.

## **2. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон, 2003.-40б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 1991 йил 31 августдаги конституциявий қонуни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни. (Янги таҳрири) 2003 йил 29 август.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000.

5. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»га Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 14-сон–Т.: Адолат, 1997.

6. Ўзбекистон Республикасининг « Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари” тўғрисидаги 2002 йил 4 апрел ("Халқ сўзи", 78(2906)-сон, 2002 йил 12 апрель)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси тўғрисида конституциявий қонуни (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни)"

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Конституциявий Қонуни)

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни)

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни)

11.«Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 4 январь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 5-сон.–Т.: Адолат, 1992.

12.«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 йил 2 сентябрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон.–Т.: Адолат, 1994.

13.«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 14 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон.–Т.: Адолат, 1999.

### **3. Дарслик, ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар**

1. Саидов А.Ҳ. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни.– Т: 1992.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Т. “ Молия” нашриёти, 2002 йил - 632 б.

3.Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.Т.: Шарқ, 1997,

4.Ахмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2004,38 б

5.Ахмедов Д.Қ. Халқ ҳокимиятчилиги. Рисола. Тошкент, 2002, 103.б

6.БобоевҲ.Б., Норматов К, Миллий давлатчилик ҳақида.Т.: Ўзбекистон, 1999.

7.Жалилов Ш.Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти. Тажриба ва муаммолар. –Т.: Ўзбекистон, 1994.

8. Саидов А.Ҳ. Мустақиллик қомуси.Т.: Ўзбекистон, 1993.

9. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: биринчи чақириқ Олий Мажлисининг фаолияти. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

10.Маҳалла - ўзини-ўзи бошқариш органи.–Т.: Фан, 1994.

11. Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни.Т. Адолат, 1995.

12. Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т:- 1995.

13.Одилқориев Ҳ.Т. Новая Консгитуция-великий символ суверенитета Узбекистана,– Т: Адолат, 1993.

14.Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи.Т.: 1993.

15. Хусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунига шарҳлар.Т.: Адолат, 1995.

16. Хусанов О.Т.: Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият.Т.: Шарқ, 1997.

17. Чиркин.В.Е. Конституционное право зарубежных стран.М.: Юрист. 2001.

18. Чудаков.М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.Минск. Новое знание. 2001.

## **XI БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ.**

**1-§. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ўрни ва аҳамияти**

**2-§. Халқ депутатлари Кенгашлари – жойлардаги вакиллик органи сифатида**

**3-§. Ҳоким – маҳаллий ижроия ва вакиллик ҳокимиятининг раҳбари сифатида**

**4-§ . Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолати**

**1-§. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаб олар экан, маҳаллий давлат ҳокимияти тизими масалаласи ҳуқуқий томондан мустаҳкамланди. 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги» қонуннинг 5-моддасида ушбу масалага аниқлик киритилиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши белгилаб берилди.

Мустақилликнинг илк давридаёқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилди. Биринчи марта маҳаллий давлат ва ижроия ҳокимияти органи бошлиғи сифатида ҳоким лавозими мамлакат миқёсида жорий этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги ижро органи фаолиятида яккабошчилик асосидаги раҳбарликнинг тузилишига асосий сабаб шунда эдики, янги даврдаги чуқур ислоҳатларни масъулиятли ижро ҳокимиятсиз амалга ошириб бўлмас эди. Давлатнинг бош ислоҳатчилик роли табиий

зарурат бўлиб, эски тоталитар тузумдан янги жамиятга ўтиш учун фақат кучли ижро ҳокимияти керак эди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг қабул қилиниши маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожланишдаги муҳим даврни бошлаб берди.

Конституциямизнинг XXI боби (99-105 моддалар) «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланди ва шу билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий мақоми белгиланди. Худди мана шу конституциявий нормалар орқали илк бор маҳаллий вакиллик органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими алоҳида қилиб ажратилди.

Илк бор Конституцияда маҳаллий ҳокимият органларининг бўлиниш принципи амалга оширилди, яъни, халқ депутатлари Кенгашлари вакиллик органи сифатида, ҳокимлар ижро этувчи ҳокимият органлари сифатида фаолият юритадиган бўлди. Вилоятлар, туманларда ва шаҳарларда, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлар, туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам ижро ҳокимияти раҳбари сифатида ҳокимлар фаолият юритиши белгиланди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл йўриқлар қарор топтирилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тубдан фарқ қилади. Улар режалаш – тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялари ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органларининг

янги тизими вужудга келтирилди. Уларнинг ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган.»<sup>66</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқий асослари ривожланган демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш, миллий мерос ва анъаналарни этиборга олган ҳолда, ўз менталитетимиздан келиб чиқиб яратилди. Умуман, дунёдаги демократик ривожланган давлатларнинг узок тарихий тажрибаси ва конституциявий анъаналари Республикамиз Конституцияси ва маҳаллий ҳокимиятга доир қонунларида ўз аксини топиб, маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини этиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилиши белгиланди.

1993 йил 2 сентябрга келиб эса Конституцияда белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқий мақомини янада аниқлаштириш ва улар фаолиятининг механизмини шакллантириш мақсадида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларининг ҳуқуқ ва вазифалари ва улар муносабатларининг ҳуқуқий асослари аниқ мустаҳкамланди.

Худди шу куни ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда илк бор ўзини-ўзи бошқариш органларининг мақоми белгилаб берилди.

---

<sup>66</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.155-156-б.

## **2-§. Халқ депутатлари Кенгашлари – жойлардаги вакиллик органи сифатида**

Конституция маҳаллий вакиллик органларини икки бўғинли тизимини мустақкамлади ва ушбу ҳолат «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда ифодасини топди.

Конституциянинг 99-моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Мазкур моддада мустақил Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизими белгилаган. Бу авваллари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишининг ҳамма бўғинида тузилади деган қоидага барҳам берди. Бу нормага биноан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил қилинади. Туманларга бўйсунадиган ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил қилинмайди. Жумладан, Тошкент шаҳри таркибидаги туманларда ҳам вакиллик органлари тузилмайди. Шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органлари тузилмайди.

Маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги асосан вакиллик органларининг ишини ташкил қилиш, йўналтиришдан иборатдир. Ҳокимларнинг жойларда вакиллик ва ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилади деб белгиланиши, маҳаллий миқёсда ҳокимиятнинг бўлиниш принципига амал қилинмагандек туюлади. Аслида ҳокимлар вакиллик органларидан устун турмайди, уларнинг вакиллик

органларини ҳокимларга бўйсунити маъносида эмас, вакиллик органлари ишини ташкил қилиш доирасида бўлади.<sup>67</sup>

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланувчи халқ депутатлари Кенгашлари вакиллик ҳарактерига эга, яъни халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. «Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Халқ депутатлари Кенгашларининг сайлов орқали ташкил этилиши, уларнинг вакиллик ҳарактерини яққол кўрсатади. Яъни сайлов натижасида фуқаролар бу органларга ўзларининг вакиллариини сайлайди. Кенгашларга сайланган депутатлар сайловчилардан ваколат олиб, уларнинг номидан ўз фаолиятини юритади. Улар, бошқача қилиб айтганда, давлат ҳокимияти органларидаги халқнинг мухтор вакилидир.

Халқ депутатларининг сайлови 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Унга кўра, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилиқ асосида беш йил муддатга ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Депутатлар сайловини ўтказиш учун:

- халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда - олтимиштадан кўп бўлмаган;
- халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда - ўттизтадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади.

---

<sup>67</sup> О.Хусанов. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т. “Шарқ”. 1996. 32-б.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон.1992, 16-бет.



Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, худудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда ушбу Қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайлов округлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан, коида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-худудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Қонунинг 9-моддасига биноан сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун: халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;

- Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;

- Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

- округ сайлов комиссиялари;

- участка сайлов комиссиялари тузилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов компанияси бошланганлиги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Қонуннинг 20-моддасига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, бевосита фуқаролар эгадирлар.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бевосита фуқаролар эгадирлар.

23-моддада Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар берилган, унга кўра қуйидагилар:

- содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;
- сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланади. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, фуқароларни рўйхат билан таништириш, овоз беришни ташкил этиш ва сайлов натижаларини аниқлаш тегишли сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатларнинг таркибини кузатсак, улар орасида аҳолининг ҳамма қатламларига тегишли кишилар борлигини кўрамиз, депутатлар орасида турли касб, турли миллат, турли ёш, турли партия, турли жинс вакилларининг мавжудлиги, бу органни ҳақиқатан вакиллик органи эканлигидан далолат беради.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонуннинг 1-моддасига кўра халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг бутун фаолиятини давлат ҳамда фуқароларнинг манфаатини кўзлаб олиб борадилар, натижада давлат манфаати билан фуқароларнинг манфаати ўртасида муштараклик вужудга келади. Ўзбекистон Республикасида давлат фаолиятининг муҳим принципларидан бири қонунийликдир. Бу принцип маҳаллий вакиллик фаолиятига ҳам тааллуқлидир, шунинг учун уларни ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишини конституцияда белгиланиши табиийдир.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади ва башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Қонуннинг 7-моддасида маҳаллий вакиллик органлари ва ижроия органлари фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари берилган бўлиб, унга кўра ушбу мулкларни маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлақ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзлари идора қилаётган ҳудуддаги мулкчиликнинг турли шаклига асосланган корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларида

назарда тутилмаган, тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қиладиган чекловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

Қонуннинг 8-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкани чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг III боби маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асосига бағишланган. 13-моддага кўра, вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;
- вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;
- қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

- фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайрияларидан;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;
- бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус счётларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли **сессиядир**. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ, йилига камида икки марта чақирилади. Депутатлар учун сессиялар давлат ишида қатнашиш мактабидир. Бу билан ҳар бир депутат Кенгаш сессиясида масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, мавжуд камчиликларни очиб ташлаш, Кенгаш, ҳокимлик ва уларга бўйсунган органлар фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш имкониятига эга бўлади. Сессиялар, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади. Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қарор қабул қилинади.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонуннинг 18-моддасида белгиланганидек, халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, депутатлар сўровларини, қарор лойиҳаларини қараб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибига мувофиқ белгиланади.

Халқ депутатлари Кенгаши ҳузурида сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўйбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади. Комиссиялар фаолиятининг ўзига хослиги, энг аввало шундан иборатки, улар орқали депутатлар сессиялар оралиғидаги даврда кенгаш фаолиятига бевосита ва доимий жалб қилинади. Доимий комиссиялар – маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг структуравий органлари бўлиб, кўпчилиги депутатларни, яъни кўп сонли фаолларни бирлаштирувчи, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи органдир.

### **3-§. Ҳоким – маҳаллий ижроия ва вакиллик ҳокимиятининг раҳбари сифатида**

Ҳоким институтининг жорий этилиши ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари ва тарихий тажрибаларнинг қайтадан тикланиши тарихий тажриба ва анъаналарга асосланади. Искандар даврида маҳаллий аҳоли вакилларида Артабоз – Бақтрияда, Оксарт ва Хориён – Сўғдиёна вилоятларида ҳокимлик қилганлар. Хусусан, Амир Темур ва темурийлар давлатчилигида давлат бошқаруви олий даражадаги амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят ҳокимлариқўлида маҳаллий бошқарув асосий ўрин тутиб, улар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар.

Мустақилликнинг илк кунлариданок, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида яккабошчиликни кучайтириш мақсадида ҳоким лавозими таъсис этилди ва 1991 йил декабрь ойида Тошкент шаҳри аҳолиси томонидан илк бор шаҳар ҳокими сайланди. Олий Кенгаш томонидан 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги ” қонун ҳоким институтининг асосий вазифаларини белгирлаб берган бўлса, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги

1993 йил 2 сентябрь қонуни ҳоким институти фаолиятини ташкил этилишини қонунийлаштирди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. «Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин»<sup>1</sup> - дейди Ўзбекистон Президенти.

Ҳокимлик лавозими ижро ҳокимиятини кучайтириш мақсадида вужудга келтирилган. Ҳоким нафақат жойларда ижро ҳокимиятини бошқаради, балким вакиллик органларини ҳам бошқаради,

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 16-бет.

Ҳокимлар вакиллик органларидан фарқ қилиб, тайинлаш йўли билан таъсис этилади. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, лавозимдан озод қилинади, тайинлаш ва озод қилиш вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясида тасдиқланади. Бу вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу жойлардаги вакили эканлигини кўрсатади. Натижада марказий ва маҳаллий ижро органи ўртасида мустаҳкам алоқа вужудга келади. Вилоят Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳокимлик тизмининг юқори бўғинини ташкил этади.

Ҳокимлик тизмининг кейинги бўғини туман ва шаҳар ҳокимларидир. Улар ҳам икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси- вилоят таркибидаги туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳокимлари. Бу ҳокимлар вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда тегишли ҳудуд халқ депутатлари Кенгашида тасдиқланади.

Шаҳардаги туманларнинг ҳокимлари, шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Шаҳар таркибидаги туманларда вакиллик ҳокимияти органлари бўлмаганлиги учун, ҳокимларни лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод қилиш, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳокимлари, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ёки лавозимдан озод қилинади. Туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам вакиллик органи бўлмаганлиги учун, ҳокимни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш масаласи туман халқ депутатлари Кенгашларида тасдиқланади.

Ҳокимларни лавозимга тайинлашда бир томондан Президент ва юқори ҳокимлар, иккинчи томондан тегишли вакиллик органларининг иштирок этиши, ҳокимларнинг юқори ва маҳаллий вакиллик органлари олдида, халқ вакиллари олдида маъсулиятни кучайтиради.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонуннинг 21-моддасига кўра вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади. Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Вилоят, туман, ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятида ҳоким ижроия маҳкамасининг ишини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳоким ўз ваколатларини ижро маҳкамаси орқали амалга оширади.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонуннинг 22-моддасига кўра маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг структураси ва штатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

Мазкур қоидага асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳокимликлар ижроия маҳкамасининг ташкил этиш ва фаолият юритиш низомларини тасдиқлаб, бу аппаратлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги “Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 301-сонли Қарорини қабул қилди. Шунингдек, бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 5 январда “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Бундан ташқари ҳокимликлар ҳузурида тузиладиган комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш Кенгашлар ишини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан комиссиялар тузишнинг ижобий томонлари мавжуд бўлиб, унинг таркиби маълум соҳага тегишли идоралар раҳбарларидан тузилади. Ушбу комиссия ва мувофиқлаштирувчи Кенгашлар маълум соҳада мавжуд масалаларни амалга оширишда соҳага

тегишли идораларнинг бошқарув фаолиятини мувофиқлаштиради, амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Маҳаллий ижроия ҳокимиятлар Котибияти сессияларга, мажлисларга, ҳоким маслаҳат Кенгаши йиғилишларига тайёргарликни ва унда қабул қилинадиган қарорларнинг экспертизасини, маҳкама ишининг истиқбол ва жорий режаларини ишлаб чиқишда, халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияларига услубий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини тезкорлик билан назорат қилинишини ташкил этади. Котибият ҳоким маҳкамаси фаолиятининг ижтимоий, моддий, техник ва ахборот воситалари билан таъминланишини амалга оширади.

Тегишли ҳудуд ҳокимликлари ҳузурида хўжалик ва ижтимоий – маданий қурилиш тармоқларини тезкорлик билан бошқаришни таъминлаш учун тегишли бош бошқармаларини бирлаштирувчи тармоқ мажмуалари тузилади.<sup>68</sup>

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш учун ҳоким ҳузурида Маслаҳат Кенгаши тузилади, унинг таркибига ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, котибият бошлиғи киради.

Маҳаллий ижроия ҳокимият фаолиятини ташкил этишда ҳокимият аппаратида кирувчи бўлимларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Улар қуйидагилар: умумий бўлим, юридик бўлим, ташкилий кадрлар бўлими, ишлар бошқармаси. Умумий бўлим, ҳоким ижроия аппаратида иш юргизишни аниқ олиб боришни таъминласа, ташкилий-кадрлар бўлими, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимият фаолиятини ташкилий, услубий таъминлаш ва ҳоким аппаратида кадрлар танлаб олиш вазифасини амалга ошириш учун тузилади. Ишлар бошқармасининг асосий вазифаси эса, халқ

---

<sup>68</sup> А.Тўлаганов. Давлат ҳокимиятиниенг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. Т.: 2002. 141-б

депутатлари Кенгаши ва ҳоким ижроия аппарати фаолиятига молиявий, техникавий ва транспорт хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этади.

Ҳокимликлар ижроия маҳкамаси ходимлари ва хизматчилари ўзларининг бевосита раҳбарлари – ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари олдида масъулдирлар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонуннинг 23-моддасида белгиланган бўлиб, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан - халқ депутатлари Кенгаши томонидан сессиялар оралиғидаги даврда эса - ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу хусусда қабул қилинган қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, шаҳардаги туман ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Ҳоким ижро маҳкамаси ўз иш фаолиятини мавжуд конституциявий нормалар, қонунлар, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ижро маҳкамасининг Регламенти асосида амалга оширади.

Маҳаллий ижроия органининг раҳбари сифатида ҳокимнинг ваколатлари қонуннинг 25-моддасида аниқ санаб ўтилган. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

- қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар

Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

- Жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

- Вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

- ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

- ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

- қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

- раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

- халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

- давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;
- республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;
- аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

#### **4-§. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолати.**

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги ҳамда уларнинг таркибидаги маҳаллалардаги ва шаҳар таркибидаги маҳаллардаги фуқароларнинг йиғинидир. Бу йиғинлар кундалик фаолият юритиш учун 2,5 йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаб қўяди. Ушбу жараён 29 апрель 2004 йилда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” ги қонун билан тартибга солинади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

Қонуннинг 9-моддасига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намоёндалар вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тартиби қонуннинг 14-моддасида берилган бўлиб, унга кўра фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади. Ушбу лавозимга номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган

бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этишга кўмаклашади, давлат ҳокимияти органларига, қонунларни юқори давлат органларининг ҳужжатларини, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади. Конституцияда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, уларнинг вазифаси, ваколатлари қонун билан белгиланиши кўрсатилган. Конституциянинг шу нормасини ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> қабул қилинган. Бу қонунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғилиши (йиғини) ва раиснинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабати асослари белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши-фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан шуниндек миллий ва маънавий қадриятлар ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳалларда ўзини-ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 9-сон, 322-модда.



фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

Фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- Демократизм;
- ошкоралик ;
- ижтимоий адолат;
- нсонпарварлик;
- маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;
- жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шуниндек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шуниндек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиш учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралаштиришга йул қўймайдилар,

фуқароларга ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар. Куйидагилар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидир:

- Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши) (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади)

- Фуқаролар йиғинининг кенгаши Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади)

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олиниши керак. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғини органларини ва уларнинг мансабдор шахсларни сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин еки очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини-фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг юкори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллий ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Шаҳарча қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ овул фуқаролар ўзини-

Ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ овул фуқаролар йиғини ва шаҳарчадаги маҳалла фуқаролар йиғини:

- фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

- фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раисининг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

- Кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

- фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва ҳаражатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

- қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни ўтказувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларина тавсия этади;

- халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятининг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

- тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

- йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғимларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларини ҳисоботларини эшитади;

- фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

- ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун алоҳидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;
- пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;
- атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;
- гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;
- маъмурий –ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;
- ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияга ўз вакилини юборади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу модда назарда тутилган ваколатлардан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини хал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий кўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади. Шаҳарча қишлоқ овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлар қандай фойдаланилаётганлигини тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва хал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини:

- фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

- раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

- қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлайди, комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботларини эшитади;

- ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади. Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

- фуқаролар йиғинини чақиради;

- фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказди;

- фуқаролар йиғини раисининг (оқосоқолининг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади;

- оммавий–сиёсий, маънавий–маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

- хотин–қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий–ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора–тадбирларни кўради;

- рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора–тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади;

- тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

- икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан тартибда тайинлайди ва тўлайди;

- бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

- мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар, саргарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ хунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кейинчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади;

- аҳолининг уйларини, ҳовлиларидаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жихозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлаклар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларга ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади:

- ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади;

- деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади;

- тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;



- аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

- ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишига кўмаклашади;

- иморатлар қуриш ҳамда ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- уй – жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

- аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

- фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш ҳаражатларини ва коммунал хизматлар ҳақини банк муассаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй жой-коммунал хизматлар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек, ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

- аҳолини фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга жалб этади, ҳарбий хизматга мажбурийлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақириладиганликларидан хабардор этишни ва чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, шунингдек, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда уларнинг шахсий-бирламчи ҳисобини юритади;

- жазони ижро этиш муассаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий–меҳнатга тиклаш ва жинойтчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади;

- илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фахрийлардан, хотин-қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакиллари жумласидан комиссиялар тузади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика оксоқоллар Кенгаши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оксоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар, ҳокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Фуқароларнинг йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғинининг раиси (оксоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очик ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳар бир йиғинда йиғин ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолда баённома юртилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарорини фуқаролар йиғинининг раиси (оксоқоли) ва маъсул котиби имзолайдилар. Раис (оксоқол) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомасини раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва маъсул котиб имзолайди. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади, мавзелар,

дахалардан фуқароларнинг намоёндалари вакил қилинишлари мумкин. Вакиллик нормалари тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими томонидан белгиланади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ва бундай йиғилиш ушбу Қонунда фуқаролар йиғинларини ўтказиш тартибига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ ўтказилади. Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, зуруратга қараб, лекин ойида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини кенгашинининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади. Раиснинг маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича йиғин томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, унинг ходимлари сони йиғин томонидан белгиланади. Йиғиннинг масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари йиғинни, кенгаш мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайдилар, йиғиннинг, кенгашнинг ва раиснинг (оқсоқолнинг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайдилар, иш юритилишни амалга оширадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобига ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кўрилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий – маиший ва бошқа мақсаддаги, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролар ўзини бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисоб варақада сақланади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустаил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланилганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олидида ҳисоб беради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида органларига ҳисобот тақдим этади.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий–худудий бирликлар, шунингдек,

маҳалла қўшилганда, бўлинганда, тугатилганда фуқаролар йиғинининг қарорига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал этилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишга доир фуқароларнинг ҳуқуқларини бузган давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикасида жойлардаги халқ ҳокимиятчилиги намоён бўлиши шаклларида бири бўлиб, бу органлар орқали аҳолининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги эҳтиёжлари амалга оширилади. Мазкур органларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли масалаларни ўрганиш жуда муҳимдир. Чунки ,

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш йўллари иккита асосий шаклда амалга ошириладиган бўлса, бу бевосита ва вакиллик демократик асосда бўлади. Бунда демократиянинг иккала шакли ҳам намоён бўлиши бевосита маҳаллий вакиллик органлари билан боғлиқдир. Бу органнинг сайлаш жараёни бевосита демократик, уларнинг фаолияти эса вакиллик демократиядир.

Бундан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиб айтсак бўладики, Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ҳокимият органлари тизими халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари.**

1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари тизимини кўрсатинг.
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг ташкил этилиши қандай?
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий вазифаларига нималар киради?
4. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши қандай амалга оширилади?
5. Маҳаллий ижроия органларининг ҳуқуқий мақоми деганда нимани тушунасиш?
6. Маҳаллий ижроия органларининг структурасини кўрсатинг.
7. Халқ депутатлари Кенгашлар сессияларини чақириш тартибин кўрсатинг.
8. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиш?
9. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби қандай?
10. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини Кенгаши фаолияти қандай?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

#### **1. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-бет.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 бет.
5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-4 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 бет.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А.: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2000 йил 8 декабрь.
12. Каримов. И.А Конституция ҳақида.–Т.: Академия, 2001.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: « Ўзбекистон», - 96 б.

## **2. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003

йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва кўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон, 2003.-40б.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 1991 йил 31 августдаги конституциявий қонуни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни. (Янги таҳрири) 2003 йил 29 август.

4.Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000.

5. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»га Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 14-сон–Т.: Адолат, 1997.

6. Ўзбекистон Республикасининг « Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари” тўғрисидаги 2002 йил 4 апрел ("Халқ сўзи", 78(2906)-сон, 2002 йил 12 апрель)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси тўғрисида конституциявий қонуни (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни)"

8.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Конституциявий Қонуни)

9.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни)



10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни)

11.«Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 4 январь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 5-сон.–Т.: Адолат, 1992.

12.«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 йил 2 сентябрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон.–Т.: Адолат, 1994.

13.«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 14 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон.–Т.: Адолат, 1999.

### **3. Дарслик, ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар**

1. Саидов А.Ҳ. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни.– Т: 1992.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Т. “ Молия” нашриёти, 2002 йил - 632 б.

3.Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.Т.: Шарқ, 1997,

4.Ахмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2004,38 б

5.Ахмедов Д.Қ. Халқ ҳокимиятчилиги. Рисола. Тошкент, 2002, 103.б

6.БобоевҲ.Б., Норматов К, Миллий давлатчилик ҳақида.Т.: Ўзбекистон, 1999.

7..Жалилов Ш.Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти. Тажриба ва муаммолар. –Т.: Ўзбекистон, 1994.

8. Саидов А,Ҳ. Мустақиллик қомуси.Т.: Ўзбекистон, 1993.

9. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: биринчи чақириқ Олий Мажлисининг фаолияти. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

10.Маҳалла - ўзини-ўзи бошқариш органи.–Т.: Фан, 1994.

11. Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни.Т. Адолат, 1995.
12. Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т-: 1995.
- 13.Одилқориев Ҳ.Т. Новая Конституция-великий символ суверенитета Узбекистана,– Т: Адолат, 1993.
- 14.Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи.Т.: 1993.
15. Ҳусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунга шарҳлар.Т.: Адолат, 1995.
16. Ҳусанов О.Т.: Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият.Т.: Шарқ, 1997.
17. Чиркин.В.Е. Конституционное право зарубежных стран.М.: Юрист. 2001.
18. Чудаков.М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.Минск. Новое знание. 2001.

## **ХII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

**1-§. Ўзбекистон Республикасида суд тизимининг конституциявий асослари**

**2-§. Суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари**

**3-§. Ўзбекистонда судьяларнинг конституциявий –ҳуқуқий мақоми**

**4-§. Ўзбекистонда суд –ҳуқуқ ислохатларининг ҳаётий зарурияти**

### **1-§. Ўзбекистон Республикасида суд тизимининг конституциявий асослари**

Ҳуқуқий демократик давлат - эркин фуқаролик жамиятида суд ҳокимиятининг мавқеи юксак саналади, бинобарин, адолатни таъминловчи маҳкама сифатида айнан суд эътироф этилади.

Суд ҳокимияти бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатли органдир.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил шаҳобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоми ҳолатларини муҳокама этиб, ҳал этади.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишнинг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги 2000 йил 14 декабр) қонуни билан белгиланади.

Конституцияда мустақкамлашга, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими қуйидаги судлардан ташкил топган:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Олий суди.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди.
- 4.Қорақолпоғистон Республикасининг Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.
- 5.Ҳарбий судлар.
6. Қорақолпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулотда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

**Қонун судларни ташкил этиш, уларни сайлаш ва тайинлаш тартибини белгилайди**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Судлар туғрисида”ги қонунига мувофиқ содиқлик, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги суд тизими фаолиятининг асосий принципларидир.

**Францияда конституциявий назоратни бошқа давлатлардаги каби суд органлари эмас балки, махсус Кенгаш томонидан амалга оширилади.**

Суд ишлари ичида энг асосий вазифа одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, суд ҳокимиятининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатлари ҳам мавжуд:

- 1) конституциявий назорат;

- 2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятлари ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларининг қонунийлигини текшириш;
- 3) суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш;
- 4) судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чиқиш;
- 5) суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш ваколати;
- б) судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва унинг органларига ёрдам бериш ваколати.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир .

Суд ҳокимияти фаолиятининг конституциявий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”, “Судлар тўғрисида”, “Ҳарбий судларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом”, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал, Маъмурий жавобгарлик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят ижроия кодекси ва бошқаларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-109-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан – Конституциявий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялардан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибида сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари, сиёсий партиялари ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 – моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди:

- 1) Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларнинг ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Конституциясига мослигини аниқлайди;
- 2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Уларга қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолиятини кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса “Судлар тўғрисида”ги қонун асосида фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб боради ва уларнинг ишларини умумлаштиради.

**Буюк Британияда қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи парламентнинг юқори палатаси, яъни Лордлар палатаси айти вақтда одил судловни амалга оширувчи олий суд органи ҳамдир.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Ҳарбий ҳайъат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

<sup>4</sup> Қаранг. “Судлар тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги қонун. 2000 йил 14-декабрь.13-модда.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар ҳам фаолият олиб боради.

Ҳарбий судлар тизими «Судлар тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган ва қонуннинг 39-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий хайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

Ҳарбий судлар тизимида асосий бўғин округ ва ҳудудий Ҳарбий судлар ҳисобланади, улар фақат биргина функцияда, биринчи инстанция бўйича ўз ваколат доирасида ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Вилоят суди мақомига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳарбий судлар тизимида ўрта бўғин ҳисобланади.

Ҳарбий суд тизимида энг юқори суд инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлиб, унинг таркибига ҳарбий хайъат киради.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги кўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни; ҳарбий қисмлар, кўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни; алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари



фаолият кўрсатмаётган жойларда ҳамма фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирлари тааллуқли ишларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодиёт ва хўжалик соҳасида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун хўжалик судлари жорий этилди. Хўжалик судлари “Судлар тўғрисида”ги қонун асосида фаолият олиб боради.

**Италияда ҳатто сувдан умумий фойдаланиш ишлари бўйича махсус вилоят трибунали (суди) ҳам мавжуд.**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати;

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўз судлов тизими шаклланди, ҳуқуқий асослар яратилди. Тажриба шуни кўрсатдики, мазкур тизим одил судлов манфаатларига тўла жавоб беради, фуқаролар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли қафолат бўлиб ҳисобланади.

## **2- §. Суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари**

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда” асарида: “...Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда, ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил тармоғига айланади”<sup>6</sup>, деб таъкидлаш бежиз эмас.

Суд ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқларидан ҳоли равишда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилиш ва бир қатор принципларига риоя этиш зарур бўлади.

Қонунийлик одил судловнинг асосий тамойилларидан биридир “Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”<sup>6</sup>.

---

<sup>5</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирда”ги қонуни.2000 йил 14-декабрь.44-модда.

<sup>6</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон. 1999. 29-30 бетлар.

Қонунийлик деганда барча давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва уларга мувофиқ келадиган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилиш ва ижро этиш тушунилади.

Бундай тамойил одил судлов учун давлат фаолиятининг ушбу тури, юқорида уни таърифлашда қайд қилинганидек, қонун талабларига риоя этган ҳолда ва унда белгиланган фуқаролик ва жинойт ишларини кўриб чиқиш таркибига оғишмай амала қилиш билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли алоҳида аҳамият касб этади. Қонунга риоя қилинмайдиган жойда одил судлов ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу кўпроқ зўравонлик бўлади, бундай «одил судлов» ўзининг ижтимоий функциясини бажаришга қодир эмас.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида берилган бўлиб, унга кўра «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади». Шу билан бирга “Ҳар бир киши ўзининг ҳуқуқлари ва бурчларини ҳамда унга қўйилган жиноий айбнинг асослигини белгилаш учун тўлиқ тенг ҳуқуқлилиқ асосида ўз ишининг мустақил ва ҳолис суд томонидан ошқора тарзда ва адолатлилиқнинг ҳамма талабларига риоя қилгани ҳамда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир. Судлар мустақиллиги тамойилининг моҳияти суднинг ташқаридан аралашувисиз, қандайдир тазйиқсиз ёки бошқача таъсир кўрсатишсиз, қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда масъул қарорлар қабул қилиш учун реал имконият берадиган шароитларни таъминлашга интилишдан иборат.

---

Суднинг мустақиллиги асосан иккита асосий элемент йиғиндисидан ташкил топади: бу суд ҳокимияти ва судьяларнинг ўзларининг ташкилий (институционал) ва функционал мустақилликдир.

Суд ҳокимияти ташкилий мустақиллигининг моҳияти судлар ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларига бўйсунмаслиги ва холис ҳамда мустақил бўлиш лозимлиги ҳақидаги ғоядан иборат. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳокимиятнинг ваколатларига кирадиган қарорларни қабул қилиш мумкин эмас. Бундан ташқари, судлар фаолиятининг молиялаштириши фақат қонун чиқарувчи ҳокимият тасдиқлайдиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Уларнинг моддий – техника таъминоти ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган воситаларга доир ишларнинг ташкил этилиши “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, махсус ваколатли орган томонидан бажарилади.

Судларнинг функционал мустақиллиги судьяларнинг ишларни ҳал этишда фақат Конституцияга ва қонунга бўйсинишини назарда тутди. Одил судловни амалга оширишнинг процессуал кодексларга биноан белгиланадиган қоидалари судьяларнинг ишларини кимларнингдир фикрлари, талабларидан ҳоли бўлган ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал этиши, шу жумладан судьялар маслаҳатида ўзининг ишига доир фикр мулоҳазаларни баён қилишни таъминлаши лозим. Жумладан, суд фақат ушбу ишга дахлдор суд таркибига кирадиган судьялар иштирокида маслаҳат хонасида иш юзасидан қарор чиқаради. Бошқа шахсларнинг қатнанашишига эса йўл қўйилмайди.

Судьялар ҳам, шунингдек, маслаҳат пайтида билдирилган мулоҳазаларни ошкор қилишлари мумкин эмас.

Одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай аралашуви, қонун жинойи жавобгарликка тортилишигача бўлган даражада

таъқиб этади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасидан).

“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”.<sup>7</sup>

**Қонун олдида тенглик** – бу қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳамма фуқароларга нисбатан бир хилдаги қўлланилишидир. Бунда нафақат ҳуқуқларнинг берилиши балки, уларни амалга оширилишини тартибга соладиган қонунларга мувофиқ жавобгарлик қўлланилиши ҳам назарда тутилади. Ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти реал бўлиши учун қонун ҳар хил сабабларга кўра ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган шахсларга қўшимча кафолатлар белгилайди (вояга етмаганлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллар ва ҳ.к.).

**Суд олдида тенглик** тушунчаси қонун олдида тенглик тушушчасидан жиддий фарқ қилмайди. У суд олдида у ёки бу тарзда турган барча фуқароларга тенг процессуал ҳуқуқлар берилишини ва тегишли мажбуриятлар юкланишини аниқлатади.

Ҳолис суд олдида ҳамманинг тенглиги ҳуқуқ ҳақидаги низо иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги, расман тенглигини аниқлатади. Суд олдида мулкӣ аҳволи, лавозими ва шулардан қатъий назар, ҳамма расмӣ равишда тенгдир. Жумладан, ҳуқуқларнинг фақат суд қарори асосида четланишига йўл қўйилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳамманинг қонун олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон фуқароларига, шу билан бирга, ажнабий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишлидир. Қонун талабларига кўра, давлатнинг бир қатор мансабдор шахслари, судьялар, депутатлар, прокурорлар учун уларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида қоидалари белгиланган.

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 18-моддаси 1-сисми.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг таъминланиши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиши ҳуқуқи, шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 14-моддасида, “Инсон ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа Конвенциясининг 6-моддаси биринчи қисмида мустаҳкамлаган.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судда шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунда аниқлаштирилган. Ҳуқуқ ва эркинликларни судда ҳимоя қилиш ҳар бир кишига кафолатланади. Ушбу ҳуқуқ ўз манфаатларини шахсан, адвокат ёки қонуний вакили орқали ҳимоя қилиш мумкин бўлган жисмоний шахсга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қилган маърузасида шундай деб таъкидлади: «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янги, демократик тамойилларига асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади».<sup>9</sup>

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи юридик ёрдам олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир, чунки қонунларни, уларни қўллаш амалиётини, судларда ишларни юритиш тажрибасини билмасдан туриб, суд ҳимоясида бўлиш имкониятларини самарали амалга ошириш мумкин эмас. Юридик

---

<sup>9</sup> "Адолат – сонун устуворлигида" Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг иккинчи чағире олтинчи сессиясидаги маърузаси – Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

касбларни эгаллаган кишилар бундай хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, улар судда ўзини ҳимоя қилишга муҳтож кишиларга ёрдам бериши керак.

Қонуннинг бузилишида олиб келган барча ҳатти-ҳаракат, қарорлар ёки ваколатларнинг ошириб юборилиши ёхуд кимнингдир ҳуқуқларини паймол қилиш каби ҳоллар устида судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, нафақат Конституциявий, шу билан бирга бошқа барча ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳам суд ҳимоясида бўлади. Нафақат Конституция қафолатлаб кўйган, шу билан бирга қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқларнинг ҳимояси масаласида ҳам судга мурожаат қилиш мумкин. Бузилган ҳуқуқнинг хусусиятига қараб, уларни ҳимоя қилиш тегишлича Конституциявий фуқаролик, маъмурий, жиноят ва хўжалик суд ишларини юритиш тартибда амалга оширилиши мумкин.

**Айбсизлик презумцияси** тамойили. “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқиб, унинг айби аниқламагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”<sup>10</sup>. “Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир киши унинг айбдорлиги унга ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланадиган судда ошкора кўриб чиқиш йўли билан қонуний тартибда белгиланмагунигача айбдор эмас деб ҳисобланиши ҳуқуқига эга” дир.

Ушбу тамойил фақат ишларни жиноят судида кўриб чиқиш асосида амал қилади, айбсизлик презумцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатлар: инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (11-модда). Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (14-модда). Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (6-модда 2-қисм) қоидаларига мувофиқ келади. Одил судловни амалга оширишнинг ушбу Конституциявий тамойили айбланувчининг нафақат жиноят процессидаги шу билан бирга, у субъект сифатида

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 26-моддаси.

катнашадиган барча ижтимоий муносабатларидаги ҳуқуқий мақомини белгилайди. Ҳатто, айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар унинг меҳнатга оид, оммавий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари сақланиб қолади.

Умуман олганда, ушбу Конституциявий меъёр бевосита амал қиладиган меъёр бўлиб, суднинг қонуни кучга кирган айблов ҳукми бўлмаган тақдирда ҳар қандай шахс билан айбдор билан муомала қилгандек муомалада бўлишини таъқиқлайди. Бироқ ушбу айбланувчи (гумон қилинувчи) жиноят содир қилганлиги тўғрисида асосли гумон мавжуд бўлганида, бундай шахснинг айрим ҳуқуқлари (масалан, эркин юриш, ёзишмалар, почта ва телеграф, хабарномаларини олиш ва юбориш ҳуқуқлари) қонунда назарда тутилган тартибда чекланиши мумкин. Қонуний кучга кирган оқлов ҳукми айбсизлик презумцияси тамойилига мувофиқлигининг айбсиз, деб эълон қилинишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига кўра, барча судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни очик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. “Ҳар бир киши ҳар қандай жиноий айбловни, унга қўйилаётган жиноий айбловни кўриб чиқишда ёки қандайдир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ишнинг қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва ҳолиси суд томонидан адолатли ва ошқора тартибда кўриб чиқиш ҳуқуқига эга” дир.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси судлов ишларини юритишнинг ошқоралик тамойилини назарда тутди. Ушбу модда мазмунида шундай хулоса келиб чиқадики, «ошқоралик» тамойили «судда ишларнинг очик кўриши» атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Бу тамойил, шунингдек ФПКнинг 10-моддаси, ХПКнинг 8-моддаси ва ЖПКнинг 19-моддаси билан ҳам тартибга солинади.

Унинг моҳияти шундан иборатки, у ёки бу суд иши бўйича процесс иштирокчиси бўлмаган фуқароларнинг ҳам ишининг кўриб чиқишида, суд



муҳокамаси пайтида иштирок этиш имконияти таъминланади. Бу суд фаолиятининг яхшиланишига кўмаклашади, уни вужудга келтирадиган масалаларнинг ҳал этилишига кўпроқ маъсулият билан ёндашишга мажбур қилади, фуқароларни қонунийликни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялашга таъсир кўрсатади, теварак атрофдагилар учун профилактик аҳамият касб этади ва шу тариқа, жамоатчиликнинг одил судлов устидан назорат юритишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Суд ишларини юритиш тили тамойили. 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 3-қисмига кўра, “Ҳар бир киши унга қўйилган ҳар қандай жиноий айбловнинг кўриб чиқилишида, агар у суд жараёнида қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзламаса, бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир”.

“Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойидаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишларини олиб бораётган тилни билмайдиган судда қатнашуви шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади”.<sup>11</sup>

Суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти кафолатланади. Таржимон эса ўз навбатида, ишнинг кўриб чиқилишида ўз вазифаларини аниқ ва тўлиқ амалга оширишга мажбур. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги жиноий жавобгарликка тортишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Таржимоннинг айбланувчига (гумон қилинувчи, судланувчига) кўрсатиладиган хизматлари ҳар доим ҳам бепул бўлади.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини ва жумладан, таржимон хизматларидан фойдаланиш ўзининг она тилида сўзлаш, баён этиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришлари шарт. Тергов ва суд ҳужжатлари ҳам бундай

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддаси.

шахсларга улар тушунадиган тилга таржима қилинган ҳолда топширилади. Бундан ташқари суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсга дастлабки терговда ва ишнинг судда кўриб чиқилишида мажбурий тартибда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши тамойили: “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади”<sup>12</sup>.

Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ўзи танлаган ҳимоячи иштирокида судланиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш, мабодо у ҳимоячига эга бўлмаса, у бундай ҳуқуққа эга эканлиги ҳақида ҳабардор қилиниши ва одил судлов манфаатлари талаб қилган ҳолларда унинг учун ҳимоячи хизматларига пул тўлаш имконияти бўлмаганида ҳар қандай ҳолда бепул тартибда тайинланган ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир

Бу тамойил Конституциянинг 116-моддасидан ташқари «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси ва ЖПКнинг 20-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёрлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларда ҳимояланиш ҳуқуқи борлигини нафақат эълон қилади, балки айни бир вақтда, бу ҳуқуқнинг кафолатланганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон Республикасида Судлар ушбу тамойилларга асосланган ҳолда иш юритиб қонунга итоаткорлик руҳида фаолият кўрсатадилар.

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 116-моддаси

### 3-§. Ўзбекистонда судьяларнинг конституциявий –ҳуқуқий мақоми

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайланиш тартиби, тайинланиши ва лавозимини эгаллаши, улар мустақиллигининг кафолатлари, шунингдек уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги қонун нормаларида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида” ги қонуннинг 61-моддасига кўра, судьялар олдига бир қанча талаблар қўйилади. Буларга:

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ

Биласизми, Японияда Олий суд судьялари умрбод тайинланади (Олий суд раиси Император томонидан, қолган аъзолари Ҳукумат томонидан). Қуйи буғиндаги судьялар эса 10 йил муддатга Ҳукумат томонидан тайинланади.

маслаҳатчиси бўлиб, судларда иштирок этишлари мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўн саккиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

Конституция ва қонун судьяларга асосий талаблардан ташқари, қатор қўшимча талаблар ҳам ўрнатилганлигини таъкидлаш лозим:

-судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас;

-судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас;

-судьялар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас;

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддасига кўра судьялар қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар:

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;
- мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;
- уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.
- Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Судьялар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 70-моддасига кўра , судьялар ўз фаолиятларида дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 71-моддасига мувофиқ, судьяларнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- Судья жиноий жавобгарликка тортилган бўлса;

- судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;
- судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;
- судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.
- Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига баҳо бериш мақсадида судьяларнинг малака ҳайъатлари вақти-вақти билан судьяларнинг малака аттестацияларини ўтказиб туради. Судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади, шу билан бирга судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

#### **4-§. Ўзбекистонда суд – ҳуқуқ ислохотларининг ҳаётий зарурияти**

Мамлакатимизда барса соҳаларда ўтказилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусияти, бу уларнинг босқичма-босқичлигида намоён бўлади, чунки ҳар бир босқичда аниқ чораларнинг амалга оширилиши ижтимоий, моддий ва ташкилий шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг судларни ихтисослаштиришни назарда тутувчи 2000 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги Фармони судларнинг мутлақо янгидан тузилишига асос солди.

Мазкур Фармон суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтирди. Шунинг учун фуқароларнинг судларга бўлган ишончлари ортиб, бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан судга

мурожаатлари кўпаймоқда. Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш масаласи ижро ҳокимияти аралашувидан бутунлай холи қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги Фармони билан "Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси" нинг янги таҳрирдаги низоми қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар фуқаролар турмуш тарзига тўлиқ кириб келаётганлиги кундан кунга яққол сезилиб бормоқда. Президентимиз томонидан жазо амалиётини либераллаштириш масаласи кун тартибига кўйилгач, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш, иқтисодий соҳада жмнойт содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда идтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш жиноятчиликнинг олдини олишда самаралироқ усул эканлиги қонунлаштирилди. Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилиш билан бирга судланувчиларга оғир жазо тайинланиш амалиётини қаттиқ қораладилар. Ҳақиқатан ҳам жазо тайинлашдан мақсад жиноят содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир.

Иқтисодий жиноятларни содир қилган ва жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаган кўплаб маҳкумлар қамоқ жойларидан озод этилди. Статистик маълумотлардан кўринишича, мазкур қонун амалга киритилганидан буён бир йил давомида жиноят оқибатида етказилган 2.514.335.000 сўмлик моддий зарар қопланганлиги туфайли 2026 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг асоси айнан суд-ҳуқуқ соҳасидаги ижобий ўзгаришларга боғлиқ эканлигини Юртбошимиз кўп бора таъкидлаган. Хусусан, иккинчи чақириқ Олий



Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида "Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш" зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек: "Бу соҳадаги энг муқим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар"

Баъзи процессуалчи олимлар фикрича, суд ҳокимияти «қонун-га бўйсундирилган ва суд ишларини юритиш тартибида қонунни қўллашга даъват этилган органлар тизимини ташкил қилади»<sup>13</sup>. Суд ҳокимиятини таърифлашга доир бошқача ёндашув уни суд ишларини кўриб чиқиш билан борлиқ фаолият сифатида тушунишдан иборатдир. Ҳар иккала концепция тарафдорлари томонидан тақдим этилган суд ҳокимияти тушунчасида узвий бирликни ташкил этадиган иккита асосий жиҳат ажратиб кўрсатилади.

Суд ҳокимиятини амалга ошириш тартиб-қоидаларининг бир неча кўринишлари қарор топганки, уларга суд ишларини юритишнинг конституциявий, фуқаролик, хўжалик, жиноий ва маъмурий турлари киради. Бундай суд ишларини юритиш махсус қонун ҳужжати билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмори керак. Суд жазоловчи органдан

---

<sup>13</sup> Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводство.Т.1.СП.б.1996.С.158

оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”<sup>15</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий кадам бўлди. Бу нарса, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатлигини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлайди. Судлар ихтисослашуви одил судловни амалга ошириш учун қўшимча кафолат бўлади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германияда кўплаб ўн йилликлар давомида одил судловнинг ихтисослашган судлар томонидан амалга оширилиши ўзини оқлаб келмоқда. Шу мамлакатларнинг айримларида судьялар ихтисослашуви бундан ҳам кенгроқ бўлиб, масалан, оила, меҳнатга оид ишлар, вояга етмаганларнинг ишлари ва шу кабилар бўйича табақалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам суд фаолиятини янада ихтисослаштириш йўлидан илдам бормоқда.

“ Судлар тўғрисида”ги қонундаги асосий янгиликлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви-фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этилишини жорий қилишдан иборат бўлди. Қонун илк марта умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири- ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилишининг жорий этилишини назарда тутди.

Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган ва республикада ҳўжалик судлари тизимида қўлланиб келинади. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита

---

<sup>15</sup>И.А. Каримов . Ҳозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазибалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида.

текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради, бу эса, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтиради, суд ишларини юритиш самарадорлиги ва оперативлигини оширади, давлат маблағларининг жиддий тежалишига олиб келади.

Жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунларига ўзгартиришлар киритилиши судлар ихтисослашуви жорий этилишининг мантиқий давоми бўлди, бундай ўзгартиришлар туфайли процесс иштирокчилари ҳуқуқларига риоя қилинишининг процессуал кафолатлари кенгайди, судда ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга доир қонуний механизм кучайтирилди, суд процессида тортишув тамойили таъминланиши томон кескин қадам қўйилди.

Бундан ташқари, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтларининг жорий этилиши судда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида тузатиш учун қўшимча кафолат ҳисобланади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши давр талаби эди. Бу қонун судлар мустақиллигини мустаҳкамлади, судьялик лавозимига тавсия қилишнинг янги тартибини белгилади. Қонуннинг ушбу талаби ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган-суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника

жихатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Департаментнинг асосий вазифаси суд ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва маблар билан таъминлашга доир ишларни ташкил этишдан ташқари, судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг самарали ўзлаштирилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Судьялар ва суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳам Департамент вазифаларига киради.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти янги босқичининг бошланғич нуқтаси, шубҳасиз, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов сессияда сўзлаган нутқида Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг ғоят катта аҳамиятини, мамлакатнинг ўн йил давомида демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиши шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилган.

Туб ўзгартиришлар муҳимлигини таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолатпарварлик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда либераллаштириш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Ушбу сессияда республика парламенти Ўзбекистон Республи-каси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чикди.

Олий Мажлис томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг иккинчи босқичини бошлаб берган қонуннинг қабул қилиниш натижасида жиноят қонун ҳужжатларининг умумий йўналиши бутунлай ўзгариб, ҳуқуқий

демократик давлат қоидаларига, фуқаролик жамиятини шакллантириш шарт-шароитларига янада кўпроқ даражада мувофиқ бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини яратишдан, умуман олганда, хусусан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг менталитетини ўзгартиришдан иборат бўлса, ҳозирги асосий вазифа эришилган натижаларни мустахкамлаш, уларнинг самарадорлиги ва реаллигини " сўзда эмас, қоғозда эмас, балки амалий ҳаётда фуқароларнинг ҳуқуқий ва эркинликларининг зарур кафолатларини таъминловчи демократик принципларни" рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасини жамлаб олганда олдимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини ривожлантиришнинг янги истиқболлари кўндаланг бўлади, энг аввало, уларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларга ҳар томонлама ёндошиш ва изчил равишда амалда рўёбга чиқариш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисида "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа сифатида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш вазифаларини қўйди ва улар-ни бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари эканлигини таъкидлади.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу ислохотларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб,

уларнинг суръати ва натижалари ҳар биримизнинг бугунги кундаги шижоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Суд-ҳуқуқ тизимини бундан буёнги ислоҳ қилишнинг моҳияти ва маъноси "Адолат қонунни оғишмай рўёбга чиқаришдадир" деган қоидадан иборат бўлмоғи лозим. Айни мана шу ғоя суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тамойилининг ўзагига, унинг руҳи ва моҳиятига айланиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига дахл қилиб қолмай, балки жамият давлат қурилишини бутунлай ислоҳ қилиш жараёнининг таркибий қисмига ҳам айланиши керак. Шу муносабат билан модернизациялаш қонуннинг шак шубҳасиз устуворлиги қоидасига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу эса, суд-ҳуқуқ тизими нуқтаи назаридан олганда қуйида келтирилаётган принципиал масалаларни қонун йўли билан ҳал этишни тақозо қилади:

Судьялар ва судларнинг ихтисослашувини давом эттириш, шак шубҳасиз, суд ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида ташланган муҳим ва амалий қадам бўлди.

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари.**

- 1.Ўзбекистонда давлат органлари тизимида суд ҳокимияти қандай аҳамиятга эга?
- 2.Суд ҳокимиятининг асосий принципларига нималар киради?
- 3.Судларни сайлаш ва тайинлаш тартиби айтилинг?
- 4.Ўзбекистонда суд тизими санаб беринг?.
5. Конституциявий суд вазифасига нималар киради?
6. Олий суд вазифаси нималардан иборат?
7. Хўжалик судлари ваколатларини санаб беринг?
- 8.Судьяларнинг дахлсизлиги деганда нимани тушунасиз?
9. Судьялар ўз фаолиятини қайси тамойиллар асосида амалга оширади?

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

### 1.1. Рахбарий адабиётлар.

- 1.1 .И.А.Каримов, "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". Т.1. Ўзбекистон 1996 й.
- 1.2. И.А.Каримов, "Биздан озод ва обод Ватан қолсин." Т.2 Т. Ўзбекистон. 1996 й.
- 1.3 .И.А.Каримов, "Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби." Т.Ўзбекистон. 1997 й.
- 1.4. И.А.Каримов, "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида." Т.-6. Ўзбекистон. 1998 й.
- 1.5 .И.А.Каримов, "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз." Т.7-Т. Ўзбекистон. 1999 й.
- 1.6. И.А.Каримов, "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз." Т.8-Т. Ўзбекистон. 2000 й.
- 1.7.И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи. 29 август 2001 йил.
- 1.8.Каримов И.А. Биз танлаган йўл –демократия тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.-420 б.
- 1.9.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.
- 1.10. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». / Президент И.А.Каримовнинг “Независимая газета” мухбирининг саволларига берган жавоблари / 2005 йил 14 январь / - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005. – 64 б.

## **2.1. Илмий адабиётлар**

- 2.1. Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожихонов, А.Х.Саидов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.
- 2.2. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997 й.
- 2.3. Конституции мира: Сборник конституций государств мира / Сост., авт.: У. Таджиханов, А. Х.Саидов, -Т., 1997 й.
- 2.4. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т. “Академия”, 2001 й.
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи.Т. Молия нашр. 2002.-632б
- Маждународных договоров и Законов Республики Узбекистан). Т. I. (Сост. А.Х.Саидов; Гл.ред. В.Э.Шалль; Отв.ред.О.В.Шатуновский). – Т.: Шарқ, 1995 й.

## **3.1. Қўшимча адабиётлар**

- 3.1 .Ахмедов Д.К. Ҳорижий мамлакатлар давлат (конституциявий) ҳуқуқи курсини ўрганиш юзасидан ўқув-услугий тавсиянома. Т.: - 1999.
- 3.2. Азизхўжаев.А.А. Давлатчилик ва маънавият/ Масъул муҳаррир О.Т.Хусанов/. – Т.: Шарқ, 1997.
- 3.3. Давлат ва жамиятнинг демократик янгилашиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муоммолари./ Илмий-амалий конференция материаллари//.Т.Тошкент давлат юридик институти. 2002.
- 3.4 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – давлат ва жамият ислоҳотининг ҳуқуқий асоси / Илмий амалий конференция материаллари. 2002.
- 3.5. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т. “Академия”, 2001 й.



3.6 Ўзбекистонда ҳакамлик судлари. Таҳлил ва ривожланиш йўналишлари: илмий-амалий кўлланма / Таҳрир кенгаши: Ҳ.Р. Раҳмонқулов, Ш.М.Асьянов, М.Ш. Куликова ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Ш.М.Асьянов.- Т., “ Шарқ”, 2004

#### **4. Конституция, қонунлар, қарорлар ва низомлар**

4.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVII, XIX ,XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган).-: Ўзбекистон, 2003.-40б

4.2.Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси ВМ 18.03.2003 й. 147-сон Қарорига 1-илова) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 5-6-сон, 54-модда.

4.3.Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси ВМ 18.03.2003 й. 147-сон Қарори) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 5-6-сон, 54-модда.

4.4.Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси ОМ 2001 йил 7 декабрдаги 323-П-сонли қарори билан тасдиқланган) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 8-сон

4.5.Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси ОМ 07.12.2001 й. 323-П-сонли Қарори) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 8-сон

4.6.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 24.09.2001 й. N ПФ-2943)

4.7.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 24.09.2001 й. ПФ-2943-сонли Фармонига илова)

4.8.Ўзбекистон Республикаси АВ ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси ВМ 22.09.2001 й. 383-сон Қарорига 1-илова)

4.9.Ўзбекистон Республикаси Судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси ВМ 22.09.2001 й. 383-сон Қарори )

4.10.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2001 й. ПФ-2817-сон Фармони) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 4-сон)

4.11.Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами" 2002 йил, 1-сон

4.12.Ўзбекистон Республикаси Суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2000 й. ПФ-2682-сон Фармони) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., № 7-8)

4.13.Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.05.2000 й. ПФ-2599-сон Фармони)

4.14.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг шаъни тўғрисидаги Кодекс (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 05.07.1996 й. 2-сонли қарори билан тасдиқланган)

4.15.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 05.07.1996 й. 1-сонли Қарори билан тасдиқланган)

4.16.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 30.08.1995 й. 103-I-сонли Қонуни) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9

4.17.Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2002 й. ПФ-3023-сон Фармони) "Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами", 2002 й., 3-4-сон

**1-§. Давлат органлари тизимида прокуратуранинг ўрни**

**2-§. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органларининг асосий йўналишлари ва принциплари**

**3-§. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органларининг тизими**

**4-§. Прокурор назорати ҳужжатлари**

**1-§. Давлат органлари тизимида прокуратуранинг ўрни.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳуқумронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниб мажбуриятдан холос бўлиши мумкин эмас, қонун олдида ҳамма баробардир” деб таъкидлаган эди.<sup>69</sup> Жамиятни демократик ривожлантиришни стратегик мақсад ва вазифаларига мос келувчи ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардан бири прокуратура зиммасига юклатилган.

Прокуратура конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти бўлиб, у фаолиятини қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси конституцияси билан мустаҳкамланган, олий кадрият даражасида кўтарилган инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

---

<sup>69</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари Т. Ўзбекистон, 1998. 126бет.

“Прокуратура” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “ёрдамлашман”, “кўмаклашман” маъносини билдиради.<sup>2</sup>

Прокуратура тушунчаси ва моҳиятига аниқлик киритишда прокуратура фаолияти хусусияти, прокуратура тизимининг давлат механизмларида тутган ўрни, шунингдек вазифаларидан келиб чиқиш керак. Прокуратура ўз ваколати доирасида давлат функцияларини амалга оширишда, давлат амалиётининг мустақил тармоғини ташкил этувчи қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши ва қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашда иштирок этадиган ҳуқуқни муҳофаза этадиган органдир.

Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органларининг конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти сифатида шунда кўришимиз мумкинки, уни конституцион норма билан алоҳида мустақамланганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV боби прокуратурага ажратилган бўлиб, бу боб ўз ичига 118, 119, 120, 121- моддаларни қамраб олади.

Конституциянинг 118- моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади” дейилган. Бу конституцион нормага кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Бош прокурор раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига эгадир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар. Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

---

<sup>2</sup> Юридический энциклопедический словарь М. 1984- 302 бет.

Прокуратура органларининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун устунлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборатдир.

**Францияда прокуратура органлари суд органлари тизимига киради, АҚШда эса прокуратура Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган,**

Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари ва бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланган.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида шуни алоҳида таъкидлаганки, жиноят ва жиноят процессуал кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ва маъсулиятли қадамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Прокуратура тўғрисида» ги қонун лойиҳасини талабчанлик ва синчковлик билан, принципиал нуқтаи назардан кўриб чиқиш ғоят муҳим. Прокуратура қонунни унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳатларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат,

демократик жамият куриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди.<sup>3</sup> деб таъкидлаган эдилар.

Янги таҳрирдаги прокуратура тўғрисидаги қонунда, прокуратуранинг бутун фаолияти жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонун бузилишларини тезкор равишда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги жамият талаблари қондирилишига жавоб берадиган прокуратура органлари давлатимиз ва жамиятимизга керак эканлиги исботланди.

Маълумки 2004 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони чиқди. Бу фармонга кўра, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтирилди.

Прокуратура давлат торганлари тизимида муҳим ўрин тутди. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, Республика Бош прокурори қонунчилик ташаббусига эга. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Прокуратура органларини молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти республика бюджети маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Прокуратура органлари ходимлари «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга кўра дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

---

<sup>3</sup> И.А.Каримов «Адолат қонун устуворлигида» маъруза Халқ сўзи.Т. 2001.30.

## **2-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг асосий йўналишлари ва принциплари.**

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган қуйидаги асосий йўналиш бўйича амалга оширади:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- тезкор қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш.

- судларда жиноий ишлар кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларини ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;



- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш<sup>4</sup>.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қуйидаги ҳисобланади. **Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш.**

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қуйидаги ҳисобланади. **Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.** Бу йўналиш бўйича прокуратура органларида «қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат қилиш» бошқармаси ва бўлимлари фаолият кўрсатади.

**Тезкор қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларни бажарилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши бўйича прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўради.** Қуйи прокуратураларда соҳа бўйича ишларни тегишли вилоят ва уларга тенглаштирилган

---

<sup>4</sup> Қаранг.Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғриси”даги ,Янги таҳрирдаги қонун.2001й 29-август. 4-модда.

прокурорлар билан биргаликда ташкил қилинади. Ички ишлар вазирлиги органларининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, тергов, тезкор қидирув фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда профилактик тадбирлар аҳволини мунтазам таҳлил қилиб боради. Терговолди текширувлари, суриштирув, тергов, тезкор қидирув ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид қонунларга риоя қилинишини назорат қилади.

Фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда уларнинг конституциявий ва процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

**Жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига асосан жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб боради.<sup>5</sup>

Терговчи: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва сўроқ қилишга, Жиноят процессуал кодексига назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқариши, ўз юритувига қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга, суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир.

**Судларда жиноий ишлар кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларини ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига**

---

<sup>5</sup> Жиноят процессуал кодекси. Т. Адолат.2001.18- б.

**протест келтириш;** прокуратура тўғрисидаги қонунга мувофиқ «судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик ишларини кўрилишида иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш» прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокуратура органларининг прокурорлари томонидан амалга оширилади. Прокурорлар фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда барча суд босқичларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганишни ташкил қилади.

Суд қарорлари устидан прокуратурага келиб тушган ариза, шикоятларни кўриб чиқиши ва ҳал этилишини, судларда жиноят ишларини кўриб чиқиши ва прокурор ваколатини таъминлаш бошқарма ва бўлимлари прокурорлари томонидан таъминланади ва уларни таҳлил қилади. Шунингдек, прокурор Олий суднинг кассация босқичида, Раёсатида ва Пленумида кўриладиган жиноят ишларини ўрганиб, асослантирилган хулосалар тузади.

Хўжалик процессуал кодексининг 43-моддасида ишда прокурорнинг иштироки белгиланган бунга асосан, прокурор барча ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судига эса тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишини мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Прокурор томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади. Қонунда назарда тутилган ёки суд ишида прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.<sup>6</sup>

Хўжалик судларида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокуратура органларининг мустақил таркибий тармоғи бўлиб ҳисобланади у хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашни амалга оширади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда хўжалик судининг барча босқичларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокини ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганишни ташкил қилади ва ноқонуний суд қарорларига протестлар келтириш ва қонун бузилишларини бартараф этиш чораларини кўради, шунингдек, хўжалик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини ўрганиш ва ноқонуний қарорларга протест келтириш, уларни қонунга мувофиқлаштириш борасида прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирларни амалга оширади.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашни амалга оширади.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси Т.Адолат.

**Солиқ интизомини мустахкамлашга солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарар ўрнини қоплашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш.** Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокуратура органларида алоҳида бўлим фаолият кўрсатади. Бу бўлим Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти (СВОЖҚК) органларида қонунлар ижроси, шунингдек, солиқ ва валютага оид жиноятлар бўйича тергов олди текшируви ва суриштирув устидан назоратни амалга оширади. Бўлимнинг асосий вазифаси бўлиб, давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти органларида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишдан иборат.

**Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.** Прокуратура органларида «Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат» бошқармаси фаолият кўрсатади. Бошқармадаги прокурорларнинг асосий вазифаси бўлиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ижро иши юритиш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши, мансабдор шахслар ва ижро юритувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

**Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.** Прокуратура органлари, қонунчиликни тарғиб қилиш, қонун ижодкорлиги фаолияти ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларида иштирок этади.

Прокуратура тўғрисидаги қонунда прокуратура органларининг ташкилий, яъни бирлик ва марказлашганлик принциплари ўз ифодасини топди. Бу принциплар қонуний кучга эга бўлганликлари прокуратуранинг ички тизимини мустаҳкамлашга, ҳар бир прокурор мустақил процессуал шахс бўлсада, бутун тизим ва унга раҳбарлик қилаётган Бош прокурор номидан фаолият кўрсатаётгани ва маъсулиятли эканлиги туйғусида янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, прокуратура органларига катта маъсулият юклайди ва улардан бошқарув, назорат ҳамда бошқа органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш ва тегишли ваколатларидан самарали фойдаланиб, қатъиятлик билан ишлашни талаб этади.

“Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари: **бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралиқдир**”<sup>7</sup>.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсиниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида иш кўради. Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсинувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларнинг аниқ бажариш ва уларга риоя этишлари ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги қонуни. 5-модда.

биноан бундай қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar.

Прокуратура органларининг фаолиятига аралashiш тақиқланади. Прокуратуранинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унда қандай шакилда бўлмасин бирон бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Прокуратура органларинг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.

### **3-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими**

Прокуратура тизими Ўзбекистон Республикаси миқоёсида Бош прокурорга бўйсинувчи прокуратура органлари йиғиндисидан иборат бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишининг назоратини таъминлаш билан умумий функцияни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қуйидагича белгиланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.
2. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси.
3. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари.

4. Туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари.

5. Вилоят прокуратурасига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси.

6. Вилоят прокуратурасига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси.

7. Туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимдан озод этиладиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тасдиғидан ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, кейинчалик Олий Мажлис Сенати тасдиғидан ўтадилар. Бош прокуратурада бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.



Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қилади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир<sup>8</sup>.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга, Ўзбекистон республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари ҳисобланади.

Туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланадиган ва озод этиладиган тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсинадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилди. Департаментга лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги қонуни. 15-модда.

тайинланадиган ва озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис олдида ҳисобдордир. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳисобот беради:

-қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда;

-ўта оғир жиноятлар ва ғавқулдда ходисалар тўғрисида –зудлик билан;

- прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида-ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳам ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради<sup>9</sup>.

#### **4-§. Прокурор назорати ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб боровчи прокурорлар ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги прокурорлик назорат ҳужжатларини қўллайдилар. Буларга: протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув киради.

**Протест-** Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи

---

<sup>9</sup> Қаранг Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги қонун. 2001 й 29-август. 14-модда.

органга келтиради. Протест киритилдими дарҳол, яъни ўн кунлик муддатдан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилиши шарт.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор: суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга шунингдек иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

Протест юридик нуқтаи назардан сифатли, суд қарори ноқонунийлигини исботловчи далиллар ҳамда тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларига асослантилган хулосалар билан бойитилган бўлиб, у ишонарли бўлиши лозим.

**Қарор**- прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилади. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради. Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш

натижалари хақида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

**Тақдимнома-** прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади. Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни хақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этшга ҳақлидир.

**Ариза** - прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

**Огоҳлантирув-**прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ҳуқуқ ва эркинликларига, жамоат ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонунинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради. Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга шунигдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

### **Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари:**

1. Прокуратура органларининг вазифаларига нималар киради?
2. Прокуратура органларининг асосий йўналишларини айтинг?.
3. Прокуратура органларининг асосий тамойилларига нималар киради ?.
4. Прокуратура органларининг қандай тизимлардан ташкил топган? .
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таркибий тузилишини айтинг?.
6. Прокурорларни қандай тартиби тайинлади?
7. Прокурорнинг назорат ҳужжатларига нималар киради?.
8. Прокурорнинг судда иштироки қандай тартибда амалга оширилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

#### **I.Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т. 1-Т. "Ўзбекистон", 1996 й.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т. 2-Т.: "Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т.: "Ўзбекистон", 1996 й.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5.-: "Ўзбекистон", 1997 й
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6-Т.: "Ўзбекистон", 1998 й
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7.-Т.: "Ўзбекистон", 1999 й
8. Каримов И.А.Ўзбекистон ХХ1-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. "Ўзбекистон". 1997 й.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., "Ўзбекистон", 1998 й.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 асрга интиломқда. Т, "Ўзбекистон", 1999 й.
- 11.И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи. 29 август 2001 йил.
- 12.Каримов И.А. Биз танлаган йўл –демократия тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.-420 б.
- 13.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.
- 14.Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». / Президент И.А.Каримовнинг “Независимая газета” мухбирининг саволларига берган жавоблари / 2005 йил 14 январь / - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005. – 64 б.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар :**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон,2003.-40б..
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Т, "Адолат", 2001 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т, "Адолат", 1996 йил..
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т, "Адолат", 1994 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т, "Адолат", 2001 йил.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т, "Адолат", 1998 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 9 декабрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, –Т.: Адолат, 1993.

### **III. Махсус адабиётлар:**

1. Правовой системы стран мира. М. Норма .2001.
2. Юридический энциклопедический словарь. М. “Советская энциклопедия” 1984.
- 3 қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати. Т. “Ўқитувчи” 2000.
4. М.Махбубов. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. “Университет” 1991
5. Ф.Ю.Шодмонов. Хўжалик шартномаларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширишда прокурор назорати. Т. “Ўқитувчи” 2000.
6. И.К.Жасимов. Суд-ҳуқуқ ислоҳатлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. Т.:ТДЮИ. 2004.

## **XIV БОБ. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА САЙЛОВ ХУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ**

**1-§. Сайлов ҳуқуқи-фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи сифатида**

**2-§. Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари**

**3-§. Сайлов ҳуқуқи тамойиллари**

**4-§. Сайлов тизими**

**5-§. Сайлов жараёни ва сайлов органлари**

**1-§. Сайлов ҳуқуқи - фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи сифатида**

Давлат ҳокимияти органларини шаклланишида бирламчи омил ҳисобланган сайлов усули орқали, ҳокимият тизимини вужудга келтириш ва ривожлантириш қонуниятлари, уларнинг тадрижий ўзгариши ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш олимларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Янгича жамиятни шакллантириш янгича тамойиллар асосида амалга оширилади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Яхши биламизки, демократия, демократик жамиятнинг бош талаби –бу одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат<sup>70</sup>. Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур”

Ҳар қандай жамиятда демократик сайловлар тараққиётга янги куч берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда янгича сайловларни ўтказилиши ўзига хос бўлган даврга тўғри келмоқда. Яъни, бу – тубдан янгича, мустақил ўзбек давлатчилиги пайдо бўлган ва ривожланаётган, асосий эътибор халқ фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга қаратилган, эркин фуқаролик жамияти яратилаётган даврдир. Шуниси

---

<sup>70</sup> Каримов И.А. “Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг , балки қорақолпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан” .Қорақолпоқ Рееспубликаси сайловчилар вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқидан. 1992 йил 2 декабрь.



диққатга сазоворки, бу давр Ўзбекистонда ўзига хос шарқ ва ғарб демократияси тажрибалари уйғунлашган демократик жараён шакллангани билан ажралиб туради. Бунда шарқ демократиясидаги инсонни улуғвор билиш, реал шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш, масъулият ҳис этиш ва фидоийлик кўрсатиш каби қадриятлар, ғарб демократиясининг ошкоралик, ўз-ўзини танқид қилиш, тадбиркорлик сингари жихатлари кўзга ташланади.

Сайлов ҳуқуқи ҳақида гап кетганда одатда уни аспектиларини иккига ажратишади: яъни булар объектив сайлов ҳуқуқи ва субъектив сайлов ҳуқуқи. Булардан биринчиси - сайлов ҳуқуқи нормалари тизими яъни асосини ташкил қилувчи принциплари, тизимлари, тартиби, жарёни ва сайловни ташкил қилиш ва бошқаларни ўз ичига камраб олади. Иккинчиси - давлат томонидан маълум бир шахсни сайловда қатнашишини (пассив сайлов ҳуқуқи ёки актив сайлов ҳуқуқи) таъминланишини кафолатланишидир.

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда<sup>71</sup>, жумладан ЕХҲТ нинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига

---

<sup>71</sup> Қаранг: 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида шундай дейилади: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”.

Демак, фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширар эканлар албатта қонунларга сўзсиз риоя этишлари, шу асосда ўз ҳуқуқларини жойларда амалга оширишлари мумкин. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини давлат томонидан чекланиши, фақатгина қонунлар доирасидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилган вақтда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Францияда сайлов  
муносабатларини ҳуқуқий  
жиҳатдан тартибга  
соладигн махсус Сайлов  
Кодекси қабул қилинган.**

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Бу тамойил Конституциямизнинг 34-моддасида ўз аксини топган. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, ҳар бир фуқаро ҳоҳлаган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишлиги ва ундан ҳоҳлаган вақтда чиқиб кетишлари мумкин.

## **2-§. Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари**

Демократик давлатнинг ҳокимият идораларини шакллантиришда сайлов муҳим аҳамиятга эга. “Сайлов” ўз мазмунига кўра бирон-бир органни (давлат, жамоатчилик, халқаро ва ҳоказолар) овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Сайлов ўзининг моҳиятига кўра шундай демократик жараёнки, унда халқ ҳамда унинг вакиллари қонунда белгиланган тартибда ҳокимиятни бошқаришга кимни қўйиш ёки четлатиш масаласини ўзи мустақил ҳал этади. Албатта, нодемократик давлатларда ҳам сайловлар ўтказилади, лекин одатда формал характерга эга бўлади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 2-моддасига кўра “давлатнинг асосий ҳокимияти бу халқнинг иродасидир.”

**Сайлов ҳуқуқи** фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда яқиндан ёрдам берувчи сиёсий ҳолатдир. Сайлов жараёнларида юзага келадиган турли хил муносабатларни тартибга солишда сайлов ҳуқуқидан фойдаланамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар” деб кўрсатиб ўтилган.

**Актив сайлов ҳуқуқи**, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутди. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар. Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш

учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

**Бразилия, Эрон ва  
Никарагуада актив сайлов  
ҳуқуқи фуқароларга 16  
ёшдан берилган**

**Пассив сайлов ҳуқуқи**, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар. Турли давлатларда маълум давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи маълум давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Ўзбекистонда фуқаролар Маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги ва Сенатига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак.

Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт.

Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

**Швецарияда аёлларга нисбатан сайлов ҳуқуқи яқин ўтмишда 1971 йилда берилди.**

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасида Президент бўлиб сайланиш учун номзод Ўзбекистонда камида охириги 10 йил ичида доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши керак. Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори палаталарига депутатликка сайланиш учун номзод камида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда доимий яшаган, қасддан содир этган жиноятлари учун аввал судланмаган бўлиши керак.

Кўпчилик мамлакатларда сайловлар **тўғри** ва **эгри** кўринишларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри овоз бериш номзодларга овоз беришнинг энг кўп тарқалган сайлов тури ҳисобланади. Тўғри сайловларда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай оралиқ инстанция мавжуд бўлмай, сайловчининг хоҳиш иродаси бевосита ифодаланади. Бу ҳолатда сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаро сайланиш асосида эга бўлинадиган лавозимга қўйилган номзодга бевосита овоз беради. Тўғри, сайловлар жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари парламентининг қуйи палаталарига ва барча мамлакатлар президентлигига бўладиган сайловларда қўлланилади.

Тўғри сайловлар мамлакатимизда Президентликка, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси депутатлигига ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар кенгашлари депутатлигига бўладиган

сайловларда қўлланилиб, бунда фуқаролар ва номзодлар ўртасида ҳеч қандай оралик инстанция мавжуд эмас.

**Эгри сайловлар**, одатда кўп босқичли бўлиб, бунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг хоҳиш иродаси махсус шахслар – “Сайловчилар” ёки махсус органлар воситасида ифодаланади. Эгри сайловларда фуқаролар номзодга эмас, балки махсус шахслар ёки органларга овоз берадилар, улар эса ўз навбатида муайян лавозимга қўйилган номзодни сайлайдилар. Бу сайлов усули қатор мамлакатлар парламентининг юқори палатасига бўлган сайловларда ҳам қўлланилади (Франция, Хиндистон, Малайзия ва бошқалар). Эгри сайловлар АҚШ ва Аргентина президентлигига бўладиган сайловларда қўлланилиб, президентлик сайловида бу усулни қўлланилишининг характерли жиҳати шундаки, сайловчи ва номзод ўртасидаги оралик инстанция – махсус шахсларнинг шахсий сифатлари эмас, балки партиявий мансублиги жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат аъзолигига номзодлар ўз лавозимларига эгри сайловлар орқали эришадилар, яъни Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорқалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сайловларни ўтказиш жараёнида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини оширади. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва шунинг натижаси ўлароқ мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Юртимизда бу борадаги ислохотларнинг қай даражада бораётганлигини 2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиб, референдум жараёнини бевосита кузатган халқаро кузатувчилар Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кучайтиришда ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади деган мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошиб боришига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар давлат томонидан турли соҳаларда амалга оширилаётган сиёсатга бефарқ бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан юритиладиган давлат сиёсати эса, салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида фуқароларнинг фаоллиги сустлашиб сайловларда уларнинг қатнашиши камайиб кетиши мумкин.

Жаҳон конституциявий ҳуқуқида **абсентизм** деб аталадиган ибора мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат сайловларда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки ким депутат бўлиши, ким давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган масаланинг қандай ҳал қилиниши уларни қизиқтирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкинки, буни 2002 йилда ўтказилган Франциядаги Президентлик сайлови мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда сайловчиларнинг овоз беришдан ихтиёрий воз кечиш ҳоллари жуда кам учрайди. Сўнгги парламент ва Президент сайловларида ва 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда 90 фоиздан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этганлиги Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги юқори эканлигидан дарак беради.

Сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллар асосида амалга оширилишида муайян давлатда амалда бўлган сайлов тизимининг ҳам аҳамияти беқиёски, биз бу ҳақда кейинги бўлимда батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

### 3-§. Сайлов ҳуқуқи тамойиллари

**Сайлов ҳуқуқи тамойиллари** – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, етакчи мезонидир.

Республикамизда сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб бевосита конституцияда белгиланган умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойиллар қонунчилигимизда ўз аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий механизмлари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

**Умумий сайлов ҳуқуқи** тамойилида ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣ ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъий-назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар суд томонидан муомолага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Чунки бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўзларига ҳисоб бера олмайдилар ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан онгли равишда фойдалана олмайдилар. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ажнабий фуқаролар сайловларда қатнашиш ва вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

**Тенг сайлов ҳуқуқи** тамойилида ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга бўлиши тушунилади. Сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Сайловда ҳар бир мандат учун сайловчилар сони тенг асосда бўлинади. Чунки, ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашуви сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига



тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади. Сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга сайлов олди ташвиқот юритиши тенг асосда ташкил этилади.

**Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи** тамойили бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиликка йўл қўйилмайди. Фуқаролар ўз эрки-иродасини бевосита ўзлари ифодалашлари қонунчилигимиз билан кафолатланади. Сайловчилар ўз номзодларига сайлов вақтида бевосита ёки қарши овоз беришлари мумкин. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг ижобий тарафларидан бири, сайлов тартибида давлат ҳокимиятининг ҳамма сайланадиган органлари бевосита халқ томонидан ташкил этилган вакиллик органлари ҳисобланади.

**Яширин овоз бериш тамойили** - сайловчининг ўз хоҳиш иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўдириш вақтида овоз берувчидан бошқа барча шахсларни ҳозир бўлиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Ҳар қандай мамлакатда мавжуд сайлов тизими бир-бирига зид бўлмаган тамойиллар ва аниқ талаблар асосида қурилиши лозим. Сайлов тизими тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-Сайлов тизимининг конституцияга мувофиқлиги;

-Давлат ҳокимиятининг қонунийлиги;

-Сайлов тизими талабалари ва вазифаларининг ҳуқуқий таъминланганлиги;.

- Демократизм;
- Сайлов тизимининг барқарорлиги;
- Сайлов тизимининг халқчиллиги;
- Сайлов тизимининг уюшганлиги;
- Сайлов тизимининг тежамли бўлишли;
- Овоз беришнинг ва сайланишнинг зиддиятсиз, унинг натижаларини олиш учун ҳуқуқий кафолат яратилганлиги;

#### **4-§. Сайлов тизими.**

Сайлов тизими - бу сайлов ўтказишга тааллуқли барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олган сайлов ўтказиш тартиблари ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси тушунилади.

Сайлов тизими давлатнинг демократик ёки демократик эмаслигини кўрсатувчи асосий омилдир. Профессор А.Х.Саидов: “Сайлов тизими - бу фуқаролик жамиятида давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи давлат жамоат муносабатлари тизимидир” - деб ёзади.<sup>72</sup>

Сайлов тизими тор маънода сайлов натижаларига кўра номзодлар ўртасида мандатларни тақсимлаш услуби ҳисобланади. Бунда услублар бир қанча бўлиб, уларнинг қўлланилиш якунига кўра, сайловлар натижаси турли давлатларда турлича бўлиши мумкин.

Сайлов тизимлари турли туман бўлиб, бир давлатда амалда бўлган сайлов тизимлари иккинчи давлатда ўзини оқламадлиги мумкин. Бир сайлов тизимини амалга киритишдан олдин мамлакатдаги сиёсий кучлар ва этник гуруҳларнинг мувозанати яхшилаб ўрганилиши лозим. Ҳозирги пайтда дунё

---

<sup>72</sup> А.Х. Саидов. Қиёсий конституцияшунослик. Т . , 1993 .52-бет.

мамлакатлари тажрибасида сайлов тизимларининг уч катта гуруҳи мавжуд. Бу **мажоритар, пропорционал** ва **аралаш** сайлов тизимларидир.

Энг кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири бу мажоритар сайлов тизими бўлиб, сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овоз тамойилига асосланади.

**Мажоритар сайлов тизими** французча “majorite” (кўпчилик) деган сўздан олинган бўлиб, бунда сайловда овозларнинг кўпчилигини олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Бу тизим қоидаларига биноан, тегишли сайлов округида белгиланган кўпчилик овозни олган номзод ёки номзодлар рўйхатигина сайловда ғолиб чиққан ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизими ўз навбатида мутлоқ, малакали ва нисбатан кўпчилик овозга асосланган турларга бўлинади.

**Мутлақ кўпчилик сайлов тизими** талаби шундан иборатки, номзод сайланган деб ҳисоблаш учун у сайловчиларнинг ярмидан кўпининг қўллаб-қувватлашишига, яъни 50%+1 сайловчилар овозини олиши лозим. Масалан, сайлов округида сайланиш учун 3 та номзод қўйилган дейлик (А,Б,В). Берилган 10.000 овоз қуйидагича тақсимланди: А- 3000, Б- 1990, В -5010. Бунда 5010 овоз олган В мутлақ кўпчилик овозини олган ҳисобланиб, сайловда ғолиб чиқади.

Ушбу тизим амалда бўлган мамлакатларда, одатда сайловлар бўлиб ўтганлигини тасдиқлаш учун асос бўладиган сайловда сайловчиларнинг қатнашганлигининг қуйи фоизи белгиланган бўлади. Агар қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган миқдордаги овоз берувчиларни сайловларда қатнашмаса, сайловлар бўлиб ўтмаган ҳисобланади ёки натижалари юридик кучга эга бўлмайди.

Мутлақ кўпчилик сайлов тизимининг яна бир ўзига хос камчилик томони шундаки, у доим ҳам биргина турда натижа беравермайди. Бунда гап кўрсатилган номзодлардан бирортаси ҳам белгиланган миқдордаги овоз тўплай олмаганларидаги ҳолатлар ҳақида бормоқда. Бундай вазиятлар юзага келган ҳолатларда кўпчилик мамлакатларда сайловларни бир неча

босқичларда ўтказилишига сабаб бўлади. Бу эса сайловчиларни сайловларда фаол қатнашишларини сусайтиришига, охир оқибат сайловларни сохталаштириш ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан, мутлақ кўпчилик овозга асосланган бу сайлов тизимининг афзаллиги ҳам мавжуд. Бу тизим парламентдаги кўпчилик қўллайдиган барқарор ҳукуматни ташкил этиш имкониятини беради.

**Малакали кўпчилик сайлов тизими** амалда бўлган мамлакатларда номзод ёки номзодлар муайян округдан малакали кўпчилик (2/3 қисм ёки 65 %) овоз тўплаганларида сайланган ҳисобланади. Бундай сайлов тизими жуда ҳам кам учрайди, чунки мазкур тизим ўз хусусиятига кўра жуда ҳам кам натижа беради, яъни номзодлар доим ҳам белгиланган миқдордаги сайловчиларни овозларини тўплай олмайдилар, бунинг натижасида сайлов кўплаб турлар асосида ўтказилишига олиб келади. Хозирда Чили Парламентининг қуйи палатасига сайловларда мазкур тизимдан (2/3 қисм) фойдаланилади, шунингдек, бир муддат олдин Италияда ҳам бир мандатли сайлов округларидан сайланувчи сенаторлар ҳам сайловчиларнинг 65 фоизини қўллаб қувватлашига эришиши талаб қилинар эди.

Тарихдан маълумки, дастлабки сайлов тизими сифатида мажоритар сайлов тизими вужудга келган. Ушбу тизимга кўра номзод белгиланган меъёрдан кўпроқ овоз олганда сайланган ҳисобланади. **Нисбий кўпчилик сайлов тизими** бошқа сайлов тизимларига нисбатан анча содда ҳисобланиб, бундай тизим амалда бўлган мамлакатларда, сайловда қатнашаётган номзодлардан қайси бири рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олса у сайланган ҳисобланади. Ушбу тизим ўзининг хусусиятига кўра фақат бир турда натижа беришлиги билан самаралидир. Нисбий кўпчилик сайлов тизимида фақат бир ҳолатда икки ёки ундан ортиқ номзоднинг бир хил овоз олганларидагина ғолиб аниқланмай қолиши мумкин, лекин бундай ҳолат жуда ҳам кам учрайди. Ушбу тизим жаҳоннинг 150 мамлақатида қўлланиб, одатда сайлов бўлиб ўтганлиги учун асос сифатидаги сайловчиларнинг

катнашиш меъёри белгиланмайди: агар сайловда биргина сайловчи катнашган бўлса ҳам сайловлар бўлиб ўтган ҳисобланади.

**Пропорционал сайлов тизими** сайловларда кенг омма вакиллари иштирокини таъминлаш мақсадида киритилган сайлов тизими бўлиб, Европа, Латин Америкаси давлатларининг кўпчилигида, Африка давлатларининг учдан бир қисмида учрайди.

Бу тизимнинг асосий мақсади сайловларда олинган овозлар билан амалда парламентда эгалланган мандатлар мутаносиблигини таъминлашдир. Яъни, масалан, бир партия сайловда 30% овоз олган бўлса, парламентда 30% мандатга эга бўлиши керак.

Пропорционал сайлов тизимларининг кўпчилик овоз тамойилига асосланган мажоритар сайлов тизимларидан асосий фарқи ҳам шунда.

Пропорционал сайлов тизимларида катта-катта сайлов округлари тузилиб, ҳар бир сайлов округидан бир нечта депутатлар сайланади. Сайлов округлари қанча катта бўлса, олинган овозлар ва эгалланган мандатлар шунга мутаносиб бўлади.

Бу тизимда ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва сайловчилар алоҳида олинган номзодга эмас, балки маълум партия рўйхатига овоз беради. Баъзи ҳолларда сайловчиларга номзодларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга ҳам имконият берилиши мумкин.

Сайловлар натижасини аниқлашда ҳар бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар миқдори белгиланади. Бу миқдор ҳар бир сайлов округи учун алоҳида қилиб белгиланиши ёки бутун давлат ҳудуди учун бир хил бўлиши ҳам мумкин. Пропорционал тизимнинг асосий вазифаси овозлар ва мандатлар мутаносиблигини таъминлаш йўли билан озчиликнинг ҳам манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

Пропорционал сайлов тизимида партия рўйхатлари бўйича овоз беришни рўйхатларнинг характерига қараб қатъий, қатъий бўлмаган ва ўзгарувчан рўйхатлар бўйича турларга бўлиш мумкин. Қатъий рўйхатлар асосида овоз бериш пропорционал сайлов тизимини қўллайдиган

давлатларда энг кўп тарқалган бўлиб, бунда сайловчилар муайян партия томонидан тақдим этилган рўйхатда кўрсатилган номзодлар ўрнини ўзгартиришга, яъни ўзлари афзал кўрган номзодни биринчи ўринга қўйишга ҳақли бўлмайдилар.

Баъзида сайлов бюллетенига депутатликка номзодлар фамилиялари киритилмай, фақатгина партия раҳбарининг фамилияси ва партия рамзи киритилиши мумкин. Бу усулда овоз беришга Жанубий Африка Республикасида 1994 йилда ўтказилган сайловлар мисол бўла олади. Бундай овоз беришда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатига овоз бериш билан чекланадилар. Бу усулда овоз бериш бошқача тарзда сайланиши қийин бўлган озчиликнинг ҳамда аёлларнинг сайловда ғолиб чиқишига имкон туғдирсада, депутатликка лойиқ бўлмаган номзодларнинг сайланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Партия рўйхатлари бўйича овоз беришнинг иккинчи тури бу қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришдир. Бунда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатини ёқлаб овоз беришдан ташқари бу рўйхатдаги номзодлар ўрнини алмаштириш имкониятига ҳам эгалар. Сайловчиларга номзодларни танлаш имкониятининг борлиги бу усулнинг афзаллиги бўлсада, бу партия ичида келишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

**Аралаш сайлов тизими.** Аралаш сайлов тизимлари мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини бирлаштириш тамойилига асосланган сайлов тизимидир.

Ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказиладиган сайловда ҳам қатнашиши мумкин.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши қатъий пропорционал тизимда мавжуд бўлган майда партияларнинг кўпайиб кетишини олдини олади. Ундан ташқари мавжуд кичик партиялар бир мандатли мажоритар тизимли сайловларда ютқазсаларда, пропорционал сайловлар билан бунинг ўрнини

тўлдириб олишлари мумкин. Лекин, Россияда мавжуд бўлган 5% ли тўсиқнинг бўлиши бунинг амалга ошишига анча тўсқинлик қилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши икки турдаги депутатларнинг сайланишига олиб келади. Биринчиси сайлов округидаги сайловчилар билан анча боғлиқ бўлган депутат бўлиб ўз сайловчилари олдида ўз маъсулиятини сезади. Иккинчиси партия рўйхати воситасида сайланган депутат бўлиб, у маълум округ сайловчиларига унча таниш бўлмаслиги мумкин, чунки сайловчи овоз берганда алоҳида номзод учун эмас, балки партия рўйхати учун овоз беради. Натижада сайланган депутат ўзини муайян сайлов округи сайловчилари олдида эмас, балки уни рўйхатга киритган партия раҳбарлари олдида ҳисобдор сезади.

Сайловнинг бу шаклида сайлов округида бир неча мандат бўлсада, ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлади. Сайловчи партия рўйхатига киритилган ўзига маъқул бўлган номзодни ёқлаб овоз бериши мумкин. Бундай овоз бериш кўп мандатли сайлов округларида мандатлар бўлинишининг олинган овозларга мутаносиблигини анча таъминласада, сайловчи-депутат муносабатларини сусайтиради. Чунки сайловчининг фақатгина бир овозга эга бўлиши, партияларнинг сайловчилар эътиборини қозонишга унчалик ҳаракат қилмасаларда, осонгина мандатларга эришишини таъминлайди.

## **5-§. Сайлов жараёни ва сайлов органлари**

Ҳар бир юридик жараён сингари сайлов жараёни ҳам ўзида ҳуқуқий нормалар тизимини мужассамлаштирган фаолиятдир. Давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни сайлов жараёни деб тушунамиз. Хамда ушбу фаолият қатъий белгиланган тартибда, босқичма-босқич амалга оширилади ва бу қуйидагилардан иборатдир.

**1. Сайловларни белгилаш.** Сайлов жараёнининг бу босқичи муайян органга ёки мансабга сайлов кунини белгилашда ифодаланади. Агар гап навбатдаги сайловлар хақида борадиган бўлса унда Конституциялар қонунлар ва ҳудудий бирликларнинг статутлари бу масалада муайян қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Юқорида АҚШ мисолида сайлов кунининг қонун билан белгиланганлигини кўриб ўтдик, бироқ кўпчилик ҳолатларда бундай сана аниқ белгиланмайди ва бу жараён ҳар бир ҳолатда махсус акт билан шундай санани белгилашни талаб қилади. Агар санани белгилаш қонун ёки Конституция билан аниқ ўрнатилмаган бўлса, унда қонун ушбу санани белгилашга ваколатли органни кўрсатиши лозим.

2002 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари” тўғрисидаги конституциявий қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади, деб кўрсатилган.

**Сайлов округлари.** Сайлов округлари давлатнинг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш вакиллик органларига депутатларни сайловчи фуқароларни ўзида бирлаштирган ҳудудий бирликлардир. Улар махсус равишда шакллантирилган бўлиши мумкин, лекин кўпчилик ҳолатларда федерация субъектлари, маъмурий ҳудудий бирликлар (вилоятлар, провинциялар, шаҳарлар ва бошқалар) муайян сайлов округи сифатида амал қилиши ҳам мумкин. Сайлов округлари тузилмаган тақдирда, бутун мамлакат ягона бир



сайлов округи сифатида намоён бўлади. Бу ҳолатга мисол сифатида президентликка сайловлардаги амалиётни кўрсатишимиз мумкин.

Сайлов округлари сайлов амалиётида энг кўп учрайдиган сайлов бирликларидир. Худудий бўлмаган вакиллик органларини шакллантиришда сайлов бирликлари сифатида муайян сайловчилар гуруҳлари ҳам амал қилишлар мумкин.

Худудларни сайлов округларига бўлиш катта сиёсий аҳамият касб этади, чунки бу ҳолат сайлов натижаларига бевосита таъсир этиши мумкин. Шунинг учун одатда, сайлов округларини ташкил қилиш қонунлар билан белгиланган бўлади. Қонунлар сайлов округларини сони ва чегараларини аниқ белгилаши лозим, чунки бу ҳолат сайлов жараёнларида сайловчиларни тенглигини таъминлайди.

**Айрим хорижий мамлакатларда сайловлар ягона сайлов округида ташкил этилади. Бунда масалан, парламент сайловига номзоди қўйилган шахсларнинг Ҳаммаси битта округдан сайланади. Бундай давлатга ЖАР (Жанубий Африка Республикаси) мисол бўлади.**

Қоида тариқасида сайлов округлари юқорида айтиб ўтилганидек сайловчиларни тенг миқдорини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши лозим, чунки бу ҳолат тенглик принципини талабидир. Бу шуни англатадики, мамлакатдаги барча бир мандатли сайлов округлари тенг миқдордаги аҳоли сони бўлгани ҳолда ташкил этилади. Бироқ аҳоли сони миқдорини аниқлаш юзасидан келишмовчиликлар келиб чиққанда (аҳоли орасида сайлов ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ҳам мавжуд бўлган ҳолларда), тенг ҳуқуқли сайлов жараёнини ташкил қилиш мақсадида сайлов округларини аҳоли сонига қараб эмас, балки сайловчилар сонига қараб ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз Олий вакиллик органи – Олий Мажлиснинг қуйи палатасига (Қонунчилик Палатаси), Республика Президентлигига ва вилоят, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашларига сайловларда сайлов округлари худудийлик асосида ташкил этилади.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун 120 та ҳудудий сайлов округи тузилади ва уларнинг ҳар биридан биттадан депутат сайланади. Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий Сайлов Комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.<sup>73</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов бўйича сайлов округларини Марказий Сайлов комиссияси вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари доирасида тузилади. Уларнинг чегаралари, сайловчиларнинг сони ҳамда округ сайлов комиссияси қаерда жойлашгани кўрсатилган сайлов округлари рўйхатларини сайлов тайинлангандан кейин кечи билан 10 кун ўтгач Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади ва ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашларига сайлов ўтказиш учун, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида – 60 тадан, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда эса 30 тадан кўп бўлмаган сайлов округлари тузилади. Ҳар бир сайлов округидан тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларига биттадан депутат сайланади.

Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказишда сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда, тегишинча сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади.

---

<sup>73</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун. 2004 йил 27 август. 7-модда.

**Сайлов участкалари.** Сайлов участкалари овоз беришда ўзида муайян жойдаги сайловчиларни бирлаштирадиган ҳудудий бирликлардир. Бу бирликлар фақат техник аҳамиятга эга, яъни сайлов участкалари сайлов жараёнларини ўтказишда самарали натижага эришишни таъминловчи институтлардир. Уларни тартибга солиш одатда, қонун билан эмас, балки қонун ости актлари – кўпинча ички ишлар вазирлиги инструкциялари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида Республика Президентлигига, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда сайлов участкалари тузилади, уларнинг чегаралари тегишли сайлов округлари доирасилан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин ерлардаги фуқаролар турган жойларда алоҳида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Уларни қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг, ҳарбий қисмларда қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг, хорижий мамлакатларда Республика Ташқи Ишлар Вазирлигининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияси томонидан камида 20 нафар ва кўпи билан 3 минг нафар сайловчидан иборат таркибда ташкил этилади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига тегишли ҳокимлик томонидан бино ажратилади.

**Сайлов органлари.** Ушбу органларга (комиссия, бюро, президиум ва бошқалар) сайлов жараёни устидан ташкилий раҳбарлик вазифаси юклатилган бўлади. Сайлов органлари турлича бўлиши мумкин:

- ҳудудий, жумладан марказий. Уларнинг тизими мамлакатнинг сиёсий-ҳудудий тузилиш тизимидан келиб чиқади;
- округ сайлов органлари. Бу орган сайлов округи сиёсий-ҳудудий бирлик билан мувофиқ келмаганда амал қилади;
- сайлов участкаларида амал қилувчи органлар.

Сайлов участкалари органлари одатда, сайловчиларни рўйхатга олади ёки уларни рўйхатга олишдаги хатоликларни бартараф қилади, овоз беришни ташкиллаштиради ва сайлов участкаси юзасидан сайлов натижасини аниқлайди. Округ сайлов органлари илгари сурилаётган номзодларни рўйхатга олади, сайлов олди кампаниясини нормал кечишини таъминлайди ва округ юзасидан сайлов натижаларини аниқлайди. Ҳудудий сайлов органлари сайлов округлари мавжуд бўлган тақдирда сайлов натижаларини умумлаштиради ва ўша ҳудуд оммавий ахборот воситаларида чоп этади, агар сайлов округлари бўлмаса, сайлов округлари вазифасини бажаради. Умумхалқ сайловларида ташкил этиладиган округ сайлов органлари участка сайлов органлари фаолиятини назорат қилади, баъзи ҳолларда ўзининг ҳудудида участка сайлов органининг вазифасини бажаради ( маслан, Австралия).

Ўзбекистон Республикасида мазкур органлар сайлов комиссиялари деб юритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари, ҳалқ депутатлари Кенгашларига сайловларда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, шунингдек округ ҳамда участка сайлов комиссиялари тузилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан ташкил этилиб унинг аъзолари Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлар

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича комиссия таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис депутатлари сайловларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан, халқ депутатлари Кенгашларига сайловларда тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 70 кун қолганда комиссиянинг раис, раис ўринбосари, котиби ва 6 – 8 нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари томонидан, халқ депутатлари Кенгашларига сайловларда тегишли туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида 40 кун қолганда 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади (комиссия таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин). Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.<sup>74</sup>

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов

**Бразилияда Марказий сайлов комиссияси ўрнига сайлов трибунали фаолият олиб боради. Бу органнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки сайлов жараёнида вужудга келган низоларни мустақил ўзи кўриб хал қилаверади.**

<sup>74</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” қонуни. 2004 йил 27-август. 14-модда.

комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

Сайлов комиссияларини аъзолари бир комиссияга аъзолик даврларида бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

**Сайловчиларни рўйхатга олиш.** Сайловчиларни рўйхатга олиш тадбири фуқароларни ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи шарт шароит сифатида намоён бўлади. Сайловчиларни рўйхатга олиш характер жиҳатидан оммавий (мажбурий) ёки шахсий (ихтиёрий).

Ўзбекистон Республикасида сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади, мазкур ишларда қатнашишга жамоатчилик вакилларини ҳам жалб этиш мумкин.

Сайловчиларнинг руйхатлари сайловга 15 кун қолганда, Ўзбекистон Республикасини хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга 7 кун қолганида ҳамма таниб чиқиши учун эълон қилинади. Агар рўйхатда хато ёки ноаниқлик аниқланса, фуқаро сайлов комиссиясига бу ҳақда арз қилиши мумкин ва комиссия мазкур ариза юзасидан ноаниқлик ёки хатони бартараф қилиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

**Номзодларни кўрсатиш.** Сайлов жараёнинг мазкур босқичи сиёсий амалиётда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шу босқичда президентликка, депутатликка, сенаторликка, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига маслаҳатчи ва бошқа лавозимларга сайланиши мумкин бўлган шахслар доираси аниқланади.

Мамлакатимизда Олий Мажлис (Қонунчилик палатаси) депутатлигига, юқори палата Сенаторлигига, республика Президентлигига ва халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатилишида юқорида кўсатилган усулларни барчаси қўлланилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқаролар кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Сиёсий партия, сайлов кампанияси бошлаганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзод танлаш тартиби сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал қилгани ҳолда, ҳар бир округдан битта депутат, яъни 120 депутат кўрсатишга ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сайлаш ҳуқуқига эга эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб – қувватловчи имзони тўплаши (имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт) керак.

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугалланади.

Ташкил қилинган сайлов қўмитаси томонидан йиғилади ва номзод олдида мунтазам равишда ҳисоб беради. Юридик шахсларнинг сиёсий арбоблар ва партияларни молиялаштириши махсус қўмиталар орқали ошкор равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва шароитлар яратиб берилиб, депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши, номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакиллари ўзи белгилаши, депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидирлар. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб бориб, давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга тегишли вилоят,



туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади ва сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Улар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Шу билан бирга, сайлов компанияларида, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифода этишда партияларнинг роли доим ҳам бир хилда баҳоланавермайди. Кўп партиялилик принципи партия рўйхатлари (фракциялари) бўйича сайланган депутатлар жумласидан сиёсий уюшмалар ташкил этишда ўз аксини топади. Мазкур уюшмалар аҳоли турли табақаларининг парламентдаги сиёсий вакилликни таъминлабгина қолмасдан, балки бутун парламент ишининг ташкил этилишини яхшилашга ҳам кўмаклашади. Бунда, табиийки, жамиятнинг бир нечта кичик сиёсий партия ва гуруҳларга парчаланиши ва парламентда уларнинг анча тўлиқ вакиллиги парламент ишига салбий таъсир кўрсатиши: қарама-қаршиликлар натижасида (агар парламентда барқарор кўпчилик бўлмаса) парламентнинг ваколатлари жумласига киритилган муайян масалани ҳал қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлардан мустақил номзодлар 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 та (85,1%) сайловчи, жорий йил 9 январда эса 5400000 дан ортиқ, киши ёки такрорий

овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 % қатнашди.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,3% сайланди, Ўзбекистон Халқ демократик партиядан депутатларнинг 23,3% сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси сайланди. Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент тизимида фақат Қонунчилик палатасигина сиёсийлашган хусусиятга эга бўлгани боис, депутатлар бирлашмалари-фракция ва депутатлар гуруҳлари айнан мазкур палатада тузилади.

“Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасига номзод қўйилган хотин —қизлар жами 159 киши кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намоён этди, сиёсий етуклик, ақл заковатда рақибларидан қолишмади. Натижада қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18%ни хотин —қизлар ташкил

этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловларидагидан икки ярим баравар кўпдир.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6% ни ташкил этди.

Сайланган депутатлар орасида 18,3% —юрислар, 21,7% — иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% нодавлат нотажорат ташкилотлар вакиллари.

Бу ўзгаришлар энг аввало Қонунчилик палатасининг доимий, профессионал асосида иш олиб боришидир. Бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонига чиқади», - деб кўрсатади И.А.Каримов.

Бу палатага сайланган депутат сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, профессионал нуқтаи-назардан мана шу қонун чиқарувчилик, қонун яратувчилик ва қонун ижод қилиш ишиги мукамал етарли тайёргарликка эга бўлган шахслар бўлиши лозим.

**Овоз бериш.** Овоз бериш сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи бўлиб айнан шу босқичда ҳалқнинг хохиш иродаси амалга ошади. Одатда овоз бериш тадбири сайлов қонунчилигида батафсил баён этилади.

Овоз беришга сайловчилар рўйхатида турувчи фуқаролар шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан (қатор мамлакатларда сайлов карточкиси ёки овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар) йўл қўйилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки бир қатор мамлакатларда анъанавий сайлов бюллетенлари орқали овоз бериш билан бирга махсус машиналар воситасида ҳам овоз бериш амалиёти мавжуд. Махсус машиналар орқали овоз бериш сайловчиларни хохиш иродасини қандай кечаётганлигини кузатиш билан бирга сайлов натижаларини тезлик билан аниқлаш имконини беради, бу эса сайлов қонунчилигини бузилишини олдини олади деб ҳисобланади. Лекин

машиналар ҳам одамларга бўйсунди шунинг учун мутлақ қонуний овоз бериш жараёнини кафолатламайди.

Сайлов кунида ўзи рўйхатдан ўтган доимий яшаш жойида бўлмаган сайловчиларни овоз беришда қатнашишини ҳал қилиш масаласи ҳам жаҳоннинг турли мамлакатлари қонунчилигида турлича ҳал қилинган. Баъзи давлатларда бу масала (масалан Россия, Австрия) шахс агар сайлов кунида ўзи яшаш жойида бўлмаслиги мумкинлигини тасиқловчи ҳужжатни (масалан, хорижий давлатга билет) тақдим қилса сайловга қадар овоз бериши мумкин бўлади. Хорижий давлатларда доимий яшовчи фуқаролар ҳам сайловдан олдин ўз давлати элчихонасида овоз бериши мумкин. Кўпчилик давлатларда шундай ҳолатни ҳисобга олиб почта орқали овоз бериш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Германияда почта орқали овоз беришда сайловчи ўз вақтида сайлов округи раҳбарига (яъни округ сайлов органининг раисига) почта орқали овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси ва алоҳида муҳрланган конвертда сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда жўнатиши лозим. Агар почта сайлов кунида соат 18.00 га қадар етиб келса овоз берилган ҳисобланади. Сайловчи ўз гувоҳномасини сайлов бюллетенини ўз кўли билан тўлдирганлиги ҳақида қасамёд билан имзолаши лозим.

Сайлов кунида ўз доимий яшаш жойида бўлмайдиган сайловчиларни овоз беришининг яна бир усули – ишончли вакил орқали овоз беришдир. Француз Сайлов кодекси ишончнома орқали овоз бериши мумкин бўлган шахслар доирасини батафсил белгилаган, унга кўра хорижда бўлган, хизмат сафарида бўлган, сайловда бевосита қатнашишга соғлиғи йўл қўймайдиган ва бошқа фуқаролар ишончнома орқали овоз беришлари мумкин. Умумий сайловлардаги овоз бериш одатда бир кунда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида сайловларда овоз бериш жараёни сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади ҳамда сайлов куни соат 6:00 дан 20:00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов

комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади<sup>75</sup>.

Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида тўлдирилади. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради ва тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Ҳарбий қисмларда, санаторийлар дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

**Сайлов натижаларини аниқлаш.** Берилган овозларни ҳисоблаш аввал сайлов участкаларида сайлов тугаши билан дарҳол бошланади. Дастлаб ҳар бир сайлов округида берилган барча овозлар ҳисобланади, сўнгра бюллетенлар орасидан ҳақиқий эмас деб топилганлари чиқариб ташланади. Одатда қонунчилик билан қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган бўлади, шубҳали ҳолатлар участка сайлов органининг махсус баённомаси орқали ҳал қилинади.

Сайлов участкасида ҳисоблаб чиқилган овозлар юқори турувчи сайлов органига юборилади. Сайлов натижалари сайлов округи миқёсида, тегишли ҳолатларда ҳудудий ва марказий органлар миқёсида эълон қилинади. Турли

---

<sup>75</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни.2004 йил.27-август.38-модда

мамлакатларда бир хил овоз бериш жараёни бўлиб, унда тенг миқдорда сайловчилар қатнашган бўлса ҳам сайлов натижалари қўлланиладиган сайлов тизимига кўра турлича бўлиши мумкин.

Такрорий шунингдек, навбатдан ташқари ва алоҳида бир округларда сайлов ўтказилганда сайлов жараёнининг бир мунча соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин.

Республикамызда сайлов натижалари қуйидаги тартибда аниқланади, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси; округ бўйича сайловчилар умумий сонини; сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари варақлари сони аниқланади ва Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади. Ўз навбатида Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида округ сайлов комиссияси сингари ҳисоблаш жараёнини амалга оширгандан сўнг, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади. Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган ҳисобланади. Худди мана шундай сайлов натижаларини аниқлаш қоидаси Ўзбекистон Республикаси президентлигига сайлов ўтказишда ҳамда Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда ҳам амалга оширилади.

**Такрорий овоз бериш.** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига сайлаш учун икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни

олмаган бўлса сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловларда округ комиссияси тегишинча вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси мазкур қарор ҳақида округ сайловчиларини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайловлар асосий сайлов ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида, лекин камида ўн беш кун кейин ўтказилади, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига такрорий сайловлар асосий сайлов кунидан кейин икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган Республика Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод, такрорий овоз беришда рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи қатнашган ва бу номзодни ёқлаб берилган овозлар унга қарши берилган овозлардан ортиқ бўлган тақдирдагина сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига такрорий овоз бериш, агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг (ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари) қўшма мажлисларининг ўзида ўтказилади.

**Такрорий сайловлар.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан Ўзбекистон Республикаси президентлигига такрорий сайловлар сайлов ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш учун иккитадан кўп номзод қўйилмаган бўлса ва улардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини зарур

миқдорда олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Бунда комиссия сайловни янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Комиссиялар тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини такрор ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- А) Агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- Б) Агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса.

Иккинчи ҳолатда назарда тутилган вазиятларда такрорий сайлов сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ўтказилади. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига такрорий сайловлар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- А) Башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд эмас деб топилган бўлса;



Б) Агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

В) Агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга кўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса<sup>76</sup>.

Такрорий сайлов тегишинча Марказий, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчилар рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига такрорий сайлов кечи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

### **Ўзини-ўзи назорат саволлари:**

1. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
2. Сайлов тизими асосий мазмунини биласизми?
3. Сайлов тизими қандай турлари бор?
4. Актив ва пассив сайлов ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
5. Мажоритар сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятини айтинг?
6. Пропорционал сайлов тизими деганда нимани тушунасиз?
7. Марказий сайлов комиссиясининг вазифаси қандай?
8. Сайлов округини тузиш тартиби қандай амалга оширилади?
9. Сайлов участкасини ташкил этиш тартиби қандай?
10. Аралаш сайлов тизими қандай амалга оширилади?
11. Такрорий овоз бериш деганда нимани тушунасиз?

---

<sup>76</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонуни. 2004 йил. 27-август 46-модда.

12. Такрорий сайлов ўтказиш деганда нимани тушунасиз?
13. Депутатликка номзод кўрсатиш тартибини кўрсатинг?
14. Номзодларни аниқлаш тартиби қандай амалга оширилади?

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

### **I. Раҳбарий адабиётлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар**

- 1.1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. И.А.Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7 – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.5. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.10. И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи. 29 август 2001 йил.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократия тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.-420 б.
- 1.12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.
- 1.13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». / Президент И.А.Каримовнинг “Независимая газета” мухбирининг саволларига берган жавоблари / 2005 йил 14 январь / - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005. – 64 б.

## **II. Норматив –ҳуқуқий ҳужжатлар**

2.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ( 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон,2003.-40б..

2.5 Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида (Конституциявий қонуни. 2002 й 4 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси -2002Й. №4-5. 60-модда

2.6 "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуни. -Т.: "Ўзбекистон", 1999й 18 ноябр (2004 йил 3 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

2.7 Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни. -Т.: "Адолат", 1995. ((2004 йил 3 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

2.8 "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги" қонуни 2003 йил 29 августдаги тузатиш ва қўшимчалар киритилган. –“Халқ сўзи” 2003 йил 14 сентябр сони.

2.9 Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1999

2.10 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1995

## **III. Илмий адабиётлар**

- 3.1. Алебастрова И.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. .
- 3.2 Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов – М.: Издательская группа Норма – Инфра. М.: 1998.с.
- 3.3 Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожихонов, А.Х.Саидов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.
- 3.4 Каюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997 й..
- 3.5 . Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т. “Академия”, 2001 й..
- 3.6 Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси: сохта парламентдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т. 2000 й

#### **IV.Қўшимча адабиётлар.**

- 4.1. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт. – Т.: “Узбекистан”, 1993
- 4.2. Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент. ИИВ Олий мактаби, 1993.
- 4.3. Азизхўжаев. А..А. Давлатчилик ва маънавият. / Масъул муҳаррир О.Т.Хусанов/. – Т.: Шарқ, 1997.
- 4.4. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари, -Т., Университет, 1994 г.
- 4.5. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма/ Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов, Х.Азизов ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001. –128 б.

# ИЛОВАЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА 1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган

Муқаддима

Биринчи бўлим. Асосий принциплар

Иккинчи бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Учинчи бўлим. Жамият ва шахс

Тўртинчи бўлим. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши

Бешинчи бўлим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши

Олтинчи бўлим. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ. АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР**

I - боб. Давлат суверенитети

II - боб. Халқ ҳокимиятчилиги

III - боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги

IV - боб. Ташқи сиёсат

### **I БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ**

**1-модда.** Ўзбекистон - суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади.

**2-модда.** Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари - байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - Тошкент шаҳри.

### **II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ**

**7-модда.** Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида

кабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**8-модда.** Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

**9-модда.** Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

**10-модда.** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликларга Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**14-модда.** Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

### **III БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ**

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

**16-модда.** Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

### **IV БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ**

**17-модда.** Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

### **ИККИНЧИ БЎЛИМ ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

V - боб. Умумий қоидалар

VI - боб. Фуқаролик

VII - боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

VIII - боб. Сиёсий ҳуқуқлар

IX - боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

X - боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

XI - боб. Фуқароларнинг бурчлари

### **V БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий



келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

**20-модда.** Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

## **VI БОБ. ФУҚАРОЛИК**

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

## **VII БОБ. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР**

**24-модда.** Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

**25-модда.** Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

**26-модда.** Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

**27-модда.** Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

**29-модда.** Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

## VIII БОБ. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

**33-модда.** Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йигилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

**35-модда.** Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

## IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР

**36-модда.** Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

**37-модда.** Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

**38-модда.** Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

**39-модда.** Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

**40-модда.** Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**41-модда.** Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

**42-модда.** Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

## **Х БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

**43-модда.** Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**44-модда.** Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**45-модда.** Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

**46-модда.** Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

## **ХІ БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ**

**47-модда.** Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

**48-модда.** Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

**49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

**50-модда.** Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

**51-модда.** Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросинининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС**

XII - боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари

XIII - боб. Жамоат бирлашмалари

XIV - боб. Оила

XV - боб. Оммавий ахборот воситалари

### **XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ**

**53-модда.** Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.** Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда.** Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

### ХIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.** Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, шунингдек жаомат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

**59-модда.** Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

**62-модда.** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

## **XIV БОБ. ОИЛА**

**63-модда.** Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

**64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

**65-модда.** Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

**66-модда.** Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

## **XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ**

**67-модда.** Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

### **ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.**

## **МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ**

XVI - боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши

XVII - боб. Қорақалпоғистон Республикаси

## **XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ**

**68-модда.** Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

**69-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

## **XVII БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**70-модда.** Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

**71-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

**72-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

**73-модда.** Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тuzилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

**74-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

**75-модда.** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тuzилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муроасага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

## **БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

### **ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

XVIII - боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

XIX - боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти

XX - боб. Вазирлар Маҳкамаси

XXI - боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари



XXII - боб. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти  
XXIII - боб. Сайлов тизими  
XXIV - боб. Прокуратура  
XXV - боб. Молия ва кредит  
XXVI - боб. Мудофаа ва хавфсизлик

## **XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**

**76-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга кўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**78-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- 9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- 10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
- 11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;
- 12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тутатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;
- 17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- 18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;
- 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;
- 21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, коида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

**79-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**81-модда.** Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги чақирик Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сената мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон, Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

**82-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**83-модда.** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

**84-модда.** Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилали.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**85-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ, Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

**86-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чақиради уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

7) Сенат қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

**87-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан кўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан кўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

**88-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларига ва Сенати аъзоларига уларнинг депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## **XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ**

**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

**90-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри



сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

**91-модда.** Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

**92-модда.** Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

**93-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) Ҳавфсизлик вазиетлар (реал ташқи ҳавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида Ҳавфсизлик ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Ҳавфсизлик ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**94-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**95-модда.** Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

**96-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси ҳулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

**97-модда.** Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди

## **XX БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**

**98-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## **XXI БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ**

**99-модда.** Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

**100-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамгармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**101-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати - 5 йил.

**102-модда.** Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

**103-модда.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**104-модда.** Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

**105-модда.** Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## **XXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ҲОКИМИЯТИ**

**106-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**107-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент

шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, харбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

**108-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан - Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар.

**109-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**110-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

**111-модда.** Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**112-модда.** Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**113-модда.** Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**114-модда.** Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жаомат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**115-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**116-модда.** Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.



## XXIII БОБ. САЙЛОВ ТИЗИМИ

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

## XXIV БОБ. ПРОКУРАТУРА

**118-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**119-модда.** Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати - беш йил.

**120-модда.** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**121-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

## **XXV БОБ. МОЛИЯ ВА КРЕДИТ**

**122-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимиغا эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

**123-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

**124-модда.** Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini Республика Марказий банки бошқаради.

## **XXVI БОБ МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК**

**125-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуrolли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

**126-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуrolли кучларига эга.

## **ОЛТИНЧИ БЎЛИМ**

### **КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

**127-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

**128-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ**  
**ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**  
**4.01.2001й.**

Ҳаётимизнинг асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустақкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича комиссия тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилсин.

2. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда:

бир ой муддатда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсинлар;

2001 йил 1 апрелга қадар “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни 2001 йил 1 августга қадар яратсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етказишни ташкил этсинлар.

3. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирлик ва идоралар:

2001 йил 1 августга қадар “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълим ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрласинлар;

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курсларини ўқитишга киришсинлар;

курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият-маърифат кенгаши, Республика “Маҳалла” жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг

ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзтелерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, “Тасвирий ойина” уюшмаси оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий воситалар ташкил этсинлар.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**И.КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## КОНСТИТУЦИЈАНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТЕСТ С А В О Л Л А Р И

### 1. “Конституция” сўзининг луғавий маъноси нима?

- а) Конституция лотинча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “ўрнатаман” деган маънони беради
- б) Конституция грекча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “таъсис этаман” деган маънони беради.
- в) Конституция грекча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “белгилайман” деган маънони беради.
- г) Б,В жавоблар тўғри.
- д) Конституция лотинча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “тақиқлаш” деган маънони беради.

**2. Республика Олий Мажлиси қонунчилик палатаси мажлисида божхона, валюта ва кредит масалаларини қонуний тартибга солиш муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқишда Олий Мажлиси қонунчилик палатаси кўмита ва комиссиялар вакиллари, депутатлар сўзга чиқди. Кейинчалик Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида қабул қилинган Президент фармонлари тасдиқланди. Олий Мажлиси қонунчилик палатаси мажлиси танаффусларида депутатлар фикр алмашишди ва журналистларга интервью бердилар. Олий Мажлис қонунчилик палатаси мажлисларидаги қайси муносабатлар конституциявий ҳуқуқнинг предметини ташкил қилмайди?**

- а) Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва комиссиялари вакиллари ўртасидаги муносабатлар.
- б) Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва депутатлар ўртасидаги муносабатлар.
- в) депутатлар билан журналистлар ўртасидаги муносабатлар.
- г) Президент фармонларини тасдиқланиши.
- д) божхона, кредит, валюта масалаларини қонуний тартибга солиш.

**3. Ким ёки қайси орган референдум ўтказиш ташаббуси ҳуқуқига эга?**

- а) Республика Вазирлар Маҳкамаси
- б) Республика фуқароси.
- в) Республика Олий Мажлиси Сенати.
- г) Марказий сайлов комиссияси раиси.
- д) А,Б,В.

**4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов қачон ўтказилади ?**

- а) 1 ой мобайнида
- б) 2 ой мобайнида
- в) 3 ой мобайнида
- г) 6 ой мобайнида
- д) 5 ой мобайнида

**5. Ўзбекистон Республикасида Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда қандай йўл тутилади?**

- а) давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади
- б) Президент ваколат муддати бир йилга узайтирилади
- в) Марказий сайлов компанияси бу масалани ҳал қилади
- г) Конституциявий суд бу масалани ҳал қилади
- д) тўғри жавоб йўқ.

**6. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг камида неча нафар аъзоси фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиши мумкин?**

- а) 1 нафар
- б) 10 та
- в) 9 та
- г) 5 та
- д) 15 та

**7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонуни қачон қабул қилинган.**

- а) 2002 йил 4 апрель
- б) 2002 йил 12 декабрь
- в) 2003 йил 29 август
- г) 2003 йил 30 август
- д) 2002 йил 10 декабрь

**8. Ўзбекистон Республикасида қайси сайлов комиссияси вакиллик органининг ваколат муддатига сайланади.**

- а) участка сайлов комиссияси
- б) округ сайлов комиссияси
- в) марказий сайлов комиссияси
- г) доимий комиссия
- д) мандат комиссияси.

**9. Ўзбекистон Республикаси фуқораси К. Афғонистон фуқорасига турмушга чиқиб унинг ватанига доимий яшаш учун кетди. Аммо**



**фарзанд кўриш чоғида у Ўзбекистонга келди. Туғилган фарзанд қайси давлат фуқароси булади?**

- а) Ўзбекистон фуқароси
- б) Афғонистон фуқароси
- в) Фуқороликка эга бўлмаган шахс.
- г) Отаси ёки онасининг розилиги билан белгиланади.
- д) Фақат онасининг розилиги билан белгиланади.

**10. Ўзбекистонда таълим олаётган чет эллик талаба Ўзбекистон фуқаросини фарзандликка олди. Ҳақиқат**  
**муддати тугагач у ўз ватанига қайтиб кетди.**

**Боланинг фуқаролиги қандай белгиланади?**

- а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги сақланади
- б) Бола қилиб олган ота-онасининг фуқаролигига ўтади..
- в) Фуқороликка эга бўлмаган шахс мақомини олади.
- г) балоғат ёшига етгандан сўнг унинг розилиги сўралади.
- д) боланинг қариндошларини розилиги билан белгиланади.

**11. Чет эл фуқоролари ва фуқороликка эга бўлмаган шахслар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланмайди?**

- а) шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар.
- б) сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар.
- в) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.
- г) бурч ва мажбуриятлардан.
- д) шахсий ва сиёсий ҳуқуқлардан.

**12. Ўзбек миллатига мансуб бўлган чет эл фуқароси Ўзбекистон элчихонасига уни Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишни илтимос қилиб ариза билан мурожат қилди.**

**Бу масалани ким хал қилади?**

- а) Ўзбекистон Республикаси элчихонаси.
- б) Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири.
- в) Республика Президенти.
- г) Ўзбекистон ИИВ
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

**13. Ўзбекистон Республикасида қандай жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади?**

- а) фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари
- б) ижодий уюшмалар
- в) диний жамиятлар ва уюшмалар.

- г) сиёсий партиялар
- д) диний партиялар

**14. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мулкчилик ҳақидаги қонунида қандай мулк шакллари илк бора мустақамланган?**

- а) давлат
- б) аралаш
- в) хусусий
- г) шахсий
- д) жамоа

**15. Тошкент вилоятига жойлашган туманга бўйсунувчи Б. шаҳри вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига ўтказилди. Ўзбекистоннинг қайси давлат органи бу масалани ҳал қилади.**

- а) Вилоят хокими
- б) Республика Президенти
- в) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
- г) Олий Мажлис Сенати
- д) Олий Мажлис палаталари.

**16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70- моддасига мувофиқ суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига қиради.**

**Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай ҳужжатлар асосида тартибга солинади?**

- а) Декларациялар билан
- б) шартномалар билан
- в) қарорлар билан
- г) қонунлар билан
- д) баёнотлар билан

**17. Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши қай тартибда ҳал қилинади?**

- а) Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилик органи қарори асосида
- б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси қарори билан
- в) Ўзбекистон Республикаси халқининг розилиги билан.
- г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори асосида
- д) Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида.

**18. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақолпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар қандай ҳал қилинади?**

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан

в) Мурасага келтирувчи воситалар ёрдамида.

г) Жуқори Кенгеш ва Олий Мажлис томонидан

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

**19. Ўзбекистон фуқороси неча ёшдан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига депутат бўлиб сайланиши мумкин?**

а) 18 ёшдан                      б) 21 ёшдан

в) 25 ёшдан                      г) 23 ёшдан

д) 20 ёшдан

**20. Фуқаро М. Сайловчилар рўйхатида ўз фамилиясини нотўғри ёзилганлигини билиб қолди.**

**Сайловчи қайси органга мурожаат қилиши керак?**

а) Хокимликка

б) судга

в) участка сайлов комиссиясига

г) округ сайлов комиссиясига

д) Марказий сайлов комиссиясига.

**21. “Конституциявий ҳуқуқ” ва “Давлат ҳуқуқи” атамаларидаги ўзаро алоқадорлик нимада?**

А) “Конституциявий ҳуқуқ” “давлат ҳуқуқи”га нисбатан кенг тушунча.

Б) “Давлат ҳуқуқи” “конституциявий ҳуқуқ”га нисбатан кенг тушунча.

В) Улар бир-биридан бутунлай бошқа-бошқа тушунчалар.

Г) шаклан ҳар хил, лекин мазмуни бир хил. Синонимлар.

Д) Синонимлар. Аммо, уларнинг фарқи ҳажмида.

**22. Умумий ва “конкрет” бу-**

А) Конституциявий ҳуқуқ нормалари.

Б) Конституциявий ҳуқуқ институтлари.

В) Функциялар.

Г) Конституциявий ҳуқуқ тамойиллари.

Д) Конституциявий ҳуқуқ муносабатлари.

**23. Конституцияга тузатиш ва ўзгартириш киритувчи ҳуқуқий нормалар -**

- А) Оддий қонун.
- Б) Ординар қонунлар.
- В) Органик қонунлар.
- Г) Конституциявий қонунлар.
- Д) Асосий қонунлар.

**24. Суд прецеденти ўзида .... акс эттиради.**

- А) Кўриб чиқилишида мажбурий деб қабул қилинган кейинги аналогик, конкрет ишлар бўйича суд қарори.
- Б) Кўриб чиқилишида мажбурий деб тан олинган ёки кейинги аналогик ишларни кўриб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган, аниқ бир иш бўйича суд қарори.
- В) Суднинг баъзи бир ишлар бўйича қарори.
- Г) Парламент прецеденти.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

**25. Юридик, сиёсий , диний ...?**

- А) Фандаги асосий йўналишлардир.
- Б) Асосий илмий мактаблар.
- В) Фаннинг асосий вазифалари.
- Г) Фаннинг асосий услублари.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

**26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати нечта сенатордан иборат?**

- А)120та.
- Б)100та.
- В)220та.
- Г)84та.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

**27. XVIII аср охирларида конституция яратишдан асосий мақсад?**

- А) Давлат тузилишини аниқлаб берадиган асосий қонун зарур эди.
- Б) Давлатнинг асосий сиёсатини аниқлаб берадиган асосий қонун зарур эди.
- В) Ташқи душманлардан ҳимояланиш учун.
- Г) Инсонларнинг озодлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти ўзбошимчалигидан уларни ҳимоя қила оладиган асосий қонун зарур эди.
- Д) Бутун давлат озодлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган асосий қонун зарур эди.

**28. Республикамиз Конституциясига биринчи ўзгартириш қачон киритилди?**

- А) 1993 йил 28 декабрь
- Б) 1994 йил 5 май
- В) 2003 йил 24 апрель
- Г) 2002 йил 27 январь
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

**29. Кодификация қилинмаган Конституциялар мисолига .... Конституциялари киради.**

- А) АҚШ, Франция.
- Б) Италия, Испания.
- В) Исроил, Англия..
- Г) Швеция, Финляндия.
- Д) Исроил, Швеция.

30. Англия Конституциясининг ёзилмаган қисми.

- А) Суд қарорлари, доктриналар.
- Б) Суд қарорлари ва ҳуқуқий урф-одатлар.
- В) Суд қарорлари, доктрина ва статуслар.
- Г) Суд қарорлари, доктрина ва ҳуқуқий одатлар.
- Д) Доктриналар, статутлар, ҳуқуқий одатлар.

**31. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қандай актлар қабул қилинади?**

- а) буйруқ, қарор, қонун, конституциявий қонун, Конституция
- б) қонун, баённома, фармон, низом ва Конституция
- в) Баённомалар, қарорлар, буйруқлар, декларациялар, қонунлар
- г) қарор, декларация, қонун, конституция, низом, конституциявий қонунлар
- д) декларация, шартнома, битимлар, фармон ва фармойишлар

32. Қайси давлатнинг Конституциясини оддий қонун қабул қилиш йўли билан ўзгартирса бўлади?

- А) АҚШ.
- Б) Франция.
- В) Россия.
- Г) Германия.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

33. Қайси давлатда конституциявий назорат институти мавжуд эмас?

- А) Германияда.

- Б) Францияда.
- В) АҚШ да .
- Г) Буюк Британияда.
- Д) Италияда.

**34. Меҳнат -қандай муносабатлар гуруҳига киради?**

- А) Ижтимоий.
- Б) Иқтисодий.
- В) Сиёсий.
- Г) Маънавий-маданий.
- Д) Ҳуқуқий.

**35. Ҳокимларнинг ваколат муддати қанча?**

- А) 2 йил
- Б) 3 йил
- В) 4 йил
- Г) 5 йил
- Д) муддат белгиланмайди

**36. Маҳаллий Кенгашлар биринчи сессиясини ким очади?**

- А) Ҳоким
- Б) Сайлов комиссияси раиси
- В) Энг ёши улуғ депутат
- Г) Ҳоким ўринбосари
- Д) тўғри жавоб йўқ

**37. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар ифодаланишининг асосий усуллари қайси?**

- А) Ижобий ва чекловчи.
- Б) Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган.
- В) Моддий ва тадбирий.
- Г) Ижобий томон ва салбий томон.
- Д) Яхши ва ёмон.

**38. Конституциоанализмнинг 1789 йилдаги “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция (француз) декларацияси”да акс эттирилган иккита асоси?**

- А) Ҳокимият тақсимланиши халқ суверенитети.
- Б) Давлат суверенитети ва халқ суверенитети.
- В) Ҳокимиятни бўлиниши ва қонун устиворлиги.
- Г) Ҳокимиятни бўлиниши ва ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш.
- Д) Ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш, давлат суверенитети.

39. Фуқароликка тиклаш натурализациядан нимаси билан фарқланади?

- А) Фарқи йўқ.
- Б) Қайта тиклаш муаммосини анча қисқартирилган тартибда ҳал қилиниши.
- В) Қайта тиклаш манфаатдор шахс томонидан бўлган саъй-ҳаракат билан амалга оширилади.
- Г) Натурализация қонунда белгиланган ҳолатларда амалга оширилади.
- Д) Барча жавоблар тўғри.

40. Ўз фуқаросини ёки чет эл фуқаросини бошқа бир давлатга тутиб бериш...

- А) Экпатриация.
- Б) Ex tune
- С) Ex nunc
- Г) Экстрадиция.
- Д) Барча жавоблар тўғри.

**41. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тامينлашда иқтисодий ва моддий кафолат қандай ифодаланади?**

- а) Меҳнатга адолатли иш ҳақи миқдорини давлат томонидан белгилаб қўйилганлиги
- б) Кам таъминланган оилаларнинг давлат томонидан моддий муҳофаза этилиши;
- в) Мулкларнинг тенг ҳуқуқлигини давлат томонидан муҳофаза этилиши;
- г) Уруш ва меҳнат ногиронларига давлат томонидан имтиёзлар бериб нафақалар белгиланади;
- д) а,б,в,г, тўғри.

**42. Сенат фаолиятининг ташкилий шакли бу -?**

- а) мажлис;
- б) сессия;
- в) йиғин;
- г) қурултой;
- д) съезд.

**43. Сенат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг тартиби қайси ҳужжатда белгиланади**

- а) қонунларда ;
- б) Конституцияда;
- в) Сенат Регламентида;
- г) йўриқномаларда;

- д) в,г жавоблар тўғри.
- 44. Ўзбекистон фуқаролигини йўқотган шахс Республика фуқаролигига тикланиши мумкинми?**
- а) Ха;
  - б) Йўқ;
  - в) Агар у бошқа давлатнинг фуқаролигини олмаган бўлса;
  - г) 5 йил Республикада яшаган бўлса;
  - д) Республикада қўшма корхона очган бўлса.

**45. Маҳалла оқсолларининг ваколат муддати ...**

- а) 2 йил 6 ой
- б) 3 йил
- в) 5 йил
- г) 1 йил
- д) тўғри жавоб йўқ

**46. Ўзбекистон Республикасида Бош вазир - ...**

- а) Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади
- б) ижро ҳокимияти бошлиғи
- в) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади
- г) Президентнинг вакили
- д) А ва В жавоблар

**47. Ўзбекистон Республикаси Президенти ...**

- а) Давлат бошлиғи
- б) Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи
- в) Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади
- г) Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Бош кўмондони
- д) Барча жавоблар тўғри

**48. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари ...**

- а) кенгашиб ишлаш
- б) демократизм ва ижтимоий адолат
- в) қонунийлик
- г) демократик централизм
- д) а, б, в

**49. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланмаган ташқи сиёсатнинг асосий принципларини кўрсатинг?**

- а) куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик



- б) чегаралар дахлсизлиги
- в) низоларни тинч йўл билан ҳал қилдиш
- г) ҳамкорлик
- д) барчаси тўғри

**50. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари қайси ҳужжатларда белгиланган бурчларни адо этадилар ?**

- а) Конституция ва қонунларда
- б) Халқаро шартномалар билан белгиланган
- в) чет эл қонунлари бўйича
- г) а, б жавоблар тўғри